

СУД ИШИНИ АДОЛАТЛИ
КЎРИБ ЧИҚИШГА

ОИД

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

ВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

ҲУҚУҚШУНОСЛАР УЧУН АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА



Халқаро
юристар
комиссияси

Халқаро юристлар комиссияси

Халқаро юристлар комиссияси (ХЮК) нодавлат ташкилоти бўлиб, бутун жаҳонда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг қонуний ҳимояла-нишини тушуниш ва унга риоя қилишни тарғиб қилишга содиқдир. Унинг қароргоҳи Женевада (Швейцарияда) жойлашган, айти пайтда ХЮК дунё-нинг турли мамлакатларида миллий бўлинмаларга ва бўйсинувчи ташки-лотларга эга. ХЮК БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашида (ЭКОСОС); Бирлашган Миллатлар ташкилотининг маориф, фан ва маданият масала-лари ташкилоти (ЮНЕСКО), Европа Кенгаши ва Африка иттифоқида мас-лаҳатчи мақомига эга ҳамда Америка давлатлари Ташкилотининг турли идоралари билан ҳамкорлик қилади.



P.O. Box 91
33 Rue des Bains
CH-1211 Geneva 8
Switzerland
E-mail: info@icj.org
www.icj.org

Суд ишини адолатли
кўриб чиқишга оид
халқаро стандартлар
ва Ўзбекистон Республикаси
жиноят процесси

Ҳуқуқшунослар учун амалий қўлланма

© Муаллифлик ҳуқуқи Халқаро юристлар комиссиясига тегишли

ХЮК муаллифлик тегишли тарзда тан олинган ҳамда қўлланилган парча нашр этилган нусхаси ташкилотнинг қуйидаги манзилдаги қароргоҳига йўлланган ҳолда ўз нашрларининг исталган қисмидан эркин фойдаланишга рухсат беради:

International Commission Of Jurists

P.O. Box 91

33 Rue des Bains

CH-1211 Geneva 8

Switzerland

E-mail: info@icj.org

www.icj.org

© Суд ишени адолатли кўриб чиқишга оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси жиноят процесси.

ISBN: 92-9037-157-9

Женева, 2011 йил.

Суд ишини адолатли
кўриб чиқишга оид
халқаро стандартлар
ва Ўзбекистон Республикаси
жиноят процесси

Ҳуқуқшунослар учун амалий қўлланма

Ушбу қўлланма Гулнора Ишанханова томонидан Тимур Шакиров ва Роушин Пиллей ҳамкорлигида ёзилган, Иан Сайдерман нашрнинг юридик шарҳини амалга оширди.

Мазкур қўлланма ХЮКнинг 2009 йилда Женевада нашр этилган, Пол Ричманд ва Федерико Андро-Гузман томонидан ёзилган ҳамда 2010 йилда рус тилига таржима қилинган «Жиноий ишни кўриб чиқиш жараёнини кузатиш бўйича қўлланма» (5-сонли Амалий қўлланма)нинг қисман мослаштирилган нашридир.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ	1
Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларига риоя қилиш соҳасидаги халқаро мажбуриятлари	2
1-БОБ. ОДИЛ СУДЛОВ СТАНДАРТЛАРИ, УЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ИФОДАЛАНИШИ	7
1. Қонун ва суд олдида тенглик ҳуқуқи	7
2. Суд ишини адолатли кўриб чиқиш ҳуқуқи	11
3. Мустақил суд	15
4. Холис суд тамойили	20
5. Суднинг ваколатлилиги тамойили	26
6. Айбловчининг роли	28
7. Юрист касбининг мустақиллиги	32
2-БОБ. ЖИНОИЙ ИШНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ДОИРАСИДА ҚЎЛГА ОЛИШ ВА СУДГАЧА ҲИБСГА ОЛИШГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СТАНДАРТЛАР	41
1. Озодлик ҳуқуқи ва ўзбошимчалик билан қўлга олишнинг тақиқланиши	41
2. Ушлаб туриш сабаблари ва ҳар қандай айбловлардан хабардор бўлиш ҳуқуқи	51
3. Ўз ҳуқуқларидан хабардор бўлиш ҳуқуқи	53
4. Судгача юридик ёрдам олиш ҳуқуқи	57
5. Ҳимояни тайёрлаш учун етарли вақт ва имконият берилиши ҳуқуқи	65
6. Инкоммуникадо (ташқи олам билан мулоқотсиз) сақланмаслик ҳуқуқи	68
7. Суд ваколатларини амалга оширувчи шахс ҳузурига дарҳол етказилиш ҳуқуқи	72
8. Қўлга олишнинг қонунийлиги юзасидан тортишиш	76

9. Оқилона муддатда суд ишининг кўриб чиқилиши ҳуқуқи	79
10. Суриштирув, шу жумладан сўроқ пайтидаги ҳуқуқлар	83
11. Қонун томонидан тан олинган жойда ҳибсда сақланиш ҳуқуқи	88
12. Ҳибсга олиниш пайтида инсоний муносабатда бўлиниши ва қийноқлардан озод бўлиш ҳуқуқи	90
3-БОБ. СУД ИШНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СТАНДАРТЛАР	101
1. Суд ишининг адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқи	101
2. Ишнинг ошкора кўрилиши ҳуқуқи	105
3. Айбсизлик презумпцияси	109
4. Қўйилган айбдан дарҳол хабардор қилиниш ҳуқуқи	112
5. Ҳимояланиш ҳуқуқи	115
6. Таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи	122
7. Суд ишини кўриб чиқишда шахсан иштирок этиш ҳуқуқи	125
8. Томонларнинг тенглиги ҳуқуқи (томонлар тенглиги тамойили)	129
9. Гувоҳларни чақириш ва сўроқ қилиш ҳуқуқи	133
10. Ўзини айбдор деб тан олишга ёки ўзига қарши кўрсатма беришга мажбурланмаслик ҳуқуқи	136
11. Қонунга хилоф усуллар, шу жумладан қийноққа солиш ёки шафқатсиз муомала орқали олинган далилларни истисно қилиш	139
12. Асоссиз кечиктиришсиз суд ишининг кўриб чиқилиши ҳуқуқи	143
13. Қонунийлик тамойили (Nullum crimen sine lege)	146
14. Жиноий ҳуқуқнинг ретрофаол қўлланилишининг тақиқланиши (Жиноий қонунчиликнинг ўтмишга нисбатан қўлланилишини тақиқлаш тамойили)	150
15. Такроран жиноий жавобгарликка тортишнинг тақиқланиши (Ne bis in idem)	151

16. Ошкора ва асосли суд қарорига бўлган ҳуқуқ	155
17. Жиноят содир қилиш пайтида қўлланиладиган жазодан кўра оғирроқ жазога тортилмаслик ҳуқуқи, ва кейинчалик қонун томонидан белгиланган енгилроқ жазо тайинланиши ҳуқуқи	159
18. Халқаро стандартларга хилоф бўлган жазога тортилмаслик ҳуқуқи	161
19. Апелляция ҳуқуқи	165
ХОТИМА	174
ИЛОВАЛАР	175

Сўзбоши

Ушбу амалий қўлланма амалиётчи юристлар, жиноий ишларни кўриб чиқишга жалб қилинган бошқа шахслар, шу жумладан, судьялар ва прокурорлар, шунингдек, юридик йўналишдаги олий ўқув юртинининг талабалари, аспирантлари ва ўқитувчиларини ҳибсга олиш, қамоқда сақлаш ва суд ишини адолатли кўриб чиқишга оид замонавий халқаро стандартлар, ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси миллий жиноий-процессуал қонунчилигини тегишли моддаларида акс эттирилиши билан таништириш мақсадида тайёрланган.

Ушбу услубий қўлланманинг яратилишида Халқаро юристлар комиссияси томонидан тайёрланган ва тўрт тилга, шу жумладан, рус тилига таржима қилинган «Жиноий ишни кўриб чиқиш жараёнини кузатиш бўйича қўлланма»дан фойдаланилган. Амалий қўлланма жиноят судлов жараёнида одил судловга ва тегишли ҳуқуқий жараёнларга тааллуқли бўлган халқаро норма ва стандартларнинг тизимлаштирилган шарҳини таклиф этади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш идоралари томонидан халқаро ва минтақавий миқёсда ишлаб чиқилган халқаро нормалар, стандартлар, суд амалиёти унинг асосий манбалари ҳисобланади. Қўлланмада суд ишлари бўйича қабул қилинган қарорлар ҳимоячининг миллий органлар томонидан стандартларга ва ҳуқуқларга риоя қилиш зарурлиги тўғрисидаги хулосаларини асослашда, ҳамда БМТнинг турли органларига хабарлар ва мурожаатлар тақдим этишда суд прецеденти сифатида фойдаланилиши учун келтирилган. Нафақат адолатли суднинг тамойиллари ва стандартлари, айни пайтда уларнинг қандай халқаро шартномалар ва миллий қонунчилик меъёрларида белгилаб қўйилгани, уларнинг шарҳланиши, халқаро органлар томонидан тушунилиши ва халқаро стандартлар билан ҳимояланиши алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Жиноий ишни кўриб чиқиш жараёнида одил судловга бўлган ҳуқуқ расмий айблов эълон қилинган пайтдан эмас, балки давлат шахсни эркин ҳаракатланишига жиддий тарзда тўсқинлик қилган пайтдан ёки келгусида жиноий таъқиб қилиш эҳтимоли сақланган ҳолда шахсга ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилиш учун бошқа чоралар қўлланган пайтдан бошланади¹. Демак, ҳар қандай шахсга нисбатан одил судлов кафолатлари тергов ҳаракатлари бошланган пайтдан, суд ишини кўриб чиқиш жараёнидаги якуний қадамларгача таъминланиши керак, бунга шу жумладан, суд ҳукми устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам киради. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, судгача, суд жараёнида ва суддан кейинги ҳаракатларни ҳар доим ҳам аниқ ажратиб бўлмайти, ҳамда бирон бир босқичда айбланувчи ҳуқуқларининг бузилиши суднинг кейинги босқичларида салбий таъсир қилиши, шу жумладан, одил судловни амалга оширилишига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Суд ишини

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди: *Имбриоша Швейцарияга қарши*, № 13972/88 шикоят, 1993 йил 24 ноябрдаги қарор, 36-банд; *Джон Мюррей Бирлашган Қиролликка қарши*, № 18731/91 шикоят, 1996 йил 8 февралдаги қарор, 62-банд; *Берлинский Польшага қарши*, №№ 27715/95, 30209/96 шикоятлар; 2002 йил 20 январдаги қарор, 75-банд.

адолатли кўриб чиқиш соҳасидаги стандартларни судгача, суд жараёнида ва суддан кейинги ҳаракатлар нуқтаи назаридан баҳолаш кўпинча бутун суд жараёни давомида долзарб аҳамиятга эга бўлган масалаларни аниқлаш имконини беради.

Ушбу қўлланманинг 1-бобида суд мустақиллиги, холислиги ва ваколатлилиги умумий тамойиллари санаб ўтилган, шунингдек жинсий ишни кўриш жараёнида айбловчиларнинг роли ва адвокатлик касбининг мустақиллиги тушунчаси очиб берилган. 2-бобда ишни судгача кўриб чиқиш стандартлари таърифланади. 3-бобда суд ишини кўриб чиқиш (шу жумладан апелляция тартибда) стандартлари таҳлил қилинган. Ҳар бир бобда амалиётчи ҳуқуқшуносларга юқорида санаб ўтилган одил судлов стандартларидан амалиётда фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларига риоя қилиш соҳасидаги халқаро мажбуриятлари

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 60-дан ортиқ халқаро шартномаларни, шу жумладан, ЕХҲТ шартномаларини имзолаган, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олтита шартномавий органларида иштирок этади ва уларга 20-тадан ортиқ миллий маърузалар тақдим қилинган². Ўзбекистон Ҳукумати БМТнинг уставига оид, шартномавий органлари, ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг махсус процедура ва механизмлари билан мулоқот олиб боради³.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига 2008 йилда универсал даврий кузатиш учун тақдим қилинган биринчи миллий маърузасида Ўзбекистон Республикаси шуни маълум қилдики, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсат қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилади:

- i. инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф қилинган ғоялар ва қадриятларга, шунингдек инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқлик;
- ii. давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсати ҳуқуқий давлатчилик ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга асосланган асосий миллий манфаатлардан келиб чиқади;
- iii. шахс манфаатлари устуворлиги шароитида Ўзбекистон Конституциясида мустақкамлаб қўйилган шахс, жамият ва давлат манфаатлари мувозанати тамойили;
- iv. амалга ошириладиган барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва суд ислохотларининг эволюцион, босқичма-босқич ва тизимли характери;

² Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг № 5/1 резолюциясининг иловаси 15 а) бандига кўра тақдим қилинган Миллий маъруза, Ўзбекистон, 2008 йил 1–15 декабр, А/HRC/WG.6/3/UZB/1, 19-банд.

³ Ўша жойда.

- v. алоҳида фуқаролар тоифаларининг: болалар, ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва ёши катта авлоднинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устуворлиги;
- vi. ошкоралик ва транспарентлилик;
- vii. давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ билан ижтимоий ҳамкорлиги;
- viii. инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаол халқаро ҳамкорлик⁴.

Ўзбекистон Республикаси шу тарзда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқлигини ҳамда ўзи қўшилган халқаро шартномаларга риоя қилиши зарурийлигини тасдиқлади. Халқаро мажбуриятларни ижро этишга йўналтирилган сўнгги ижобий ислохотлар орасида қуйидаги институционал ўзгаришларни қайд этиш зарур: қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши⁵, жиноий процесда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш⁶, Миранда қоидасини⁷ ва қўлга олинган шахснинг қўнғироқ қилиш ҳуқуқини⁸ жорий этиш ва ҳ. к. Бу борада ЎзР Олий Суди Пленуми ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади, уларда қийноқлар тушунчаси БМТнинг қийноқларга қарши Конвенциясига⁹ кўра белгиланади, шунингдек судларга Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясига асосланган ҳолда айбсизлик презумпцияси тамойилига ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактга (ФСХҲП)¹⁰ риоя қилиш зарурлиги юзасидан кўрсатма берилган.

Ўзбекистон маърузасида шундай деб таъкидланган: «...Олий суд Пленуми томонидан қабул қилинадиган қарорлар ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжатлари бўлиб, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари учун мажбурий ҳисобланади. Олий суд Пленумларида шахсий дахлсизлик ва қийноқларга қарши курашга алоҳида эътибор қаратилади...»¹¹ Бундан

⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг № 5/1 резолюциясининг иловаси 15 а) бандига кўра тақдим қилинган Миллий маъруза, Ўзбекистон, 2008 йил 1–15 декабр, А/НRC/WG.6/3/UZB/1, 12-банд.

⁵ Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида, Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 15 июнда қабул қилинган, Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланган.

⁶ ЎзР «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни, Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган, мамлакат Президенти томонидан 2008 йил 31 декабрда тасдиқланган, № ЎРҚ-198, 2009 йил 1 январдан кучга кирган.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги қонуни, № ЎРҚ-198, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, № 52, 514-бет.

⁸ Ўша жойда.

⁹ ЎзР Олий суди Пленумининг «Гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2003 йил 19 декабрдаги № 17 қарори.

¹⁰ ЎзР Олий судининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги 1997 йил 2 майдаги № 2 қарори.

¹¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг № 5/1 резолюциясининг иловаси 15 а) бандига кўра тақдим қилинган Миллий маъруза, Ўзбекистон, 2008 йил 1–15 декабр, А/НRC/WG.6/3/UZB/1, 18-банд.

ташқари, БМТга тақдим қилинган асосий ҳужжатида¹² Ўзбекистон шундай деб қайд этади: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари¹³ турли босқич судларида халқаро шартномалар қоидаларига мурожаат этишга ҳақли»¹⁴.

ФСХҲП БМТнинг бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган ва 1976 йил 23 мартда кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда ФСХҲПни ва Пактга оид биринчи Факультатив протоколни (ФП) ратификация қилган. Ушбу шартномага қўшилгач, Ўзбекистон ўз зиммасига Пактда белгилаб берилган ҳуқуқларни таъминлаш бўйича халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни олган. Буларга, хусусан қуйидагилар кирази: ўзининг ҳудудидаги ва ўз юрисдикциясида бўлган барча шахсларни ҳурмат қилиш ва уларнинг Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва таъминлаш (2.1 модда), Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлиши мумкин бўлган қонунчилик ёки бошқа тадбирларни қабул қилиш учун керакли чораларни кўриш (2.2 модда); Пактда тан олинган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар бир шахсни, агар бу ҳол расмий сифатда ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситалари билан таъминлаш (Пактнинг 2.3 (а) моддаси).

Бунда нафақат Конституцияда, балки ЎЗРнинг барча қонунлари ва кодексларида халқаро меъёрлар миллиқ меъёрлар билан зиддиятга киришганда, халқаро меъёрларнинг устуворлигини кафолатловчи қоида кўзда тутилган. ЎЗР Асосий ҳужжатида қайд этилганидек: «Ҳар бир янги қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатида кўзда тутиладиги, Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномага кўра ушбу қонунчиликдаги қоидадан ўзгача қоида кўзда тутилган бўлса, уни шархлашда халқаро ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиқиш ва уларга амал қилиш керак. Шу тарзда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ меъёрларининг ички қонунчилик меъёрларидан устуворлигини тан олади»¹⁵. Халқаро меъёрларнинг устуворлиги жинойий-процессуал қонунчиликда ҳам кафолатланган¹⁶:

¹² Аъзо-давлатлар маърузаларининг қисми ҳисобланадиган Асосий ҳужжат, HRI/CORE/1/Add.129, 2004 йил 10 март, 81-банд.

¹³ Бу ҳужжатда шахслар доираси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чегараланган.

¹⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашга топширилган Миллий маърузанинг 20-бандида (11-ҳаволага қаранг), дейилади: «Конституцияга мувофиқ, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларининг миллий меъёрлардан устунлиги эълон қилинган. Аммо Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар автоматик тарзда миллий қонунчиликнинг қисмига айланмайди. Халқаро шартномаларнинг қоидалари миллий қонунчиликка ўзгартиришлар киритилишини ёки янги қонун қабул қилинишини талаб қилади».

¹⁵ Аъзо-давлатлар маърузаларининг қисми ҳисобланадиган Асосий ҳужжат, HRI/CORE/1/Add.129, 2004 йил 10 март, 80-банд.

¹⁶ ЎЗР ЖПКнинг ажнабий фуқароларга ва фуқаролиги йўқ шахсларга нисбатан жинойий-процессуал қонунчиликнинг амал қилишини тартибга солувчи 4-моддасида шундай дейилади: «Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодексга мувофиқ олиб борилади. Иммуниетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро шартномалар ва битимларга зид келмайдиган ҳолларда қўлланилади».

«Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъий назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади»¹⁷.

Айни пайтда 2010 йил 25 мартда Қўмита Ўзбекистоннинг учинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш натижалари бўйича Якуний мулоҳазаларида шундай деб қайд этади: «1995 йил 25 декабрдаги халқаро шартномалар тўғрисидаги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон иштирокчиси бўлган халқаро шартномалар тўғридан-тўғри ва мажбурий тарзда амалга оширилиши зарур, ва аъзо давлатнинг маърузаси ва ёзма жавобларидаги мунозарали ҳолларда халқаро ҳуқуқнинг ички ҳуқуқдан устуворлиги тўғрисидаги баёнотини эътиборга олади, айни пайтда у (Қўмита) ҳанузгача Пакт қоидаларидан етарли даражада хабардор эмаслик ҳолати борлигидан ва ундан ички ҳуқуқий тизим доирасида қўлланилишидан ташвишланади» (2-модда)¹⁸. Қўмита Ўзбекистонга: «Ҳокимият органлари, шу жумладан, судлар Пактда кўзда тутилган ҳуқуқлар ва эркинликлар тўғрисида, ва уларни самарали амалга ошириш бўйича мажбуриятларидан ҳар томонлама хабардор қилиниши юзасидан чоралар кўриш»ни тавсия қилди¹⁹.

ФСХПнинг 14-моддасида одил судловни баҳолаш имконини берувчи асосий қоидалар келтирилган. Факультатив протоколда эса, муайян белгиланган талабларга жавоб берувчи ҳар қандай шахсга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитасига²⁰ ўз ҳуқуқларининг ушбу икки ҳужжатни имзолаган давлат томонидан бузилиши тахмини бўйича индивидуал хабарнома билан мурожаат қилиш имкониятини беради²¹. Индивидуал мурожаат қилиш ҳуқуқи Факультатив протоколнинг 1-моддасида кўзда тутилган. Хусусан, ушбу моддада қайд этиладики: «Мазкур Протокол иштирокчиси бўладиган, Пактнинг иштирокчиси бўлмиш давлат Қўмитанинг юрисдикциясига кирадиган шахслардан хабарларни қабул қилиш ва

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноий-процессуал кодекси, 3-модда

¹⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари, Ўзбекистон, 2010 йил 7 апрел, ССРР/С/УЗВ/СО/3, 5-банд.

¹⁹ Ўша жойда.

²⁰ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ФСХПнинг 28-моддасига мувофиқ ташкил қилинган: «28.1 модда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита ташкил қилинади (Ушбу Пактда Қўмита деб номланади). У ўн саккиз аъзодан иборат бўлади ва қўида кўрсатилган вазифаларни бажаради. Қўмита таркибига ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг фуқароси бўлган ва юксак маънавий фазилатга эга бўлган ҳамда инсон ҳуқуқлари борасида обрўли деб эътироф этилган шахслар киради, айни пайтда юридик тажрибаси эга бўлган бир неча шахсларнинг қатнашуви фойдали бўлиши эътиборга олинади. Қўмита аъзолари сайланади ва шахс сифатида ишлайди».

²¹ Иштирокчи давлат томонидан халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратнинг яна бир механизми давлатларнинг БМТ Қўмитаси олдидаги Пактда тан олинган ҳуқуқларни тан олиш учун қандай чоралар қабул қилингани тўғрисидаги даврий ҳисоботлари ташкил этади. ИХҚ давлатнинг навбатдаги маърузасини тинглагач, ўзининг Қўмитанинг давлат томонидан ўзининг қонунчилиги ва амалиётини ФСХП моддаларида мустаҳкамлаиб қўйилган халқаро мажбуриятларга мослаштириш учун қабул қилинадиган чоралар бўйича Якуний мулоҳазалари деб номланувчи тавсияларини билдиради.

кўриб чиқиш ваколатини эътироф этади, қайд этилган шахслар эса Пактда баён қилинган ҳуқуқлардан бири иштирок этувчи давлат томонидан бузилиб, биз шунинг жабрланувчисимиз дея тасдиқлайди». Индивидуал хабар кўриб чиқилгач, Қўмита иш юзасидан қарор қабул қилади, ва унда қуйидаги матнни келтиради: «Факультатив протоколга қўшилгач, иштирокчи давлат Қўмитанинг Пактни бузиш ҳолатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича қарор чиқариш ваколатини тан олганлигини, ва Пактнинг 2-моддасига мувофиқ, иштирокчи давлат унинг ҳудудида ҳозир бўлган ва юрисдикциясига кирувчи барча шахсларга Пактда тан олинган ҳуқуқларни кафолатлаши зарурлигини ва бузилиш факти аниқланган ҳолда ҳуқуқий ҳимоянинг амалий ва даъво аризаси кучига эга воситалар билан таъминлаши зарурлигини ҳисобга олиб, Қўмита иштирокчи давлатдан 90 кун давомида Қўмита томонидан баён қилинган ушбу мулоҳазалар бўйича маълумот олиш истагини маълум қилади. Бундан ташқари, иштирокчи давлатга Қўмита мулоҳазалари матни нашр қилинишини таъминланиши таклиф қилинади».

1-БОБ. ОДИЛ СУДЛОВ СТАНДАРТЛАРИ, УЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА ИФОДАЛАНИШИ

1. Қонун ва суд олдида тенглик ҳуқуқи

Айбланувчи жиноий процессда қонун олдида тенглик ҳуқуқи ва бирон-бир камситишсиз тенг ҳуқуқий ҳимояланиш ҳуқуқи эга.

Халқаро стандартлар

Ҳар ким қонун олдида тенг ва бирон-бир камситишсиз тенг ҳуқуқий ҳимояланиш ҳуқуқи эга. Барча одамлар суд ва трибунал олдида тенгдир.

Миллий қонунчилик бирон-бир турдаги камситишни тақиқлаши ва барчага ирқи, танасининг ранги, этник келиб чиқиши, тили, жинси, жинсий ориентацияси, гендер ўхшашлик, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, диний эътиқоди, имконияти чекланганлиги мавжудлиги, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, туғилиши, иқтисодий ёки бошқа мақомидан қатъий назар тенг ва амалий ҳимояланишни кафолатлаши керак.

Хусусан, миллий ҳуқуқий меъёрлар жинсий хусусиятига кўра камситишни тақиқлаши ва «хотин-қизлар ҳуқуқларини эркаклар билан тенглик асосида юридик ҳимояланишини белгилаши ва (...) ваколатли миллий судлар ва бошқа давлат муассасалари ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситиш актига қарши самарали ҳимояланишини таъминлаши керак»²².

Бу қуйидагиларни англатади:

- i. Қонунга риоя қилиш ва уни қўллашда ва одил судловни таъминлашда судьялар ва суд ходимлари юқорида санаб ўтилган белгиларга кўра камситишга йўл қўймасликлари керак;
- ii. Ҳар ким юқорида санаб ўтилган белгиларга кўра камситишсиз судга мурожаат этиши мумкин;
- iii. Ҳар ким юқорида санаб ўтилган белгиларга кўра камситишсиз суд томонидан тенг муносабатда бўлиш ҳуқуқи эга.

Қонун ва суд олдида тенглик тамойилидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ad-hoc, фавқулодда ёки ex post facto трибуналлар ташкил қилинишини тақиқлайди. Аммо қонун ва суд олдида

²² Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича конвенция, 2-модда.

тенглик тамойилига қарамай, оқилона ва объектив мезонлар асосида ишларни кўриб чиқишда айрим тафовутларга йўл қўйиш мумкин²³. Истисно тариқасида ва қатъий белгиланган ҳолларда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ жинойи ҳуқуқда айрим шахслар гуруҳлари учун махсус процессуал меъёрлар ва алоҳида юрисдикция ёки трибуналлар бўлишига йўл қўяди. Масалан, маҳаллий аҳоли ёки ўсмирларга нисбатан йўл қўйиладиган юрисдикция қонун ва суд олдида тенглик тамойилини бузмайди²⁴. Алоҳида суд жараёнлари ҳуқуқий ҳимояга муҳтож аҳволда қолганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга ва уларни ҳимоялашга ёрдам беради. Махсус юрисдикцияли бу турдаги суд процессларини ўтказишда судлар қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва ҳолис суд томонидан мазкур ишни адолатли кўриб чиқилиши тўғрисидаги халқаро стандартлар талабаларига сўзсиз риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎЗР Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига мос бўлиши шарт²⁵. Тенглик тамойили бошқа қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, ЎЗРнинг «Судлар тўғрисида»ги қонуни билан кафолатланади. Унда, хусусан, шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун ва суд олдида тенгдир. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенгдир»²⁶.

²³ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Қонун ва суд олдида тенглик ҳамда адолатли суд томонидан кўриб чиқиш ҳуқуқи. ССРР/С/ГС/32, 14-банд: 1987 йил 19 апрелдаги фикр, *С.В.М. Брукс Нидерландияга қарши*, № 172/1984 хабар. Шунингдек, қаранг: 1987 йил 9 апрелдаги фикр, *Цваан-де-Ври Нидерландияга қарши*, № 182/1984 хабар, VIII.В илова; 1989 йил 3 апрелдаги фикр, *Ибрагим Гая ва бошқалар Францияга қарши*, № 196/1985 хабар: 1995 йил 19 июлдаги фикр, ва *Алина Симунек Чехия Республикасига қарши*, № 516/1992 хабар, 11.5 банд. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, «Бельгиянинг таълим тизимида тиллардан фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг айрим жиҳатлари» иши бўйича 1968 йил 23 июлдаги қарор, 34-банд. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, ОС-4/84 маслаҳат мулоҳазаси, 1984 йил 19 январ, Коста-Рика Конституциясида натурализация қилиш шартларига таклиф қилинаётган тузатишлар, А серияси № 4, 56–57-бандлар.

²⁴ Халқаро меҳнат ташкилотининг туб аҳоли ва мустақил давлатларда уруғчилик шаклида турмуш кечириётган халқлар тўғрисидаги № 169 конвенциясига қаранг, 9- ва 10-моддалар: Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси, Вена декларацияси ва хатти-ҳаракатлар дастури, 20-банд, 1-қисм; Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, 40(3) модда; Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга доир Минимал стандарт қоидалари («Пекин қоидалари»); ва «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича Раҳбарий тамойиллари» («Ар-Риёд раҳбарий тамойиллари»).

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 18-модда.

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни, янги таҳрири ЎЗРнинг 2000 йил 14 декабрдаги № 162-II қонуни билан тасдиқланган, Қонун ва суд олдидаги тенглик, 6-модда.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа кўплаб Қонунлари ва Кодексларида шунга ўхшаш ибораларни учратиш мумкин. Жиноят кодексда кўзда тутилишича, «Жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар»²⁷.

ЖПКда ушбу тамойил қўйидагича ифодаланган: «Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади»²⁸. Бунда айрим ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар тоифалари, жумладан, вояга етмаганлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва кекса ёшдаги одамлар алоҳида ҳимояга эга²⁹.

ЎЗР қонунчилиги камситиш³⁰ ёки барчанинг қонун олдида тенглиги тамойили бузилгани учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликни кўзда тутмайди. Аммо бу давлат ўзининг органлари томонидан жиноий жараёнга жалб қилинган шахсларнинг камситилмаслиги бўйича чораларни қабул қилмаслиги кераклигини аниқлатмайди. Масалан, Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга³¹ мувофиқ, давлат «хотин-қизларга нисбатан камситувчи ҳисобланадиган амалдаги қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни ўзгартириш учун барча чораларни, шу жумладан, қонуний чораларни кўриши»³², айти пайтда «эскича қарашларга барҳам бериш мақсадида жинслардан бирининг устунлигига ёки эркак ва аёлларнинг роли стерео-

²⁷ ЎЗР ЖК, Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойили, 5-модда.

²⁸ ЎЗР ЖПК: Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, 16-модда.

²⁹ Масалан, ЎЗР ЖПКнинг 60-бобида вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг қўшимча қафолатлари кўзда тутилган. ЎЗР ЖКнинг X боби «Жазо тушунчаси, мақсади ва турлари», 51-моддада кўзда тутиладики, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олти ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

³⁰ ЎЗР қонунчилигида фойдаланиладиган шарҳга нисбатан камситиш деб ҳисобланадиган умумий тан олинган асослар бирмунча кенг бўлиб, хусусан ўз ичига жинсига кўра таққлашни қамраб олади. Бундан ташқари, ЎЗР ЖК эркак жинсига мансуб шахсларнинг жинсий алоқага киришини жиноий деб билади. Шуниси эътиборлики, ушбу «жиноий хатти-ҳаракат» жинсий эркинликка қарши жиноятлар бобига киритилган (ЎЗР ЖК: 120-модда. Бесоқолбозлик. Бесоқолбозлик, яъни эркакнинг эркак билан зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириши — уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.) Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита *Тунен Австралияга қарши* ишида уқтирадики, «хусусий шарт-шароитдаги ихтиёрий жинсий хатти-ҳаракатлар «хусусий ҳаёт» тушунчаси билан ҳимояланади, ва уларга жиноий тус берилиши ФСХПнинг 17-моддасига ҳилофдир (*Тунен Австралияга қарши*, № 488/1992 хабар, 1994 йил 31 март, ССРР/С/50/Д/488/1992, 8.2-банд).

³¹ Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, *Бош Ассамблеянинг 1979 йил 18 декабрдаги № 34/180 резолюцияси билан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конвенцияга 1995 йил 19 июлда қўшилган.*

³² Бош Ассамблеянинг 1979 йил 18 декабрдаги № 34/180 резолюцияси билан қабул қилинган ва имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун очик. Кучга кириши: 1981 йил 3 сентябр, 27 (1), 2 (е) моддага мувофиқ.

типлилигига асосланган урф-одатларни ва бошқа амалиётларни» истисно қилиш чораларини кўриши зарур³³.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячи барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги ва камситилиши мумкин эмаслиги тамойили бузилмоқда, деган фикрда бўлса, бу ҳол камситишни тақиқловчи халқаро стандартлар ва ЎзРнинг миллий қонунчилигига асосланган ҳолда тузган процессуал ҳужжатларида фактлар, органлар хатти-ҳаракатлари (қарорлари) кўрсатилиб, аниқ кўрсатилиши керак. Бевосита камситишни тақиқловчи ҳужжатларга қуйидагилар киради: Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси; Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги декларация; Миллий ёки этник, диний ва тилга оид озчиликларга қирувчи шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация; Таълим соҳасидаги камситишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция; Меҳнат ва бандлик соҳасидаги камситиш тўғрисидаги декларация; Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция; Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция; Ирқий камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция; Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт; Иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.

Амалда камситиш уйдаги зўравонликдан жабрланганлар билан боғлиқ ҳолатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ёки судьялар кўриб чиқиладиган масаланинг моҳиятига тегишли бўлмаган, унинг жинси, ёши ёки бошқа аломатлардан келиб чиқиб, ошқора ёки унча ошқора бўлмаган тарзда тарафлардан бирининг ёнини олишида намоён бўлиши мумкин; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг амалиётида зўравонлик — муҳаббатнинг «ўзига хос шакли» ёки «тарбиялаш усули» деган мавжуд қарашларга зид равишда уйдаги зўравонликлардан азият чеккан аёл ёки бола шикоят билан мурожаат этгани туфайли уларга нисбатан салбий муносабатда бўлишлик қузатилиши мумкин³⁴.

Юқоридаги олатларга ҳимоячи алоҳида эътибор қаратиши лозим. Айрим ҳолларда мавжуд бўлган стереотипларни ўзгартириш давлат ва унинг органларининг мажбурияти ҳисобланади.

³³ Ўша жойда, 5(а) модда.

³⁴ Никоҳни бекор қилишда, масалан судьялар томонидан спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш, уйга мунтазам равишда кеч қайтиш, оилани моддий таъминлаш, жанжаллар ва қўл кўтариш, хотинга ўқишга ёки ишлашга рухсат бермаслик, даъвогарга барча қийинчиликларга болалар ёки оила туфайли чидаш кераклигини, «аёлларнинг тақдири шундай эканлигини» ўқтириш ва ҳ. з. фактларининг эътиборга олинмаслигига йўл қўйиб бўлмайди.

2. Суд ишени адолатли кўриб чиқиш ҳуқуқи³⁵

Айбланувчи ёки жиноий таъқиб қилинувчи томон қонунга мувофиқ тузилган мустақил, ҳолис ва нуфузли суд томонидан мазкур иши адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

Халқаро стандартлар

Қонунга мувофиқ тузилган, мустақил, ҳолис ва нуфузли суд томонидан судланиш ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ бўлиб, ундан истиснолар бўлмаслиги керак³⁶. Жиноят содир қилган шахсга нисбатан суд ишени кўриб чиқиш ва уни жиноят содир этганликда айблаб, ҳукм чиқаришга фақат суд ҳақли³⁷. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқга кўра, суд ҳисобланмайдиган бирон орган жиноий ҳукм чиқара олмайди³⁸. Суд ва ижроия ҳокимияти вазифалари ва ваколатлари аниқ чегараланмаган ёки ижроия ҳокимияти суд органларини назорат қиладиган ёки йўриқнома берадиган ҳолатлар мавжудлиги мустақил ва ҳолис суд тамойилига зиддир³⁹. «Шахси аниқ бўлмаган» ёки «аноним» судьялар ёхуд судлар тизими мавжудлиги амалиёти асосий судлов кафолатларига ва мустақил ва ҳолис суд томонидан судланиш ҳуқуқига зиддир⁴⁰. Дарҳқиқат, судьяларнинг шахси

³⁵ Универсал ҳужжатларга қаранг: Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси (10-модда), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти (14.1 модда), Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция (5 (а) модда) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (37 (d) ва 40.2 моддалар) БМТнинг суд органларининг мустақиллигига доир асосий тамойиллари, БМТнинг айбланувчиларнинг ҳуқуқларига оид асосий тамойиллари ва БМТнинг ҳуқуқшунослар ролига оид асосий тамойиллари.

³⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдидаги тенглик, ва ҳар бир шахс ишнинг адолатли судда кўриб чиқилиши ҳуқуқи 18 ва 19 бандлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1992 йил 28 октябрдаги фикр. *Мигель Гонсалес дел Рио Перуга қарши*, 263/1987 хабар, 5.2 банд. Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб хартияси, 4 (с) ва 13(1) моддалар.

³⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 29 умумий тартибдаги мулоҳаза. Фавқулодда вазиятлар: 4 модда, CCR/C/21/Rev.1/Add.11, 2001 йил, 31 август, 16-банд.

³⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 18-банд. Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, 2000 йил 13 апрелдаги № 49/00 ҳисобот, № 11.182 иш, *Карлос Молеро Кока ва бошқалар* (Перу), 86-банд.

³⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1993 йил 20 октябрдаги фикр, *Ангель Н. Оло Бахамонде Экваториал Гвинеяга қарши*, № 468/1991 хабар, 9.4 банд: Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги маъруза, OEA/Ser.L/V/11.116, Doc. 5 rev. 1 сог., 2002 йил 22 октябр, 229 банд.

⁴⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1997 йил 6 ноябрдаги фикр, № 577/1994 хабар. *Виктора Альфредо Полай Кампос Перуга қарши*: 2000 йил июлдаги фикр, № 688/1996 хабар. *Маря Сибилф Арредондо Перуга қарши*; 2005 йил 21 октябрдаги фикр, № 1125/2002 хабар. *Хорхе Луис Киспе Роке Перуга қарши*; 2003 йил 22 июлдаги фикр, *Теофила Гомез Казафранка Перуга қарши*, № 981/2001 хабар: Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитанинг якуний ҳулосалари. CCR/C/79/Add. 67, 1996 йил, 25 июл, 12-банд, ва Колумбияга қарши, CCR/C/79/Add. 76, 1997 йил 3 май, 21-банд. Қаранг: Қийноқлар қарши қўмитанинг якуний ҳулосалари: Перу, A/50/44, 1995 йил 26 июл, 68-банд.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, 1999 йил 30 майдаги қарори, *Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши*, 133-банд, ва 2004 йил 25 ноябрдаги қарори, *Лори Берензон Мейя Перуга қарши*, 147-банд. Инсон ҳуқуқлари бўйича

аниқланмаган бўлса, айбланувчи ишни кўриб чиқишда уларнинг холис-лиги ва мустақиллиги ҳақида хулоса чиқара олмайди, ва тегишли ра-вишда судларда уларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлаш учун кураша олмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎзР ЖПКга мувофиқ, жиноий ишлар бўйича одил судлов фақат суд то-монидан амалга оширилади⁴¹. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйил-майди⁴². Ўзбекистонда суд тизими учта юрисдикциядан ташкил топган: конституциявий юрисдикция (ЎзРнинг Конституциявий суди), умумий юрисдикция (ЎзРнинг Олий суди ва унга бўйсинувчи судлар), хўжалик юрисдикцияси (ЎзР Олий хўжалик суди ва унга бўйсинувчи судлар). Олий суд судьялари, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари Қорақалпоғистон Республикаси парламенти томонидан Ўзбе-кистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига би-ноан беш йил муддатга сайланади, қолган судларнинг судьялари — ЎзР Президенти томонидан ушбу муддатга тайинланади⁴³.

ЎзР Конституциясида «одил судловга бўлган ҳуқуқ» деб аталувчи ҳуқуқ кўзда тутилмаган⁴⁴, аммо, қонунга кўра, адолатли бўлиш судьянинг «мажбурияти»⁴⁵ ҳисобланади. «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 2-мод-дасида кўзда тутилишича, Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқ-лари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилинади. Қонуннинг ушбу моддасига кўра «Суднинг фао-лияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир»⁴⁶.

Конституция ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашма-ларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлайди⁴⁷. Ушбу ҳуқуқ ЎзРнинг «Судлар тўғрисида»ги қо-

Америкалараро комиссия, Перуда инсон ҳуқуқларига оид вазият бўйича иккинчи маъруза, 103-, 104- ва 113-бандлар ва Колумбияда инсон ҳуқуқларига оид вазият бўйича учинчи маъруза, ОЕА/Ser.L/V/II.102. Doc. 9 corr. 1, 1999 йил 26 феврал, 121–124-бандлар.

⁴¹ ЎзР ЖПК: Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, 12-модда.

⁴² ЎзР Конституцияси (ЎзРнинг 2003 йил 24 апрелдаги № 470-II қонуни таҳриридаги модда), 107-модда.

⁴³ ЎзРнинг «Судлар тўғрисида»ги қонуни: Судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби, 63-модда.

⁴⁴ ЎзР Конституциясида «адолатлилик» умуман «ижтимоий адолатлилик» ёки меҳнат шароити адолатлилиги нуқтаи назаридан тилга олинади.

⁴⁵ ЎзРнинг «Судлар тўғрисида»ги қонуни: Судьяларнинг мажбурияти, 66-модда.

⁴⁶ ЎзРнинг «Судлар тўғрисида»ги қонуни: Судларнинг вазифалари, 2-модда.

⁴⁷ ЎзР Конституцияси, 44-модда.

нунида ҳам ўхшаш тарзда баён қилинган: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга⁴⁸. ЎЗРнинг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунда⁴⁹ кўзда тутилишича, судлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки эркинликларини бузадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқадилар, аммо:

- текширилиши қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилган хатти-ҳаракатлар (қарорлар);
- қонун ҳужжатларида устидан судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) бундан мустаснодир»⁵⁰.

Масалан, ЎЗР ЖПК ва «Судлар тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, прокуратура ва судлар хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилишнинг ўзгача тартиби⁵¹ кўзда тутилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва прокуратура ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят юқори турувчи органга берилади⁵², судьяларнинг хатти-ҳаракатлари устидан — судьяларнинг малакавий коллегиясига шикоят берилади⁵³. Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ев-

⁴⁸ Ушбу кенгайтирилган шарҳ хусусий шахслар томонидан содир қилинадиган хатти-ҳаракатлар устидан арз қилиш ҳуқуқини қамраб олади.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 183-бет.

⁵⁰ Ўша жойда, ушбу Қонуннинг таъсир доираси, 3-модда.

⁵¹ Давлат органларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят беришнинг ушбу тартиби унинг фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни давлат органларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоялаш нуктаи назаридан мос савол уйғотади. Хусусан, шундай фикр мавжудки, «суд назорати соҳасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг жинойий ишларни кўриб чиқишда сўнги чора сифатида қўлланиладиган мажбурлаш чораларидек фаолият соҳаси эътибордан четда қолган. Бундай чораларнинг қўлланилиши оқибатида фуқароларнинг шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияда кафолатланган қатор ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишига қарамай, ЖПКда бундай чоралар устидан шикоят қилиш имконияти кўзда тутилмаган (Х. М. Исаков, И. Никонов «О правовых основах мер принуждения в уголовном процессе и производстве по делам об административном правонарушении», Тошкент, 2010, 15-бет). Англашиларики, қонунчиликдаги бундай бўшлиқ муаммоли. Ушбу тадқиқотда таклиф қилинадики, «Мажбурлаш чоралари устидан шикоят сонларининг кўпайишини ҳисобга олиб, жинойий ишни кўриш жараёнида мажбурлаш чораларини қўллаш ва улар устидан шикоят қилишда қонунийликни таъминлаш бўйича самарали ҳуқуқий механизми яратиш керак. Шу муносабат билан шундай тартиб ўрнатиш керакки, фуқаролар уларга нисбатан қўлланиладиган процессуал мажбурлаш чоралари устидан нафақат прокуратура, балки судга ҳам мурожаат қилиш имкониятига эга бўлсин» (ўша жой, 75-бет).

⁵² ЎЗР ЖПК: Терговчи ва прокурорнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш, 358-модда.

⁵³ Судьяларнинг малакавий коллегиялари тўғрисидаги низом, ЎЗР ОМнинг 2001 йил 7 декабрдаги № 323 қарори билан тасдиқланган, 11-, 12-бандлар.

ропа судининг фикрига кўра, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят бериш ҳуқуқи одил судлов соҳасида кафолатларни таъминлашнинг узвий элементи ҳисобланади⁵⁴. Ушбу ҳуқуқни шарҳлар экан, Суд шундай хулосага келадики, одил судлов ҳуқуқи барчага судга ўзининг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқини кафолатлайди⁵⁵.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячилар судьялар ўз лўқмалари ва хатти-ҳаракатлари билан айбланувчига олдинган ноҳолис муносабатда бўлишини намойиш этса, ёки маслаҳат хонасига кетишдан аввал ишнинг натижаси бўйича ўз фикрини билдирса, суднинг иш якунидан манфаатдорлигига эътибор қаратишлари керак. Судьянинг ҳолислигига шубҳа уйғотувчи ёки унинг ишнинг натижасидан манфаатдорлигини кўрсатувчи хатти-ҳаракатлар бўйича суд мажлиси баённомасига изоҳлар киритиш, ўз вақтида ана шу асослар бўйича судга раддия эълон қилиш, шунингдек, ҳимоянинг фикрича, ҳолис ва бетараф бўлмаган суд томонидан чиқарилган ҳукм устидан шикоят қилиш, бунда одил судловга бўлган ҳуқуқнинг бузилишини кўрсатган ҳолда, фикрини аниқ далиллар билан исботлаш лозим.

Одил судлов суднинг бетарафлиги ва ҳолислигини англатади, демак, суд ишни кўриб чиқишда айблов ва ҳимоя вазифаларини бажармаслиги керак. Судьялар жиноий ишни кўриб чиқишда, суд мажлисини прокурор иштирокисиз ўтказиши ҳолатларига эътибор қаратиш зарур, ва унинг судга келишини талаб қилиш керак. Акс ҳолда бетарафлик ва ҳолислик йўқлиги масаласини кўтариш мумкин, чунки, бундай ҳолатда айбловни қўллаб-қувватлаш, иш юзасидан жабрланувчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш бўйича прокурор вазифаси айблов хулосани ўқиб эшиттирган, судланувчи, гувоҳлар, жабрланувчилар ва бошқа иштирокчиларига саволлар берган суд зиммасига тушади⁵⁶.

Миллий қонунчиликдан ташқари, суд мустақиллигини баҳолашда ФСХПнинг 14-моддасига белгилаб қўйилган кафолатларга амал қилиш

⁵⁴ *Голдер Бирлашган Қиролликка қарши*, № 4451/70 шикоят, 1975 йил 21 февралдаги қарор, 36-банд.

⁵⁵ Ўша жойда, 34–35-бандлар.

⁵⁶ «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартириш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклиф этилади. Чунки амалдаги қонунчиликда давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган. Шунинг учун айблов хулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу эса суднинг вазифа ва мақсадларига мос келмайди. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва бегаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув тамойилини кучайтиришга хизмат қилади». *Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасидан*, 2010 йил 12 ноябр.

керак. Айна пайтда, шуни ёдда тутиш зарурки, ушбу моддада белгиланган барча ҳуқуқларга риоя қилиш ҳам, автоматик тарзда суднинг холислиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини бермайди⁵⁷ ва ҳар бир ишни фактлар йиғиндисидан келиб чиқиб, мустақил равишда баҳолаш керак. Ушбу ҳолатда ва қолган барча ҳолатларда ҳимоячи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимлари томонидан қандай ҳуқуқ ва қай тарзда бузилаётганини аниқ ифодалаши керак, бу орқали ички ҳимоя воситалари имкониятидан тўлиқ фойдаланилади.

3. Мустақил суд

Айбланувчи ўз ишининг мустақил суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли.

Халқаро стандартлар

Барча трибуналлар ва судлар ижроия ва қонунчилик ҳокимиятидан⁵⁸, ёки суд жараёни томонларидан мустақил бўлиши керак⁵⁹. Бу шуни аниқлатадики, суд ҳокимияти ҳам, уни ташкил этувчи судьялар ҳам давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларига ёки суд процессининг томонларига қарам бўла олмайди⁶⁰. Судлар ҳақиқатдан ҳам мустақил, шунингдек давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ёки бошқа шахсларнинг таъсири ёки таъйиқидан холи бўлиши керак⁶¹.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги мамлакат Конституцияси, қонунлари ва сиёсати томонидан кафолатланиши керак ва амалда ижроия ҳокимияти, унинг идоралари ва вакиллари томонидан, шунингдек ҳокимиятнинг қонунчилик тармоғи томонидан бажарилиши зарур. Суд ҳокимияти суд характерида оид барча масалалар бўйича юрисдикцияга ҳамда у томонидан кўриб чиқиш учун тақдим қилинган масала унинг қонун томонидан белгиланган ваколатлари доирасига киришини ҳал этиш бўйича фавқулодда ҳуқуққа эга бўлиши керак⁶². Суд жараёнига ҳеч қандай ўринсиз ва асос-

⁵⁷ Nihal Jayawickrama. The Judicial Application of Human Rights Law: National, Regional and International Jurisprudence, 501-бет.

⁵⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1994 йил 9 декабрдаги қарор, *Греция «Стрэн» нефтни қайта ишлаш заводлари ва Стратис Андреадис Грецияга қарши*, № 13427/87 шикоят, 49-банд.

⁵⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1971 йил 16 июлдаги қарор, *Рингайзен Австрияга қарши*, № 2614/65 шикоят, 95-банд.

⁶⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1971 йил 16 июлдаги қарор, *Рингайзен Австрияга қарши*, № 2614/65 шикоят, 95-банд; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия. Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари бўйича ҳисобот. АДТ ҳужжати, ОЕА/Ser.L/V/II.116, Doc.5. rev.1, согр., 2002 йил 22 октябр, 229-банд.

⁶¹ Қаранг, суд органлари мустақиллигига доир асосий тамойиллар, 1-, 2-, 3- ва 4-тамомойиллар.

⁶² Суд органлари мустақиллигига доир асосий тамойиллар, 3-тамомойил.

сиз аралашувга йўл қўйилмайди. Судларнинг қарорлари, қонунга мос равишда ваколатли ҳокимият томонидан амалга ошириладиган ҳолатлардан ташқари, қайта кўриб чиқилиши (назорат тартибидан ташқари), ҳукмнинг энгиллаштирилиши ёки авф этилиш мумкин эмас⁶³. Суд ҳокимияти суд маъмуриятининг ички тузилиши нуқтаи назаридан мустақил бўлиши керак, жумладан, тегишли бўлган суд доирасида ишларнинг судьялар орасида тақсимланиши лозим⁶⁴. «Судларнинг мустақиллиги» атамаси икки ўлчамга эга: институционал мустақиллик ва шахсий мустақиллик. Уларнинг ҳар иккиси шуни тақозо этадики, суд ҳокимияти, судьялар, уларнинг таркибий қисмлари бошқа бирон оммавий ҳокимиятга бўйсунмаслиги керак:

- i. институционал мустақиллик шуни англатадики, судьялар, судлар ва трибуналлар ҳокимиятнинг ҳар қандай бошқа тармоғидан мустақил, *inter alia*, яъни улар ҳеч қандай бошқа давлат органларига, жумладан, ижроия ҳокимиятига бўйсунмайди ва улар олдида жавоб бермайди. Бу эса шуни англатадики, барча бошқа давлат муассасалари суд ҳокимияти қарорларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя қилиши керак;
- ii. шахсий мустақиллик шуни англатадики, судьялар суд ҳокимиятининг бошқа аъзоларидан мустақилдир. Шахсни судья лавозимига тайинлаш жараёни ошқора бўлиши ва судьяларни танлаш бўйича қатъий талабларга бўйсунуши керак. Умуман, тайинлаш судьялар ёки ижроия ёки қонунчилик органларидан мустақил бўлган идора томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Судьяларни тайинлашнинг ҳар қандай усули суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва холислигини таъминлаши керак.

Ҳокимиятнинг ижроия тармоғи томонидан амалга оширилган тайинлаш, ёки судларнинг халқ овоз бериши орқали сайланиши суд ҳокимияти мустақиллигига путур етказида⁶⁵. Шахсларни суд лавозимларига тайинлаш мезонларига уларнинг касбий лаёқати, қобилиятлари, ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқ соҳасидаги тегишли тайёргарлигидан келиб чиқувчи ана шу лавозимни эгаллашга муносиблиги билан белгиланади⁶⁶. Мазкур мезонларга жавоб берувчи ҳар қандай шахс ирқи, танасининг ранги, эт-

⁶³ Суд органлари мустақиллигига доир асосий тамойиллар, 4- ва 14-тамойиллар.

⁶⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1997 йил 22 октябрдаги қарор, *Папагеоргиу Грецияга қарши*, № 24628/94 шикоят.

⁶⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний хулосалари: Лихтенштейн ССРР/СР/81/Lie, 2004 йил 12 август, 12-банд; Америка Қўшма Штатлари, ССРР/С/79/Add. 50, 266–304-бандлар, 288- ва 301-бандлар; Арманистон, ССРР/С/79/Add. 100, 1998 йил 19 ноябр, 8-банд; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1998 йил 2 сентябрдаги қарор, *Лауко Словакияга қарши*, № 26138/95 шикоят, 64-банд. Қўшимча равишда қаранг: Судьялар, адвокатлар ва прокурорлар мустақиллиги ва жавобгарлигига доир халқаро тамойиллар, № 1 амалий қўлланма, Халқаро юристлар комиссияси, Женева, 2007, 47- ва қолган бетлар.

⁶⁶ Шу жумладан, қаранг: Суд органлари мустақиллигига доир асосий БМТ тамойиллари, 10-тамойил; Европа Кенгаши. № R(94) 12 тавсиянома, 1.2 тамойил; ва Африкада адолатли суд муҳокамаси ва ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқи тўғрисидаги масалага доир тамойил ва раҳбарий қоидалар, А тамойили. 4 (i) ва (k) бандлар.

ник келиб чиқиши, тили, жинси, жинсий мойиллиги, гендер ўхшашлиги, сиёсий қарашлари ёки бошқа қарашлари, эътиқоди, имконияти чекланганлиги эҳтимоли, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, туғилиши, мулкӣй мақоми ёки бошқа мақомидан қатъий назар судья лавозимига номзод бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Давлат томонидан қўйидагиларнинг белгиланиши камситиш ҳисобланмайди:

- i. судьялик лавозимларини эгаллаш учун энг кам ёшни ёки номзоднинг тажриба даражасини белгилаш;
- ii. суд амалдорларининг мансабни эгаллаш муддатини ва уларнинг пенсия ёшини белгилаш;
- iii. судьялар, магистрлар ёки суднинг бошқа ходимлари лавозими ва даражасидан келиб чиқиб, мансабни эгаллашнинг турлича муддатларини, нафақага чиқиш ешини чегараларини белгилаш;
- iv. судьяликка номзод ушбу мамлакатнинг фуқароси бўлишини талаб қилиш. Тегишли юридик маълумот ва суд тизимида тегишли вазифаларни бажариш малакасига эга бўлмаган киши судьялик лавозимига тайинланиши мумкин эмас.

Судьяларга лавозимни эгаллашнинг улар мажбурий равиша нафақага чиқадиган ёшгача ёки ваколатларининг муддати тугагунча кафолатланган муддати берилиши керак. Судьяларнинг ваколоти муддати, муносиб рағбатлантирилиши, пенсия таъминоти, ижтимоий ва жисмоний суғурталаш шартлари, пенсия ёши, интизомий ёки ҳимоялаш механизмлари ва ишнинг бошқа шартлари қонунда белгиланган ва кафолатланган бўлиши керак. Хизмат поғонасида ўсиш ва судьяларнинг рағбатлантирилиши ҳолис мезонларга, биринчи навбатда, малака, касбий маҳорат ва тажриба каби мезонларга асосланиши керак. Судьялар судьялик унвонига номуносиб хатти-ҳаракатлар, жиноят содир қилганлиги учун ёки ишга яроқли бўлмай қолгани туфайли эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади. Айни пайтда судьялар ўзи чиқарган суд ҳукми оқибатида юзага келган моддий зарарни қоплаш бўйича фуқаролик даъволаридан шахсий иммунитет билан ҳимояланган⁶⁷. Барча ҳолатларда судьяларга нисбатан интизомий чоралар қўйидаги стандартларга жавоб бериши керак:

- i. судьяларга нисбатан шикоятни кўриб чиқиш ёки касб вакили сифатида содир қилган хатти-ҳаракатлари туфайли уларни интизомий жавобгарликка тортиш қонунчилик йўли билан аниқланиши керак. Судьяларга нисбатан ҳар қандай шикоятлар ва айбловлар тезкорлик билан ва адолатли тарзда кўриб чиқилиши зарур;
- ii. уларга нисбатан интизомий чора кўриладиган, ёки уларнинг ваколатларини тугаллашга ёки лавозимидан озод қилишга қаратилган жараёнлар қўзғатилган судьялар ўз ишларининг ҳолис кўриб чиқилишга ҳақли. Жумладан, қонуний вакилни сайлаш, шунингдек интизомий жавобгарлик ёки уларнинг ваколатларини тўхтатиб ту-

⁶⁷ Суд органлари мустақиллигига доир асосий БМТ тамойиллари, 16-тамойил.

риш ёки лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги қарорни қайта кўриб чиқиш ҳуқуқи ҳам кўзда тутилган;

- iii. судьялар bona fide⁶⁸ содир қилинган суд хатолари, қонуннинг муайян тарзда шарҳланишига қўшилмагани ёки фақат уларнинг қарори апелляция инстанцияси томонидан бекор қилингани ёки кўриб чиқиш учун юқори суд органига жўнатилгани учун лавозимдан четлатилиши ёки жазоланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ЎзР Конституцияси томонидан кафолатланади: «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади»⁶⁹. «Судьялар мустақил-дирлар, фақат қонунга бўйсунадилар»⁷⁰. «Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади»⁷¹. «Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади»⁷².

⁶⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмижа. Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитанинг якуний хулосалари: Вьетнам, БМТ ССРР/СО/75/VNM ҳужжати, 2005 йил 5 август, 10-банд.

⁶⁹ ЎзР Конституцияси, 106-модда.

⁷⁰ ЎзР Конституцияси, 112-модда; ЎзР «Судлар тўғрисида»ги қонуни: Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, 4-модда.

⁷¹ ЎзР «Судлар тўғрисида»ги қонуни: Суд ишларини ҳал қилишга аралашушга йўл қўйилмаслиги, 69-модда:

«Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас».

⁷² ЎзР Конституцияси, 112-модда; ЎзР «Судлар тўғрисида»ги қонуни: Судьялар дахлсизлиги, 70-модда: «Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир. Судьяларнинг шахсий ҳафсизлигини таъминлаш мақсадларида уларга тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий ҳўжалик суди раиси, адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади. Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан кўзғатилиши мумкин. Судья тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас. Судья судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг руҳсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади. Туманлараро, туман (шаҳар) суди, округ ва ҳудудий ҳарбий суд судьясига

«Судлар тўғрисида»ги қонунда⁷³ ва ЎЗР ЖПКда шунга ўхшаш кафолатлар белгиланган⁷⁴.

ЎЗРнинг Жиноий кодекси, ўз навбатида ушбу ҳаракатни жиноий деб биларди ҳамда «Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиб, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш» учун жиноий жавобгарликни кўзда тутарди⁷⁵.

Судьялар мустақиллиги қонуний таъминлаш усулларидан бири судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмаслиги, сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмаслиги билан изоҳланади⁷⁶.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин⁷⁷. Бундан қатъи назар, «Судлар тўғрисида»ги қонунда судьяларни лавозимидан четлатишга сабаб бўладиган асослар кўзда тутилмаган. Фақат Олий, Ҳарбий ва Олий ҳўжалик суди раиси судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш бўйича ишларни кўзғатиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд қилинади. Ушбу масалалар қонун ости ҳужжати: «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низом» билан тартибга солинади. Унга кўра судья одил судловни амалга оширишда қонунийликка зарар етказган тақдирда; эътиборсизлиги ёки интизомсизлиги оқибатида суд ишини ташкил этишда йўл қўйган хатолари учун, айни пайтда хизматга оид ёки бадном қилувчи нотўғри хатти-ҳаракатлар содир этганда, ҳарбий суд судьяси эса — шу қаторда интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўзғатган тегишли суд раҳбарининг қарори асосида ҳарбий интизомни бузганлиги учун — фақат судьяларнинг малакавий ҳайъати томонидан жавобгарликка тортилиши мумкин⁷⁸.

Амалиётчиларга тавсиялар:

Суд ишлари бўйича суд терговини олиб бориш ёки ҳал қилишга аралашув фактларига эътибор қаратиш керак, асослар мавжуд бўлган ҳолларда

нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишлидир. Судда ўз вазифаларини бажараётган даврда халқ маслаҳатчиларига судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари татбиқ этилади».

⁷³ ЎЗР «Судлар тўғрисида»ги қонуни, Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, 4-модда.

⁷⁴ ЎЗР ЖПК: Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши, 14-модда.

⁷⁵ ЎЗР ЖК: Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиб, 236-модда.

⁷⁶ ЎЗР «Судлар тўғрисида»ги қонуни: Судьяларнинг мажбуриятлари, 66-модда.

⁷⁷ ЎЗР Конституцияси, 112-модда.

⁷⁸ Судьялар малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низом, ЎЗР Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 323-II қарори билан тасдиқланган, 36–39-бандлар.

улар томонидан дастлабки тергов ва судни бир томонлама, ғаразли тарзда, ноҳолис ва бетарафликни бузиб ўтказаетганлиги сабабли терговчи, прокурор, судьяни рад этиш, бунда ҳимоянинг терговга ёки суд жараёнига аралашувлар фактлари бўйича чоралар кўриш тўғрисидаги мурожаатига суд қандай муносабатга бўлганлигига эътибор қаратиш керак⁷⁹.

Айблов йўсинда олиб борилган дастлабки тергов ёки суд ҳимоянинг важларига эътибор қаратмаслик ёки уларга юзаки, расмиятчилик билан муносабатда бўлиш, айбланувчига, унинг гувоҳлари ва ҳимоячисига олдинган ноҳолис муносабатда бўлиш, бунда айбловчи томонга ва унинг далилларига алоҳида муносабатни намойиш этиш, тергов ва суд ноҳолис ва бир томонлама олиб борилаётганлиги кўрсаткичи бўлиши мумкин, бу эса суд ҳукмининг апелляция (ёки) кассация инстанциясида ёхуд назорат тартибида суднинг ноҳолислиги ва бир томонлама олиб борилгани туфайли қайта кўриб чиқилишига сабаб бўлади⁸⁰. Айти пайтда ҳимоя процесс иштирокчиларига асослантирилган раддия қилинишини таъминлаши ва раддия асоссиз қаноатлантирилмаган тақдирда, шикоят бериши керак. Хусусан, судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлиси котибининг рад қилинишига, «унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар» ҳам асос бўлишини билдирувчи ЎзР ЖПКнинг 76-моддасини келтириши лозим⁸¹.

4. Холис суд тамойили

Айбланувчи ишининг холис суд томонидан кўриб чиқилишига ҳақли.

Халқаро стандартлар

Трибуналлар, судлар ва судьялар холис бўлиши зарур. Холислик шуни англатадики, трибуналлар, судлар ва судьялар кўриб чиқилаётган ишдан манфаатдор бўлмаслиги, кўриб чиқилаётган иш ҳақида янглиш таассуротга эга бўлмаслиги керак ҳамда томонлардан бирининг манфаатлари-

⁷⁹ Масалан, судьялар судланувчига «ўзининг жиноят содир этишга дахлдор эмаслиги ва айбдор эмаслиги тўғрисида важлари билан судни чалғитмаслиги ва жавобгарликдан қочмаслиги керак», деганга ўхшаш танбеҳ берса, бундай ҳолатларда ҳимоячи суд мажлиси баённомасига судьянинг ҳаракатига нисбатан фикр киритиши ҳамда унинг холисона эмаслиги муносабати билан унга раддия билдириши лозим.

⁸⁰ БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, масалан, «Ўзбекистоннинг суд органлари, айниқса судьяларнинг ўз лавозимларини эгаллаш муддатлари ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳар беш йилга узайтирилаётгани муносабати билан тўлиқ мустақил эмаслиги ҳануз ташвишлантиради». Шу муносабат билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси Ўзбекистонга «...Судьяларнинг алмашмаслигини кафолатлаш орқали суд органларининг тўлиқ мустақиллиги ва холислигини таъминлаш»ни тавсия қилди. ИХҚнинг Ўзбекистоннинг учинчи даврий маърузаси бўйича якуний хулосалари (CCPR/C/UZB/3), 2710-сонли мажлис, 2010 йил 24 март (CCPR/C/SR.2710), 16-банд.

⁸¹ ЎзР ЖПК: Судьянинг, прокурорнинг, терговчининг, суриштирувчининг ва суд мажлиси котибининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар, 76-модда, 3-банд.

ни кўзлаб иш юритмаслиги зарур. Трибуналлар, судлар ва судьяларнинг холислиги томонлардан бирига нисбатан янглиш таассуротга эга эмаслиги, уларга душманларча муносабатда эмасликлари ёки аксинча ён бошиш мавжуд эмаслиги тарзида белгиланиши мумкин.

Холислик шуни англатадики, трибуналлар, судлар ва судьялар ўзлари кўриб чиқаётган саволлар бўйича фактларга асосланган ҳолда ва қонунга мос қарор қабул қилиши керак, бунда бирон бир кимсадан ёки бирон бир сабабга кўра чекловлар ва ўринсиз таъсирлар кўрсатилишига, рағбатларга, тазйиққа, бевосита ёки билвосита таҳдид ва аралашувларга йўл қўйилмайди.

Айбланувчи ва жараённинг исталган тарафи трибуналлар, судлар ва судьялар холислиги мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳар қандай тасдиқловчи далиллар асосида судни нохолислигига эътироз билдириши мумкин.

Холислик тамойили ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида судья одил судловни амалга оширишга имкон бермайдиган ёки ўзининг холислигини обрўсизлантирувчи ҳолатлар аниқлаган тақдирда ўз номзодига эътироз билдириш бўйича тегишли мажбуриятни юзага келтиради. Бундай ҳолларда судья ўз номзодига эътироз билдириш ва судда иштирок этишдан воз кечиш керак. Агарда қонунда судьяни дисквалификация қилиш ёки судни ўтказиш бўйича судья ҳуқуқига эътироз билдириш қонунда кўзда тутилган бўлса, судьянинг мажбурияти ушбу асосларни *ex officio* кўриб чиқиш ва уни қўллаш мумкин бўлган суднинг ҳар қандай аъзосини алмаштиришдан ташкил топади⁸².

Трибуналлар, судлар ва судьяларнинг холислигини ҳам субъектив, ҳам объектив нуқтаи назардан кўриб чиқиш керак⁸³. Судьялар нафақат бетаариф бўлиши, балки шундай таассурот уйғотиши ҳам керак. Улар фақат холисликнинг ҳам субъектив, ҳам объектив мезонларига жавоб берган тақдирда холис деб ҳисобланиши мумкин:

- i. судьяларнинг субъектив холислиги уларнинг кўриб чиқиладиган ишга нисбатан шахсий қарашлари ва эътиқодлари билан белгиланади. Субъектив холислик алоҳида судьянинг муайян вазиятдаги шахсий қарашларини аниқлаш ёрдамида исботланиши мумкин. Бу шуни англатадики, одил судловни амалга ошираётган судья шах-

⁸² Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1992 йил 23 октябрдаги фикр, *Арво О. Карттунен Финляндияга қарши*, № 387/1989 хабар, 7.2 банд.; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 2005 йил 1 февралдаги қарор, *Индра Словакияга қарши*, № 46845/99 шикоят, 49-банд; Африкада адолатли суд муҳокамаси ва ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқи тўғрисидаги масалага доир тамойил ва раҳбарий қоидалар, А тамойили, 5-банд.

⁸³ Шу жумладан, қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1992 йил 23 октябрдаги фикр, *Арво О. Карттунен Финляндияга қарши*, № 387/1989 хабар, 6.7 банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1989 йил 9 июндаги қарор, *Инкал Турцияга қарши*, № 22678/93 шикоят 65-банд ва 1998 йил 20 майдаги қарор, *Готрен ва бошқалар Францияга қарши*, № 21257/93, 21258/93, 21259/93, 21260/93 шикоятлар, 58-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 2008 йил 5 августдаги қарор, *Апитц Барбера ва бошқалар* («*Corte Primera de lo Contencioso Administrativo*») *Венесуэлага қарши*, С серияси, № 182, 55 ва қолган бандлар, № 78/02 2002 йил 27 декабрдаги ҳисобот, № 11.335 иш, *Гай Малари (Гаити)*: Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳисобот, юқорида қаранг, 229-банд.

сий ақидаларга ёки бир томонга оғиш хусусиятига эга эмас. Субъектив холислик бунинг акси исботланмаган ҳоллардагина кўзда тутилади;

- ii. трибуналлар ёки судьяларнинг объектив холислиги ушбу масала бўйича ҳар қандай шубҳаларга ўрин қолдирмайдиган судьялар корпусининг холислигига доир етарли кафолатлар мавжудлигини англатади. Объектив холисликнинг исботи судья томонидан ўзининг холислиги бўйича ҳар қандай гумонга ўрин қолдирмайдиган тарзда етарли кафолатлар тақдим қилинишидан ташкил топади. Судьянинг хатти-ҳаракатларига тааллуқли бўлмаган объектив баҳо суд ёки судьянинг холислигига шубҳа уйғотувчи сабаблар мавжудлигидан далолат берса, объектив холислик шубҳа уйғотиши мумкин. Суд ёки судьянинг холислигига учта муҳим кўрсаткич бўйича баҳо берилади:
 - i. суд процессининг бошқа босқичларида судьянинг роли;
 - ii. судья томонидан кўриб чиқиладиган иш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари;
 - iii. ишни олиб бораётган судья аввал ҳам ушбу ишда бошқа вазифада (масалан, ҳимоячи, фуқаролик даъвосида тараф вакили⁸⁴ ва ҳ. к. бўлгани).

Трибунал, суд ва судьянинг холислиги қуйидаги сабабларга кўра шубҳа уйғотиши мумкин:

- i. битта шахс бир пайтнинг ўзида кўриб чиқиладиган ишда ҳам терговчи, ҳам судья вазифаларини бажараётган бўлса⁸⁵;
- ii. агарда суд мажлисини ўтказиш учун айбланувчи айбини исботловчи етарли далиллар мавжуд, деб қарор чиқарган судья ушбу ишни мазмунан кўриб чиқиладиган суд мажлисида иштирок этишни давом эттирса⁸⁶;
- iii. ўзи судга берган иш бўйича ёки унда аризачи бўлган шахс судья сифатида қатнашаётган бўлса, чунки ҳеч ким битта иш бўйича ҳам судья, ҳам тараф бўла олмайди⁸⁷;
- iv. ушбу иш аввал ҳам кўрилганда судья тарафлардан бирининг вакили томонидан тайинланган бўлса ёки ишда айбловчи сифатида қатнашган бўлса;

⁸⁴ «Фуқаролик даъвосида тараф» — жабрланган шахс ёки жиноят натижасида зарар етказилган ва жинойи жараёнда даъво талабларини билдириш ҳуқуқига эга тараф.

⁸⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1984 йил 26 октябрдаги қарор, *Де Куббер Бельгияга қарши*, № 9186/80 шикоят.

⁸⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1998 йил 28 октябрдаги қарор, *Кастильо Алгар Испанияга қарши*, № 28194/95 қарор, 47–51-бандлар, 1984 йил 26 октябрдаги қарор, *Де Куббер Бельгияга қарши*, № 9186/80 шикоят, 27- ва қолган бандлар.

⁸⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 2004 йил 9 ноябрдаги қарор, *Светлана Науменко Украинага қарши*, № 41984/98 шикоят, 97-банд.

- v. судья яширин тарзда терговда иштирок этган бўлса;
- vi. судья ишга алоқадор бўлса, ёки суд процессидаги тарафлардан бири билан қариндошлик алоқаси мавжуд бўлган ҳолларда;
- vii. айнан бир шахс иш мазмунан кўриб чиқиладиганда ва ушбу иш юзасидан апелляция инстанциясида судья бўлса.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎЗР Конституцияси ва «Судлар тўғрисида»ги қонунида суднинг ҳолислиги ва бетарафлиги тамойилларини мустаҳкамловчи меъёрлар мавжуд эмас. Айни пайтда уларда кўзда тутилган меъёрлар моҳиятига мувофиқ, судьялардан бетараф ва холис бўлишлари, Конституция ва қонунларга, шу жумладан ЎЗРнинг халқаро шартномалари талабларига риоя қилишлари талаб қилинади.

Аввалги бобда таъкидланганидек, ишда судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларининг иштирок этишига монелик қилувчи бошқа сабаблар қаторида ЎЗР ЖПК «унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар»ни ҳам кўзда тутди⁸⁸. ЎЗР ЖПК, 25-моддада судда ишларни юритишдаги тортишув тамойилини мустаҳкамлаб, шунингдек, суддан холислик ва беғаразликни талаб этади: «Суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди. Суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беради»⁸⁹.

Ушбу кафолат Олий суд Пленуми қарорида янада кенгроқ очиб берилган: «Судлар Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддаси талабларига, яъни ишлар суд мажлисида тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойили асосида кўрилиши шартлиги ҳақидаги қоидага сўзсиз амал қилинишини таъминлашлари керак. Тортишув принципи айблов ва ҳимоя функциялари бир-биридан ажратилган ҳолда амалга оширилишини тақозо этади. Бунда суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмаслиги ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифода этмаслиги лозим. Суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда фақат ишни ҳал этиш функциясини амалга ошириши, яъни тарафларга процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш йўли билан ўз нуқтаи-назарларини ҳимоя қилишлари учун тенг имконият яратиб бериши керак. Қонунга биноан, суд процессида тарафлар далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши, қонуний ва асослантирилган қарор чиқарилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Судлар шунинг эътиборига олишлари керакки, судда ишларни юритишда тортишув суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг узлуксиз иштироки таъминлан-

⁸⁸ ЎЗР ЖПК: Судьянинг, прокурорнинг, терговчининг, суриштирувчининг ва суд мажлиси котибининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар.

⁸⁹ ЎЗР ЖПК: Судда ишларни юритишда тортишув, 25-модда, 5-, 6-қисмлар.

ган ҳолдагина рўёбга чиқади (судланувчи қонунда белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечган ҳоллар бундан мустасно)⁹⁰.

ЎЗР қонунига мувофиқ, судья ўзи аввал ушбу ишда процессуал тарзда⁹¹ ёки бошқа инстанция судьяси сифатида⁹² иштирок этган бўлса, ишни кўриб чиқишда қатнаша олмайди. Аммо судгача бўлган босқичда ҳибсга олиш тўғрисида санкция бериш тўғрисида қарор қабул қилган судья ушлаб турилган шахсга нисбатан жиноий ишни мазмунан кўриб чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Олий суд Пленуми қуйидаги суд амалиётини белгилаб, судларга раҳбарий шарҳлар берди: «...Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида масала бўйича ажрим чиқарган судья, шунингдек бундай илтимосномани киритган прокурор, шу шахсга нисбатан жиноят ишини мазмунан кўриб чиқишда ҳам иштирок этиши мумкин, ЖПК 76-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»⁹³.

Амалиётчиларга тавсиялар:

Ҳимоячилар бетарафликни баҳолашга ниҳоятда эътиборли бўлишлари керак, бунда, аризачининг фикрича, шундай ҳолат кузатилаётган бўлса,

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан.

⁹¹ «Қуйидаги ҳолларда судья, шунингдек халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва уни рад қилиш лозим, башарти: 1) у шу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётган ёки илгари иштирок этган бўлса; 2) у ушбу ишни юритиш учун масъул бўлган бирор мансабдор шахснинг ёки ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган ўзга шахсларнинг қариндоши бўлса; 3) унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.» (ЎЗР ЖПК 76-моддаси).

⁹² «Судья илгари шу ишни юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида иштирок этган бўлса, ўша ишни келгусида кўришда қатнаша олмайди. Биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида ишни кўришда иштирок этган судья унинг иштирокида чиқарилган ҳукм, ажрим (қарор) бекор қилинганидан кейин ўша ишни кўришда иштирок эта олмайди. Жиноят ишини биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини апелляция ёки кассация инстанциясида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди. Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди. Жиноят ишини кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу жиноят ишини биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок эта олмайди. Суриштирувчининг, терговчининг, шунингдек суд мажлиси котибининг ўз процессуал мажбуриятини бажариши, башарти ушбу иш қўшимча тергов юритиш ёки судда янгидан кўриш учун юборилган бўлса, улар томонидан тегишлича суриштирув, дастлабки тергов юритишга, шунингдек суд мажлиси баённомасини тузишга монелик қилмайди.» (ЎЗР ЖПК, 76-модда, 3–7-қисмлар.)

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги № 16 «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисидаги»ги қарори, 33-банд.

судьянинг ноҳолислиги тўғрисидаги баёнотини аниқ ва етарли даражада асосланган ҳолда тақдим қилишлари керак. Бир қарашда аҳамиятли бўлиб туюлмайдиган деталлар, шунга қарамай, уларни бирга ёки алоҳида олганда судьянинг ноҳолислигидан гувоҳлик бериши мумкин. Бунга, ҳусусан, қуйидагилар кириши мумкин: айбланувчи ёки ҳимоя гувоҳлари томонидан кўрсатма берилаётганда судьянинг процесс иштирокчиларидан бири билан ёки телефон орқали суҳбатлашиши, суд томонидан гувоҳларни чақириш ва уларни сўроқ қилиш чоралари кўрилмагани, ҳимоянинг жўнаб кетиши зарур бўлган тўфайли бу ерда узоқ қола олмайдиган ҳимоя гувоҳлари судга келганда ҳар гал суд мажлисининг қолдирилиши ва ҳ. к., яъни ҳимоя амалга оширилишига тўсқинлик қилиш ёки ҳимоя далилларидан кўз юмиш. Ҳар бир алоҳида ҳолатда ҳимоячи ЖПКда белгиланган тартибда суднинг бу каби хатти-ҳаракатларига муносабат билдириши ва суд ҳукми устидан арз қилишда ҳукм бекор қилинишининг асосларидан бири сифатида суднинг ноҳолислиги ва адолатсизлигини кўрсатиш керак⁹⁴. Судьянинг хатти-ҳаракатлари устидан шунингдек судьяларнинг малака комиссиясига шикоят қилиш ва бунда судьяни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини қўйиш мумкин (Қаранг: ЎЗРнинг «Судлар тўғрисида»ги қонуни, 73-модда).

Шуни таъкидлаш зарурки, кўп ишлар юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита шундай хулосага келганки, аризачи холислик йўқлигини исботлай олмаган, чунки кўпинча ноҳолислик тўғрисидаги баёнотлар эҳтимолий жабрланувчининг қонунинг ноҳолис қўлланилиши тўғрисидаги тахминларига асосланган бўлади. Масалан, *Сингх Канадага қарши* ишида Қўмита қуйидаги одатдаги изоҳдан фойдаланган: «Қўмита шуни таъкидлайдики, муаллифнинг аксарият фикрлари унинг ишидаги фактлар ва далилларга муаллиф иши билан шуғилланган Ғарбий Онтарио Университети ва Канада судлари берган баҳога тааллуқли. У (Қўмита) шуни эслатадики, ҳар қандай ҳолатда фактлар ва далилларга баҳо бериш Пактга аъзо-давлатлар судлари ва апелляция инстанцияларининг ваколатига киради. Қўмитанинг вазифаси ушбу фактлар ва далилларни қайта кўриб чиқишдан иборат эмас, миллий судьялар яққол тарзда ўзларининг холисликка доир мажбуриятларини бузганлиги ёки бошқа тарзда ўзбошимчалик билан иш кўрганлиги аниқланган, ёки судларнинг қарорлари одил судловга бўлган ҳуқуқни рад этилишини англатаётган ҳолатлар бундан мустасно. Қўмитага тақдим қилинган материалларда аъзо давлатнинг суди ушбу ишда 14-моддасига (ФСХП) зид иш кўрганлиги кўрсатилмаган»⁹⁵.

Юқоридагиларга кўра, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитага йўлланган хабарларда ҳимоячи суд томонидан фактларга қандай баҳо берилиши ва оғир жазо тайинланганлигига эмас, ЎЗРнинг халқаро шартномаларида ва миллий қонунчиликда мустаҳкамланган одил судлов ва ҳимоя ости-

⁹⁴ ЎЗР ЖПК: Судьянинг, прокурорнинг, терговчининг, суриштирувчининг ва суд мажлиси котибининг ишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар, 76-модда, 3-банд: «Унинг холислигига ва бегаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса».

⁹⁵ *Сингх Канадага қарши* (761/1997), ФСХП, А/52/40 II ж. (1997 йил 29 июл), 348 (ССРР/С/60/Д/761/1997), 4.2 банд.

даги шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари бузилишига эътибор қаратиши лозим.

5. Суднинг ваколатлилиги тамойили

Айбланувчи қонун асосида ташкил қилинган ваколатли суд томонидан судланишга ҳақли.

Халқаро стандартлар

Трибуналлар, судлар ва судьялар, шу жумладан суд терговчилари, қонунга мувофиқ, ваколатли бўлиши керак. Ҳар ким қонунда белгиланган процессуал нормалар асосида тузилган умумий юрисдикция суди ва судьялари томонидан судланишга ҳақли. Керакли тарзда белгиланган процессуал нормаларни қўлламайдиган трибуналлар умумий юрисдикция судларининг ўрнини босиш учун тузилмаслиги керак⁹⁶.

Одатда, юрисдикцияси қатъиян ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган ҳарбий жиноятлар билан чекланган ҳарбий трибуналлар қуйидагиларга доир ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлмаслиги керак:

- i. ноҳарбий шахслар;
- ii. ноҳарбий шахсларга нисбатан инсон ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ҳарбийлар ёки полициячиларга нисбатан.

Трибуналлар ва судлар, шунингдек уларнинг юрисдикцияси, мажбуриятлари ва вазифалари олдиндан миллий қонунчилик томонидан белгила- ниши керак.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича одил судловни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади. Биринчи инстанция суди жиноят иши бўйича ҳукм ёки ажрим чиқариш ҳуқуқига эга. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари

⁹⁶ Суд органлари мустақиллигига доир асосий тамойиллар, 5-тамойил; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, *Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши*, юқорида қаранг, 129-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси, 1998 йил 31 октябрдаги қарор, Интернешнл пен, Конституциявий ҳуқуқлар лойиҳаси, *Интеррайтс ва Фуқаролик ҳуқуқлар ташкилоти Нигерияга қарши*, №№ 137/94, 139/94, 154/96 ва 161/97 хабарлар, 86-банд.

ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган протестлар бўйича ишларни улар апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин кўриб, қарор (ажрим) чиқаради⁹⁷.

ЖПК доирасида судларнинг ваколатига қуйидагилар кириди: қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни эҳтиёт чоралари тўғрисида қарор чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш; прокурорнинг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳжумни амнистия актига асосан жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб чиқиш; ҳукмни ижро эттириш кириди⁹⁸. Юқори судлар, бундан ташқари, ўз ваколатлари доирасида қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назоратни амалга оширадilar⁹⁹.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судловига юқори судларнинг ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари ҳамма жиноят ишлари тегишлидир; Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судловига юқори судларнинг ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари ҳамма жиноят ишлари тегишлидир¹⁰⁰. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, жиноят ишлари бўйича тегишли туман (шаҳар) судига, шунингдек округ ёки ҳудудий ҳарбий судга кўриш учун топширишга ҳақли¹⁰¹.

Шуни ҳам қайд этиш муҳимки, ЎзР Ҳарбий судлари ҳарбийларга нисбатан кўрилатган ишлардан ташқари умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда давлат сирларига тааллуқли ишларни, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни кўрадilar¹⁰².

Амалиётчиларга тавсиялар:

Жиноий ишнинг суд томонидан ваколатидан ташқари кўриб чиқилиши, яъни суд қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, унинг ноҳолислигини келтириб чиқарган ҳолда, судловга тегишлилиги бўйича ишни

⁹⁷ ЎзР ЖПК, Суд, 28-модда.

⁹⁸ ЎзР ЖПК, Суднинг ваколатлари, 29-модда.

⁹⁹ Ўша жойда.

¹⁰⁰ ЎзР ЖПК, Жиноий ишларнинг судловга тегишлилиги, 389-модда.

¹⁰¹ Ўша жойда.

¹⁰² ЎзРнинг «Судлар тўғрисида»ги қонуни, 41-модда.

кўрилмагани, қонунда белгиланган тартибнинг бузилиши бўлиб, одил судловга бўлган ҳуқуқни ҳам бузиши мумкин. Тегишли равишда, ҳимоячи қарор амалдаги қонунчилик меъёрларига зид равишда қабул қилинган бўлса юрисдикцияни ўзгартириш ҳақидаги қарор устидан, айти пайтда иш ваколатсиз суд томонидан кўриб чиқилгани туфайли юқори судга шикоят аризасини бериши керак.

6. Айбловчининг роли¹⁰³

Айбланувчи адолатли ва ҳолис айбловчи иштирокида суд ишининг кўриб чиқилишига ҳақлидир.

Халқаро стандартлар

Айбловчилар ўзларининг касбий вазифаларини ҳалол ва ҳолис амалга ошириши, бунда сиёсий, ижтимоий, диний, ирқий, маданий асослар, жинсий мойилликлар ва ҳар қандай бошқа белгиларга кўра камситилиши имкониятига йўл қўймаслик керак.

Айбловчи томонидан ўз вазифаларининг керакли тарзда амалга оширилиши учун унга тўлиқ автономия ва давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан мустақиллик талаб қилинади¹⁰⁴. Судьяларга қўйиладиган талабларга нисбатан халқаро ҳуқуқда прокурорларнинг институционал мустақиллигини кафолатловчи меъёрлар кўзда тутилмаган, чунки айрим тизимларда прокурорлар ижроия ҳокимияти томонидан тайинланади, ёки маълум даражада унинг олдида ҳисобдор бўлади. Бу эса уларнинг зиммасига вакиллик давлат ҳокимияти чиқарган у ёки бу буйруқларни бажаришга мажбур қилади. Давлат айблов органининг мустақиллиги ижроия ҳокимиятига ҳисоб берадиган органга нисбатан афзалроқ, аммо ҳар қандай ҳолатда давлат прокурорларга терговни ҳалол ва ҳолис кўриб чиқиши учун кафолатлар бериши керак.

Айбловчининг ваколатлари суд вазифаларидан қатъиян ажратилиб қўйилиши керак¹⁰⁵.

Ўзларининг касбий вазифаларини бажаришда прокурорлар таъзийқларга ва зўравонликларга дуч келмаслиги керак, шунингдек тўсқинлик кўрса-

¹⁰³ Қаранг: Суд хатти-ҳаракатларини амалга оширувчи шахсларнинг ролига доир БМТнинг асосий тамойиллари: R(2000) 19 Вазирликлар қўмитасининг Европа Иттифоқи аъзо-давлатларига «Жиноий ишларни кўриб чиқишда оммавий суд хатти-ҳаракатларининг роли тўғрисидаги тавсиялар; ва Африкада одил судловга ва ҳуқуқий ёрдам масаласи бўйича ҳуқуқнинг тамойиллари ва раҳбарий қоидалари.

¹⁰⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Мексикадаги инсон ҳуқуқларига оид вазият бўйича маъруза. OEA/Ser. L/V/II. 100, 7 ҳужжат, 1 тузатиш, 372- ва 381-бандлар, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 2008 йил 10 июлдаги қарор, *Медведев ва бошқалар Францияга қарши*, № 3394/03 шикоят, 61-банд.

¹⁰⁵ Суд хатти-ҳаракатларини амалга оширувчи шахсларнинг ролига доир раҳбарий тамойиллар, 10-тамойил.

тиш ва қонунсиз аралашувлардан, ҳамда асоссиз фуқаролик, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод бўлишлари керак.

Айбловчилар тегишли билим ва малакага эга бўлиши лозим, улар ўз ваколатларига кирувчи идеаллар ва ахлоқий меъёрларни аниқ тушуниши ва билиши керак, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш воситалари, шунингдек, миллий ва халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан хабардор бўлиши керак¹⁰⁶.

Прокурорлар жиноий процессда, шу жумладан, жиноят процессини кўзга, жиноятлар бўйича тергов ўтказишда, терговнинг қонунийлигини назорат қилишда, суд қарорларининг бажарилишини назорат қилишда фаол роль ўйнаши, қонунда кўзда тутилган ёки амалиётда ишлаб чиқилган ҳолатларда жамоатчилик манфаатларини вакили сифатида бошқа вазибаларни амалга ошириши керак¹⁰⁷.

Айбловчилар, қонунга мувофиқ, ўз вазибаларини холис, изчил ва тезкор бажариши, инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоялаши, шу тарзда, одил судлов амалга оширилишига ҳамда жиноий судлов тизими нормал фаолият кўрсатишига ўз ҳиссасини қўшиш керак¹⁰⁸.

Ўз хизмат вазибаларини бажаришда айбловчи қўйдагиларга амал қилиши керак:

- i. ўз вазибаларини ҳалол бажариши ва ҳар қандай камситишдан: сиёсий, ижтимоий, этник, диний, маданий, жинсий ёки ҳар қандай бошқа турдаги камситишдан сақланиши керак;
- ii. холис хатти-ҳаракат юритган, гумон қилинувчи ва жабрланувчи нуқтаи назарини эътиборга олган ҳолда жамоатчилик манфаатларини ҳимоялаши, шунингдек, уларнинг гумон қилинувчи шахс учун фойдалими ёки фойдали эмаслигидан қатъий назар ишнинг барча ҳолатларига эътибор қаратиши керак;
- iii. иш материалларини қатъиян сир сақлаши керак, лавозим мажбуриятлари ёки одил судлов манфаатлари бошқа йўлни талаб қилган ҳолатлар бундан мустасно;
- iv. уларнинг шахсий манфаатларига дахлдор бўлган ҳолатларда жабрланувчининг фикрларини эътиборга олиш ва жабрланувчилар ўз ҳуқуқларидан хабардор бўлишини кафолатлаши лозим¹⁰⁹.

Холис тергов айбловларининг асоссизлигини аниқлаган тақдирда, прокурорлар жиноий таъқибни бошламаслиги ёки давом эттирмаслиги керак, шунингдек бундай таъқибни тўхтатиш учун барча чораларни кўриши лозим¹¹⁰.

¹⁰⁶ Суд хатти-ҳаракатларини амалга оширувчи шахсларнинг ролига доир раҳбарий тамоийиллар, 2-тамоийил.

¹⁰⁷ Ўша жойда, 11-тамоийил.

¹⁰⁸ Ўша жойда, 12-тамоийил.

¹⁰⁹ Ўша жойда, 13-тамоийил.

¹¹⁰ Ўша жойда, 14-тамоийил.

Айбловчи давлат ҳоқимияти вакиллари томонидан содир қилинган жиноятлар учун жиноий таъқиб ҳолатларига, хусусан, порахўрлик, хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатларига етарли эътибор қаратиши лозим¹¹¹.

Прокурорлар томонидан тегишли маълумотлар олинган ҳолларда ёки гуноҳ қилинувчи шахсга нисбатан айбини исботловчи далиллар ноқонуний усуллар ёрдамида олинганлиги бўйича жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолларда, айниқса, қийноқларга ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки унинг қадр-қийматини камситувчи муомалага ёки жазолаш ҳолларга йўл қўйилганда, улар ҳар қандай шахсга нисбатан бундай далиллардан фойдаланишдан воз кечиши, бундай усуллардан фойдаланган шахсларга қарши ҳолатлар бундан мустасно, ёки бу ҳақда тегишли суд органига хабар қилиши, шунингдек, бундай усуллардан фойдаланган шахсларни жавобгарликка тортиш учун барча зарур чораларни кўриши керак¹¹².

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎзР Конституцияси, ЎзРнинг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни, ЖК ва ЖПК, мавжуд қонун ости ҳужжатлари прокурор томонидан ўз ваколатларини амалга оширишда унинг мустақиллигини мустаҳкамлайди. ЎзР Конституциясига кўра, прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий тамойилларга, ягоналик, марказлашув, қонунийлик, мустақиллик ва ошқоралик киради.

Прокуратура органлари ягона марказлаштирилган тизимни ташкил этади, ва унга Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади, қуйи прокурорларнинг юқори прокурорларга ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурорига бўйсунуши ва ҳисобдорлиги асосида иш юритади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади¹¹³. Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади. Прокурорларнинг ваколат муддати — беш йил¹¹⁴.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадilar¹¹⁵. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашуш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув

¹¹¹ Суд хатти-ҳаракатларини амалга оширувчи шахсларнинг ролига доир раҳбарий тамойиллар, 15-тамойил.

¹¹² Ўша жойда, 16-тамойил.

¹¹³ ЎзР Конституцияси, 118-модда.

¹¹⁴ ЎзР Конституцияси, 119-модда.

¹¹⁵ ЎзР Конституцияси, 120-модда.

қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш, шунингдек суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилиш белгиланган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради¹¹⁶.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат¹¹⁷.

ЖПКга кўра, прокурорнинг вазифаси қуйидагича белгиланган: прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт¹¹⁸.

Прокурор, биринчи инстанция судлари томонидан жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда иштирок этар экан, давлат айбловни қўллаб-қувватлайди, далилларни исботлашда иштирок этади, судланувчиларга, жабрланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга ва судга таклиф қилинган бошқа шахсларга саволлар беради, Жиноят кодекси меъёрларининг қўлланилиши, судланувчи хатти-ҳаракатларини малакалайди, унга тайинланадиган жазо тури ва миқдори бўйича ўз фикрини билдиради, жиноят содир қилинишига олиб келувчи сабаб ва шароитлар, уларни бартараф этиш усуллари ҳақидаги мулоҳазаларини тақдим этади.

Суд тергови натижалари асосида прокурор айбланувчига қўйилган айбни ўзгартириш зарур, деган хулосага келса, у бу ҳақда судга асослантирилган баёнот бериши керак. Суд ишини кўриб чиқиш натижасида прокурор суд суриштируви натижалари айбланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган хулосага келса, у айбловдан воз кечиши ва судга бунинг сабабларини баён қилиши керак. Прокурорнинг айблов хулосани ўзгартириш ёки айбловдан бош тортиш асослари ҳақидаги фикрлари судга ёзма тарзда тақдим қилиниши керак.

Фуқаролар ва жамият манфаатлари тақозо қилган ҳолларда, прокурор жабрланувчиларга фуқаролик даъвосини тақдим қилади ёки тақдим қилинган даъвони қўллаб-қувватлайди.

Прокурор жиноят ишларини кўришда ёки ҳукми ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судида иштирок этади¹¹⁹.

¹¹⁶ ЎзР ЖК, Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралashiш, 236-модда, Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш, 239-модда.

¹¹⁷ ЎзРнинг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни: Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари, 2-модда.

¹¹⁸ ЎзР ЖПК: Прокурор, 33-модда.

¹¹⁹ ЎзР ЖПК: Суд муҳокамасида прокурорнинг иштироки, 409-модда.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячи, унинг илтимосномалари, шикоятлари шунчаки иш материалларига қўшилишига эмас, балки терговчи ва прокурор томонидан жиддий ўрганилиши ва қаноатлантирилиши учун барча чораларни кўриши керак. Агарда прокурор ҳимоя важларини эътиборсиз қолдирса, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш босқичида, ЎЗР ЖПКнинг 396-моддасига амал қилган ҳолда, иш мазкур суднинг судлови-га тегишлиги, ишни давом эттиришга асослар мавжудлиги, тергов жараёнида ЖПК талабларига риоя қилинганлиги, эҳтиёт чораси тўғри танланганлиги ва ушбу моддада кўзда тутилган бошқа масалаларни аниқлаш лозимлиги тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиши керак¹²⁰.

Юқорида санаб ўтилган масалаларнинг ҳар бири муҳим аҳамията эга, ва ҳимоя ўзининг илтимосномасида ёки шикоятида суд томонидан у ёки бу қарорнинг қабул қилиниши зарурлиги тўғрисидаги асосларини келтириши мумкин. ЖПКнинг 397–401-моддаларида суд томонидан ҳар бир ҳолат бўйича қарор қабул қилиш тартиби кўзда тутилган, ва ҳимоячи ҳимоя учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш зарур.

Прокурор томонидан процессуал ҳужжатлар мазмунан кўриб чиқилгани, ёки расмийлик учун жавоблар йўллангани, масалан «жиноий иш судга берилгани тўғрисида илтимоснома ёки шикоят кўриб чиқа олинмайди», қабидаги жавоблардан қатъий назар, барча ҳолатларда бундай мурожаатлар зарур. Ҳимоя важларини биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судларига тақдим этиш, бунда дастлабки тергов ва суд жараёнида қандай процессуал хатоларга йўл қўйилгани кўрсатилиши керак. Зеро, бу барча ички ҳимоя воситаларидан фойдаланилганини исботлайди ва хабарнинг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши учун асос бўлиб хизмат қилади¹²¹.

7. Юристлик касбининг мустақиллиги¹²²

Жиноий жазоланадиган хатти-ҳаракатни содир қилишда айбланган ҳар бир шахс адвокат ёрдами ва ҳимоясидан фойдаланишга ҳақли, Давлат юридик касбининг мустақиллигини кафолатлаши ва адвокатларга ўз касбий вазифаларини бажариши учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак.

¹²⁰ ЎЗР ЖПК: Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, 396-модда.

¹²¹ Барча ҳужжатлар кейинчалик юқори судда ва халқаро инстанцияларга мурожаат қилишда фойдаланилиши мумкин: БМТ ИХҚ.

¹²² Қаранг: БМТнинг юристларнинг ролига тегишли асосий тамойиллари: Қўмитанинг аъзо давлатлар вакилларига тавсиялари, № 2000 (21). Адвокат касбини амалга ошириш эркинлиги; Африкада одил судлов ва ҳуқуқий ёрдамга бўлган ҳуқуқ бўйича тамойиллар ва раҳбарий тамойиллар.

Халқаро стандартлар

Жиноят содир қилишда айбланган шахслар барча ҳолатларда уларнинг иши мустақил ва холис суд томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқини таъминловчи адвокат ёрдамидан фойдаланишлари керак, улар ўзларини мустақил ҳимоялашга хоҳиш билдирган ҳолатлар бундан истисно. Адвокатлар суднинг мустақиллиги ва холислиги бўйича мулоҳаза билдириш ҳуқуқига эга, ҳамда судланувчи ҳуқуқларига риоя қилинишини ва суд-ҳуқуқ кафолатларини таъминлашга интилиши зарур¹²³. Шахс бундан фойдаланишга имкони бўлмаган ҳолларда ҳам адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи халқаро ҳуқуққа мувофиқ одил судловга бўлган ҳуқуқнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бундан ташқари, адвокатлар ушланишнинг қонунийлиги юзасидан тортиши орқали, хусусан, habeas corpus тартиби бўйича илтимоснома бериш ёрдамида, шахснинг ўзбошимчалик билан ҳибсга олинмаслиги ёки ҳибсда сақланмаслиги ҳуқуқини ҳимоялашда асосий ролни ўйнайди¹²⁴. Улар жиноят содир этишда гумон қилинаётган айбдорлар ишлари жинорий судловда кўриляётган ва етказилган зарарни қоплаш жараёнларида инсон ҳуқуқлари қўпол бузилиши жабрланувчилари ва уларнинг қариндошларига маслаҳат беради ва уларнинг манфаатларини ифодалайди.

Юридик ёрдам самарали бўлиши учун аввало мустақил бўлиши керак. Халқаро ҳуқуқ ҳам алоҳида адвокатларнинг, ҳам умуман юридик касбнинг мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган муайян кафолатларни белгилайди.

Ҳар ким ўз танловига кўра суд муҳокамасининг барча босқичларида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга ҳақли. Давлатлар ўз ҳудудида ҳозир бўлган ва уларнинг юрисдикцияси остига тушувчи ёки уларнинг «амалий назорати» остида бўлган барча фуқароларга, бирон-бир тарзда, масалан, ирқи, танасининг ранги, этник келиб чиқиши, жинси, жинсий мойиллиги, тили, дини, сиёсий ва бошқа қарашлари, фуқаролиги ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, туғилиши, иқтисодий ва бошқа мақомига кўра ажратмаган ҳолда адвокатлар хизматидан фойдаланишда амалий ва тенг имконият-

¹²³ Қаранг, масалан, БМТнинг юристларнинг ролига тегишли асосий тамойиллари. 1-тамоийил; Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 14-модда, 3 (d) банд. Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари хартияси; 7-модда, 1 (с) банд; Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси, 8-модда: БМТнинг қўлга олиш ва қамоқда сақлашга дуч келган барча шахсларни ҳимоялашга доир асосий тамойиллар, 11-тамоийил.

¹²⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, умумий турдаги 20-хулоса 7-модда. Қийноқларни ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки одам кадр-қимматини ерга урувчи муомалани тақиқлаш, 11-банд; ва Инсон ҳуқуқари бўйича қўмитанинг Тожикистон Республикаси бўйича якуний хулосалари, ССРР/СО/84/ТЖК, 2005 йил 18 июл, 11-банд, Таиландга нисбатан, ССРР/СО/84/ТНА, 2005 йил 8 июл, 15-банд. Шунингдек қаранг: Юристларнинг ролига тааллуқли асосий тамойиллар; Алоҳида шахслар, гуруҳлар ва жамият органларининг умумтан олинган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоялашга доир ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги декларация; Қўмитанинг аъзо давлатлар вакилларига тавсиялари, № 2000 (21), Адвокат касбини амалга ошириш эркинлиги; ҳамда Африкада одил судловга ва ҳуқуқий ёрдам масаласи бўйича ҳуқуқнинг тамойиллари ва раҳбарий қоидалари.

ларни таъминлашга доир самарали тартиб ва механизмларни кафолатлаши керак.

Давлат қуйидагиларни таъминлаши керак:

- i. ваколатли органлар томонидан барча шахсларни ушлаб туриш, ҳибсга олиш ёки жиноят содир қилишда айб эълон қилишда уларнинг ўзи танлаган адвокатдан фойдаланиш ҳуқуқи борлиги тўғрисида дарҳол хабардор қилиш;
- ii. айб қўйлиб, ёки қўйилмаган ҳолда ушлаб турилганларга ва қамоққа олинганларга адвокатга мурожаат қилиш имкониятини таъминлаш. Ҳар қандай ҳолда, бундай имкониятни шахс ушлаб турилган ёки қамоққа олинган пайтдан бошлаб қирқ саккиз соатдан кечиктирмасдан бериш;
- iii. жиной ишни кўриб чиқишнинг барча ҳолат ва барча жараёнида жиноят қилишда айбланаётган шахслар манфаатларини адвокатлар томонидан ифодаланишини;
- iv. адвокати бўлмаган шахслар, одил судлов талаблари шуни тақозо қилган барча ҳолатларда, етарли маблағга эга бўлмаган тақдирда ҳам бепул равишда уларга самарали юридик ёрдам кўрсата оладиган, ҳуқуқбузарлик табиатига хос бўлган умумий билимларга эга, тажрибали адвокат тайинланишини талаб қила олишини.

Давлат қуйидагиларни кафолатлаши керак:

- i. адвокатлар ўз касбий вазифаларини қўрқитишсиз, тўсиқларсиз, таъқиб қилишсиз ёки асоссиз аралашувларсиз бажара олишини;
- ii. ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида улар хавф остида қолган ҳолларда адвокатлар хавфсизлигини;
- iii. ўз миждози билан мулоқот қила олиши учун адвокатга эркин кўчиб юришини (ҳаракатланиш эркинлигини);
- iv. умумқабул қилинган касбий мажбуриятлари, стандартлар ва ахлоқий меъёрларга мувофиқ равишда амалга ошираётган хатти-ҳаракатлари учун адвокатни таъқиб, таъқиб қилиш хавфидан ёки маъмурий, моддий ва бошқа жавобгарликдан ҳимоялаш;
- v. адвокатлар ва уларнинг миждозлари ўртасидаги барча суҳбатлар ва маслаҳатлашувларнинг махфийлигини таъминлаш; шунингдек:
- vi. адвокатлар ўзларининг адвокатлик вазифаларини бажаришда ўз миждозлари ёки уларнинг фаолияти билан тенглаштирилмаслигини. Ваколатли органларнинг мажбурияти — адвокатга ҳокимият ихтиёрида ёки назорати остида бўлган тегишли ахборот, файл ёки ҳужжатлардан миждозларига зарурий юридик ёрдам кўрсатиш учун етарли вақт давомида фойдаланиш имкониятини беришдан иборат. Бундай имконият иложи борица тезроқ таъминланиши керак. Адвокатлар судда ёки бошқа бирон судга оид ёки маъмурий органда ўзларининг хизмат вазифаларини бажаришда улар томонидан ёзма ёки оғзаки шаклда қилинган ҳалол баёнотлари учун фуқаролик ва жиноий иммунитетига эга бўлиши керак.

Одил судловни амалга оширишнинг асосий бўғинлари сифатида, адвокатлар барча ҳолатларда уларнинг касбига хос ор-номус ва қадр-қиммати сақлаши ва ўз мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Адвокатларнинг асосан уларнинг мижозларига тааллуқли бўлган мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- i. мижозларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, мижозларнинг юридик ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли ҳуқуқий тизим хусусиятлари ҳақида маслаҳатлар бериш;
- ii. мижозларга турли ёрдамлар кўрсатиш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;
- iii. зарур ҳолларда, мижозларга судларда, трибуналларда ёки маъмурий органларда ёрдам кўрсатиш.

Мижозларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашишда адвокатлар, шунингдек миллий ва халқаро меъёрлар томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳам ҳимоя қилиши керак; улар, айти пайтда қонунга ва умум эътироф этилган меъёрларга, шунингдек юридик касб этикасига мувофиқ равишда эркин ва ҳалол хатти-ҳаракат қилиши керак.

Адвокатларга нисбатан айбловлар ва касб эгаси сифатида уларнинг хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятлар белгиланган тартибда тезда ва адолатли кўриб чиқилиши керак. Адвокатлар интизомий иши адолатли кўриб чиқилиши, шу жумладан, у ўз ихтиёрига кўра адвокат танлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд қилинганидек фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият юритади. ЎзР Конституциясига кўра, «Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади»¹²⁵.

Конституциядаги ушбу қонидани ривожлантирган ҳолда ЎзРнинг «Адвокатура тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасида адвокатурага адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олувчи ҳуқуқий институт, деб таъриф берилади.

ЎзРда адвокатура фаолиятини тартибга солувчи иккита қонун амал қилади¹²⁶.

¹²⁵ ЎзР Конституцияси, 116-модда.

¹²⁶ ЎзРнинг «Адвокатура тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрдаги № 349-1 қонуни, ЎзРнинг «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги 1998 йил 25 декабрдаги №721-1 қонуни.

«Адвокатура тўғрисида»ги қонунда давлат адвокатнинг касбий ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қиммати қонун томонидан қўриқланишини кафолатлайди. Адвокатнинг касбий фаолиятига бирон бир тарзда аралашув, ўз касб мажбуриятларини бажариш пайтида олинган бирон-бир маълумотларни талаб қилиш, шунингдек бундай маълумотларни адвокатлик бирлашмаларининг мансабдор шахсларидан ва техник ходимларидан талаб қилиш тақиқланади. Адвокат томонидан ўз касбий мажбуриятларини адо этиш пайтида унга ҳар қандай шаклда тазйиқ ўтказиш тақиқланади.

Адвокат ҳимоячи ёки вакил сифатида ўз мажбуриятларини адо этган пайтда ўзига маълум бўлган ҳолатлар юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас. Ундан адвокатлик ишлаб чиқариши (досье), ўз касбий мажбуриятларини адо этиш муносабати билан олинган ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўриқдан ўтказилиши мумкин эмас, айти пайтда у ўзи юридик ёрдам кўрсатаётган шахслар билан учрашиш ҳуқуқини амалга оширишда чекланиши мумкин эмас.

Суриштирув органи, терговчи, прокурор томонидан адвокатнинг иш юзасидан ҳуқуқий позицияси бўйича тақдимнома киритилиши, шунингдек, суднинг хусусий ажрими чиқарилиши мумкин эмас. Адвокатни жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиши сабабли унга таҳдид қилиш мумкин эмас.

«Адвокатура тўғрисида»ги қонунда давлат адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланишини кафолатлайди. Адвокатларнинг касбий фаолиятига у ёки бу тарзда аралашув, улар ўз касбий вазифаларини бажараётганда олган муайян маълумотларни ошкор этишни талаб қилиш, шунингдек адвокатлар бирлашмаларининг мансабдор шахсларидан ва техник ходимларидан худди шундай маълумотларни талаб қилиш тақиқланади. Адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганида унга бирор-бир шаклда таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди.

Адвокат ҳимоячилик ёки вакиллик вазифасини бажараётганда ўзига маълум бўлиб қолган тафсилотлар юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас. Адвокат касбий вазифаларини бажариши муносабати билан қўлга киритган адвокатлик далиллари (ашёлари), ҳужжатлари ундан олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас, шунингдек унинг ўзи юридик ёрдам кўрсатаётган шахслар билан учрашиш ҳуқуқи чекланиши мумкин эмас.

Адвокатнинг иш юзасидан ҳуқуқий нуқтаи назари хусусида суриштирув органи, терговчи, прокурор тақдимнома киритиши, шунингдек суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас. Адвокат қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан уни жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан қўрқитиш мумкин эмас.

Адвокатга нисбатан жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент

шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қўзғатилиши мумкин¹²⁷.

«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, адвокатлик фаолиятининг асосий тамойилларига адвокатнинг мустақиллиги; Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига қатъий риоя этиш; қонун ҳужжатларида ман қилинмаган усуллар ва воеситаларни қўллаш киради.

Адвокатнинг мустақиллиги: унга қонунда белгиланган тартибда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун ижозат бериш, бу фаолиятни тўхтатиб туриш ва тугатиш; адвокатнинг дахлсизлиги; адвокатлик сирини ошкор этишни талаб қилишни ман этиш; адвокат олиб бораётган ишларга аралашганлик ёхуд адвокатнинг дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик; давлат томонидан унга адвокатлик фаолияти кафолатлари берилиши ҳамда ижтимоий ҳимояланиши орқали таъминланади¹²⁸.

Қонунда адвокатнинг дахлсизлиги кафолатланади: адвокатнинг шахси дахлсиз. Адвокатнинг дахлсизлиги унинг уй-жойига, хизмат хонасига, фойдаланишидаги транспорти ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир. Адвокатнинг уй-жойи ёки хизмат хонасига, шахсий ёки фойдаланишидаги транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш, унинг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, адвокатни кўздан кечириш ва шахсий тинтувдан ўтказиш, худди шунингдек унинг почта-телеграф жўнатмаларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш ёки олиб қўйиш, адвокатни мажбурий келтириш, ушлаб туриш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг санкцияси билан амалга оширилиши мумкин. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси адвокатга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига кўра жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилиши мумкин¹²⁹.

Қонунга мувофиқ, адвокат юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганида унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди. Адвокатдан ва унинг ёрдамчисидан ва стажёридан адвокатлик сири предмети ҳисобланган ҳолатлар тўғрисида бирон-бир тушунтириш ёки

¹²⁷ ЎзРнинг «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни, Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида, 10-модда.

¹²⁸ ЎзРнинг «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонун: Адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш, 5-модда.

¹²⁹ Ўша жойда. Адвокатнинг дахлсизлиги, 6-модда.

кўрсатувлар беришни талаб қилиш¹³⁰, шунингдек улар ҳақида тезкор-қидирув фаолиятида, жиноят ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва бошқа ишларни юритишда фойдаланиш учун бирон-бир материал тақдим этишни талаб қилиш ман этилади. Адвокатлик фаолиятини амалга оширишда бирон-бир махсус рухсатнома (ордер ва адвокат гувоҳномасидан ташқари) талаб қилиш ёки бошқа тўсиқлар вужудга келтириш ман этилади¹³¹.

Адвокатнинг муайян ишни ўрганишига тўсқинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахснинг (ўз ҳимояси остидаги шахснинг) қонуний манфаатларига зид келувчи нуқтаи назарни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатиш, шунингдек адвокатга таҳдид қилиш, уни ҳақоратлаш, унга нисбатан тўхмат қилиш, куч ишлатиш ёки унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади¹³².

«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлиши кафолатланади. Ушбу моддага кўра, адвокатнинг ўз ҳимоясидаги шахс билан ҳоли учрашувлар ўтказишини, жиноят ишига доир барча материаллар билан танишиб чиқиши ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олишини рад этиш ман қилинади. Бундан ташқари, юридик ёрдам бериш билан боғлиқ ахборотни талаб қилиб олиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, текшириш, ундан нусха кўчириш, бундай ахборотни тўплаш ва ундан фойдаланишга фақат адвокат айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортилган тақдирда, бошқа ҳолларда — жиноят, фуқаролик, хўжалик ишлари, интизомий ишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда эса, фақат юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади. Ўз навбатида давлат адвокатга қўйидагиларни таъминлайди: касбий вазифаларини бажариш имконияти; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек унинг ташқарисида юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган

¹³⁰ «Адвокатура тўғрисида»ги қонун: Адвокат адвокатлик сирини сақлаши шарт. Адвокатлик сирини жумласига ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) адвокатдан ёрдам сўраб мурожаат этганлигининг ўзи, ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ёрдам сўраб мурожаат этган масалалар, адвокатдан ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) олган маслаҳатлар, насиҳатлар ва тушунтиришларнинг моҳияти, адвокатнинг ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан ўтказган суҳбатида тўхтаб ўтилган барча масалалар кирати, 9-модда.

¹³¹ Ислохотлар жараёнида ЎзР МЖКга 197-1 сонли янги модда қўшилган ва у орқали адвокатлик фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилгани учун маъмурий жавобгарлик киритилган: «Адвокат сўровига жавоб тақдим этмасликда ифодаланган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш — энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади». Бу турдаги ҳуқуқбузарликни содир қилгани учун жиноий жавобгарлик, масалан Қирғизистон Республикаси Жиноий кодексига кўзда тутилган, Ўзбекистонда эса кўзда тутилмаган.

¹³² ЎзРнинг «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонун: Адвокатлик фаолиятига аралашигга йўл қўймаслик, 7-модда.

шахсларга маслаҳат бериш имконияти; ўз касбий вазифаларини бажариши туфайли ҳаёти ва соғлиғи учун хавф-хатар юзага келганда зарур даражадаги ҳимоя. Адвокатнинг касбга оид ҳуқуқларининг давлат органлари ва бошқа органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бузилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади¹³³.

2009 йилда адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатлар мустақиллиги кафолатларини кучайтириш мақсадида адвокатура институтининг ислоҳоти ташкил қилинди ва амалга оширилди¹³⁴. Ҳимоячининг ва ҳимояланувчининг жиноий процессда процессуал ваколатларини кенгайтириш билан бир қаторда ислоҳотлар натижасида адвокатурани бошқарув органларини, шунингдек улар фаолиятининг айрим жиҳатларини шакллантирувчи қонунчиликка ўзгартиришлар киритилди. Кейинчалик БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ўзининг Нью-Йоркда 2010 йилнинг 8–26 мартларида бўлиб ўтган 98-сонли сессиясида Ўзбекистон Республикасининг маърузаси бўйича Якуний мулоҳазаларни қабул қилди. 17-бандида таъкидланишича, «Қўмита шундан ташвишдаки, адвокатларнинг фаолиятини тартибга солувчи қоидаларга киритилган ўзгаришларга мувофиқ, Адлия вазирлигининг адвокатлар касбига тааллуқли масалалар, шу жумладан, адвокатларга нисбатан интизомий таъсир чораларининг қўлланилишига доир роли кенгайтирилган. Қўмита шунингдек, адвокатлик лицензиясининг амал қилиш муддати фақат уч йилни ташкил этиши, ҳамда Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатаси вакилларида ташкил топган малақа комиссияси томонидан узайтирилишидан ҳам хавотирда»¹³⁵. Қўмита Ўзбекистонга «...ўз қонунлари ва амалиётини шарҳлаш ва уларга адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ўзгартиришлар киритишни, шу жумладан, лицензияларни бериш тизимини қайта кўриб чиқишни» тавсия қилди.

Амалиётчиларга тавсиялар

Усиз одил судовни амалга ошириш мумкин бўлмаган суд тизимининг ажралмас қисми бўлгани ҳолда адвокатура ижроия органларидан мустақил институт бўлиши керак, чунки ҳимоячининг, масалан, давлат органлари томонидан давлат номидан жиноий ишни кўриш жараёнидаги мажбуриятлари гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш ва уларга зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат. Адвокат ўзининг касбий вазифаларини бажариш пайтида давлатга қарам бўлса, самарали ҳимояни таъминлаб бўлмайди.

¹³³ Юқоридаги 7-ҳаволага қаранг.

¹³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПФ-3993 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» фармони.

¹³⁵ Ҳар уч йилда адвокат ЎЗР Адлия вазирлиги қошидаги Юристарнинг малакасини ошириш институтида таълим олиши керак, ва имтиҳондан ўта олмаган тақдирда адвокат лицензиясининг амал қилиши тўхтатилиши мумкин.

Адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан унга тазйиқ ўтказилган ҳолларда, у ҳимоянинг ички механизмларидан фойдаланиш—Адвокатлар палатасига ва унинг ҳудудий бошқармаларига мурожаат қилишдан ташқари—БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачисига¹³⁶ хабар билан мурожаат қилишга, ва унда ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини баён қилишга ҳақли. Маърузачи, ўз навбатида давлатга у ёки бу адвокат ҳуқуқларининг бузилиши сабаблари бўйича савол билан мурожаат қилишга ва ушбу ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Қароргоҳи Женевада жойлашган Юристлар халқаро комиссияси ҳам адвокатларни ҳимоя қилишга қодир ташкилотдир. Зарур ҳолатларда у давлатнинг тегишли муассасаларига адвокатга тазйиқ ўтказишни тўхтатиш ҳақидаги илтимос билан мурожаат қилади, шунингдек адвокатга нисбатан суд хатти-ҳаракатлари олиб борилаётган бўлса, судга ўз кузатувчиларини юборади. Суд ишини кўриб чиқиш натижалари бўйича ЮХК шунингдек БМТнинг ИХКга давлат томонидан ўзининг халқаро мажбуриятларига қанчалик риоя қилаётгани бўйича муқобил ҳисоботни тайёрлашга ва йўллашга ҳақлидир.

¹³⁶ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасида махсус тартибот сифатида амал қилади.

2-БОБ. ЖИНОЙИ ИШНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ДОИРАСИДА ҚЎЛГА ОЛИШ ВА СУДГАЧА ҲИБСГА ОЛИШГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СТАНДАРТЛАР

1. Озодлик ҳуқуқи ва ўзбошимчалик билан қўлга олишнинг тақиқланиши¹³⁷

Ҳар ким шахсий озодлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эмас (шу жумладан, ҳибсга олиш, судгача ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш). Ушлаб туришга ва судгача қамоқда сақлашга фақат қонун асосида йўл қўйилади. Улар асоссиз бўлмаслиги керак ва фақат бунга ваколати бор шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Жиноий жазоланадиган хатти-ҳаракатларни содир қилишда айбланаётган шахсларни судгача қамоқда сақлаш қоидага айланмаслиги керак.

Халқаро стандартлар

Давлатлар ўзларининг ҳудудларида ҳозир бўлган, уларнинг юрисдикцияси ва «амалий назорати» остидаги ҳар бир шахснинг озодликка бўлган ҳуқуқини ва шахсий дахлсизлигини таъминлаши керак. Давлатлар ҳар бир кишига асоссиз ҳибсга олиш¹³⁸ ёки қамоқда сақлаш¹³⁹ натижасида озодликдан маҳрум қилинмаслигини кафолатлаши керак. Озодликдан ҳар қандай маҳрум қилиш қонун, ҳокимиятнинг махсус ваколатига эга вакиллари томонидан белгиланган асослар ва тартибга кўра амалга оширилиши керак. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан қўлга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. «Ўзбошимчалик» атамаси «қонунга зид» атамасига мос келмайди, балки кенгроқ маънода, яъни йўл қўйиб бўлмаслик,

¹³⁷ Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси, 3- ва 9-моддалар. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга оид халқаро пакт, 9-модда. Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция, 16-модда. Барча шахсларнинг зўравонлик билан гойиб бўлишдан ҳимоялаш бўйича халқаро конвенция, 17-модда. Яшаб турган мамлакат фуқароси бўлмаган шахсларга нисбатан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация, 5.1 модда, Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари хартияси, 6-модда. Африкада одил судлов ва ҳуқуқий ёрдамга бўлган ҳуқуқ бўйича тамойиллар ва раҳбарий тамойиллар. М тамойили, Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг Америка декларацияси, I ва XXV моддалар, Инсон ҳуқуқлари Америка конвенцияси, 7-модда, Араб инсон ҳуқуқлари хартияси, 14-модда, ва Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоялаш бўйича Европа конвенцияси, 5-модда.

¹³⁸ Ҳибсга олиш ва қамоқда сақлашга дуч келган барча шахсларни ҳимоялашнинг асосий тамойилларига мувофиқ, «ҳибсга олиш» шахсни бирон бир ҳуқуқбузарликни содир қилишда гумон қилиб ёки бирон-бир органнинг қарорига кўра ушлаб туришни билдиради.

¹³⁹ Ҳибсга олиш ва қамоқда сақлашга дуч келган барча шахсларни ҳимоялашнинг асосий тамойилларига мувофиқ, «қўлга олинган» атамаси ҳуқуқбузарликни содир қилиш натижаси бўлмаган ҳолда шахсий эркидан маҳрум қилинган шахснинг ҳолатини англатади.

адолатсизлик ва қутилмаганлик элементларини ҳам қўшиб тушуниш керак. Бу эса шахсни қонуний равишда қўлга олиш ёки қамоқда сақлаш нафақат қонун талабларига мос бўлиши, балки ўша пайтда мавжуд бўлган ҳолатлар нуқтаи назаридан оқилона бўлиши керак. У қочишнинг, далиллар яхлитлигига путур етишининг ёки такроран жиноят содир қилишнинг олдини олиш учун зарур бўлиши керак¹⁴⁰.

Шахсни фақат шартнома мажбуриятларини бажара олмагайдиган ахволда бўлгани учун озодликдан маҳрум этиш тақиқланади¹⁴¹. Озодликдан ҳар қандай маҳрум этиш қуйидаги умумий тамойилларга мос бўлиши керак:

- i. қонунийлик (моддий ва процессуал асослар);
- ii. легитимлилик (қамоқда сақлаш мақсади);
- iii. заруриятлиги ва асослилиги;
- iv. мутаносиблик; ва
- v. инсон ҳуқуқларини, хусусан, шахсий дахлсизлик, ўзбошимчалик билан қўлга олишдан сақланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи¹⁴².

Судгача қамоққа олиш чорасининг мутаносиблиги, зарурлиги ва асослилигини ҳар бир алоҳида ҳолатда баҳолаш керак. Айни пайтда судгача қамоққа олиш чорасининг мутаносиблиги, зарурлиги ва асослилигини кўриб чиқишда бир неча омилларни, хусусан, қуйидагиларни эътиборга олиш керак:

- i. тахмин қилинаётган жиноятнинг оғирлиги;
- ii. жиноятнинг табиати ва тахмин қилинаётган жиноятчиларнинг сони туфайли терговнинг мураккаблиги;
- iii. тайинланиши мумкин бўлган жазонинг характери ва оғирлиги;
- iv. қочиш ёки одил судловдан яшириниш хавфи;

¹⁴⁰ 1990 йил 23 июлдаги қарор, № 305/1988 фикр, *Хуго ван Альфен Нидерландияга қарши*, 1990 йил 15 август, 5.8 банд; Қаранг: № 631/1995 фикр, *Ааге Спакмо Норвегияга қарши*, № 631/1995 хулоса, 6.3 банд; 1994 йил 21 июлдаги фикр, *Альберт Уома Маконг Камерунга қарши*, № 458/1991 хабар, 9 (8) банд; 1997 йил 3 апрелдаги фикр, *А [исми кўрсатилмаган] Австралияга қарши*, № 560/1993 хабар.

¹⁴¹ ФСХҲП, 4- ва 11-моддалар.

¹⁴² Шу жумладан қуйидагиларга қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд: 1994 йил 21 январдаги қарор, *Гангарам-Пандай Суринамга қарши*, С серияси, № 16, 46–47-бандлар; 2004 йил 8 июлдаги қарор, *Ака-ука Гомез Пакияури Перуга қарши*, С серияси № 110, 83-банд; 2003 йил 27 ноябрдаги қарор, *Маритца Уррита Гватемалага қарши*, С серияси № 103, 65-банд; 2003 йил 18 сентябрдаги қарор, *Булацио Аргентинага қарши*, С серияси № 100, 125-банд, ва 2003 йил 7 июндаги қарор, *Хун Хумберто Санчес Гондурасга қарши*, С серияси № 99, 78-банд. Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди: 1993 йил 26 май, *Бранниган ва МакБрайд Бирлашган Қиролликка қарши*, №№ 14553/89, 14554/89 шикоятлар, 48-банд; 1988 йил 29 ноябрдаги қарор, *Броган ва бошқалар Бирлашган Қиролликка қарши*, №№ 11209/84, 11234/84, 11266/84, 11386/85 шикоятлар, 32-банд; 2001 йил 27 сентябрдаги қарор, *Гунай ва бошқалар Туркияга қарши*, № 31850/96 шикоят, 22-банд; 1997 йил 26 ноябрдаги қарор, *Мурат Сакик ва бошқалар Туркияга қарши*, №№ 23878/94, 23879/94, 23880/94, 23881/94, 23882/94, 23883/94 шикоятлар, 44-банд; 1996 йил 15 ноябрдаги қарор, *Чахал Бирлашган Қиролликка қарши*, № 22414/93 шикоят, 118-банд.

- v. айбланувчи томонидан далилларнинг йўқ қилиниши ёки сохталаштирилиши хавфи; ва
- vi. айбланувчи томонидан такроран жиноят содир қилиш хавфи¹⁴³.

Куйидаги ҳолларда озодликдан маҳрум қилиш ўзбошимчалик билан амалга оширилган, деб ҳисобланади:

- i. ҳеч қандай қонуний асосга эга бўлмаганда;
- ii. шахс томонидан Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясининг 7-, 13-, 14-, 18-, 19-, 20- ва 21-моддаларида, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактининг 12-, 18-, 19-, 22-, 25-, 26- ва 27-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилганда аъзо-давлатларга нисбатан;
- iii. одил судловнинг Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясида ва тегишли халқаро воситаларда белгилаб қўйилган стандартларига қисман ёки тўлиқ риоя қилмаслик нихоятда қўпол бўлиб, озодликдан ҳар қандай маҳрум қилиш ўзбошимчалик бўлиб қолганда;
- iv. озодликдан маҳрум қилиш, шу жумладан, судгача қамоққа олиш ноаниқ ёки турлича талқин қилиниши мумкин бўлган асосларга кўра амалга оширилганда¹⁴⁴.

Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқи тан олинмаган қамоққа олишлар, қамоқда яширинча сақлаш, гаров тариқасида ушлаб туриш, ўғирлаб кетиш ва зўравонлик билан ғойиб бўлиш каби инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилишларини мутлақо ва ҳар қандай ҳолатларда тақиқлайди¹⁴⁵.

Олдиндан қамоқда сақлаб туриш умумий қоида бўлмаслиги керак: у жиний ишни кўриб чиқишда одил судлов шуни тақозо этганда ёки жамият ва жабрланувчини ҳимоя қилиш мақсадида фақат фавқулодда ҳолларда қўлланилиши ва муддати нихоятда қисқа бўлиши керак¹⁴⁶. Олдиндан

¹⁴³ Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, 1990 йил 23 июлдаги фикр, *Хуго ваан Альфен Нидерландияга қарши*, № 305/1988 хабар, 5,8 банд; 1999 йил 5 ноябрдаги фикр, *Ааге Спакмо Норвегияга қарши*, № 631/1995 хабар, 6,3 банд; 1994 йил 21 июлдаги фикр, *Альберт Уома Маконг Камерунга қарши*, № 458/1991 хабар, 9,8 банд; 1997 йил 3 апрелдаги фикр, *А [исми кўрсатилмаган] Австралияга қарши*, № 560/1993 хабар, 9.2 банд.

¹⁴⁴ Қаранг: БМТнинг ўзбошимчалик билан қамоққа олиш бўйича ишчи гуруҳ. № 26 фактларни баён қилиш. Ўзбошимчалик билан қамоққа олиш бўйича ишчи гуруҳ; ва Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги масаласи бўйича махсус маърузачи, E/CN.4/1998/39/Add.1, 129-банд.

¹⁴⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, № 29 умумий тартибдаги мулоҳаза. Фавқулодда ҳолатлар туфайли мажбуриятлардан четлашиш (4-модда), 11- ва 13-бандлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитанинг яқиний хулосалари: Америка Қўшма Штатлари, CCPR/USA/CO/3/Rev.1, 2006 йил 18 декабр, 12-банд; Барча шахсларни зўравонлик билан ғойиб бўлишдан ҳимоялашга доир халқаро конвенция, 1- ва 17,1 моддалар, Барча шахсларни зўравонлик билан ғойиб бўлишдан ҳимоялашга доир декларация, 2-модда; ва Зўравонлик оқибатида ғойиб бўлиш тўғрисидаги Америкалараро конвенция, 1-модда.

¹⁴⁶ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 9 (3) модда; Ҳибсга олиш ва қамоққа олишга дуч келган барча шахсларни ҳимоя қилишга доир тамойиллар жамланмаси, 36 (2) тамойил; ва 6 (1) қоида Қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган чораларга нисбатан БМТнинг минимал стандарт қоидалари («Токио қоидалари»); Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, 1999 йил 5 ноябрдаги фикр, *Ааге Спакмо Норвегияга қарши*, № 631/1995 хулоса, 6.3 банд; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, № 8 умумий тартибдаги мулоҳаза, Озодлики ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқ (9-модда), 3-банд.

қамоқда сақлаш қоида эмас, истисно бўлиши лозим, гаров асосида озод қилиш ҳуқуқи эса қочиш, далилларни йўқ қилиш, гувоҳларга таъсир ўтказиш ёки давлатнинг юрисдикцияси остидан чиқиб кетиш хавфи бўлганда чекланиши мумкин¹⁴⁷.

Давлатлар ўзларининг миллий қонунчилигида ушлаб туриш ёки қамоққа олиш учун ордерлар бериладиган асослар, шартлар ва процедураларни белгилашни, мансабдор шахслар бундай ордерларни бериш учун асосларни белгилаб қўйиши, шунингдек бу ишни айнан қайси мансабдор шахслар амалга оширилишини аниқ кўрсатиши керак. Шу тариқа қонунчиликда қонуний асослар бўлмагани ҳолда қамоқда сақлаш тўғрисида маълумот беришдан бош тортган мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари белгиланиши керак.

Ҳар бир давлат, субординациясини аниқ белгилагани ҳолда ушлаб туриш, қамоққа олиш, қамоқда сақлаш учун масъул бўлган мансабдор шахслар устидан қатъий назоратни таъминлаши керак.

Давлатлар, шу жумладан, қонунчиликни ва тегишли тартиботни қабул қилиш орқали ўзбошимчалик билан ушлаб олинган ҳар бир шахс самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва зиённинг ўрнини қоплаш, шу жумладан, компенсация тўланиши ҳуқуқини таъминлаши керак.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги¹⁴⁸

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда¹⁴⁹ ва суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас¹⁵⁰. Суд ва прокурор қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шарт¹⁵¹. Жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт¹⁵².

Ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни, Кодексда мавжуд мақсад кўрсатилгани ҳолда қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир¹⁵³. 220-моддага кўра, бундай мақсадга жи-

¹⁴⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, 1997 йил 2 апрелдаги фикр, *Майкл ва Брайан Хилл Испанияга қарши*, 526/1993 хабар, 12.3 банд.

¹⁴⁸ 2008 йил 1 январда ЎзРнинг 2007 йил 11 июлдаги № ЎРҚ-100 «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни кучга кирди. Ушбу Қонун ЎзР Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги ПФ-3644 фармони ижро этиш мақсадида қабул қилинган, ва унда 2008 йилнинг 1 январидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши кўзда тутилган.

¹⁴⁹ ЎзР Конституцияси, 25-модда.

¹⁵⁰ ЎзР ЖПК: Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, 18-модда.

¹⁵¹ Ўша жойда.

¹⁵² Ўша жойда.

¹⁵³ ЎзР ЖПК: Ушлаб туриш мақсадлари, 220-модда.

ной фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш киради. Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Охирги ҳолатда ушлаб туришга фақат суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига биноан йўл қўйилади¹⁵⁴.

Ушлаб туриш учун қуйидагилар асос бўлади¹⁵⁵:

- i. шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;
- ii. жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;
- iii. унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;
- iv. шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса¹⁵⁶.

Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг асослардан биттаси мавжудлигини бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа, гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини билдиришлари ва ундан яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт¹⁵⁷. Бунда ушлаётган шахс ўзини таништириши ва ушланаётган шахснинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт¹⁵⁸.

Ушлаб турилган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг навбатчиси ёки бошқа ходими бошлиқнинг кўрсатмасига биноан дарҳол¹⁵⁹ ушлаб туриш баённомасини тузиши ва унда қуйидагиларни акс эттириши лозим:

- i. кимнинг, ким томонидан, қачон, қандай ҳолатда, қонунда кўрсатилган қандай асосларга кўра ушлангани; ушланган шахс қандай жиноятни содир этганликда гумон қилинаётгани;
- ii. милиция бўлимига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга у қачон олиб келингани¹⁶⁰.

¹⁵⁴ ЎЗР ЖПК: Ушлаб туриш мақсадлари, 220-модда.

¹⁵⁵ ЎЗР ЖПК: Ушлаб туриш асослар, 221-модда.

¹⁵⁶ Модданинг сўнги банди, бир неча элемент мавжудлиги туфайли турлича талқин қилиниши мумкин.

¹⁵⁷ ЎЗР ЖПК: Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби, 224-модда.

¹⁵⁸ ЎЗР ЖПК: Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби, 224-модда, 1-қисм.

¹⁵⁹ ЎЗР ЖПКда «дарҳол» атамасининг вақт ўлчамини белгиламайди.

¹⁶⁰ ЎЗР ЖПК: Ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослигини текшириш, 225-модда.

Баённомани ушлаб туришнинг асослилигини текшириш топширилган милиция ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими, ушлаб келтирган ваколатли шахс ёки фуқаро, ушланган шахс ва ҳолислар имзо чекиб тасдиқлайдилар¹⁶¹.

ЎзР ЖПКга кўра, ушлаб туриш муддати ушланган милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайдан бошлаб кўпи билан етмиш икки соатни ташкил этади¹⁶². Терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкин. Ушлаб туриш муддати тугагунга қадар ва асослар мавжуд бўлганда шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши, унга айб эълон қилиниши, ушбу Кодекснинг 109–112-моддаларидаги қоидалар бўйича сўроқ қилиниши ва ушбу Кодекснинг 236–240-моддалари¹⁶³ қоидаларига амал қилган ҳолда эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги масала ҳал қилиниши зарур¹⁶⁴. Алоҳида ҳолларда ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун ичида айб эълон қилиниши лозим. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилинади¹⁶⁵.

Айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилаётганида, башарти унинг ёнида қурол, шунингдек сақланиши ман этилган буюмлар ёхуд иш учун аҳамиятга молик¹⁶⁶ нарса ва ҳужжатлар бўлиши мумкин деб ўйлашга етарли асослар бўлганида, ушлаб туривчи ваколатли шахс шахсий тинтувни ўтказишга ҳамда нарса ва ҳужжатларни олиб қўйишга ҳақли¹⁶⁷. Шахсий тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ҳолислар ҳузурда тузилиши мумкин. Ваколатли шахслар ва фуқаролар қонунга хилоф ёки асоссиз ушлаб турганлик ёхуд ушлаш вақтида ваколатлари доирасидан четга чиққанлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар¹⁶⁸. Бошқа шахсни ноқонуний ушлаб турган мансабдор

¹⁶¹ ЎзР ЖПК: Ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослилигини текшириш, 225-модда.

¹⁶² ЎзР ЖПК: Ушлаб туриш муддати, 226-модда.

¹⁶³ ЎзР ЖПК: Эҳтиёт чоралари қўлланилишининг мақсад ва асослари, 236-модда; Эҳтиёт чораларининг турлари, 237-модда; Эҳтиёт чорасини танлашда эътиборга олинган ҳолатлар, 238-модда; Эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин бўлган шахслар, 239-модда; Эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим, 240-модда.

¹⁶⁴ ЎзР ЖПК, Ушлаб туриш муддати, 226-модда.

¹⁶⁵ ЎзР ЖПК, Ушлаб туриш муддати, 226-модда. ЎзР ЖПК да шахсни айблов эълон қилмаган ҳолда ўн кун мобайнида ушлаб турилиши мумкин бўлган ҳолатлар рўйхати келтирилмаган, бу эса Қонуннинг ушбу қоидага кўра бундай вазиятларни ихтиёрий шарҳлашга асос бўлиши мумкин.

¹⁶⁶ ЎзР ЖКда «аҳамиятга молик» атамасига таъриф берилмайди.

¹⁶⁷ ЎзР ЖК. Шахсий тинтув ва олиб қўйиш, 162-модда.

¹⁶⁸ ЎзР ЖПК: Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби, 224-модда, 2-, 3-бандлар.

шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган қатор жиноятлар таркибининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга¹⁶⁹.

Қўлга олинган шахс милиция муассасига олиб келинган пайдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кўп бўлмаган муддат ичида милиция муассасасида ёки бошқа ҳуқуқ-тартибот органида қўлга олишнинг асослигини текширилади, ҳужжатлар талаб қилинади ва кўздан кечирилади. Ушлаб туришга асос бўлмаган тақдирда милиция бўлинмасининг бошлиғи ёки бошқа ваколатли шахс ушланганни озод қилиш тўғрисида қарор чиқаради. Қарорнинг нусхаси дарҳол¹⁷⁰ прокурорга юборилади¹⁷¹.

Ушлаб туриш суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарори асосида милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахсни энг яқин милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт¹⁷².

Қидирилаётган айбланувчига нисбатан ҳибсга олиш шаклидаги қарор бўлмаган ҳолларда, қўлга олинган жойдаги туман (шаҳар) прокурори сўроқдан сўнг айбланувчини тергов ўтказилаётган жойга етказиш учун зарур бўлган муддатга, аммо ўн кундан кўп бўлмаган муддатга ушлаб туриш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли¹⁷³. Гумон қилинувчи ҳақиқий ушланган пайдан бошлаб ўтган вақт айбланувчини қамоқда сақлаш суд томонидан тайинланган жазо муддатига киритилади¹⁷⁴.

Айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлаши ва 15-модданинг 4- ва 5-қисмларида кўрсатилган жиноятларидан бирини содир қилиш бўйича асосланган тахмин бўлганда, шунингдек, бошқа ҳолатларда¹⁷⁵ ушлаб туриш чоралари қўлланилади¹⁷⁶. Эҳтиёт чорасининг мақсади айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товланиннинг олдини олиш; унинг бундан бўёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмининг ижро этилишини таъминлашдан иборат¹⁷⁷. 237-моддада ушлаб туришнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чоралари санаб ўтилган: қамоққа олиш, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, гаров ва бошқа чоралар; Бир шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида ана шу чоралардан фақат

¹⁶⁹ ЎзР ЖПК: Ушлаб турилганни озод қилиш асослари ва тартиби, 234-модда; Ашёвий далилларни кўздан кечириш, 206-модда.

¹⁷⁰ «Дарҳол» тушунчасининг вақт доираси кўрсатилмаган.

¹⁷¹ ЎзР ЖПК: Ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослигини текшириш, 225-модда, 2-, 3-қисмлар.

¹⁷² ЎзР ЖПК: Суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан ушлаб туриш, 227-модда.

¹⁷³ ЎзР ЖПК: Суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан ушлаб туриш, 227-модда.

¹⁷⁴ Ўша жойда.

¹⁷⁵ ЎзР ЖПК: Эҳтиёт чоралари қўлланилишининг мақсад ва асослари, 236-модда, 3-қисм.

¹⁷⁶ Ўша жойда.

¹⁷⁷ Ўша жойда, 1-қисм.

биттаси қўлланилишига йўл қўйилади¹⁷⁸. Айни пайтда, қамоққа олишдан бошқа барча эҳтиёт чоралари, ҳам суд томонидан, ҳам суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан ҳам қўлланилади¹⁷⁹. Қамоққа олиш чораси ЖПКнинг 242-моддасида кўзда тутилган ҳолатларда қўлланилади.

У ёки бу эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги масалани ҳал қилишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, Кодексда кўзда тутилган мақсадлар ва асослардан ташқари¹⁸⁰, айбловнинг оғирлиги, айбланувчининг шахси, машғулоти тури ёши, саломатлигининг ҳолати, оилавий аҳволи эътиборга олиниши керак¹⁸¹.

Эҳтиёт чоралари суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан қўлланилиши, бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин¹⁸². Ишни судга қадар юритиш босқичида қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахсни бундан кейин қамоқда сақлаш учун асослар мавжуд бўлмаганда прокурор томонидан, шунингдек прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чоралари тўғрисида қарор чиқарган судни албатта ҳабардор этган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ушбу эҳтиёт чорасини айнан ўша шахсга нисбатан қўллаш тўғрисидаги илтимоснома билан судга такроран мурожаат этишга монелик қилмайди¹⁸³. ЎЗР ЖПКнинг 240-моддасида эҳтиёт чорасини қўллашда, бекор қилишда ёки ўзгартирида кўрсатилиши лозим бўлган элементлар кўзда тутилган. Қарор ёки ажрим кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахсга дарҳол эълон қилинади, шахснинг оғир касаллиги ёки унинг қочиб кетганлиги туфайли эълон қилиниши мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно¹⁸⁴.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинган ёхуд ўзгартирилган тақдирда, қамоқда сақланаётган шахс дарҳол озод қилиниши керак¹⁸⁵.

Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш тартиби ЎЗР ЖПКнинг 241-моддасида белгилаган. Оқлов ҳукм чиқарилганда ёки реабилитация асослари бўйича иш ҳаракатдан тугатилганда¹⁸⁶, ЖПКда ноқонуний ушлаб туриш натижасида етказилган зарарнинг қопланиши кўзда тутилган¹⁸⁷.

178 ЎЗР ЖПК: Эҳтиёт чораларининг турлари, 237-модда.

179 Қаранг: ЎЗРнинг 2007 йил 11 июлдаги № ЎРҚ-100 «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни.

180 ЎЗР ЖПК: Эҳтиёт чоралари қўлланилишининг мақсад ва асослари, 236-модда.

181 ЎЗР ЖПК: Эҳтиёт чорасини танлашда эътиборга олинадиган ҳолатлар, 238-модда.

182 ЎЗР ЖПК: Эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим, 240-модда.

183 ЎЗР ЖПК: Эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим, 240-модда, 2-қисм.

184 Ўша жойда.

185 Ўша жойда, 3-қисм.

186 ЎЗР ЖПК, Реабилитация учун асослар, 83-модда.

187 ЎЗР ЖПК: Ушлаб туриш туфайли етказилган зиённи ундириш, 235-модда.

Олий суднинг 2007 йил 14 ноябрдаги № 17 қарорида қайд қилинадики, «1. ...Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-, 25-моддаларида, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларида мустаҳкамланган қоидаларга мос бўлиб, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси самарали бўлишига эришишга қаратилган»¹⁸⁸.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари вакиллари томонидан шахсни ушлаб туриш учун фойдаланилган асосларни аниқлаши ва баҳолаши лозим. Масалан, ҳибсга олиш пайтида шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг йўқлигининг¹⁸⁹ ўзи ҳар доим ҳам буни асосида ҳар бир муайян қўлга олишни баҳолаш лозим бўлган мутаносиблик мезонларига жавоб бермайди. Шу тарзда, ҳимояланувчини ҳибсга олиш ҳақида санкция беришда судда, ҳар бир алоҳида ҳолатда йўл қўйилиши мумкин бўлган, Пактнинг 9-моддасига зид бўлган қонун меъёрлари ва амалиёт хусусида тортишиб, шахснинг озодлик ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқини талаб қилиш мумкин. Бу ҳол, масалан¹⁹⁰, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари халқаро стандартлар нуқтаи назаридан ноқонуний ушлаб туришга, хусусан, ноўрин, асоссиз, адолатсиз ушлаб туришга йўл қўйганда рўй бериши мумкин. Айни пайтда, прокурорнинг шахсни ушлаб туриш ва унинг судгача қамоқда сақланиши тўғрисидаги фикри, айниқса, ушлаб турилган шахснинг қочишга ҳаракат қилгани ёки гувоҳларни, жабрланувчиларни қўрқитиш, кўндириш, далилларни йўқ қилиш орқали терговга ҳалал беришга доир конкрет фактларни келтирмаган ҳолда унинг қочиши ёки тергов ҳаракатларига ҳалал бериши мумкинлиги тўғрисидаги фикри, прокурор илтимосномасини далиллар билан асослантирилмаганидан далолат беради.

Бу ўринда ҳимоянинг Пактнинг 9-моддаси ва ЎЗР қонунчилиги бузилиши ҳақидаги важларига зид равишда қабул қилинган суднинг қамоққа олиш санкциясини бериш тўғрисидаги қарори устидан шикоят бериш, сўнгра жиноий иш бўйича суд муҳокамасини тайинлашда ҳибсга олиш шаклидаги эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича ноқонуний чорани қайта кўриб чиқиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилиш муҳим аҳа-

¹⁸⁸ ЎЗР Олий суди Пленумининг «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги 2007 йил 14 ноябрдаги № 17 қарори.

¹⁸⁹ ЎЗР ЖПК: Ушлаб туриш асослари: «Шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса», 221-модда, 4-қисм.

¹⁹⁰ Ушбу бобнинг халқаро стандартларга тааллуқли қисмига қаранг.

миятга эга бўлади¹⁹¹. Ҳимоянинг илтимосномаси рад қилиниши судьянинг ноҳолислиги ва ғаразлилиги туфайли рад этилишига, радия қаноатлангилмаганда эса—судланувчининг одил судловга бўлган ҳуқуқи бузилиши туфайли суд ҳукми устидан апелляция шикоятини беришга асос бўлади.

Айни пайтда қонунда белгиланган ушлаб туриш муддатига, ва ҳатто қонунда белгиланган муддат ичида қамоқда сақлашнинг асослилигига¹⁹², ҳимоячининг қамоқда сақлаш масаласини ҳал қилишда иштироки ва процесс давомиди одил судлов стандартларига риоя қилиниши, прокурорнинг шахсни қамоқда сақлаш тўғрисидаги илтимосномасини асословчи материаллар билан танишиш имкониятига¹⁹³, шунингдек қуйидаги ҳуқуқларни амалга оширилиши ҳам эътибор қаратиш зарур:

- қамоққа олиш тўғрисида санкция бериш пайтида суд томонидан ҳибсга олинишининг қонунийлигини текширилганми;
- қидирувга эълон қилинган шахснинг суднинг сиртқи санкцияси бўйича ушланганда—уни судга етказилиб, ишининг суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи, суд унинг ушланиб туриш ва қамоқда сақлаш бўйича эҳтиёт чорасининг танланишининг қонунийлигини текширганми;
- ҳибсга олинган шахснинг—суд томонидан қамоққа олиш бўйича берилган санкция устидан оқилона муддатларда вақти-вақти билан шикоят қила олганми¹⁹⁴;
- қамоққа олишнинг ноқонунийлиги аниқланган тақдирда, суд томонидан айблов бўйича қабул қилинган қарордан қатъий назар,

¹⁹¹ Шунинг эътиборига олиш керакки, ЎЗР ЖПКнинг 396-моддасига мувофиқ (Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар), жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни аниқлаши лозим:

- 1) иш мазкур суднинг судловига тегишлими;
- 2) ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар йўқми;
- 3) ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун асослар етарлими;
- 4) суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ушбу Кодекснинг талабларига риоя қилинганми;
- 5) айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми;
- 6) жиноят оқибатида етказилган мулкий зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилганми;
- 7) айблов хулосаси ушбу Кодекснинг талабларига мувофиқ тузилганми.

¹⁹² Қонунга кўра шахсни прокурорнинг қарорига кўра суднинг санкциясиз ўн кунгача сақлаш имкониятини беради, айни пайтда ҳақиқатдан ҳам олис масофалар ва уни босиб ўтишга ва шахсни етказишга маблағ йўқлиги билан бирга кузатилиши кўпроқ истисно бўлиши мумкин. Шунга қарамай, ушбу меъёرنинг мавжудлиги ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан тергов жойига етказиш бўйича у ёки бу муддатни асослашга мажбурловчи қонуний меъёرنинг йўқлиги туфайли асоссиз равишда қамоқда сақлашга сабаб бўлиши мумкин.

¹⁹³ Ушбу ҳуқуқ қўлга олинган шахс ва/ёки унинг ҳимоячиси илтимосига кўра берилиши мумкин, бу тартиб ЎЗР Олий судининг 2007 йил 14 ноябрдаги № 17 «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги қарориди кўзда тутилган.

¹⁹⁴ Суднинг қамоққа олиш бўйича санкция бериш тўғрисидаги қарори устидан апелляция тартибиди 72 соат ичида шикоят бериш мумкин ва ундан сўнг шикоят берилмайди.

ҳатто иш юзасидан айблов ҳукм чиқарилган тақдирда ҳам етказилган зарар қопланганми.

Аммо шуни қайд этиш керакки, ҳимоячилар баъзан ўз вазифаларини малакали бажара олмай, бу босқичда ҳимоя остидаги шахс ўз айбига иқрорлигини ва содир қилган қилмишидан пушаймон эканлигини билдиради, прокурорнинг ушланган шахсни қамоқда сақлаш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқишда унинг айбдорлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинмаслигидан қатъий назар. Аксинча, ҳимоя қўлга олинган шахснинг судга ўзининг ноқонуний қўлга олинганини билдириш ҳуқуқи¹⁹⁵ ва кейинчалик, суд қамоққа олиш санкциясини бериш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, апелляциядан сўнг оқилона муддатларда унинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқи, шунингдек, суд ҳукмидан қатъий назар, ноқонуний ушлаб туриш тўғрисида етказилган зарарни қоплашни талаб этиш ҳуқуқини ҳимоя қилиши керак, зеро ЖПКнинг 243-моддасига мувофиқ, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, агар ишда қатнашаётган бўлса ҳимоячи, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида кўриб чиқилиши назарда тутилсада, барча ҳолатда ҳимоячи иштирок этиши лозимлигини ҳам ҳимоя қилиши зарур.

2. Ушлаб туриш сабаблари ва ҳар қандай айбловлардан хабардор бўлиш ҳуқуқи

Ҳар бир ушлаб турилган шахсга қўлга олиш пайтида ушлаб туриш сабаблари, шунингдек унга қарши мавжуд бўлган ҳар қандай шубҳалар ёки айбловлар ҳақида хабар қилинади.

Халқаро стандартлар

Ҳар бир ушлаб турилган шахсга қўлга олиш пайтида ушлаб туриш сабаблари хабар қилинади.

Қўлга олиш пайтида хабар қилинадиган ушлаб туриш сабаблари:

- i. ўз ичига шахсни озодликдан маҳрум қилиш бўйича ҳуқуқий ва амалий асосларнинг аниқ тушунтирилишини қамраб олиши;
- ii. озодликдан маҳрум қилинган шахс қамоққа олиш ёки ушлаб туриш бўйича судга шикоят қила олиши, бунинг асосида эса суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олиши ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса, озод қила олиши учун етарли даражада батафсил бўлиши керак; ва
- iii. шахс, қўлга олишни амалга ошираётган ҳукумат вакиллари томонидан фойдаланилаётган тилни тушунмаса, ёки уни етарли да-

¹⁹⁵ Ушбу бобдаги халқаро стандартларда халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан қандай ҳолатларда қамоққа олиш ноқонуний деб ҳисобланиши батафсил ёритилган.

ражада билмаса, у дарҳол юқоридаги маълумотларнинг ўзига тушунарли бўлган тилда олишга ҳақли.

Жинойят содир қилишда айбланиб, ушланган ёки қамоққа олинган ҳар бир шахс дарҳол ваколатли органлар томонидан батафсил равишда ва ўзига тушунарли бўлган тилда ўзига қўйилаётган айбларнинг характери ва асослари тўғрисида хабардор қилиниши шарт.

Берилган маълумотларда шахсга қўйилаётган жиноят ёки хатти-ҳаракатнинг тафсилотлари ва тайинланиши мумкин бўлган жазо чораси, қўйилаётган айбловлар ёки жиноят тўғрисида тушган аризалар, шунингдек тегшли қонунчилик ҳужжатлари кўрсатилиши керак. Шахс шу тарзда хабардор қилиниши керакки, у ҳимояга тайёргарлик кўриш ҳамда озод қилинишига эришиш учун чоралар кўриш имкониятига эга бўлсин. Ушланган шахс ўз айбига иқрор бўлиш ёки ўзига қўйилган айбловни рад этиш, шунингдек, сукут сақлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Ушлаб турилган шахс ЎЗР ЖПКнинг 48-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга, хусусан, у ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш ҳуқуқига эга¹⁹⁶. Айти пайтда 224-моддада унга кўра шахсни ушлаб туриш сабаблари хабар қилиниши тартиби кўрсатилмаган. Фақат гумон қилинувчига унинг жиноят содир қилишда гумон қилиб ушланганлиги хабар қилиш талаби кўзда тутилган¹⁹⁷. ЎЗР ЖПКнинг кўрсатиб ўтилган моддаларида ушлаб турилган шахсни ушлаб туриш сабабларидан хабардор қилиш ва бунда ўзининг қандай хатти-ҳаракатларда айбланаётгани, у гумон қилинаётган жиноят даражасининг ЖКнинг қайси моддаларига кўра белгиланиши, ушбу моддага кўра қандай муддатга жазоланиш кўзда тутилгани ҳақида маълумотлар келтирилиши орқали ҳимояга тайёрланиши ва ўзини ҳимоялаш учун далиллар ва вазларни келтириш имкониятига эга бўлиши учун етарли маълумотлар хабар қилиниши кўзда тутилмаган.

Амалиётчиларга тавсиялар

Адвокат, бошқа масалалар қаторида аниқлаши лозим бўлган масалалар қуйидагилардан иборат: Гумон қилинувчи ўзига тушунарли бўлган тилда ушлаб туриш сабаблари ва айблов билан таништирилганми? Ушбу ушлаб туриш ҳақида унга ким ва қай тарзда хабар қилди? Унга қилинган гумон ва қўйилган айблов тушунарлими? У ҳимоячига гумон, айбловнинг асослиги ҳақида нималар айтиши мумкин, унинг жиноятга дахли йўқлиги ҳақида қандай далиллари бор ва уларни қандай қилиб тўплаш мумкин? Агарда шахс ушлаб турилиши сабаблари ҳақида етарли тартибда ва даражада хабардор қилинмаган бўлса, бу ушлаб туриш устидан шикоят

¹⁹⁶ ЎЗР ЖПК: Ушлаб турилганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 229-модда.

¹⁹⁷ ЎЗР ЖПК: Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби, 224-модда.

қилишга ва кейинчалик қамоқда сақланишига қанчалик таъсир қилгани масаласини ҳам ўрганиб чиқиш зарур. Ҳибсга олиш сабаблари бўйича тафсилотлар ва хабардорлик даражаси ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан шикоят қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин, шу сабабли ушбу масала ҳимоя томонидан батафсил ўрганиб чиқиши ва зарур ҳолларда судга шикоят билан мурожаат қилиш зарур.

Ушлаб турилган шахснинг ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилиши ҳимоячининг шикоятларида акс эттирилиши керак, ва тегишли равишда, ушлаб туриш, қамоққа олиш сабаблари ва қўйилаётган айбловларни билиш ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ фактларни қайд қилиш керак. Агарда ушлаб турилган шахс ушлаб туриш, қамоққа олиш ва айблов сабаблари ўзига тушунарли бўлган тилда хабардор қилинмаган бўлса, у тегишли равишда, хабар қилинган маълумотларни тушунмайди. Ҳимоя буни ўзининг процессуал ҳужжатларида қайд қилиши ва давлатнинг тегишли органлари томонидан чора кўрилишини талаб қилиши керак.

3. Ўз ҳуқуқларидан хабардор бўлиш ҳуқуқи

Ҳар қандай ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган шахс ўзига тушунарли бўлган тилда ўз ҳуқуқларидан: (а) юридик ёрдам олиш; (б) шифокор кўриги ва ёрдами; (с) қариндоши ёки дўстини ҳибсга олингани ёки ушлаб турилгани ҳақида хабардор қилиш; (д) консулик (чет эл фуқаролари билан боғлиқ ҳолларда) ёки халқаро ташкилотлар билан (қочоқлар, фуқаролиги йўқ шахслар ёки халқаро ташкилотлар ҳимоясида бўлган шахслар билан боғлиқ ҳолларда) боғланиш ёки уларни ўзининг ушлаб турилганидан хабардор қилиш, шунингдек (е) ушбу ҳуқуқлардан қандай фойдаланиш бўйича маълумот олиш ҳуқуқидан хабардор бўлиш ҳуқуқига эга.

Халқаро стандартлар

Ҳар қандай ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган шахс ҳибсга олиш ёки ушлаб туришни амалга оширган мансабдор шахслар сўзлайдиган тилни етарли даражада тушунмаса ёки у тилда гапирмаса, ўзига тушунарли тилда ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиниши ва улардан қандай фойдаланишдан хабардор қилиниши керак.

Ҳар қандай ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган шахсга дарҳол унинг ҳуқуқлари, хусусан, қуйидаги ҳуқуқлари маълум қилинади:

- i. ўз танловига кўра адвокатга мурожаат қилиш, бу ушбу шахсга дарҳол ва мунтазам мурожаат қилиш;
- ii. тиббий кўриқдан ўтиш ва тиббий ёрдам олиш;
- iii. оила аъзоларини ёки шахс томонидан кўрсатилган бошқа шахсларни ўзининг ҳибсга олингани ёки ушлаб турилгани ва қамоқда

сақланаётган жойи ҳақида хабардор қилиш, ёки тегишли мансабдор шахсларга бу ҳақда илтимоснома билан мурожаат этиш;

iv. оила аъзолари ва дўстлари билан мулоқот қилиш, бунга улар билан ёзишма олиб бориш ёки учрашиш ҳам киради;

v. судда habeas corpus, amparo ва шунга ўхшаш суд процедураларидан фойдаланиб, озодликдан маҳрум қилишнинг қонунийлигини судда инкор қилиш.

Агарда ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган шахс чет эллик бўлса, унга дарҳол ўзи фуқароси бўлган давлатнинг консуллиги ёки дипломатик ваколатхонаси билан боғланиш ҳуқуқи маълум қилиниши керак. Чет элликлар ёки халқаро ташкилотлар ҳимоясида бўлган шахслар билан боғлиқ ҳолатларда улар, халқаро ҳуқуққа мувофиқ, ушбу ваколатли ташкилотнинг вакили билан алоқада бўлишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс *ушланаётган шахсга* телефон қўнғироғини қилиш ҳуқуқини тушунтириши¹⁹⁸ ёки адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши керак¹⁹⁹.

Ҳибсга олиш, жиноий ишни қўзғатиш, гумон қилинувчи сифатида ишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор гумон қилинувчига дарҳол хабар қилинади, айти пайтда унга ЎЗР ЖПКнинг 48-моддасида кўзда тутилган ҳуқуқлари тушунтирилади ва таништириш учун танланган ёки тайинланган ҳимоячига тақдим қилинади. Қарор билан таништирилганлик ва ҳуқуқлари тушунтирилгани тўғрисида қарорга қайд киритилади, ваколатли шахс ва гумон қилинувчининг имзоси билан тасдиқланади. Айти пайтда ушлаб турилган шахс вақтинчалик сақлаш жойига етказилган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилиниши лозим²⁰⁰.

Ушлаб турилган²⁰¹ ёки гумон қилинувчи²⁰² шахс куйидаги ҳуқуқларга эга:

- нимада гумон қилинаётганини билиш;
- телефон қўнғироғига ёки адвокатга ёхуд яқин қариндошига ушлаб турилгани ва жойи ҳақида хабар бериш;

¹⁹⁸ Шунингдек бу ҳуқуқ техник тафсилот эмас, балки йўл қўйилиши мумкин бўлган кейинги бузилишлардан самарали ҳимоялашни таъминловчи воситасидир. У шахс томонидан ўзининг ушлаб турилиши ҳақида ҳақиқатдан хабар қила олиши мумкин бўлган тарзда шарҳланиши ва қўлланилиши керак.

¹⁹⁹ ЎЗР ЖПК: Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби, 224-модда.

²⁰⁰ ЎЗР ЖПК: Суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан ушлаб туриш, 227-модда.

²⁰¹ ЎЗР ЖПК: Ушлаб турилганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 229-модда.

²⁰² ЎЗР ЖПК: Гумон қилинувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 48-модда.

- ушлаб турилган пайтдан бошлаб ёки уни гумон қилинувчи шахс деб тан олиш ҳақида қарор эълон қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш, ва у билан яккама-якка ҳолда вақти ва даврийлиги чекланмаган ҳолда учрашиб туриш, ЖПКнинг 230-моддаси иккинчи қисмида кўзда тутилган ҳолатлар бундан истисно;
- қўлга олинган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соат давомида сўроқ қилишни талаб этиш;
- ўзига нисбатан илгари сурилган гумонлар ёки ишнинг бошқа ҳолатлари бўйича кўрсатмалар бериш ёки кўрсатмалар беришдан бош тортиш ҳамда кўрсатмалар жиноий иш бўйича далил сифатида ўзига қарши ишлатилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилиш;
- она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш;
- ўзининг ҳимояга бўлган шахсий ҳуқуқини амалга ошириш;
- илтимосномалар ва рад этишларни эълон қилиш;
- далилларни тақдим қилиш;
- суриштирувчи ёки терговчи рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш;
- суднинг яраштирув ишлари, амнистия актини қўллаш бўйича йиғилишларида иштирок этиш;
- суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан шикоятлар киритиш;
- кўрсатмалар бермаслик ва ўзининг жиноятга ёки ишнинг бошқа бирон ҳолатига алоқаси йўқлигини исботламаслик.

Сўроқ қилинаётган шахс учун муҳим бўлган, шунингдек ҳимоячининг диққатига молик ҳолат ЎЗР ЖПКнинг 100-моддасида кўзда тутилган, унга кўра сўроқ қилинувчининг шахси аниқлангандан кейин унга ЖПКда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилганлиги сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилади. Шу тарзда, гумон қилинувчи шахсни, шунингдек айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан аввал, суриштирувчи, терговчи ЖПКнинг 98–100-моддаларида кўзда тутилган хатти-ҳаракатларни амалга ошириши керак²⁰³.

Шу билан бирга суриштирувчи, терговчи:

- гумон қилинувчи, айбланувчига ЖПКнинг 46- ва 48-моддаларида кўзда тутилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтиради;
- сўроқда гумон қилинувчи, айбланувчи битим тузган ҳимоячининг, ёки гумон қилинувчи, айбланувчи битим тузишга улгурмаган ёки туза олмаган ҳолларда бошқа ҳимоячининг иштирокини таъминлайди;

²⁰³ ЎЗР ЖПК: Сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш, 98-модда; Сўроқ қилинувчининг қайси тилда кўрсатув бера олишини аниқлаш, 99-модда; Ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш, 100-модда.

- гумон қилинувчига унинг қандай жиноятни содир қилишда айбланаётганини маълум қилади;
- гумон қилинувчига унинг ишга айбланувчи сифатида жалб қилиниши тўғрисидаги қарорни тақдим этади ва айбловнинг моҳиятини тушунтиради.

ЎзРнинг 2008 йил 31 декабрдаги № ЗРУ-198 қонунига кўра адвокатура институти ислохотлари жараёнида ЖПКга киритилган ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга. Эндиликда қўлга олинган шахснинг ҳимоячи билан якка-ма якка биринчи учрашуви, илгаригидек, биринчи сўроқдан кейин эмас, унеча берилади. Унга нисбатан қамоққа олиш шаклидаги эҳтиёт чораси қўлланиладиган ушлаб турилган шахснинг ҳимоячи билан учрашуви эҳтиёт чораси қўлланиладиган ушлаб туриш муддатини ҳисобга олган ҳолда берилиши керак ва суриштирувчи, теровчи ва прокурор томонидан икки соатгача чегараланиши мумкин.

Ушлаб турилган шахсга қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга ушлаб турилган шахслар сақланадиган жойнинг маъмурияти ушлаб туриш тўғрисидаги материаллар қайси терговчи ёки суриштирувчининг иш юритишида бўлса, фақат ўша терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсати асосида ижозат беради, ҳимоячи билан учрашув бундан мустасно²⁰⁴. Гумон қилинувчи, айбланувчининг ўзи адвокат билан битим тузишга ҳақли, агарда у ушлаб турилган ёки ҳибсга бўлса, ҳимоячини қариндошлари ва ҳатто ҳар қандай манфаатдор шахс ҳам ёллаши мумкин. Адвокатни давлат ҳисобидан ёллаш имконияти ҳам бор²⁰⁵.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячи баённомада ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилгани ҳақида қайд киритилганини фақат расмийлик учун танишмай, балки улар ҳақиқатдан ҳам тушунтирилганлигига ва сўроқ қилинаётган шахс учун тушунарли эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Ҳимоянинг дастлабки позициясини, шу жумладан, сукут сақлаш позициясини ишлаб чиқиш учун юридик ёрдам кўрсатилиши талаб қилинади. Шунинг эътиборига олиш керакки, ЎзР ЖПКнинг 48-моддасига мувофиқ, гумон қилинувчи ўзи танлаган ёки давлат томонидан тайинланган ҳимоячи билан сўроққача учрашиш ҳуқуқига эга. Ҳимояланувчи билан биринчи учрашувда ҳимоячи ЎзР ЖПКнинг 48-моддасини билиши ҳамда санаб ўтилган ҳуқуқлардан ҳар бирини қандай тушуниш ва амалга ошириш кераклигини тушунтириши зарур. Агарда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари адвокат гумон қилинувчи, айбланувчини сукут сақлашга, иқдор бўлмасликка кўндираётганини сабаб қилиб кўрсатиб, терговга халал бераётганлигида фош қилмоқчи бўлишса, ёки ундан ҳам ёмонроғи, терговчи адвокат хатти-ҳаракатлари устидан тақдимномани Адвокатлар палатаси қошидаги малакавий комиссияга ва унинг ҳудудий бошқармаларига киритиш ҳақида дўқ қилса, гумон қилинувчи, айб-

²⁰⁴ ЎзР ЖПК: Ушлаб турилганларга учрашиш учун рухсат бериш, 230-модда.

²⁰⁵ ЎзР ЖПК: Ҳимоячини таклиф этиш, 50-модда.

ланувчига адвокатдан воз кечишни талаб қилиб, тазйиқ ўтказса, ҳимоячи, ҳимояланувчининг қонуний ҳуқуқларини тушунтириш бўйича қатъиян позицияга амал қилиши, ва ўз навбатида Адвокатлар палатасига ўз касб вазифаларини бажаришда ўзига тазйиқ ўтказилаётгани ҳақида билдирги билан мурожаат қилиши, унинг нусхасини у ёки бу терговчига нисбатан оқори ҳисобланган инстанцияга йўллаши лозим.

Ҳимоянинг эътиборига лойиқ яна бир ҳолат ҳимояланувчининг қариндошлари ва яқинларига хабар бериш тўғрисидаги ҳуқуқига риоя қилингани, агарда ушлаб турилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги унинг ушлаб турилгани, ҳибсга олингани ёки тиббий муассасага жойлаштирилгани ҳақида хабардор қилингани масаласини аниқлаштириши билан боғлиқ²⁰⁶. (Қўйидаги бобга қаранг: Инкоммуникадо (ташқи оламдан узилган ҳолда) сақланмаслик ҳуқуқи). Шуни ёдда тутиш керакки, ҳимоячи ўз ҳимояланувчисига малакали юридик ёрдам кўрсатишга мажбур. Шу сабабли мижозига нисбатан ҳар бир қонунга риоя қилмаслик ёки ҳуқуқини бузиш ҳолатига қонун доирасида муносабат билдириши керак.

4. Судгача юридик ёрдам олиш ҳуқуқи

Ҳар бир ушланган ёки қамоққа олинган шахс ушлаб туриш, сўроқ қилиш ва/ёки дастлабки тергов пайтида дарҳол адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким адвокатни ўз ихтиёрига кўра танлаши мумкин. Агарда ушлаб турилган шахс адвокат хизмати ҳақини тўлай олмаса, давлат бу хизматни бепул тақдим этиши керак.

Халқаро стандартлар

Ҳар бир ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс дарҳол адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга²⁰⁷. Адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига у билан суҳбат бошқалар томонидан эшитилмайдиган тарзда ёки цензурасиз, тўлиқ махфийликка риоя қилинган ҳолда мулоқот қилиш ва маслаҳатлашиш кирради²⁰⁸:

- i. Адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи фақат фавқулодда ҳолатларда, судья ёки давлат ҳокимиятининг бошқа вакили буни

²⁰⁶ ЎЗР ЖКК: Процессуал мажбурлов чораси қўлланилгани ҳақида хабар қилиш, 217-модда.

²⁰⁷ Жумладан, қуйидагиларга қаранг: Ҳар қандай шаклда қўлга олишга ёки ҳибсга олишга дуч келган шахсларни ҳимоялаш тамойиллари тўплами, 17- ва 18-тамойиллар ва БМТнинг юристларнинг ролига оид асосий тамойиллари, 7-тамойил. Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Грузия, ССРР/С/79/Add.75, 1997 йил 5 май, 27-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Исроил, ССРР/СО/78/ISR, 2003 йил 23 август, 13-банд; Қийноқлар бўйича махсус маърузачининг ҳисоботи, А/57/173, 2002 йил 2 июл, 18-банд, ва Е/CN.4/2004/56, 2004 йил 23 март, 32-банд.

²⁰⁸ Ўша жойда.

хавфсизлик ва тартибни сақлаш учун зарур, деб ҳибслаганда ҳамда қонун ёки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган қатъий мезонлар асосида кечиктирилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда, озодликдан маҳрум қилинган шахс қўлга олинган ёки қамоқда сақланаётган пайтдан бошлаб 48 соат давомида адвокатдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши шарт²⁰⁹;

- ii. бу каби ҳар қандай чекловлар, халқаро ҳуқуққа кўра тақиқланган инкоммуникадонинг узоқ давом этишини ёки узоқ вақт қамоқда якка сақлаш кўзда тутмаслиги керак.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс адвокатни танлаш ҳуқуқига эга. Айбланувчи адвокатга эга бўлса, суд уни тайинлашга мажбур эмас. Аммо, ҳимояланиш ҳуқуқи суд томонидан тайинланган адвокат хизматини қабул қилмаслик ҳуқуқини кўзда тутса ҳам²¹⁰, айбланувчига ўлим жазоси таҳдид солаётган ҳолатларда ишни кўриб чиқишнинг барча жараёнларида унга адвокатнинг самарали ёрдами талаб қилинади²¹¹. Бундай ҳолатларда суд айбланувчи ўзи танлаган ёки тайинланган адвокат хизматидан фойдаланишни хоҳламаса ҳам адвокатни тайинлайди²¹².

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахснинг ўзи танлаган адвокати бўлмаса, у судья ёки бошқа ҳокимият вакили томонидан тайинланган адвокат ёрдамидан одил судлов манфаатлари талаб қилган барча ҳолатларда, ва адвокат хизмати учун ҳақ тўлаш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, бепул фойдаланишга ҳақлидир.

Ҳимоячини тайинлашда одил судлов манфаатлари содир қилинган ҳуқуқбузарликнинг оғирлигини (i) ва жазонинг оғирлигини (ii) эътиборга олган ҳолда белгиланади²¹³.

²⁰⁹ БМТнинг юристларнинг ролига оид асосий тамойиллари, 7-тамойил, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Исроил, ССРР/СО/78/ISR, 13-банд. ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1993 йил 26 майдаги қарор, *Бранниган ва Макбрайд Бирлашган Қиролликка қарши*, 64-банд.

²¹⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: шу жумладан, қаранг, 1981 йил 29 июлдаги фикр, *Садис де Лопес Уругвайга қарши*, № 52/1979 хабар; ва 1983 йил 29 мартдаги фикр, *Эстрелла Уругвайга қарши*, № 74/1980 хабар. Шунингдек, қаранг: 1990 йил 20 июлдаги фикр, *Пинто Тринидад ва Тобагога қарши*, № 232/1987 хабар, 12.5 банд; 1998 йил 6 апрелдаги фикр, *Виктор П. Домуковский, Заза Циклаури, Петр Гелбахиани ва Ираклий Доквадзе Грузияга қарши*, №№ 623/1995, 624/1995, 626/1995 ва 627/1995 хабарлар, 18,9 банд.

²¹¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2003 йил 6 ноябрдаги фикр, *Қурбонова Тожикистонга қарши*, № 1096/2002 хабар, 6.5 банд; 2003 йил 7 августдаги фикр, *Алиев Украинага қарши*, № 781/1997 хабар; 1989 йил 30 мартдаги фикр, *Робинсон Ямайкага қарши*, № 223/1987 хабар; 1999 йил 23 мартдаги фикр, *Браун Ямайкага қарши*, № 775/1997 хабар.

²¹² Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1992 йил 25 сентябрдаги қарор, *Круассан Германияга қарши*, № 13611/88 шикоят, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда; Суд ва трибуналлар олдидаги тенглик ва ҳар кимнинг одил судловга бўлган ҳуқуқи, 37- ва 38-бандлар.

²¹³ Жумладан, қуйидагиларга қаранг: Ҳар қандай шаклда қўлга олишга ёки ҳибсга олишга дуч келган шахсларни ҳимоялаш тамойиллари тўплами, 17- ва 18-тамойил ва БМТнинг юристларнинг ролига оид асосий тамойиллари, 7-тамойил. Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Грузия, ССРР/С/79/Add.75, 1997 йил 5 май, 27-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Исроил, ССРР/СО/78/ISR, 2003 йил 23 август, 13-банд; Қийноқлар бўйича

Ҳимоячи суд томонидан тайинланганда, у:

- i. айбланувчининг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялаш учун зарур малакага эга бўлиши;
- ii. кўриб чиқиладиган ишнинг табиатига ва оғирлигига мос бўлган зарур юридик билимга эга бўлиши;
- iii. ўзининг касбий вазифаларини давлат органлари, шу жумладан, суд ҳокимияти томонидан дўқ-пўписасиз, тўсиқларсиз, таъқиблирсиз ёки ўринсиз аралашувларсиз амалга ошириши;
- iv. айбланувчига барча йўл қўйилган чоралар билан кўмаклашиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш; ва
- v. ҳар доим мижоз манфаатларини тўлиқ ҳурмат қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги²¹⁴

Адвокатура орқали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи Конституция билан кафолатланган ҳуқуқдир²¹⁵. Ҳимояланиш ҳуқуқи шахснинг ҳаракатланиш эркинлиги (эркин кўчиб юриши) амалда чекланган пайтдан бошлана-

махсус маърузачининг ҳисоботи, А/57/173, 2002 йил 2 июл, 18-банд ва E/CN.4/2004/56, 2004 йил 23 март, 32-банд;

Ҳар қандай шаклда қўлга олишга ёки ҳибсга олишга дуч келган шахсларни ҳимоялаш тамойиллари тўплами, 18 (3) тамойил ва БМТнинг юристларнинг ролига оид асосий тамойиллари, 8-тамойил;

БМТнинг юристларнинг ролига оид асосий тамойиллари, 7-тамойил. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Исроил, ССРР/СО/78/ISR, 13-банд. ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1993 йил 26 майдаги қарор, *Браниган ва МакБрайд Бирлашган Қиролликка қарши*, 64-банд;

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: шу жумладан, қаранг, 1981 йил 29 июлдаги фикр, *Садис де Лопес Уругвайга қарши*, № 52/1979 хабар ва 1983 йил 29 мартдаги фикр, *Эстрелла Уругвайга қарши*, № 74/1980 хабар. Шунингдек, қаранг: 1990 йил 20 июлдаги фикр, *Пинто Тринидад ва Тобагога қарши*, № 232/1987 хабар, 12.5 банд; 1998 йил 6 апрелдаги фикр, *Виктор П. Домоковский, Заза Циклаури, Петр Гелбахиани ва Ираклий Доквадзе Грузияга қарши*, №№ 623/1995, 624/1995, 626/1995 ва 627/1995 хабарлар, 18,9 банд;

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2003 йил 6 ноябрдаги фикр, *Қурбонова Тожикистонга қарши*, № 1096/2002 хабар, 6.5 банд; 2003 йил 7 августдаги фикр, *Алиев Украинага қарши*, № 781/1997 хабар; 1989 йил 30 мартдаги фикр, *Робинсон Ямайкага қарши*, № 223/1987 хабар; 1999 йил 23 мартдаги фикр, *Браун Ямайкага қарши*, № 775/1997 хабар;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1992 йил 25 сентябрдаги қарор, *Круассан Германияга қарши*, № 13611/88 шикоят; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда; Суд ва трибуналлар олдидаги тенглик ва ҳар кимнинг одид судловга бўлган ҳуқуқи, 37- ва 38-бандлар;

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 37- ва 38-бандлар.

²¹⁴ ЎЗР ЖПКнинг 46-моддаси биринчи қисми (Айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари), 48-моддаси биринчи қисми (Гумон қилинувчининг, шу жумладан, ЖПКнинг 229-моддаси тартибда ушлаб турилган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари), 49-моддаси (Ҳимоячи), 50-моддаси (Ҳимоячини таклиф этиш), 51-моддаси (Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар) ишга гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида таклиф этилган пайтдан бошлаб ҳимояга бўлган ҳуқуқни таъминлаш, ҳимоячини таклиф этиш, шу жумладан унинг албатта иштирок этишини таъминлаш масалаларини тартибда солади.

²¹⁵ ЎЗР Конституцияси, 116-модда.

ди²¹⁶. Ҳимоячи процесснинг ҳар қандай босқичида иштирок этиши мумкин²¹⁷. Ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади²¹⁸.

Суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади²¹⁹. Ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли²²⁰. Ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли. Ҳимоячининг ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ тўпланган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантирилиши керак²²¹.

Адвокат ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан махфийлик таъминланган шароитларда (шу жумладан уни қамоқда сақлаб

²¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги № 17 «Судлар томонидан гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарориди (кейинги ўринларда ЎзР ОСП) қуйидагилар белгиланган:

«8. Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига мувофиқ, шахсга айб эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисида қарор унга маълум қилинган ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб ишда ҳимоячининг иштирок этишига руҳсат берилади.

Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, шахс ЖПК 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ушланган ҳолларда, гарчи қонунда бу ҳақда тегишли баённома шахс милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилгандан сўнг расмийлаштирилиши белгиланган бўлса-да, у амалда ушланган (қўлга олинган) пайтдан бошлаб гумон қилинувчи деб ҳисобланади. Айнан шу пайтдан бошлаб ушлаб турилган шахс гумон қилинувчига берилган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ҳимоячи олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Шу тўғрисида, бундай ҳолларда у гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги ҳақидаги қарор унга эълон қилинмасдан ҳамда тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмасдан туриб, унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилиши мумкин эмас.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан тегишли давлат органига мурожаат қилган шахс ҳам шундай ҳуқуқий ҳолатга эга». (ЖПК 113-моддаси.)

²¹⁷ Модданинг янги таҳририда терговчи қарори, суд ажримига кўра ҳимоячи сифатида киритилган ҳар қандай шахснинг иштирок этиш имконияти чиқариб ташланган. Айни пайтда, терговчи (суд) томонидан таклиф қилинган «ўз адвокати» шахсни ҳуқуқий ёрдамсиз қолдирмаслигига кафолат йўқ. ЎзР ЖПКнинг 49-моддасида белгиланганки: «Ҳимоячини танлаш ҳуқуқи, масалан, айбланувчи томонидан танланган ҳимоячи ёки унинг розилигига кўра бошқа шахс томонидан танланган ҳимоячи ҳимояланувчи билан учрашиши ва ишга аралашуви терговчиларга боғлиқ бўлгани тўғрисида улар томонидан бузилиши мумкин».

²¹⁸ ЎзР ЖПК: Ҳимоячини таклиф этиш, 50-модда.

²¹⁹ «Судлар тўғрисида»ги қонун: Ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш. Айбсизлик презумпцияси, 10-модда.

²²⁰ ЎзР ЖПК: Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 53-модда.

²²¹ ЎзР ЖПК: Далиллар тўплаш, 87-модда.

туриш даврида), учрашувларнинг сони ва уларнинг давом этиш вақти чекланмаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда холи учрашиш ҳуқуқига эга²²². Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади²²³.

Ҳимоянинг айрим масалалари Олий Суд Пленуми қарорларида шарҳлаб берилган²²⁴. Хусусан, ҳимоячи (ёки ҳимоячилар) қонунга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки унинг қонуний вакили томонидан, шунингдек, гумон қилинувчининг, айбланувчининг илтимоси ёки розилиги асосида бошқа шахслар томонидан таклиф этилади. Гумон қилинувчи, айбланувчи иш бўйича бир неча ҳимоячи таклиф этиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи, суд (судья) иш бўйича тайинлов асосида давлат ҳисобидан ҳимоячи иштирок этаётган тақдирда ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан таклиф этилган ҳимоячининг ишда қатнашишига монелик қилишга ҳақли эмас (ЖПКнинг 27-моддаси²²⁵)²²⁶.

Иш материалларида давлат сири билан боғлиқ маълумотларнинг мавжудлиги бундай маълумотлар билан ишлашга махсус рухсати бўлмаган ҳимоячининг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилмайди. Бундай ҳолларда ҳимоячи давлат сирига алоқадор маълумотлар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танишиши мумкин²²⁷.

Бундан ташқари, ҳимоячининг суд иши юритилаётган тилни билмаслиги ҳам унинг ишда иштирок этишига монелик қилмайди. Бу ҳолда у ЖПК 20-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ таржимон билан таъминланиши керак²²⁸.

²²² ЎзРнинг «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни, 6-модда (Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2008 йил 31 декабрдаги таҳрири, № ЎРҚ-198, ЎзР ҚТ, 2008 йил, № 52, 514-модда).

²²³ ЎзР ЖПК: Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш, 24-модда.

²²⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги № 17 «Судлар томонидан гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори.

²²⁵ ЎзР ЖПК: Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи, 27-модда.

²²⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 қарори.

²²⁷ Ўша жойда.

²²⁸ Ўша жойда.

ЎзР Олий суди ҳимоячини расмийлаштириш²²⁹ ва ҳимоячидан воз кечишни²³⁰ қабул қилиш тартибини белгилади²³¹, шунингдек белгиландики, «Гумон қилинувчи, айбланувчи ҳимоячидан унинг меҳнатига ҳақ тўлаш имконияти йўқлиги сабабли воз кечмоқчи бўлган тақдирда, жиноят ишини юритишга масъул давлат органларининг мансабдор шахслари ЖПК 50-моддасининг тўртинчи қисми қоидаларига биноан гумон қилинувчини, айбланувчини бундай харажатлардан тўлиқ ёки қисман озод этиш чорасини кўришлари керак»²³². Суриштирувчи, терговчи, суд (судья), ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини ўзи амалга оширишига қийинчилик туғдириши мумкин деган хулосага келса, ҳимоячидан воз кечиш тўғрисидаги аризани рад этиши мумкин²³³. Ҳимоячидан воз кечган шахс кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос қилиш имкониятига эга²³⁴.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли²³⁵. Аммо ушбу кафолат юқорида қайд этилган Олий суд Пленумининг «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори билан чеклаб қўйилган. Унда ҳимоячининг тергов, суриштирув органи ва суд томонидан бериладиган рухсат асосида ишда иштирок этишининг расмийлаштирилиши белгиланган, бу эса ЖПКда кўзда тутилган кафолатларнинг чекланган тарзда шарҳланишига сабаб бўлади²³⁶. ЖПКга кўра, адвокатнинг ишда иштирок этишига у адво-

²²⁹ Қаранг: ЎзР ЖПК, Ҳимоячидан воз кечиш, 52-модда; Қонунга кўра, иш юритилаётган даврда исталган вақтда ҳимоячидан воз кечиш мумкин. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имкониятлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади, бунда адвокат ўз ҳимояси остидаги шахс билан холи учрашганидан кейин ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди. Бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриштирувчи ёки терговчи имзолайдиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

²³⁰ Ҳимоячидан воз кечишни тасдиқлаш ёки рад этиш тўғрисида тегишли шаклдаги баённома тузилади ва у гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриштирувчи ёки терговчи томонидан имзоланади. Суд йиғилишида бундай қарор суд йиғилиши баённомасига киритилади.

²³¹ ЎзР ОСП, 2003 йил 19 декабр, № 17, 14-банд.

²³² Ўша жойда.

²³³ Ўша жойда.

²³⁴ ЎзР ЖПК, Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 53-модда, 3-қисм.

²³⁵ ЎзР ЖПК: Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 53-модда, 1-, 2-қисмлар. Шунингдек, қаранг: ЎзР «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни: Қонун ва суд олдида тенглик, 6-модда; ЎзРнинг «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги қонуни: Адвокатлик фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги, 7-модда, 3-қисм.

²³⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 қарори (17-банд)да белгиланадигани, ҳимоячининг гумон қилинувчи, айбланувчи билан учрашишига асос — уни ишда иштирок этишига рухсат берганлик ҳақидаги қарор (ажрим) ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи қамоқда сақланаётган муассаса маъмурияти ҳимоячидан у ўз ҳимояси остидаги шахс билан учрашиши учун суриштирув, тергов органи ёки суд томонидан яна бошқа махсус рухсатнома берилишини талаб қилишга ҳақли эмас.

кат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилди²³⁷. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан бирининг адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримиغا биноан йўл қўйилиши мумкин²³⁸.

ЖПКда тергов ва суриштирув органлари учун ҳимоячидан воз кечиш шарт ҳисобланмаган, ҳимоячи иштирок этиши шартлиги ҳоллари кўзда тутилган²³⁹. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд нафақат ЎЗР ЖПКнинг 51-моддасида санаб ўтилган ҳолларда, балки ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақлидир²⁴⁰. Ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади²⁴¹.

ЎЗР Олий суд Пленумининг қарори ҳам муҳим ҳужжат бўлиб, унда белгиланганки, қуйидаги ҳоллар гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши деб баҳоланади, агар:

- унинг ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса;
- қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлган иш ҳимоячининг иштирокисиз тергов қилинган ёки судда кўрилган бўлса;
- манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлган бир неча шахснинг ҳуқуқлари битта ҳимоячи томонидан ҳимоя қилинган бўлса;
- дастлабки тергов тамомлангандан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган бўлса ва қоидабузарлик суд томонидан бартараф этилмаган бўлса;
- айбланувчига айблов хулосаси топширилмаган бўлса;
- ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи сўзлаш учун имконият, шунингдек, охириги сўз берилмаган бўлса;
- иш судланувчининг иштирокисиз кўрилган бўлса (ЖПК 410-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

²³⁷ ЎзЖПК, Ҳимоячи, 49-модда.

²³⁸ Ўша жойда.

²³⁹ ЎЗР ЖПК, Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар, 51-модда.

²⁴⁰ Яъни «одил судлов» талаблари.

²⁴¹ ЎЗР ЖПК, Ҳимоячини таклиф этиш, 50-модда, 4-қисм.

- ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар мавжуд бўла туриб, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса.

Иш бўйича кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг аниқланиши суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади²⁴².

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимояга бўлган ҳуқуққа риоя қилмаслик амалга оширилган терговни ва дастлабки терговни ноқонуний деб топиш учун асос бўла олади. Ҳар қандай шахсга шахсан ёки ўзи танлаган адвокати орқали ўз ҳимоясини амалга ошириш имконияти берилиши керак ва у амалда ўз танлаган адвокатни таклиф қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Айти пайтда ҳимоя ҳимояланувчига қандай муносабатда бўлинганига, яъни шафқатсиз муносабат ва қийноқлар қўлланилмаганлигига эътибор қаратиши зарур. Бундай шикоятлар ва уларга жавоблар ҳимоянинг процессуал ҳужжати ҳисобланади, ва у суд эътиборини тортиши зарур. Ҳимоянинг шикояти ва илтимосномасини кўриб чиқмаслика ва уни қаноталантирмаслик ёки асосланган тарзда қаноталантирмаслик суднинг холислиги, бетарафлиги ва адолатлилигини шубҳа остига қўяди. Бу асосларга кўра суд таркиби рад қилиниши лозим. Рад қилиш қаноталантирилмаса, суд ҳукми устидан апелляция тартибидан шикоят бериш керак ва унда тергов органи томонидан ҳимояланувчининг қандай ҳуқуқи бузилгани ва тикланмаганини кўрсатиш лозим. Адвокатнинг ҳимояланувчи билан мулоқот қилиш ҳуқуқи ва ҳимояланувчининг адвокатга мурожаат қилиш ҳуқуқи бузилган ҳолларда судга шикоят қилиш керак, биринчи ва апелляция инстанциялари судларининг ушбу бузилишга аҳамият бермаслиги бўйича БМТ ИҲҚга, Пактнинг 14 (3) (b) банди бузилиши эҳтимоли бор дея, мурожаат қилиш керак.

Агар ишда иштирок этган тайинланган ҳимоячи малакаси ва тажрибаси етарли бўлмагани туфайли малакали юридик ёрдам кўрсата олмаган бўлса, ҳимояланувчи ёки унинг қариндошлари ўз шикоятларида малакали ёрдам олишга бўлган ҳуқуқнинг бузилганини қайд этишлари керак. Ҳимоячилар судда ўзларининг ишда иштирок этиш ваколатини тасдиқловчи ордерни тақдим этмаган ҳолда иштирок этиши, ёки баённомани ҳимояланувчи билан учрашмасдан имзоланишига йўл қўйиш мумкин эмас.

Ўз фаолиятида ҳимояланувчи билан чекловсиз учрашиш ҳуқуқининг бузилишига, айти пайтда ҳимоя ҳуқуқининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш ҳолатларига дуч келган ҳимоячиларнинг ўзлари ушбу ҳуқуқларга риоя қилиниши талаб этиши ва тегишли ҳолларда бундай бузилишлар устидан шикоят қилиб, ҳимояга бўлган ҳуқуқни бузган ҳолда, ҳимоя далилларини эътиборга олмасдан қабул қилинган суд ҳукмининг бекор

²⁴² Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинуви ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан.

қилинишига эришиши керак. Бундан ташқари, ҳимоячи судга ўзининг касб вазибаларини бажаришга тўсқинлик қилган мансабдор шахслар ёки органларга нисбатан хусусий ажрим қабул қилиш шаклидаги таъсир чораларини қабул қилиниши, шунингдек ҳуқуқбузарларга нисбатан ЎзРнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 197-1 моддасига кўра маъмурий иш кўзғатиш юзасидан мурожаат этиши мумкин²⁴³.

5. Ҳимояни тайёрлаш учун етарли вақт ва имконият берилиши ҳуқуқи

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган ҳар қандай шахс адвокат, врач, оиласи ва дўстлари билан, агарда бу шахс чет эллик бўлса — мамлакат элчихонаси ёки консуллиги билан мулоқот учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши ҳуқуқига эга. Бунда одил судлов манфаатлари ёки ўзи сақланаётган муассасанинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан зарур бўлган даражадаги чекловларга ва назоратга йўл қўйилади.

Халқаро стандартлар

Жиноят содир қилишда гумон қилинаётган ва судни кутаётган ҳар бир ушлаб турилган шахсга ўз ҳимоясини тайёрлаши учун етарли вақт берилиши ва шароит яратилиши керак. Ҳимояга бўлган ҳуқуқ жиноий ишни кўриб чиқишнинг барча босқичларида, шу жумладан, тергов ҳаракатларини олиб бориш ва ишни судда муҳокама этиш босқичларида ҳам кафолатланган.

«Етарли вақт»нинг нималиги ҳар бир алоҳида ишнинг ҳолатларига, шу жумладан, суд процесси тури, қўйилаётган айбнинг табиати ва оғирлигига ва ишнинг амалий ҳолатларига боғлиқ. «Етарли вақт»га таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар ўз ичига ишнинг мураккаблигини, айбланувчининг далиллар билан танишиши ва адвокат билан учрашувини, шунингдек ушбу процесс учун белгиланган вақт чегарасини қамраб олади.

Айбланувчининг ҳимояга тайёргарлик кўриш учун етарли имкониятларга эга бўлиши ҳуқуқи ўз адвокати билан бирон-бир аралашувсиз ёки цензурасиз мулоқот қилиш, маслаҳатлашиш ва учрашишни, ва бунда махфийликка риоя қилинишини англатади:

- i. ҳибсда сақланаётган шахсларнинг адвокатлар билан суҳбати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органи вакилига кўринадиган жойда, аммо унга эшитилмайдиган тарзда ўтиши керак²⁴⁴;

²⁴³ Модда ЎзРнинг 2008 йил 31 декабрдаги № ЎРҚ-198 қонуни билан киритилган.

²⁴⁴ Ҳибсга олиш ва қамоққа олишга дуч келган барча шахслар учун тамойиллар тўплами, 18 (4) тамойил.

- ii. ҳибсда сақланаётган шахсларнинг адвокатлар билан учрашуви ушбу шахснинг айбини исботловчи далил ҳисобланиши мумкин эмас, бу давом этаётган ёки тайёрланаётган жиноят билан боғлиқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно²⁴⁵.

Ўз ҳимоясини тайёрлаш учун етарли имкониятларга эга бўлиш шуни англатадики, айбланувчига ва унинг адвокатига айбловчи томон айбланувчига қарши судда фойдаланишни мўлжаллаётган барча тегишли маълумотлар, ҳужжатлар ва бошқа далиллар билан, шунингдек айбсизлигини исботловчи далиллар билан танишиш имконияти берилади²⁴⁶. Аммо хавфсизлик нуқтаи назаридан тергов жараёнида ва ишни судга тайёрлашда бу ҳуқуқ оқилона тарзда чекланиши мумкин. Шунга қарамай, ушбу чекловлар «яширин далиллар» ёки «яширин гувоҳлар»нинг пайдо бўлишига олиб келмаслиги керак²⁴⁷.

Ҳимояни тайёрлаш учун маблағларнинг етарлилиги шуни англатадики, айбланувчи шу жумладан, мустақил экспертларнинг хулосасини олиш имкониятига эга бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎЗР Конституциясининг 26-моддасида белгилаб қўйилганки, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади²⁴⁸.

Адвокатнинг ҳуқуқлари ЎЗРнинг «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида белгиланган, улар орасида қуйидагилар кўзда тутилган: юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш, юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) розилиги билан сўраш ва олиш; ишга тааллуқли ах-

²⁴⁵ Ҳибсга олиш ва қамоққа олишга дуч келган барча шахслар учун тамойиллар тўплами, 18 (3 ва 45) тамойил.

²⁴⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 33-банд.

²⁴⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия. Перудаги инсон ҳуқуқларига доир вазият бўйича иккинчи ҳисобот, 103-, 104- ва 110-бандлар ва Колумбиядаги инсон ҳуқуқларига доир вазият бўйича учинчи ҳисобот, 121-, 122-, 123- ва 124-бандлар.

²⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги № ЎРҚ-198 «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан ЎЗРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ҳимоячининг ваколатлари кенгайтирилган. Шунингдек ЎЗРнинг «Адвокатура тўғрисида»ги қонунига ва ЖПКга ўзгартиришлар киритилган.

боротдан хабардор бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш²⁴⁹, ва уларнинг розилиги билан ёзма тушунтириш олиш; тўпланган материалларни ўз ишонч билдирувчи шахсининг (ҳимоя остидаги шахсининг) иши юзасидан иш юритаётган судларга ва бошқа давлат органларига тақдим этиш; адвокат юридик ёрдам кўрсатаётган ишдаги зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш, бунда давлат сирлари, тижорат сири ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни ошкор қилмаслик, ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан махфийлик таъминланган шароитларда (шу жумладан уни қамоқда сақлаб туриш даврида), учрашувларнинг сони ва уларнинг давом этиш вақти чекланмаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда холи учрашиш; мансабдор шахсларга илтимосномалар билдириш ва шикоятлар бериш ҳамда улардан ёзма шаклда асослантирилган жавоблар олиш; ўзининг касбга оид мулкий жавобгарлик хавфини суғурта қилиш; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни бажариш²⁵⁰.

Адвокат ўз профессионал фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этиши, ўзига юридик ёрдам сўраб муурожаат этган жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ҳамда усулларида фойдаланиши шарт²⁵¹.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 53-моддаси: Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари — бошқа ҳуқуқлар қатори, адвокатнинг қуйидаги ҳуқуқлари белгиланган: далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш; мазкур Кодекснинг 87-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш.

ЖПКнинг ушбу моддасига мувофиқ, ҳимояси қуйидагиларни амалга ошириши шарт: гумонни ёки айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни ен-

²⁴⁹ 87-модданинг 2-қисми. Далиллар тўплаш: *Ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли.* (Бу қисм ЎЗРнинг 2008 йил 31 декабрдаги № ЎРҚ-198 қонунига мувофиқ киритилган.)

²⁵⁰ 6-модданинг биринчи қисми тўртинчи-саккизинчи хат бошилари ЎЗРнинг 2008 йил 31 декабрдаги № ЎРҚ-198 Қонунига кўра тўртинчи-ўн иккинчи хат бошиларига ўзгартирилган (ЎЗР ҚТ, 2008 йил, № 52, 514-банд).

²⁵¹ Адвокатура тўғрисидаги қонун: Адвокатнинг вазифалари, 7-модда.

гиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларни қўллаши ҳамда гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Адвокат сўровига жавоб тақдим этмасликда ифодаланган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш учун маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган²⁵².

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимояни амалга ошириш пайтидаги ҳар қандай тўсиқлар, жиноий иш материаллари билан танишиш ва судда ҳимоя нутқини тайёрлашда вақтнинг чегараланиши бўйича тегишли тартибда шикоят бериш керак. Агарда ҳимоячи ишда иштирок этиш ордерини топшира олмаса, уни ишда иштирок этиш тўғрисидаги илтимосномага илова қилиб, топширилгани тўғрисидаги хабар кўзда тутилган буюртма хат билан жўнатиши керак.

Ҳимоячига ҳимояланувчи билан учрашиш махсус хона йўқлигини рўқач қилиб, рад қилинса, у ҳимояни тайёрлаш ҳуқуқининг бузилганига жавоб чорасини кўриши керак. Агарда ҳимоячи илтимоснома билан мурожаат этганда терговчи уни иш материалларига қўшган ҳолда уни қондиришни рад этса, ҳимоячи ушбу хатти-ҳаракатлар устидан терговни кузатувчи прокурорга шикоят қилиши керак, зеро ЎзР ЖПКнинг 384-моддаси 10-бандига кўра, тергов синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона ўтказилган-ўтказилмаганлигини, барча важлар текширилганлигини ва ҳимоянинг илтимосномалари кўриб чиқилганлигини текшириш унинг мажбурияти ҳисобланади²⁵³. Агар ҳимоячининг жиноий иш материаллари билан танишиш ёки ҳимоя нутқини тайёрлаш учун ажратилган вақт асоссиз равишда қисқартирилган бўлса, шикоятда ишонч билдирувчи (ҳимояланувчи)нинг ҳимоясини тайёрлаш ҳуқуқининг бузилгани тўғрисидаги масалани кўрсатиш керак.

6. Инкоммуникадо (ташқи олам билан мулоқотсиз) сақланмаслик ҳуқуқи

Жиноят содир қилишда айбланаётган ҳар бир шахс ўз ҳимоясини тайёрлаш учун етарли вақт ва имкониятларга, шу жумладан, ўзи танлаган ҳимоячи билан учрашиш имкониятига эга бўлиши лозим.

²⁵² Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, 197-1 модда.

²⁵³ ЎзР ЖПК: Айблов ҳулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ҳал этиши лозим бўлган масалалар, 384-модда, 10-банд.

Халқаро стандартлар

Халқаро ҳуқуқ нормалари билан яширин равишда озодликдан маҳрум қилиш, яширин ушлаб туриш, узоқ вақт давомида инкоммуникадо сақлаш, узоқ вақт камерада ёлғиз ушлаб туриш қатъиян тақиқланади²⁵⁴. Яқкалик камерада узоқ вақт сақлаш ёки инкоммуникадо сақлаш қийноқ ёки шафқатсиз муносабатда бўлиш деб ҳисобланиши мумкин²⁵⁵.

Ҳибсда сақланаётган шахсларга ташқи олам, айниқса, ўз оиласи ва адвокатлари билан мулоқот қилишга рухсат берилади. Бу ҳуқуқ фақат бир неча кунга, ва фақат қонунда белгиланган фавқулодда ҳолатларда, суд органи ёки бошқа давлат органи хавфсизлик ва тартибни сақлаш, ёки текширишга оид фавқулодда ҳолат буни тақозо этганда, чегараланиши мумкин²⁵⁶. Ҳар қандай ҳолатда, қамоқда сақланаётган шахс ушлаб турилган ёки қамоққа олинган пайдан бошлаб қирқ саккиз соат давомида ўз ҳимоячисига мурожаат этиш имкониятига эга бўлиши керак²⁵⁷.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган ҳар қандай шахс — мустақил равишда ёки давлат органлари вакиллари орқали — ўз оиласини ёки бошқа кўрсатиб ўтилган шахсларни ўзининг ҳибсга олингани ёки ушлаб турилгани ҳақида хабардор қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу маълумот ўз ичига қуйидагиларни қамраб олиши керак:

- i. ҳибсга олиш, ушлаб туриш ёки бошқа муассасага кўчириш факти;
- ii. шахс ушлаб турилган жой ёки шахс кўчирилган жой.

Дарҳол, ёки, ҳеч бўлмаганда, кечиктирмасдан хабар қилиниш лозим. Фавқулодда ҳолатларда терговнинг фавқулодда эҳтиёжлари туфайли хабар бериш кечиктирилиши мумкин. Шунга қарамай, бундан кечиктириш бир неча кундан ошмаслиги зарур.

²⁵⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 29, умумий тартибдаги мулоҳаза. Фавқулодда вазият туфайли мажбуриятлардан чекиниш (4-банд), 2001 йил 31 август, 11- ва 13-бандлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Америка Қўшма Штатлари, ССРР/С/УСА/СО/3/Rev. 1, 2006 йил 18 декабр, 12-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1996 йил 25 майдаги қарор, *Курт Туркияга қарши*, № 24276/94 шикоят, 123- ва 124-бандлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Терроичлик ва инсон ҳуқуқлари бўйича ҳисобот, ОЕА/Ser.L/V/II.116, Doc. 5 rev. 1 сог., 2002 йил 22 октябр, 211- ва 213-бандлар; Барча шахсларни зўравонлик билан ғойиб бўлишдан сақлаш бўйича халқаро конвенция, 17.1 модда ва Америка қитъаси мамлакатларида озодликдан маҳрум қилинган шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари ва илғор усуллари, I тамойил.

²⁵⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 20 умумий тартибдаги мулоҳаза: 7-модда (Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазодан ҳимоялаш), 6-банд; Қийноқларга қарши қўмита (А/54/44 хабар, 121- ва 146-бандлар; № А/53/44 хабар, 135-банд; ва № А/55/44 хабар, 182-банд) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 1988 йил 29 июлдаги қарор, *Родригес Веласкес Гондурасга қарши* (156-банд) ва 1997 йил 12 ноябрдаги қарор, *Суарес Розеро Эквадорга қарши* (90–91-бандлар).

²⁵⁶ Ҳибсга олиш ва қамоққа олишга дуч келган барча шахсларни ҳимоялаш бўйича тамойиллар тўплами, 15, 16 ва 18 тамойиллар.

²⁵⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Исроил, ССРР/СО/78/ISR, 2003 йил 23 август, 13-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1993 йил 26 майдаги қарор, *Бранниган ва МакБрайд Бирлашган Қиролликка қарши*, №№ 14553/89; 14554/89 шикоятлар, 64-банд; ва БМТнинг юристларнинг ролига оид асосий тамойиллари, 7 тамойил.

Уларга нисбатан қамоққа олиш шаклидаги эҳтиёт чораси қўлланилган судни кутаётган шахсларга оиласи ва дўстлари билан мулоқот қилиш, шу жумладан, учрашиш учун барча зарур воситалар ва имкониятлар яратилиши керак. Ушбу ҳуқуқлар фақат қонунда белгиланган ҳолатларда, буни одил судлов манфаатлари ва хавфсизлик, қамоқда сақлаш жойларидаги тартиб тақозо қилган ҳолатларда чегараланиши мумкин.

Ҳибсда сақланаётган чет эллик фуқаролар ўзлари фуқаролари бўлган мамлакатнинг консуллиги ёки дипломатик миссиялари билан мулоқот қилиш ҳуқуқига эга²⁵⁸. Уларга, шунингдек улар фуқароси бўлган давлатлар вакиллари билан мулоқот қилиш ва уларнинг ташрифлари учун шарт-шароитлар яратилиши керак. Қочоқлар ёки ҳукуматлараро ташкилотнинг ҳимоясида бўлган шахслар, ушбу халқаро ташкилот вакиллари билан мулоқот қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳибсда сақланаётган шахслар тегишли тарзда тиббий текширувдан ўтиш ҳуқуқига эга, ушбу тадбир қамоқда сақлаш жойига жойлаштирилгач, имкон қадар тезроқ амалга оширилиши зарур. Ундан сўнг — заруратга кўра тиббий ёрдам ва даволаниш ҳуқуқига эга. Бундай тиббий ёрдам ва даволаш бепул таъминланади²⁵⁹.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Гумон қилинувчи ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш ҳуқуқига эга²⁶⁰. ЖПКнинг 46-, 48-моддаларида судгача айбланувчи, гумон қилинувчининг оила аъзолари ва дўстлари билан учрашиш бўйича барча оқилона воситалар ва имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқи кўзда тутилмаган. Аммо, ушлаб туриш тарзидаги, суд эса қамоққа олиш ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаганида, бу ҳақда йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши шартлиги белгиланган²⁶¹. ЎзР қонунчилигида давлат сиринга оид ишларда истиснолар белгиланмаган.

²⁵⁸ Ҳибсга олиш ва қамоққа олишга дуч келган барча шахсларни ҳимоялаш бўйича тамойиллар тўплами, 16 (2) тамойил; Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси, 36-модда; Маъбуслар билан мулоқотнинг минимал стандарт қоидалари, 38 (1) модда; Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция, 16 (7) модда; Ўзлари яшаётган мамлакат фуқароси бўлмаган шахсларга нисбатан инсон ҳуқуқлари декларацияси, 10-модда; Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича хатти-ҳаракатлари кодекси, 2-модда, (а) шарҳи. Шунингдек қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, ОС-16/99 маслаҳат хулосаси. Зарур ҳуқуқий ёрдам доирасида консуллик ёрдами бўйича маълумот олиш ҳуқуқи, 1999 йил 1 октябр, А серияси, № 16.

²⁵⁹ Ҳибсга олиш ва қамоққа олишга дуч келган барча шахсларни ҳимоялаш бўйича тамойиллар тўплами, 24-тамойил; Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича хатти-ҳаракатлари кодекси, 6-модда; Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича куч ва ўқ отар қуролларни ишлатишнинг асосий тамойиллари, 5 (с) тамойил.

²⁶⁰ ЎзР ЖПК: Гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 48-модда.

²⁶¹ ЎзР ЖПК: Процессуал мажбурлов чораси қўлланилгани ҳақида хабар қилиш, 217-модда.

ЖПКда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ушлаб турилган шахсларнинг олдига қариндошларини киритишни назарда тутувчи қатъий чоралар белгиланмаган. Ушлаб турилган шахсга қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга ушлаб турилган шахслар сақланадиган жойнинг маъмурияти ушлаб туриш тўғрисидаги материаллар қайси терговчи ёки суриштирувчининг иш юритишида бўлса, фақат ўша терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсати асосида ижозат беради, ҳимоячи билан учрашув бундан мустасно²⁶².

Жазога ҳукм қилинган ажнабий фуқаролар ўз давлатларининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан мулоқот қилиб туришга ҳақли, Ўзбекистон Республикасида дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари бўлмаган мамлакатлар фуқаролари эса — уларнинг манфаатларини ҳимоялашни ўз зиммасига олган давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари билан мулоқот қилиши мумкин²⁶³.

Амалиётчиларга тавсиялар

Қўлга олиш пайтида ҳимоячи ҳар доим ҳам ҳимояланувчи қайси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органида ёки бўлинмада эканлигини тезда аниқлай олмайди. Амалиётда, айрим ҳимоячилар, уларга турли сабабларни рўқач қилиб, ҳимояланувчи билан учрашиш рад қилинса, ўзларининг ҳимояланувчиларига нисбатан қийноқлар ёки тергов олиб боришнинг бошқа таъқиқланган усуллари қўлланилаётгани эҳтимоли мавжудлиги ва шу сабабли учрашувга тўсқинлик қилинаётгани ҳақида шикоятларни йўллайди (ҳимоячининг бундай ташвишланиши ўринли бўлиши мумкин). Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари раҳбарияти номига ёки прокуратурага йўлланган бундай мурожаатлар ижобий натижа бериши мумкин, ва ҳимоячи ўзининг ҳимояланувчиси билан учрашиши мумкинлиги тўғрисида хабардор қилиниши мумкин.

Ушланган шахс тергов изоляторига олиб келинган пайтда унинг баданида жароҳатлар борлиги аниқланиб, уни қабул қилмаслик ҳолатлари ҳам рўй бериши мумкин, бундай ҳолатда шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида баданидаги жароҳат излари йўқолгунча сақланиши мумкин, бу эса ноқонунийдир. Бундай ҳолатларда ҳимоячининг илтимосномасига кўра бадандаги жароҳатлар қайд қилиниши керак, ва бу ҳимояланувчига нисбатан тергов олиб боришнинг таъқиқланган усуллари, шу жумладан, қийноқлар қўлланилганлиги далил бўлиши мумкин.

Ҳимоя ҳимояланувчисига қариндошлари билан учрашишга рухсат берилишини талаб қилиши мумкин ва бунга рад этиш ёки розилик олади, аммо ҳар қандай хатти-ҳаракатни қатъиян қайд этиб бориш, ва зарур ҳолларда улар юзасидан тортишиш керак. Биринчи инстанция судидаёқ шахснинг *инкоммуникадо* сақланганлиги ҳақида шикоят қилиш керак ва бунда, заруратга кўра барча процессул тартибларнинг, ва ФСХҲПа

²⁶² ЎзР ЖПК: Ушлаб турилганларга учрашиш учун рухсат бериш, 230-модда.

²⁶³ ЎзР ЖПК: Жазога ҳукм қилинганларнинг асосий эркинликлари, 9-модда.

мувофиқ, ҳимояланувчи ҳуқуқларининг бузилаётганлигини асос қилиш керак. Суд томонидан айблов ҳукми қабул қилинса, суд қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериш, шикоятда процессуал тартиб ва ҳуқуқлар бузилишларга йўл қўйилганини, масалан, ташқи олам билан мулоқот қилиш, тиббий кўриқдан ўтиш ва тиббий ёрдам олиш, унга нисбатан қийноқ қўлланилмаслиги, инсонпарвар муомалада бўлиш ҳуқуқининг бузилиши ва ҳ. к. эҳтимоли борлигини кўрсатиш керак.

7. Суд ваколатларини амалга оширувчи шахс ҳузурига дарҳол етказилиш ҳуқуқи

Ҳар бир қамоққа олинган ёки ушлаб турилган шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун дарҳол қонунга кўра унга суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи тегишли бўлган судья ёки бошқа мансабдор шахснинг ҳузурига етказилади.

Халқаро стандартлар

Жиноий айбловга кўра ушлаб турилган ҳар қандай шахс тезкор тартибда қонунга кўра унга суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи тегишли бўлган судьянинг ёки бошқа шахснинг ҳузурига етказилиши керак. Ҳар қандай ушлаб туриш ёки қамоққа олиш қонунга кўра судьянинг ёки унга суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи тегишли бўлган бошқа шахс томонидан кўриб чиқилиши учун унга ҳавола қилиниши керак ёки уларнинг назорати остида бўлиши зарур²⁶⁴.

Ҳар қандай ҳолатда, судья ёки қонунга кўра унга суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган бошқа шахс қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- ҳибсга олиш ёки ушлаб туришнинг қонунийлигини аниқлаш;
- олдиндан ҳибсга олиш зарурлигини аниқлаш;
- шахснинг судгача озод қилиниши мумкинлиги, мумкин бўлса, бунинг шартларини белгилаш;
- ушлаб турилган шахснинг соғ-саломатлигини кафолатлаши;
- ушлаб турилган шахснинг асосий ҳуқуқларини ҳар қандай тарзда бузишнинг олдини олиш;
- ушлаб турилган шахсга ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан шикоят қилиш имкониятини бериш, ушлаб туриш қонунга зид бўл-

²⁶⁴ Барча шахсларни зўравонлик билан ғойиб бўлишдан сақлаш бўйича халқаро конвенция, 10-модда, Ҳибсга олиш ва қамоққа олишга дуч келган барча шахсларни ҳимоялаш бўйича тамойиллар тўплами, 4- ва 11-тамойиллар, ва Америка қитъаси мамлакатларида озодликдан маҳрум қилинган шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари ва илғор усуллари.

са, ёки ўзбошимчалик билан амалга оширилган бўлса, уни қамоқдан озод қилиш.

Қўлга олинганидан сўнг шахс судья бўлмаган мансабдор шахс ҳузурига олиб келинса, ушбу мансабдор шахс қонунга кўра суд ҳокимиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлиши, мустақил ва холис бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Суд, шахснинг ушлаб турилиши қонунийлигини текширар экан, эҳтиёт чорасини танламайди, балки прокурорнинг шахсни ҳибсга олиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқади ва ЖПКда кўзда тутилган тартибда қарор қабул қилади²⁶⁵. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушлаб турилган гумон қилинувчига ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин²⁶⁶. Қонунда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ва дастлабки тергов давомида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланганда прокурор, прокурорнинг розилиги билан терговчи қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорда ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш заруратини келтириб чиқарган асослар ва бошқа эҳтиёт чорасини қўллаб бўлмашлик асослари баён қилинади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади. Материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камидан ўн икки соат олдин судга тақдим қилиниши керак (ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан)²⁶⁷.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома жиноят ишлари бўйича судья томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади²⁶⁸. Айни пайтда ушбу илтимосномалар ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайдан эътиборан ўн икки соат ичида, лекин ушлаб туришнинг энг кўп муддатидан кечиктирмай кўриб чиқилади²⁶⁹.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, агар ишда қатнашаётган бўлса ҳимоячи, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида кўриб чиқилади²⁷⁰. Суд мажлисида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили, шунингдек терговчи иштирок этишга ҳақли. Зарур ҳолларда терговчи судга қақририлиши мумкин²⁷¹. Суд мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида

²⁶⁵ ЎзР ЖПК: Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби, 243-модда.

²⁶⁶ ЎзР ЖПК: Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби, 243-модда.

²⁶⁷ Ўша жойда.

²⁶⁸ Ўша жойда.

²⁶⁹ Ўша жойда.

²⁷⁰ Ҳимоячи қатнашаётган бўлса, томонларнинг тенглиги ёки ушбу жараённинг тенглиги ёки асоссизлигини таъминлаш тўғрисидаги масала кўтарилиши мумкин.

²⁷¹ ЎзР ЖПК: Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби, 243-модда.

лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун монелик қилмайди, айбланувчининг келмаганлиги холлари бундан мустасно²⁷².

Қонунга кўра, ушбу эҳтиёт чорасини қўллашни асослаш айблов томонига юклатилган. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурор маърузаси билан бошланади, у мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Шундан сўнг гумон қилинувчи ёки айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшителиади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради²⁷³. Судья қуйидаги қарорларнинг бирини қабул қилиши мумкин:

- i. қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида;
- ii. қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш тўғрисида;
- iii. тарафлар қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асосланганлиги ёки асосланмаганлигига доир қўшимча далилларни тақдим этишлари учун ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисида²⁷⁴.

Судьянинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки уни қўллашни рад қилиш тўғрисидаги ажрими ўқиб эшиттирилган пайдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак. Судьянинг ажрими ижро учун прокурорга, маълумот учун эса гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига юборилади²⁷⁵. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинган тақдирда, айнан ўша гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга қамоққа олишни тақозо этадиган янги ҳолатлар юзага келганда йўл қўйилади²⁷⁶.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячи ҳибсда сақлашдан тортиб ушлаб турилган шахсни судга олиб келиш ва прокурорнинг уни қамоққа олиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш муддатларига эътибор қаратиши; ушлаб турилган шахс билан суҳбатлашиш ва қачон, ким, қандай ҳолатларда ва қай тарзда қўлга олганлигини ва унга қандай муносабатда бўлинаётганлигини; уни қўлга олишда унга қўйилаётган гумон ёки айбловдан хабардор қилиниш бўйича ҳуқуқига риоя қилинганлигини; ўзини оқлаш учун нималарни хабар қилиши мумкинлигини аниқлаши; прокурор илтимосномасини асос-

²⁷² ЎзР ЖКК: Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби, 243-модда.

²⁷³ Ўша жойда.

²⁷⁴ Ўша жойда.

²⁷⁵ Ўша жойда.

²⁷⁶ Ўша жойда.

ловчи материаллар билан танишиши ва бунда шахсни қўлга олиш учун қонуний асослар борлигига, ушланган шахс ҳақида эҳтиёт чорасини қўллашда ҳисобга олиниши лозим бўлган маълумотлар тўпланганлигига эътибор қаратиши зарур; зарур ҳолатларда қўлга олиш ва эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш чорасининг танланганининг қонунийлигини рад этувчи қўшимча маълумотлар, далилларни тақдим этиш учун илтимосномани кўриб чиқишни кечиктиришни сўраши мумкин.

Бу босқичда ҳимоячи шуни ёдда тутиши керакки, судда айбнинг исботланиши эмас, балки ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш учун сабаб бўлган гумон, шубҳанинг асослилиги (!) кўриб чиқилади (Қаранг: «Озодлик ҳуқуқи ва ўзбошимчалик билан қўлга олишни тақиқлаш»). Шу сабабли ҳимоячининг ҳимояланувчи ўз айбига иқрорлиги, чин дилдан пушаймон эканлиги ва зарарни қоплагани ёки қоплашга тайёр эканлиги каби важлари кўриб чиқиладиган масалага алоқадор эмас, ва демак, ноўриндир. Суд томонидан бундай баёнотларнинг талаб қилиниши айбсизлик презумпцияси ва қонун талабларини бажарилганлигини шубҳа остига қўяди. Ҳимоячи ўз нутқида тегишли ҳолатларда, ЖПК ва ФСХҲП нормалари талаблари бузилган ҳолларда суднинг эътиборини қамоққа олишнинг ноқонунийлиги фактига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига эътибор қаратиши зарур, билдирилган шубҳа ва қўйилган айбловнинг қонунийлиги, шунингдек айнан ушбу эҳтиёт чораси танланиши зарурлиги хусусида баҳслашиши лозим.

Қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур: судлар, ҳимоячининг билдирилган шубҳа ва қўйилган айбловнинг асоссизлигига доир важларига жавобан, бу босқичда суд ушбу масалаларни муҳокама қилмаслиги қайд этгани ҳолда, прокурор шахсни қамоққа олишда оғир ёки ўта оғир жиноятни содир қилишда гумон қилинаётгани ёки айбланаётганини далил сифатида илгари суради. Ҳимоячи судга айбсизлик презумпцияси тамойилининг амал қилиши, гумон ёки айб ҳали асосланмагани ва суд суриштируви давомида ҳимояланувчининг барча ҳуқуқларига риоя қилинган ҳолда исботланиши зарурлигини эслатиши керак. Яъни, ФСХҲПнинг 9-моддасига кўра, ушлаб туриш «умумий қоида» бўлмаслиги, балки «фавқулодда чора»²⁷⁷ бўлиши зарур, демак, ушлаб туришлан шахслар аксарият ҳолларда озодликда қолиши керак. Бундан ташқари, адвокат суд эътиборини прокурор томонидан бошқа эҳтиёт чорасининг қўлланилиши имконияти йўқлигини қанчалик асосланлигига қаратиши зарур.

²⁷⁷ № 8 умумий тартибдаги мулоҳаза, 3-банд.

8. Қўлга олишнинг қонунийлиги юзасидан тортишиш

Ҳибсга олиш ёки қамокда сақлаш натижасида озодликдан маҳрум этилган ҳар қандай шахс, жиноий ишни кўриб чиқишнинг исталган босқичида, суриштирув олиб бориш ва ишни судда эшитишни ҳисобга олган ҳолда, судга унинг ушлаб турилишининг қонунийлигини кўриб чиқишни ва ушлаб туриш ноқонуний деб топилган ҳолда, уни озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилишни сўрашга ҳақли.

Халқаро стандартлар

Трибунал, суд ёки судья олдида ушлаб туришнинг қонунийлиги юзасидан баҳслашиш ҳуқуқи чекинишга йўл қўймайди²⁷⁸. Ушбу ҳуқуқ озодлик ҳуқуқини ҳимоя қилишда ва ўзбошимчалик билан қўлга олишнинг олдини олишда асосий ролни ўйнайди. Шунингдек, у қийноқлар, шафқатсиз муносабатда бўлиш, зўравонлик туфайли ғойиб бўлиш, инкоммуникадо сақлаш ва инсон ҳуқуқларининг бошқа тарзда қўпол бузишларнинг олдини олишда тамойиллари аҳамиятга эга²⁷⁹.

Агарда бундай иш қўзғатилган бўлса, ҳокимият асоссиз равишда ушлаб турилган шахсни тегишли судга ҳавола этиши керак. Ушлаб туришнинг қонунийлигини кўриб чиқувчи судья ёки судьялар имкон қадар қисқа муддатларда ва асосиз кечиктиришсиз қарор қабул қилиши, ва ушлаб туриш ноқонуний ва ўзбошимчалик билан амалга оширилган бўлса, ушлаб турилган шахсни озод қилиш бўйича қарор қабул қилиши зарур.

Давлат шундан механизмлар ва процедураларни ўрнатиши керакки (масалан, *habeas corpus*, амраго ва бошқа шунга ўхшаш процедуралар), улар-

²⁷⁸ Шунингдек, қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 29 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14- ва 16-бандлар ва Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Албания бўйича якуний кузатувлари, ССРР/СО/82/АЛВ, 2004 йил 2 декабр, 9-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, ОС-8/87 маслаҳат хулосаси, 1987 йил 30 январ, «Фавқулодда ҳолатларда *habeas corpus* ва ОС-9/87 маслаҳат хулосаси, 1987 йил 6 октябр, «Фавқулодда ҳолатларда суд кафолатлари»: Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси, 27-модда; Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб Хартияси, 4- ва 14-моддалар; Мажбурий ғойиб бўлишдан ҳимоялаш бўйича халқаро конвенция, 17.2 (f) модда, Ҳибсга олиш ва бирон бир тарзда ушлаб туришга дуч келган барча шахсларни ҳимоялаш бўйича халқаро конвенция, 32-тамойил, Мажбурий ғойиб бўлишдан ҳимоялаш тўғрисидаги декларация, 9-модда, ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича собиқ Қўмитасининг *habeas corpus* деб номланган 1992/35 резолюцияси.

²⁷⁹ Қийноқлар бўйича махсус маърузачи, E/CN.4/2004/56, 39-банд; E/CN.4/2004/68, 26 (i) банд ва A/57/173, 2002 йил 2 июл, 16-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, Маслаҳат хулосаси, ОС-9/87, 1987 йил 6 октябр, Фавқулодда ҳолатларда суд кафолатлари (Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясининг 27 (2), 25 ва (8) моддалари, А серияси, № 9, 38-банд; Зўравонлик туфайли ва ихтиёрсиз ғойиб бўлишлар бўйича ишчи гуруҳи, E/CN.4/1983/14, 141-банд; E/CN.4/1986/18/Add.1, 55-58 бандлар; E/CN.4/1989/18/Add.1, 136-банд; E/CN.4/1990/13, 346-банд, E/CN.4/1991/20/Add.1, 167-банд, E/CN.4/1991/20, 409-банд; E/CN.4/1992/18, 368–370-бандлар; ва E/CN.4/1993/25, 514-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди: 1993 йил 26 майдаги қарор; *Бранниган ва МакБрайд Бирлашган Қиролликка қарши*, № 14553/89; 14554/89 шикоятлар, 62–63-бандлар; 2003 йил 12 мартдаги қарор, *Очалан Туркияга қарши*, № 46221/99 қарор, 86-банд.

нинг воситасида ушлаб туришнинг қонунийлиги юзасидан баҳслашиш мумкин бўлади. Бундай жараёнлар оддий, тезкор ва ушлаб турилган шахс уларнинг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, бепул бўлиши керак. Судлар ҳар доим ва ҳар қандай вазиятда *habeas corpus*, амраго ва бошқа шунга ўхшаш процедуралар бўйича илтимосномалар юзасидан қарорларни кўриб чиқиши ва қабул қилиши керак. Ҳеч қандай ҳолатлар *habeas corpus*, амраго ва бошқа шунга ўхшаш процедураларга бўлган ҳуқуқдан бош тортишни оқлай олмайди.

Ушлаб туришнинг қонунийлиги қонун асосида фаолият юритувчи мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши керак²⁸⁰.

Ҳуқуқий ҳимоя воситаси самарали бўлиши учун, судга ушлаб туришнинг ноқонунийлиги устидан шикоят қилиш ҳуқуқи чекланмаслиги керак. *Habeas corpus* процедураси бўйича ушлаб туриш, масалан, ушлаб туриш учун асослар йўқлиги ёки процессуал нормаларининг яққол бузилиши билан чекланса, ёки ҳуқуқий ҳимоянинг бошқа воситаларининг батамом ишлатиб бўлинганлигига боғланса, бу унинг ушлаб туришнинг қонунийлиги бўйича тортишиш механизми сифатида самарадорлигини камайтиради²⁸¹.

Ноқонуний қўлга олиш ёки қамоққа олиш жабрланувчиси бўлган ҳар қандай шахс, зарарни қопланишига, шу жумладан, товон тўланишига ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Ўзбекистон қонунчилигида ФСХҲПнинг 9 (4) моддасида кўзда тутилган, халқаро ҳуқуқда *habeas corpus* деб номланган²⁸² процедура мустаҳкамланмаган, айти пайтда қамоқда сақлаш муддатини узайтирилиши устидан шикоят қилиш мумкин бўлган механизм кўзда тутилган. Судья ажрими устидан ЖПКнинг 241-моддаси иккинчи қисмида кўзда тутилган қоидалар бўйича апелляция тартибида шикоят бериш, норозилик билдириш мумкин²⁸³. Шикоят ёки норозилик билдириш эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги масала бўйича қарор ижросини тўхтатмайди²⁸⁴.

²⁸⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Маслаҳат хулосаси, № ОС-8/87, 1987 йил 30 январ, Фавқулодда ҳолатларда *habeas corpus*, А серияси, № 8 (Инсон ҳуқуқларининг Америка конвенциясининг 27 (2), 25 (1), ва 7 (6) моддалари), 35- ва 42-бандлар; Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси, Африкадаги одил судлов ва ҳуқуқий ёрдам масаласи бўйича тамойиллар ва раҳбарий қоидалар, М (5 (e)) тамойили.

²⁸¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг маслаҳат хулосаси: Япония, ССРР/С/79/Add.102. 1998 йил 19 ноябр, 24-банд.

²⁸² ЎЗР ЖПКда *habeas corpus* ФСХҲПнинг 9 (3) моддасига мувофиқ — суд томонидан ҳибсга олиш кафолати деб номланади.

²⁸³ ЎЗР ЖПК, 241-моддасининг 2-қисми: «Дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш тартибдаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича суднинг ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд уларни йигирма тўрт соат ичида материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Апелляция инстанцияси суди кўрсатилган материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак».

²⁸⁴ ЎЗР ЖПК: Эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим, 241-модда, 3-банд.

ЖПКнинг 243-моддаси 12-қисмига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

- i. судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлангирмасдан қолдиришга;
- ii. судьянинг ажримини бекор қилиш ва гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоқдан озод қилиш ёхуд унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга ҳақли.

Суднинг шахсни қамоққа олиш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарори устидан 72 соат давомида шикоят бериш тартиби habeas corpus процедурасининг кафолатланиши бўйича саволлар уйғотади. Унга кўра, шахс даврий равишда оқилона муддатда қамоқда сақлашнинг қонунийлигини кўриб чиқиш мақсадида шикоят қилиши мумкин. Энг аввало, бунинг сабаби шундаки, суд қамоққа олиш ёки қамоқда сақлашнинг қонунийлиги масаласини кўриб чиқишга мажбур эмас, балки прокурор илтимосномасининг асосланганлиги масаласини ўрганади, айти пайтда апелляция инстанциясида фақат моҳиятига кўра кўриб чиқилган масалалар ўрганилади, демак, қонунийлик тўғрисидаги масала кўриб чиқилмаслиги керак²⁸⁵.

Шунингдек, ЖПКнинг 247-моддаси шуни белгилайдики, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайдан эътиборан етмиш икки соат ичида ёпиқ суд мажлисида, прокурор, айбланувчи, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи иштирокида кўриб чиқилади. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши мумкин. Айбланувчи стационар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган тақдирда, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан айбланувчининг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. Бунда айбланувчининг ҳимоячиси суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқилиши натижасида қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида, ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Ажрим ўқиб эшиттирилган пайдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак. Унинг юзасидан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин²⁸⁶. Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

- судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлангирмасдан қолдиришга;
- судьянинг ажримини бекор қилиш ва қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад этишга ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришга ҳақли. Қамоқда сақлаш муддати тугаб, озод этилган

²⁸⁵ ЎЗР ЖПК: Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби, 243-модда.

²⁸⁶ ЎЗР ЖПК: Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тартиби, 247-модда.

айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаб туриш муддати узайтирилган тақдирда, суд унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаши керак²⁸⁷.

Ушбу процедура, айти пайтда, ФСХПнинг 2.3 моддаси билан бирга кўриб чиқиладиган ФСХПнинг 9.4 моддаси талабларига жавоб бермайди, чунки қамоққа олинган шахсга у ўз ташаббусига кўра зарур ҳолларда белгиланган процедура доирасида Пактда белгилаб қўйилган турли ҳуқуқларнинг бузилиши эҳтимоли юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилмайди.

Амалиётчиларга тавсиялар

Habeas corpus процедураси мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳимоячилар қамоқда сақлаш муддати устидан шикоят бериш механизмидан максимал даражада самарали фойдаланиши мумкин. Ҳимоячи ҳимоя остидаги шахсни қамоқда сақлаш тўғрисидаги қарори билан танишиши, ва бунда айблов томонининг қамоққа олинган гумон қилинувчи ёки айбланувчи яшириниши, терговга халал бериши ёки янги жиноятни содир қилиши, дастлабки терговни давом эттириш, ва демак, қамоқда сақлаш муддати ни узайтиришга сабаб борлиги тўғрисидаги вазларининг асоссизлигига эътибор қаратиши зарур.

Ҳимоячи суд олдида жиноий ишни кўриб чиқишнинг исталган босқичида (жумладан, тергов, судгача қамоқда сақлаш ва ишни судда кўриб чиқиш) қамоққа олишнинг асослилиги устидан баҳслашиш бўйича процедурани қўзғатиши мумкин ва бунда ҳимояланувчининг ушбу ҳуқуқнинг Пактда кафолатланишини қайд этиши мумкин. Агарда шикоят суд томонидан қабул қилинмаса (бундай ҳолатда уни почта орқали хабарномали буюртма хат билан жўнатиш керак) ёки, ЎзР ЖПК нўқтаи назаридан асосланмаган деб, рад қилинса ушбу рад этиш юзасидан юқори судга апелляция тартибида ҳимоя барча ички воситаларини қўллаши мақсадида шикоят бериш керак.

9. Оқилона муддатда суд ишини кўриб чиқиш ҳуқуқи

Жиноий айблов бўйича ҳар бир ушланган ва қамоққа олинган шахс оқилона муддатда ишининг судда кўриб чиқилишига ёки озод қилинишга ҳақли.

Халқаро стандартлар

Жиноий айблов бўйича ҳар бир ушланган ва қамоққа олинган шахс асоссиз ҳолда тўхтатиб турилмасдан, оқилона муддатда ишининг судда кўриб чиқилишига ёки судгача озод қилинишга ҳақли²⁸⁸.

²⁸⁷ ЎзР ЖПК: Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тартиби, 247-модда.

²⁸⁸ Қаранг: Қамоққа олинган ёки бирон бир шаклда ушлаб туришга дуч келган барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари, 38-модда, ва Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1995 йил 4 апрелдаги фикр, *Лерой Шалто Тринидад ва Тобагога қарши*, № 447/1991 хабар, 7.2 банд.

Узоқ вақт давомида судсиз қамоқда ва/ёки ишни судда кўриб чиқилишини кутиб сақланиши, булар асоссиз бўлган ҳолларда, халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланган ва ўзбошимчалик билан қамоққа олиш деб ҳисобланади. Одам ўлдириш каби оғир жиноятларни содир қилишда айбловлар билан боғлиқ ишларда, суд томонидан айбланувчи гаров остида қўйиб юборилиши рад этилса, ишни мазмунан кўриб чиқиш энг қисқа муддатларда амалга оширилиши зарур²⁸⁹.

Ҳар бир вақт даврийлигининг оқилоналиги ҳар бир алоҳида ҳолатда ишнинг вазиятидан келиб чиқиб баҳоланади²⁹⁰. Даврийлигининг оқилоналигини баҳолашда эътиборга олиниши лозим бўлган омилларга қуйидагилар киради:

- i. қўйилаётган айбнинг мураккаблиги ва тахмин қилинаётган қонунбузарларнинг сони;
- ii. текширувнинг ва амалий далилларни тўплашнинг мушкуллиги;
- iii. иш юзасидан кўриб чиқилаётган ҳуқуқий масалаларнинг мураккаблиги, бунинг судгача ушлаб туришнинг давомийлигига қандай таъсир қилиши;
- iv. айбланувчининг хатти-ҳаракатлари;
- v. текширувни ўтказиш ва айбловни қўйиш учун маъсул бўлган ҳоқимият вакиллариининг хатти-ҳаракатлари, шунингдек суднинг ёки судьянинг кўриб чиқилаётган ишга муносабати.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Жиноятлар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади. Қамоқда сақлаб туришнинг муддати беш, етти, тўққиз ва ўн икки ойгача узайтирилиши мумкин (алоҳида мураккаб ишлар тергов қилинаётган ҳолларда оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан)²⁹¹. Муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди²⁹². Муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослилигини, шунингдек процессуал нормалар ва талабларга риоя этилганлигини инобатга олади²⁹³. Демак, қонун талаблари бузил-

²⁸⁹ Бошқа манбалар каторида қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Суд ва трибуналлар олдидаги тенглик ва ҳар кимнинг ишнинг одил судлов томонидан кўриб чиқишига бўлган ҳуқуқи, 35-банд; 1995 йил 19 июлдаги фикр, *Исидора Баррасо жиянининг номидан, Мариа Абель дел Гид Гомез, Панамага қарши*, № 473/1991 хабар, 8.5 банд; ва 2001 йил 16 июлдаги тақдимнома, *Санди Секстус Тринидад ва Тобагога қарши*, № 818/1998, 7.2 параграф.

²⁹⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Суд ва трибуналлар олдидаги тенглик ва ҳар кимнинг ишнинг одил судлов томонидан кўриб чиқишига бўлган ҳуқуқи, 35-банд.

²⁹¹ ЎЗР ЖПК: Қамоқда сақлаб туриш муддати, 245-модда.

²⁹² Ўша жойда.

²⁹³ «Процессуал нормалар ва талабларни» кўриб чиқиш адвокатлар учун шахсни қамоқда сақлашнинг қонунчилиги устидан шикоят қилишга имконият беради.

ган ҳолларда ҳимоя қамоқда сақлашнинг асосланганлиги масаласини кўтариши мумкин.

Тергов тугатилган жиноят ишининг материаллари айбланувчига ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиш учун юқорида кўрсатиб ўтилган қамоқда сақлаб туришнинг охириги муддати тугашидан камида бир ой олдин тақдим этилган бўлиши лозим. Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси ишининг материаллари билан танишиб чиқиши учун кетган вақт эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқишда эътиборга олинмайди²⁹⁴.

Айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддати тугаган жиноят ишини суд қўшимча терговга қайтарган ва ишнинг ҳолатларига кўра қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаган тақдирда, жиноят ишини қўшимча терговга қайтарган суд томонидан қамоқда сақлаб туриш муддати бир ойгача узайтирилади, бу муддат иш прокурорга келиб тушган пайтдан бошлаб ҳисобланиб, прокурор жиноят ишини уч суткадан кечиктирмай терговчига юбориши шарт. Кўрсатилган муддатни узайтириш айбланувчи иш судга юборилгунига қадар қамоқда бўлган вақтни ҳисобга олган ҳолда ушбу Кодексда белгиланган тартиб ҳамда доирада амалга оширилади²⁹⁵.

Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тартиби ЎзЖПКнинг 247-моддасида белгилаб қўйилган: қамоқда сақлаб туришнинг белгиланган муддати тугашидан камида олти сутка олдин тегишли прокурор қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаради, бу қарор судга юборилади ва унда терговнинг чўзилиб кетганлиги сабаблари, текширилиши лозим бўлган тусмоллар ва ҳолатлар, қўшимча равишда сўралаётган муддат кўрсатилади. Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир этилган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

²⁹⁴ Бу амалда маълум қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин, чунки тергов иши бир неча томдан иборат бўлса, ҳатто ундан нусха кўчиришга ҳам узоқ вақт талаб қилинади, ҳимоя эса тергов муддати тугагунча иш материаллари билан танишиб чиқиши лозим, ва зарур ҳолларда қўшимча тергов ҳаракатларини амалга ошириш тўғрисида илтимоснома бериши керак. Айни пайтда бу вақтга келиб тергов муддати тугаганлиги сабабли тергов органи ҳимоя илтимосномасига расмийлик нуктаи назаридан ёндашиши ҳамда адвокатга расман жавоб қайтариши мумкин. Ҳимоячи бу жавоб устидан прокуратурага шикоят қилган тақдирда, у ердан ҳам расмийлик учун «жиноий иш судга жўнатилган», деган жавоб қайтарилиши мумкин. Натижада ҳимоя далиллари эътиборсиз қолиши, дастлабки тергов босқичида процесс тарафларининг баҳслашуви—сохта вазиятга айланиши эҳтимоли бор.

²⁹⁵ ЎзР ЖПК: Жиноят иши қўшимча терговга қайтарилганида қамоқда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқиш, 246-модда.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячи шахсни қўлга олиш ва уни қамоқда сақлаш билан, ёки уни қамоқда сақлаш муддатини узайтириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай процессуал ҳаракатнинг аниқ санаси ва вақтига эътибор қаратиши зарур. Ҳимояланувчининг ҳақиқий ушланган вақтини аниқлаш керак²⁹⁶, чунки бу вақт ва баённома тузилган вақт тўғри келмаслиги мумкин. Қамоқда сақлаш муддати эса ҳақиқий ушланган пайтдан бошлаб ўтган вақтдан бошлаб, яъни шахс ўз ихтиёрига кўра ҳаракатлана олмай қолган пайтдан, масалан терговчи кабинетда ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг коридорларида турган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Шундан сўнг прокурор томонидан судга қамоққа олиш тўғрисидаги илтимосномани асословчи материалларнинг берилиши ва етказилиши вақтини аниқ қайд қилиш керак, бу вақт ҳам ҳақиқий ушланган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Суд томонидан қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб шикоят қилиш учун апелляция шикояти билан юқори судга 72 соатлик муддатга мурожаат этиш, ва суд материаллар келиб тушган пайтдан бошлаб 72 соатдан кечиктирмаган ҳолда уни кўриб чиқиши зарур.

Миллий судда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган дастлабки терговни ўтказиш вақтидан қанчалик унумли фойдалангани масаласини қўйиш ва қамоқ муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома важларини танқидий баҳолаш мумкин. Ҳар доим ушлаб туриш бўйича, ҳамда қамоққа олиш юзасидан шикоят бериш, суд томонидан ҳимояланувчини қамоққа олиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда адвокат инкор қилишга ҳаракат қилган ҳамда биринчи инстанция суди, кейинчалик, апелляция суди томонидан қабул қилинмаган прокурор важларига қайтиш мумкин. Айни пайтда айбловчи томон ҳар гал қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисида илтимосномани берган пайтда бундай имконият пайдо бўлади.

Бунда ўз эътирозларинингизни Пактнинг 9-моддаси талаблари билан асослаш мумкин. Унга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи шахс устувор тарзда озодликда қолиш ҳуқуқига эга, прокурор эса нима сабабдан унга бошқа эҳтиёт чорасини қўллаб бўлмаслиги ва тегишли ҳолатларда, нима сабабдан, бунинг учун етарли асослар бўлмагани ҳолда, суд томонидан суд ҳукми кучга киргунга қадар айби исботланмаган шахсга нисбатан қамоқда сақлаш шаклидаги эҳтиёт чорасини танлаганини асослаб бериши керак. Суддан Пактнинг 14-моддаси, ЎзР Конституцияси ва ЎзР ЖПКга риоя қилган ҳолда холислик, бетарафлик ва адолатлиликни талаб қилиш, ва зарур ҳолларда, барча бошқа ҳолатларда бўлгани каби, қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги суд қарори устидан апелляция шикоятини бериш керак.

Шу тарзда, ҳар бир алоҳида ҳолатда қамоқда сақлаш заруратини муайян вазиятлардан ва айбсизлик презумпциясидан келиб чиқиб асослаш

²⁹⁶ ЎзР ЖПК: Суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан ушлаб туриш, 227-модда.

зарур, юқорида санаб ўтилган ҳолатлар туфайли қамоқдан озод қилиш чораси қўлланилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

10. Суриштирув, шу жумладан сўроқ пайтидаги ҳуқуқлар

Ҳатто тергов олиб борилиши жараёнида ҳам қамоқда сақланаётган шахслар, ўзларининг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланишда давом этади, бунда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган айрим чекловлар мавжуд. Адвокат билан учрашишдан ташқари, қамоқда сақланаётган шахсларга бериладиган кафолатларга шахсларни кўрсатмаларини бериш ва ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбурлашни тақиқлаш, қийноқлар ва шафқатсиз муомалада бўлиш йўли билан олинган кўрсатмаларни далиллар қаторидан чиқариш, таржимонни таклиф этиш ҳуқуқи ва сўроқ баённомалари билан танишиш ҳуқуқи киради.

Халқаро стандартлар

Ҳар бир гумон қилинувчи ва айбланувчи шахс ишининг судда кўриб чиқилиши давомида айби қонунга мувофиқ суд томонидан исботланмагунча, айбсизлик презумпциясига ва тегишли муносабатда бўлиш ҳуқуқига эга, ва бунда уларнинг ҳимояси учун зарур бўлган барча кафолатларга риоя қилинади.

- i. Айбсизлик презумпцияси ҳам тергов давомида, ҳам ишнинг судда кўриб чиқилиши жараёнида кафолатланиши керак;
- ii. Судгача ушлаб туриш, гаров эвазига қамоқдан озод қилишни рад этиш ва фуқаролик жавобгарлигига жалб қилиш тўғрисидаги қарор айбсизлик презумпциясига салбий таъсир кўрсатмаслиги зарур; ва
- iii. Омма судда кўриб чиқилаётган иш юзасидан олдиндан фикр билдиришдан сақланиши, масалан, айбланувчининг айбдорлиги юзасидан ошкора фикр билдиришдан воз кечиши керак²⁹⁷.

Жиноят содир қилишда айбланувчилар ва ушлаб турилган шахслар айбига иқдорлик кўрсатмаларини беришга ёки бошқача тарзда ўзига ёки бошқа инсонга қарши гувоҳлик беришга мажбур қилинмаслиги керак. Ҳуқуқбузарлик содир қилишда айбланувчи ҳар бир шахс сўроқ пайтида сукут сақлаш ҳуқуқига эга.

Сўроқ қилинаётган ушлаб турилган шахсларга нисбатан зўравонлик, дўқпўписа ёки уларнинг қарор қабул қилиш ва фикрлаш лаёқатига таъсир кўрсатувчи бошқа сўроқ усуллари қўлланилмаслиги керак. Қийноқлар

²⁹⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Суд ва трибуналлар олдидаги тенглик ва ҳар кимнинг ишнинг одил судлов томонидан кўриб чиқишига бўлган ҳуқуқи, 30-банд.

ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа муомала усулларининг қўлланилиши қатъиян тақиқланади. Масалан, сўроқ қилишнинг қўйидаги усуллари тақиқланади: шахсни оғриган ва ҳаммадан ажралган аҳволда узоқ вақт сақлаш, сезги органларига таъсир ўтказиш, бошига қоп кийгизиш, иссиқ ёки совуқ билан таъсир кўрсатиш, ушлаб турилган шахсларнинг хусусий фобияларидан фойдаланиш, калтаклаш, камситувчи ва қийин аҳволда осиб қўйиш, электрошок, баланд мусиқа қўйиш, уйқудан маҳрум қилиш, таҳдидлар, шу жумладан, ўлим билан қўрқитиш, сув воситасида азоблаш ёки қатлини симуляция қилиш ва оғриқли аҳволда ҳаракатсизлантириш²⁹⁸.

Қийноқлар, шафқатсиз муомала, ўлим билан қўрқитиш орқали ёки инсон ҳуқуқларини бошқа тарзда қўпол бузиш йўли билан олинган кўрсатмалардан далил сифатида фойдаланилиши мумкин эмас, инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузганлар, деб тахмин қилинаётганларнинг ишлари бўйича судда бундан мустасно.

Ҳокимият вакиллари томонидан фойдаланадиган тилни етарли даражада тушунмайдиган ёки унда гапирмайдиган ҳар қандай шахс суд пайтида ва/ёки ушланганидан сўнг тергов давомида, зарур ҳолларда, бепул тарзда таржимон ёрдамидан фойдаланишга ҳақли.

Ушланган ёки озодликдан маҳрум этилган шахсни сўроқ қилишнинг давомийлиги, сўроқлар оралиғи ва сўроқни олиб борган ҳокимият вакиллари, шунингдек ҳар қандай бошқа иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар баённомада қайд қилишини керак²⁹⁹. Ушланган шахс ёки унинг адвокати бундай баённомалар билан танишиш имкониятига эга бўлиши керак. Ушланган аёлларни сўроқ қилишда аёл жинсига мансуб ходимлар иштирок этиши лозим.

Аноним гувоҳлар фавқулодда ҳолларда тергов жараёнида фойдаланилиши мумкин. Ҳеч қандай ҳолатда ва вазиятларда уларнинг кўрсатмаларидан судда фойдаланиш мумкин эмас. Суд ёки судьялар, шунингдек ҳимоячи ёки айбловчи суддаги гувоҳларнинг шахсини билиши керак. Ушланган шахс сўроқ пайтида, шу жумладан, биринчи сўроқда адвокат ёрдамидан фойдаланишга ҳақли. Фавқулодда ҳолатларда бу ҳуқуқ қонуний равишда чекланиши мумкин бўлса-да, бундай чекловлар айбланувчининг одил судловга бўлган ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги ёки узоқ вақт давомида инкоммуникадо сақлаш ёки узоқ вақт яқка ҳолатда сақлашдан иборат бўлмаслиги шарт³⁰⁰.

²⁹⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Якуний мулоҳазалар: Америка Қўшма Штатлари, ССРР/С/USA/CO/3, 2006 йил 15 сентябр, 13-банд; Қийноқларга қарши қўмита, Қийноқларга қарши қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Америка Қўшма Штатлари, CAT/C/USA/CO/2, 2006 йил 25 июл, 24-банд ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги маъруза, юқорига қаранг, 211- ва 213-бандлар.

²⁹⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 7-модда; Қийноқларга қарши қўмита, Қийноқларга қарши қўмитанинг хулосалари ва тавсиялари: Америка Қўшма Штатлари, CAT/C/USA/CO/2, 2006 йил 25 июл, 16-банд; ҳар қандай шаклда ушлаб туришга ва қамоқда сақлашга дуч келган барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўплами, 23 (1) тамойил.

³⁰⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1996 йил 8 февралдаги қарор, *Джон Мюррей Бирлашган Қиролликка қарши*, № 18731/91 шикоят, 63-, 64- ва 66-бандлар.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎЗР Конституциясига кўра³⁰¹, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. ЖПКнинг 23-, 24-моддаларида ҳам айбсизлик презумпцияси тамойиллари белгилаб берилган. ЎЗР Конституцияси ва ЖПК³⁰² қийноққа солиниш, шафқатсиз муомалада бўлишдан озодликни кафолатлайди. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибаларга жалб қилиниши мумкин эмас.

Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовулардан, шахсий ҳаётига аралаштиришдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга³⁰³. ЖПК исбот қилиш пайтида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўриқлаш тартибини белгилайди: далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда фуқароларнинг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кўриқланиши таъминланиши керак.

Исбот қилишда, шу жумладан, қуйидагилар тақиқланади:

- шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш;
- зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш;
- тунги вақтда, яъни кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 6:00 гача тергов ҳаракатлари олиб бориш; тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно³⁰⁴.

Тергов ёки суд ҳаракатлари билан боғлиқ ишларни бажараётганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва ишда мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этаётган шифокорлардан бошқа шахсларнинг ўзга жинсдаги шахсни яланғоч қилиб ечинтириш чоғида ҳозир бўлишлари тақиқланади³⁰⁵.

³⁰¹ ЎЗР Конституцияси, 26-модда.

³⁰² ЎЗР ЖПК: Шахсни қадр-қимматини хурмат қилиш, 17-модда

³⁰³ ЎЗР Конституцияси, 27-модда.

³⁰⁴ ЎЗР ЖПК: Исбот қилиш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўриқлаш, 88-модда.

³⁰⁵ Ўша жойда.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья тергов ва суд муҳокамаси жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва бошқаларнинг шахсий ҳаётига доир аниқланган маълумотларни ошкор қилмаслик чора-тадбирларини кўриши шарт. Бунинг учун шундай маълумотлар аниқланиши мумкин бўлган тергов ёки суд ҳаракатлари олиб борилаётганда иштирок этадиган шахслар доираси чекланади, иштирокчилар эса уларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади³⁰⁶.

Тергов ёки суд ҳаракатлари жараёнида олиб қўйиладиган нарсалар ва ҳужжатлар тегишли баённомаларда аниқ кўрсатилиши керак. Шу билан бирга нарса ёки ҳужжат эгасига баённома нусхаси ёки унинг кўчирмаси топширилиб, тилхат олинади. Ишга алоқаси бўлмаган нарса ва ҳужжатлар қонуний эгасига дарҳол қайтарилиши керак. Фуқаролар сақлаши тақиқланган нарса ва ҳужжатлар йўқ қилиниши ёхуд уларни сақлашга ваколати бўлган ва уларни тасарруф этадиган муассасалар ёки ташкилотларга берилиши лозим³⁰⁷.

ЎЗР ЖПКнинг 10-боби сўроқнинг умумий қоидаларини тартибга солади. Унда ким, қаерда, қандай тартибда сўроқ олиб бориши кераклиги, сўроқ қилинаётган шахс ҳуқуқларига риоя қилинишининг процессуал кафолатлари нимадан иборат эканлиги батафсил кўрсатилган.

Юқорида таъкидланганидек, гумон қилинувчи, айбланувчи шахс ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқига эга³⁰⁸. Сўроқнинг умумий давом этиш вақти бир кунда саккиз соатдан ошмаслиги лозим. Дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган бир соат танаффус бу ҳисобга кирмайди³⁰⁹.

Олий Суд Пленумининг қарори билан қуйидаги зарурият белгилаб қўйилган: «Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, исботлаш жараёнида тергов ҳаракатларини ўтказиш, шу жумладан, сўроқ қилиш тартиби ва шартлари қонун билан қатъий белгилаб қўйилган.

Жумладан, гумон қилинувчи, айбланувчи ушланганидан, қамоққа олинганидан, чақирув қоғози бўйича сўроққа келганидан ёки мажбуран олиб келинганидан сўнг дарҳол ёки йигирма тўрт соат ичида ЖПКнинг 111-моддасида биринчи марта сўроқ қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этилган

³⁰⁶ ЎЗР ЖПК: Исбот қилиш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш, 88-модда.

³⁰⁷ Ўша жойда.

³⁰⁸ ЎЗР ЖПК: Айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 46-модда; Гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 48-модда.

³⁰⁹ ЎЗР ЖПК: Сўроқнинг давом этиш вақти, 107-модда.

ҳолда сўроқ қилиниши керак³¹⁰. Тергов ҳаракатларини юритиш тартиби ва шартларининг бузилиши прокурор ва суд томонидан гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан руҳий таъсир ўтказиш деб баҳоланиши мумкин. Бундай таъсир остида тўпланган маълумотлар далил кучига эга бўлмайди ва улар айблов ҳукми учун асос қилиб олинishi мумкин эмас»³¹¹.

Амалиётчиларга тавсиялар

Шуниси аёнки, жиноий ишни кўриб чиқиш жараёнида шахсларнинг барча ҳуқуқлари кафолатланиши ва риоя қилиниши керак. Ҳимоянинг вазифаси барча йўл қўйилиши мумкин бўлган бузилишларни қайд қилиш ва ушбу фактларга ўз вақтида чора кўришдан иборат. Ҳимоячилар ўзлари ҳимоя қилаётган шахсларни сўроқ қилишда сўроқ муносабати билан унинг ҳуқуқларига риоя қилинишининг кафолати сифатида ёзиб олувчи техник мосламалардан фойдаланиш тўғрисида ёзма тарзда ёки баённомага киритган ҳолда илтимоснома бериши мумкин. Ўз навбатида, тергов ва суд ҳимоянинг ушбу илтимосномаси нима сабабдан рад этилганини асослаб бериши керак. Айбни тан олишга ва ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбурлаш бўйича тақиқ борлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ҳуқуқни ўз ҳимояланувчисига тушунтириши ва сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятини бериш керак.

Бундан ташқари, БМТнинг ИХҚси Ўзбекистонга қуйидагиларни тавсия қилган: «...d) барча милиция бўлинмаларида ва қамоқда сақлаш жойларида сўроқларнинг аудиовизуал ёзуви амалга оширилишини кўзда тутиш лозим»³¹². Бундай ёзувларни амалга ошириш имконияти тергов органларининг техник жиҳозланишига, ва пировард натижада, аъзо давлатнинг молиявий имкониятларига боғлиқ бўлса-да, тергов кабинетларининг бундай техника билан жиҳозланиши ва судлар томонидан мажбурий тартибда сўроқ баённомаларига аудиовизуал ёзувларни илова қилиш талабининг қўйилиши ЎЗР ЖПК ва ушлаб турилган шахсларга муомала қилишга тааллуқли бўлган халқаро стандартлар қоидаларига (ФСХҲП, 9-ва 10-моддалар) ва одил судлов жараёнини таъминлаш кафолатларига (ФСХҲП, 14-модда) зид келувчи муносабатларнинг олдини олишнинг самарали усуллари билан бири ҳисобланади.

Ҳимоя қилинувчи шахсга нисбатан терговни олиб боришнинг тақиқланган усуллари, жумладан, қийноқларни (нафақат жисмоний, балки кучли из-

³¹⁰ Яъни, «тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятни тўхтатиш, жиноят изларини йўқолишини ёки гумонланувчини қочиб кетишини олдини олиш, эксперимент жараёнида ўрганилаётган воқеани тиклаш зарур бўлганда». Бунда, ҳимоячи процессуал ҳужжатларида қайд этилиб, асослангандек шундай зарурат бўлган-йўқлигига алоҳида эътибор қаратиши зарур.

³¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан.

³¹² Қаранг: ИХҚнинг Ўзбекистоннинг учинчи даврий маърузаси бўйича якуний мулоҳазалари (ССР/С/УЗВ/З), 2710-сонли йиғилиш, 2010 йил 24 март (ССР/С/СР.2710), 11-банд.

тироб чекишга сабаб бўладиган маънавий таъсир чоралари — қуйида Қийноқларга қарши конвенция, 1-модда) ёки шафқатсиз ёки инсон шаънини камситувчи муомала қўлланилган ҳолларда бундай муомала натижасида олинган кўрсатмаларнинг далиллар қаторидан чиқариб ташланишини ва айбдор шахсларнинг қонунга кўра жавобгарликка тортилишини талаб қилиш керак. Ҳимоянинг бундай талабига керакли чора кўриш ўрнига расмиятчилик учун жавоб қайтарилиши юзасидан халқаро стандартларда ва қонунда кўзда тутилган тартибда судга мурожаат қилиш керак. Бу эса ушбу қонунбузарлик юзасидан ички ҳимоя воситаларидан фойдаланилгандан сўнг БМТнинг ИХҚга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Шуни ёдда тутиш зарурки, давлат номидан фаолият кўрсатаётган органлар томонидан шахснинг ва ҳимоячининг қийноқлар қўлланилгани тўғрисидаги шикоятларига жавоб қайтармаслигининг ўзи БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан қийноқлар исботлангани тўғрисида қарор қабул қилинишига асос бўлиши мумкин.

11. Қонун томонидан тан олинган жойда ҳибсда сақланиш ҳуқуқи

Барча ушланган шахслар расман қамоқда сақлаш жойи деб тан олинган жойларда сақланиш ҳуқуқига эга.

Халқаро стандартлар

Ҳар қандай озодликдан маҳрум қилинган одам расман қамоқда сақлаш жойи деб тан олинган жойларда сақланиши шарт³¹³.

Барча қамоқда сақлаш жойларида қамоқда сақланаётган барча шахсларнинг ҳисоби юритиладиган мунтазам янгиланиб турадиган журнали амалда бўлиши керак. Бундай журналларда озодликдан маҳрум қилинган ҳар қандай шахс ҳақида аниқ маълумотлар, жумладан, қуйидагилар акс эттирилиши керак:

- i. озодликдан маҳрум қилинган шахснинг шахсияти;
- ii. озодликдан маҳрум қилиш асослари ва сабаблари;
- iii. озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган орган;
- iv. озодликдан маҳрум қилишни амалга оширган ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг шахси;
- v. озодликдан маҳрум қилиш санаси, вақти ва жойи ҳамда уни қамоқда сақлаш жойига етказилиши;

³¹³ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 20 умумий тартибдаги мулоҳаза, 11-банд.

- vi қамоқда сақлаш жойи, бу ерга жойлаштирилган санаси ва вақти, ҳамда бунинг учун маъсул мансабдор шахс;
- vii. қамоқда сақлашни назорат қилувчи маъсул мансабдор шахс;
- viii. биринчи бор суд органи ёки бошқа орган олдида ҳозир бўлиш санаси ва вақти;
- ix. озодликдан маҳрум қилинган шахс иштирокида ўтказиладиган ҳар бир суд мажлисининг санаси ва вақти;
- x. бошқа қамоқда сақлаш жойига ўтказилган санаси ва вақти, етказиб бориладиган манзил ва етказилиши учун маъсул бўлган мансабдор шахс.

Озодликдан маҳрум қилинган барча шахслар ҳақидаги маълумотлар тўп-ланган расмий журналдан ҳар қандай суд органи ёки бошқа ваколатли орган ёки халқаро вакил, шунингдек қамоқда сақланаётган шахснинг қариндошлари, унинг адвокати ва қонуний манфаатга эга ҳар қандай шахсга фойдаланиш имконияти яратилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Қамоқда сақлаш жойи билан боғлиқ масалалар ЎзР ЖПКнинг 228-моддаси билан тартибга солинади. Унга кўра, ушланган шахс милиция муассасаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг у озодликдан маҳрум этиш жойи ҳисобланмаган хизмат биноларида сақланади ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камерасига, ушлаб турилган ҳарбий хизматчи эса гауптвахтага жойлаштирилади. Ушлаб турилганларни айрим жойларда истисно тарзида³¹⁴ махсус мослаштирилган биноларда, денгиз ва дарё кемаларида эса, махсус ажратилган каюталарда сақлашга йўл қўйилади. Жазони ижро этиш муассасаларида ушлаб турилганларни сақлаш учун махсус камералар жиҳозланади. Ушлаб турилганларни карцерда ва жарима изоляторида сақлашга йўл қўйилмайди.

Ушланган шахслар эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланаётган ёки ҳукмга кўра жазони ўтаётган шахслардан алоҳида сақланиши керак. Жиноят содир қилишда айбланиб, ушланган шахслар ушланганлар учун мўлжалланган камераларга қуйидагиларга риоя қилган ҳолда жойлаштирилади:

- эркаклар хотин-қизлардан алоҳида сақланади;
- вояга етмаганлар — катталардан алоҳида сақланади; фавқулодда ҳолларда, прокурор санкциясига кўра, вояга етмаганлар сақланаётган камераларда катталар ҳам сақланиши мумкин;
- ўта хавфли рецидивистлар — бошқа шахслардан алоҳида сақланади;

³¹⁴ ЎзР ЖПКда бундай истисноларга йўл қўйиладиган жой ва ҳолатларни тартибга солимайди.

- битта жиноятни содир қилишда айбланиб, қўлга олинган шахслар терговчининг ёзма кўрсатмасига кўра бир-биридан алоҳида сақланади.

Терговчи, суриштирувчи ёки прокурорнинг ёзма кўрсатмасига кўра, ушланганлар бошқа сабабларга кўра ҳам алоҳида сақланиши мумкин³¹⁵.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимояланувчилар ва уларнинг ҳимоячиларида ҳар доим ушлаш пайтида ҳимояланувчи ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан, шу жумладан, тегишли қамоқда сақлаш жойи бўйича шикоят қилиш имконияти бор, зеро муассасада сақлаш пайтида ноқонуний муомалага йўл қўйилганини исботлаш мажбурияти давлат ва давлат органлари зиммасига юклатилган, ҳимоячи эса булар ёпиқ, яширин характерга эга қамоқда сақлашнинг, муайян муомаланинг оқибати, деб кўрсатишга ҳақли.

ЎзРнинг ушлаб турилганларни сақлаш тартибини аниқ ва батафсил кўрсатиб берувчи ошкора меъёрий-ҳуқуқий базаси йўқ, мавжуд бўлган тақдирда ҳам улар тор идоравий характерга эга. Шунга қарамай, ҳимоячилар халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқишга ҳақли. Реестрнинг халқаро стандартларга бағишланган қисми ҳар қандай суд органи ёки ўзга ваколатли ва мустақил давлат органи, шунингдек ушлаб турилган шахснинг қариндошлари ва унинг адвокати учун, агарда улар ушлаб турилган шахс сақланаётган жойни аниқламоқчи ва у билан учрашмоқчи бўлса, очиқ бўлиши керак. Шунингдек қайдлар асосида мўйян вақтда ушлаб турилган шахс нималарни бошидан кечирганлигини аниқлаш имконияти яратилиши лозим.

12. Ҳибсга олиниш пайтида инсоний муносабатда бўлиниши ва қийноқлардан озод бўлиш ҳуқуқи

Озодликдан маҳрум қилинган барча шахслар инсоний муносабатда бўлинишга ҳамда қийноқлар ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки одам шаънини камситувчи муомалага дуч келмасликка ҳақли.

Халқаро стандартлар

Давлат озодликдан маҳрум қилинган барча шахслар инсоний муносабатда бўлиниши, шунингдек уларнинг қийноқлар ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки одам шаънини ерга урувчи муомалага дуч келмаслик ҳуқуқини кафолатлаши керак. Ҳеч қандай фавқулодда ҳолатлар, жумладан: уруш ёки уруш таҳдиди ҳолати, ички сиёсий беқарорлик ёки ҳар қандай бошқа фавқулодда ҳолат, қийноқлар ва шафқатсиз муносабатни ёки қамоқда

³¹⁵ ЎзР ЖКП: Ушлаб турилганларни сақлаш жойи, 228-модда.

сақланаётган шахсларни уларнинг инсонга хос шаънини ҳурмат қилган ҳолда инсоний муомала қилиниши ҳуқуқидан маҳрум қилишни оқлай олмайди³¹⁶.

Халқаро ҳуқуқда узоқ вақт инкоммуникадо сақлаш, узоқ вақт ёлғиз сақлаш ёки узоқ вақт ажартиб қўйишни мутлақо тақиқлайди.

Давлат барча ушланганларга уларнинг асосий эҳтиёжларини, жумладан, озиқ-овқат, гигиеник ва санитария воситалари, ётоқ анжомлари, кийим-кечак, тиббий хизмат кўрсатиш, табиий ёруғликдан фойдаланиш, дам олиш, жисмоний машқлар, диний амалиёт ва бошқа одамлар билан мулоқот қилиш шароитлари, хусусан, ташқи олам билан мулоқот қилиш эҳтиёжларини қондиришга доир хизматларни таъминлаши керак.

Ушланган шахс, унинг қонуний вакиллари, қариндошлари ва қонуний манфаатга эга бошқа шахслар, айниқса, қийноқлар ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки одам шаънини камситувчи муомалага йўл қўйилган ҳолатларда қамоқда сақлаш жойларини бошқариш учун масъул бўлган ҳокимият вакилларига, юқори инстанцияларга, зарур ҳолларда, назорат ва тартиббузарликларни тузатиш бўйича тегишли ваколатларга эга тегишли ҳокимиятга мурожаат этишга ҳақли. Бу ҳуқуққа, жумладан, қуйидагилар кирди:

- i. барча қамоқда сақланаётган шахсларни уларни қамоқда сақлаш жойларига жойлаштириш пайтида бундан хабардор қилиш;
- ii. шикоят муаллифи шуни илтимос қилган ҳолда шикоятнинг махфийлиги;
- iii. шикоятни ўз вақтида кўриб чиқиш ва жавобни асоссиз кечиктиришсиз бериш;
- iv. қамоқда сақланаётган шахснинг унинг илтимосномаси ёки шикояти рад этилса ёки узоқ вақт давомида кўриб чиқилмаса, судга шикоят қилиш;
- v. илтимосномалар ва шикоятлар, қамоқда сақланаётган ёки қонуний манфаатга эга шахсларга нисбатан нотўғри фикрни шакллантирмаслиги керак.

Ушланган шахслар қамоқда сақланмаётган шахслар каби, уларнинг ҳуқуқий мақоми туфайли камситилмаган ҳолда, ўша даражадаги тиббий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

- i. Қамоқда сақланаётган шахслар, зарур ҳолларда, тиббий хизматдан фойдаланиши ёки даволаниши керак. Бундай хизматлар ёки даволаниш бепул бўлиши керак;
- ii. Ушланган ёки жазони ўтаётган шахсни тиббий кўриқдан ўтказиш факти, врачнинг исми-шарифи ва бу каби текширишларнинг натижалари қайд қилиниши ва ташқи маълумот учун очиқ бўлиши керак.

³¹⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 29 умумий тартибдаги мулоҳаза, 11- ва 13-бандлар.

Қамоқда сақланаётган шахсларга муносабат уларга нисбатан айблов ҳукми чиқарилмаган шахсларнинг ҳолатига мос келиши зарур. Олдиндан қамоқда сақланаётган шахслар ҳукм қилинган ва уларга нисбатан жазо тайинланган шахслардан алоҳида сақланиши керак. Буни боланинг асосий манфаатлари талаб қилмаса, вояга етмаган ушланганлар олдиндан қамоқда сақланаётган, ёки озодликдан маҳрум қилиш шаклида жазони ўтаётган катталардан, ёки озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган вояга етмаганлардан алоҳида сақланиши керак. Давлатлар ҳомиладор ва эмизувчи аёллар, болалар ва вояга етмаганлар, кексалар, беморлар ва ногиронларни ҳимоя қилиш бўйича алоҳида чораларни кўриши керак. Ушбу чораларни қўллаш зарурияти суд ёки бошқа ваколатли орган кўриб чиқилиши предмети бўлиши лозим.

Аёллар ҳар доим эркаклардан алоҳида сақланиши, аёл жинсига мансуб ходимлар кузатуви остида бўлиши лозим, қамоқда сақланаётган пайтда эса уларнинг жинси туфайли талаб қилиниши мумкин бўлган парвариш, ҳимоя ва барча индивидуал ёрдам — психологик, тиббий ва жисмоний ёрдамдан фойдаланиши керак:

- i. аралаш турдаги муассасаларда хотин-қизлар бўлинмасига аёл жинсига мос маъсул шахс раҳбарлик қилиши, муассаса калити унинг қўлида бўлиши лозим;
- ii. эркак жинсига мансуб бирон бир мансабдор шахс хотин-қизлар бўлинмасига аёл жинсига мансуб ходим ҳамроҳлигисиз кирмаслиги керак;
- iii. аёл жинсига мансуб маҳкумлар фақат аёл жинсига мансуб ходимлар назорати остида бўлиши керак. Аммо бу эркак ходимлар томонидан аёллар учун ажратилган муассасалар ёки бўлинмаларда ўз касб вазифаларини бажаришни тақиқланишини англамайди, бу айниқса, врачлар ва ўқитувчиларга тааллуқли;
- iv. хотин-қизларни шахсий кўрикдан ўтказиш фақат аёл ходимлар томонидан амалга оширилади.

Чеклов воситалари, шу жумладан, қўлкишан, занжир ёки тинчлантириш кўйлаги жазо сифатида фойдаланмаслиги керак. Бундан ташқари, занжирлар ва кишанлар чеклаш воситалари сифатида ишлатилмаслиги керак. Бошқа чеклаш воситалари фақат қуйидаги ҳолатларда ишлатилиши керак:

- i. бошқа жойга етказиш пайтида қочишнинг олдини олиш воситаси сифатида, бунда шахс суд ёки маъмурий ҳокимият олдида ҳозир бўлганида улар олиб ташланиши шарт;
- ii. тиббий нуқтаи назардан, врач кўрсатмасига кўра;
- iii. ўзига ёки бошқаларга шикаст етказиш ва мол-мулкка зарар етказишнинг олдини олиш мақсадида, бошқа чоралар самара бермаган ҳолларда муассаса раҳбарининг буйруғига кўра; бундай

ҳолатларда раҳбар дарҳол шифокор билан маслаҳатлашиши ва бу ҳақда юқори инстанцияларга хабар бериши керак.

Ҳар қандай ҳолатда ушбу воситалар улар ниҳоятда зарур бўлган пайтдан узоқроқ қўлланилмаслиги шарт.

Қамоқда сақланаётган шахсни шахсий кўриқдан ўтказиш унинг жинсига мансуб шахс томонидан ва бу чора ўтказилаётган шахснинг шаънини камситмайдиган усулда бажарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Қийноқлар ва одамларга ғайриинсоний муомала қонунчилик йўли билан тақиқланган, ва уларнинг қўлланилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. ЎЗР ЖКга кўра, қийноқ деганда «гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этганлигига икrorлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш» тушунилади³¹⁷.

ЎЗР ЖПКда исботлаш жараёнида фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини белгилаб беради, улар орасида шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш, шунингдек зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш кўзда тутилган³¹⁸.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленуми қуйидагича қарор қабул қилди³¹⁹:

«14. Суд ҳокимияти умуминсоний тамойилларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, судлар ҳар бир иш бўйича қонунийликни ва фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлашлари ҳамда уларнинг ҳар қандай бузилишига зудлик билан муносабат билдиришлари шарт. Барча суд тартибларига, шу жумладан,

³¹⁷ ЎЗР ЖК: Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, 235-модда.

³¹⁸ ЎЗР ЖПК: Исбот қилиш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш, 88-модда.

³¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий Хўжалик суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги № 1 «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги қарори.

ҳар бир фуқаронинг ҳимоя ҳуқуқига оғишмай амал қилинмоғи лозим. Фуқароларни асоссиз жиноий жавобгарликка тортиш, ноқонуний ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш, жисмоний ёки руҳий зўравонлик ишлаш ёки ишлатишга таҳдид қилиш билан боғлиқ ҳар бир ҳолат тегишли равишда баҳоланиши лозим. Тушунтирилсинки, бундай ғайриқонуний усулларни қўллаб олинган ҳар қандай далиллар юридик кучга эга эмасдир. Айни пайтда суд жазонинг муқаррарлиги тамойилига қатъий риоя қилиши шарт»³²⁰.

Олий суд, БМТнинг қийноқларга қарши Конвенциясига мурожаат этгани ҳолда, қуйидагича қарор қилди³²¹:

«18. Қонун талабига кўра (ЖПК 17-, 88-моддалари) суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) гумон қилинувчининг, айбланувчининг шаъни ва қадр-қимматини камситишга ҳақли эмас. Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қўриқланиши таъминланиши керак. Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш қатъиян ман этилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1984 йил 10 декабрда қабул қилган «Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция»га кўра «қийноқ» ҳар қандай тусдаги шундай ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда у гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш, шунингдек, уни ёки учинчи шахсни қўрқитиш ёки зўрлаш мақсадида ёки бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатдаги бошқа шахс ёки уларнинг гижгижлаши билан ёки уларнинг хабардорлигида ёки индамай розилиги билан ҳар қандай тусдаги камситишга асосланган ҳар қандай сабаб бўйича қасддан кучли оғриқ ёки жисмоний ёхуд маънавий азоб берилади.

19. Қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга нисбатан бошқача шафқатсиз ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, қонунга хилоф бошқа чоралар қўллаш, шу жумладан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш натижасида олинган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмас. Суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тер-

³²⁰ «Жазонинг муқаррарлиги» тамойили қайд этилган ҳолда, қарорда давлатнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши, шу жумладан, қийноқларни ва шафқатсиз муносабатнинг бошқа турларини қўллаш ҳолатларини жиноий тартибда текшириш ва таъқиб қилиш мажбурияти кўзда тутилган бўлиши мумкин.

³²¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинуви ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан.

гов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлишганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўрашлари шарт. Суриштирувнинг ёки терговнинг қийноққа солиш ёхуд қонунга хилоф бошқа усуллари қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир мурожаат факти бўйича арз қилинган важларини синчиклаб текшириш, шу жумладан, тиббий гувоҳлантириш ўтказиш орқали синчиклаб текширишлари ва натижасига қараб, тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши кўзғатишга қадар процессуал ёки бошқа ҳуқуқий чоралар кўришлари шарт».

Жазога ҳукм қилинганларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби Жинорий-ижроия кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади³²². ЎЗР ЖИКга кўра, маҳкум шахсий хавфсизлик ҳуқуқига эга³²³. Қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг хавфсизлигига таҳдид юзага келган тақдирда у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳақида илтимос билан жазони ижро этувчи муассаса ёки органнинг ҳар қандай мансабдор шахсига мурожаат этишга ҳақли. Маҳкум мурожаат этган мансабдор шахс дарҳол унинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришга мажбур. Жазони ижро этувчи муассаса ёки орган бошлиғи маҳкумнинг шахсий хавфсизлигига бўлган таҳдидни бартараф этиш юзасидан зарур чораларни кўради³²⁴.

Жазони ижро этиш муассасаларида эркаклар ва аёллар, вояга етмаганлар ва катта ёшлилар, озодликдан маҳрум этишга биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ва илгари бу жазо турини ўтаган маҳкумлар алоҳида-алоҳида сақланади. Маҳкумларнинг бошқа тоифалари, жумладан, ўта хавфли рецидивистлар, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси авф этиш тартибидан озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган маҳкумлар, ажнабий фуқаролар ва блар бошқа маҳкумлардан батамом ажратилиб, шунингдек алоҳида-алоҳида сақланади³²⁵.

Жиноят содир қилишда айбланиб, қўлга олинган шахслар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган санитария-гигиена қоидаларига мос шароитларда сақланиши керак. Ушланганларни қамоқда сақлаш жойларида маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатиш, даволаш-профилактика ишлари қонунга мувофиқ ташкил қилинади. Маҳкумларнинг турли тоифалари учун тиббий ёрдам ҳажми ва турлари бошқа шартлар қаторида, Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи билан белгиланади³²⁶.

³²² ЎЗР ЖИК: Маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари, 9-модда.

³²³ ЎЗР ЖИК: Маҳкумларнинг шахсий хавфсизлик ҳуқуқи, 11-модда.

³²⁴ Ўша жойда.

³²⁵ ЎЗР ЖИК: Маҳкумларни ажратилган ҳолда сақлаш, 58-модда.

³²⁶ ЎЗР Ички ишлар вазирлигининг 2000 йил 4 декабрдаги № 248 буйруғи ва ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 5 декабрдаги № 625 «Қамоқда сақланаётган ва озодликдан маҳрум қилинган шахсларга тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги буйруғи.

Ушлаб турилганларга белгиланган нормаларга кўра озик-овқат, ётоқ жойи ва бошқа моддий-маиший таъминот турлари бепул берилади³²⁷.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни тўхтатиб қолиш мақсадида, шунингдек уларни ушлаш чоғида, агар бошқа усуллар билан муассаса маъмуриятининг қонуний талабларини таъминлашнинг иложи бўлмаса, маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкин. Жисмоний куч ишлатиш натижасида маҳкумлар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида прокурорга хабар қилинади³²⁸. Маҳкумларга нисбатан, агар улар жазавога тушсалар, тинчлантириш кўйлагини қўллашга йўл қўйилади. Тинчлантириш кўйлаги тиббий ходим иштирокида қўлланилади ҳамда уни қўллаш муддати икки соатдан ошмаслиги керак. Тинчлантириш кўйлаги вояга етмаган маҳкумларга ва маҳкума аёлларга нисбатан қўлланилмайди³²⁹.

Маҳкумларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларини тўхтатиш, шунингдек ўзига ўзи зарар етказишининг олдини олиш мақсадида уларга нисбатан махсус воситалар (резина таёқлар, қўлкишанлар ёки бошқача боғлаш воситалари, хизмат итлари, кўздан ёш чиқарувчи моддалар, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари, тўсиқ-товларни бартараф этувчи воситалар, сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар, иншоотларни очиш, транспортни мажбурий тўхтатиш мосламалари ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа воситалар) ишлатилиши мумкин³³⁰.

Махсус воситалар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- маҳкумларнинг муассаса маъмурияти вакиллариغا, бошқа маҳкумларга ва ўзга шахсларга ҳужумини даф этиш чоғида;
- маҳкумлар томонидан содир этилган оммавий тартибсизликларни, жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузишларни тўхтатиш, муассаса маъмуриятига ашаддий бўйсунмаётган ёки қаршилик кўрсатаётган ҳуқуқбузарларни ушлаш чоғида;
- гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;
- маҳкумларни қўриқлаб бориш ва қўриқлаб туриш чоғида — қочишнинг олдини олиш учун;
- жазони ижро этиш муассасасидан қочган маҳкумларни ушлаш чоғида.
- махсус воситалар қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин.

³²⁷ ЎзР ЖК: Ушлаб турилганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 229-модда.

³²⁸ ЎзР ЖК: Маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, 69-модда.

³²⁹ ЎзР ЖК: Тинчлантириш кўйлагини қўллаш, 70-модда.

³³⁰ ЎзР ЖК: Махсус воситаларни ишлатиш, 71-модда.

Махсус воситалар турлари, уларни ишлатиш интенсивлиги юзага келган вазият, ҳуқуқбузарлик хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг шахсини инobatга олган ҳолда белгиланади. Махсус воситаларни қўллаш маҳкумларга ва бошқа шахсларга мумкин қадар кам зарар келтириши лозим. Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларга ҳамда ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаган шахсларга нисбатан махсус воситалар ишлатиш тақиқланади, улар томонидан қуролли қаршилиқ кўрсатилган ёки фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилинган ҳоллар бундан мустасно. Махсус воситаларни қўллаш натижа-сида маҳкумлар ва бошқа шахслар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида прокурорга хабар қилинади³³¹.

Алоҳида ҳолларда, агар жиноятни бошқа воситалар билан тўхтатишнинг иложи бўлмаса, энг сўнгги чора сифатида ўқотар қурол қўллашга йўл қўйилади³³². ЖИК шунингдек, ўқотар қуролни қўллаш тартибини белги-лайди³³³.

Ўқотар қурол қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

- муассаса маъмурияти вакилларини, бошқа маҳкумларни ва ўзга шахсларни уларнинг ҳаёти ва соғлиғига аниқ таҳдид этувчи ҳужумдан ҳимоя қилиш, шунингдек қуролни қўлга киритиш мақсадида қилинган ҳужумни даф этиш чоғида;
- гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;
- жазони ижро этиш муассасасининг қўриқланадиган объектларига, транспорт воситаларига гуруҳ бўлиб қилинган ёки қуролли ҳужумни даф этиш ёхуд маҳкумларни зўрлик билан озод қилишга ури-нишларни тўхтатиш чоғида;
- озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочаётган ёки қуролли қар-шилиқ кўрсатаётган маҳкумни ушлаш чоғида;
- маҳкумлар қочиб қайтаётган транспорт воситасини тўхта-тиш чоғида;
- ўқотар қурол қонунда назарда тутилган бошқа³³⁴.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимояланувчи ўзига нисбатан қийноқ (ёки қонунга ёки халқаро шартно-маларга зид бўлган бошқа муомала турлари қўлланилаётганини маълум қилган ҳолларда) ҳимоячи қуйидаги маълумотларни олиши керак:

³³¹ ЎзР ЖИК: Махсус воситаларни ишлатиш, 71-модда.

³³² ЎзР ЖИК: Ўқотар қурол қўллаш асослари, 72-модда.

³³³ ЎзР ЖИК: Ўқотар қурол қўллаш тартиби, 73-модда.

³³⁴ Ўша жойда.

- (тахмин қилинаётган) қийноқларга олиб келган ҳолатлар;
- қийноқлар қўлланилган сана, вақт (жабрланганлар, шунингдек кўпинча уларни қаерда қийнашганини билмайди, ҳолатларни чалкаштириши мумкин);
- ҳибсга олиш, қамоқда сақлаш, қийноқларни қўллашга алоқадор шахсларни ажратиб турувчи хусусиятларини ва белгиларини, тили, татуировкалари, вазни, бўйи ва ҳ. к.-ларни батафсил таърифлаш;
- жабрланганлар (қийноқдан) билан суҳбат мазмуни;
- жинсий зўравонлик тўғрисидаги маълумот, унга сўз билан таҳқирлаш, ечинтириш, ушлаб кўриш, жинсий аъзоларга уриш, уларга электр токи билан таъсир ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар;
- қийноқларни қўллаш давомида олинган тан жароҳатлари;
- қийноқ пайтида қўлланилган предметлар, қуролларни таърифлаш;
- қийноқлар гувоҳлари тўғрисидаги шахсий маълумотлар;
- жисмоний ва руҳий ҳолатнинг аниқланган кўрсаткичлари гўё содир қилинган қийноқлар тўғрисидаги маълумотларга мос келадими;
- текширилаётган шахс жисмоний ҳолатига оид қандай омиллар умумий клиник манзарага таъсир кўрсатади;
- текширилаётган шахснинг психологик ҳолати ҳақида олинган маълумотлар ушбу шахс тегишли бўлган маданий-ижтимоий муҳитда кузатиладиган фавқулодда стрессга эҳтимолий ёки одатдаги реакцияларга мос келадими;
- психологик жароҳат туфайли юзага келадиган психологик касалланиш характери вақт ўтиб, ўзгаришини эътиборга олган ҳолда, қийноқларга нисбатан бундай касалланишларнинг вақт чегараси қандай? Текширувдан ўтаётган шахс соғломлашувнинг қандай босқичида;
- текширилаётган шахс саломатлигига яна қандай стресс омиллари таъсир кўрсатади (масалан, давом этаётган таъқиб, мажбурий кўчиш, бошпана берган мамлакатда яшаш, оиласини ва жамиятдаги ўрнини йўқотиш ва ҳ.к.)? Ушбу муаммолар жабрланганлар соғлигига қандай таъсир кўрсатади?
- текширилаётган шахснинг клиник маълумотлари унга нисбатан қийноқ қўлланилгани ҳақидаги таъкиди ёлғон эканлигидан далолат берадими?³³⁵

ФСХПнинг 10-моддаси ёки 7-моддаси бузилишига тиббий кўриқдан ўтиш натижалари, рентгенологик текширув, турли тиббий ҳужжатлар,

³³⁵ Истанбул баённомаси. Қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний ёки камситувчи муомала ва жазо турларини самарали текшириш бўйича қўлланма, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Нью-Йорк ва Женева, 2004 йил.

маълумотномалар, қийноқ излари суратлари далил бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда, айниқса, қамоқ шароитида бундай ҳужжатларни олишнинг имкони бўлмайди. Бундай ҳолатларда турли инстанцияларга йўлланган шикоят ва аризаларнинг нусхалари, бундай таъсир қўлланилганини тасдиқлаши мумкин бўлган шахсларнинг, шу жумладан, қамоқда бирга сақланган шахсларнинг ёзма кўрсатмалари; улардан судланувчи судда ўзига нисбатан Пактнинг 7-моддаси талаблари бузилгани ва ЎЗР ЖКнинг 235-моддаси билан тақиқланган қийноқлар қўлланилганини маълум қилганидан далолат берувчи суд мажлиси баённомасидан кўчирмалар; суд текшируви ва апелляция шикоятда аниқланган жисмоний ёки руҳий таъсир қўлланилганининг батафсил баёни қийноқлар ёки бошқа ғайриинсоний муомаланинг далили бўлиши мумкин.

Шунга эътибор қаратиш зарурки, прокурор ва суд томонидан ушланган шахсга нисбатан ушлаш пайтида қийноқ қўлланилганини аниқлаш, ва бунга айбдор шахсга нисбатан жазо чорасини қўллаш амалга оширилмагани³³⁶ қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний муомала ва жазога йўл қўймаслик ҳуқуқи, шунингдек одил судловга бўлган ҳуқуқнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Уларга риоя қилишни биринчи инстанция судида томонлар музокараси пайтида талаб қилиш керак ва уларнинг бузилиши ҳақида, зарур ҳолларда, апелляция шикоятда кўрсатиб ўтиш керак. Айни пайтда шуни унутмаслик керакки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ва қийноқлар тўғрисидаги аризани кўриб чиқиши шарт бўлган давлат органларининг ҳаракатсизлиги Пактнинг 2-, 7- ва 14-моддаларининг бузилиши, деб ҳисобланади.

Ҳимояланувчи шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига чақириқ қоғози (повестка) билан чақиришда ҳимояланувчига аввал тиббий кўрикдан ўтишни ва саломатлигининг ҳолати ҳақида маълумотнома олишни тавсия қилиш зарур. Кейинчалик, ҳимояланувчи саломатлиги ёмонлашса, унинг ҳибсга олинган соғлиги қониқарли аҳволда бўлганлигини тасдиқлаш учун далил сифатида ушбу маълумотномадан фойдаланиш мумкин. Ҳатто гумон қилинувчи, айбланувчи ушлаб турилганида ёки қамоқда сақланаётган пайтда ўз саломатлиги ёки ҳаётига зарар етказса, бунинг учун давлат маъсул ҳисобланиши мумкин, чунки улар давлат ихтиёрида бўлиб, давлат уларнинг саломатлиги ва ҳаёти сақланишини кафолатлаши керак. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, ушланган шахсларни қариндошлари ва ташқи оламдан ажратилган ҳолатда сақлаш амалиёти ҳам баъзан уларнинг ҳуқуқлари бузилиши ва уларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганликка асос бўлиши мумкин.

Қонунчиликда кўзда тутилган фавқулодда ҳолатларда кучдан фойдаланилганда, ҳимоячилар махсус воситаларнинг қўлланилишининг зарурлиги ва мутаносиблигини батафсил таҳлил қилишлари зарур. «Қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда» каби мавҳум ибора ушбу чоралардан ўзбошимчалик билан фойдаланишга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг

³³⁶ Бу ўринда сўз ЎЗР ЖК 235-моддасига кўра айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида бормоқда.

ёдда тутиш зарурки, қаршилик кўрсатиш ёки ҳимояланувчи томонидан куч ишлатишни қайд этиш махсус воситалардан фойдаланишни оқлай олмайди. Улар фавқулодда чора сифатида ишлатилиши ва мутаносиб бўлиши зарур, ва бу ишончли тарзда исботланиши керак.

3-БОБ. СУД ИШИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СТАНДАРТЛАР

1. Суд ишининг адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқи

Айбланувчи иши адолатли суд муҳокамасига кўрилишига ҳақли. Бу ҳуқуқ халқаро стандартларда белгиланган тегишли ҳуқуқий тартиб-таомилларга алоқадор барча процессуал ва бошқа кафолатларни камраб олади. Аммо бу ҳуқуқ оддий якка тартибдаги кафолатлар йиғиндисидан кўра кенгроқ ва бутун суд муҳокамаси жараёнига боғлиқ.

Халқаро стандартлар

Барча тегишли кафолатларга мос бўлган суд тушунчаси ҳар қандай бевосита ёки билвосита таъсир, босим кўрсатиш, қўрқитиш ёки аралашуш ҳаракатларининг уларнинг манбаи ва асосларидан қатъи назар мавжуд бўлмаслигини кўзда тутувчи адолатли суд муҳокамаси кафолатини ўз ичига олади³³⁷.

Муҳокама, масалан, айбланувчи жиноий процессда жамоатчиликнинг адоватли муносабати ёки суд залида процесс томонларидан бири қўллаб-қувватлаган, суд томонидан рухсат берилган ва шу орқали ҳимоя ҳуқуқи бузилган ҳоллар билан тўқнашганда, ёки шунга ўхшаш оқибатларга олиб келган адоватли кўринишларни бошдан кечирса, адолатли бўлмайди. Суд процессининг адолатли бўлишига салбий таъсир кўрсатувчи бундай кўринишларга трибунал томонидан рухсат этилувчи маслаҳатчиларнинг ирққа доир янглиш тушунчалари ёки ирққа доир янглиш тушунчаларга асосланиб маслаҳатчиларни танлаш мисол бўла олади³³⁸.

Адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқи турли усуллар билан бузилиши мумкин. Умумий тамойил шундан иборатки, айбланувчиларга доимий равишда қўйилган айбларга жавоб бериш, кўрсатмаларни ўрганиш, шубҳа остига олиш, баҳслашиш, гувоҳларнинг бевосита ва қарама-қарши сўроғини ўтказиш ва буни тегишли муҳитда амалга ошириш учун реал имконият тақдим этилиши лозим (масалан, улар суд жараёнида иштирок этиш ва ўзларининг адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқларини амалга ошириш учун ҳақиқий ва самарали имкониятга эга бўлишлари лозим).

³³⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқи, 25-банд.

³³⁸ Қолганлар қаторида қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамасига ҳуқуқи, 25-параграф; 2000 йил 20 июлдаги фикр, № 770/1997 хабар, *Гридин Россия Федерациясига қарши*, 8.2 банд. Шунингдек қаранг: Ирқий камситишни бартараф этиш қўмитаси, *Наррайнен Норвегияга қарши*, № 3/1991 хабар, 9.3 банд.

Адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқи тегишли жараёнга хос бўлган кўпгина процессуал талаблар ва кафолатларга риоя этишни ўз ичига олади, яъни:

- i. трибунал ёки суд томонидан процессни асосланмаган кечикишсиз ўтказиш талаби³³⁹;
- ii. судланувчининг суд мажлисида иштирок этиш ва шахсан эшитилиши ҳуқуқи³⁴⁰;
- iii. ҳимояланиш, шу жумладан айбланувчининг қўйилган айбларга жавоб бериши учун мос имкониятига эга бўлиш ҳуқуқи³⁴¹;
- iv. процессуал ҳуқуқлар тенглиги ёки жараёнда «томонлар тенглиги» тамойили³⁴²;
- v. процессда томонлар тортишуви тамойили³⁴³; ва
- vi. ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқи³⁴⁴.

Тегисли кафолатларга риоя этган ҳолда адолатли суд муҳокамаси тушунчаси суд ва трибунал олдида тенглик тамойили билан бевосита боғлиқ. Бу тортишув имкониятларидан тенг асосларда фойдаланиш ҳуқуқини англатади ва бундай муҳокамаларда тарафлар билан муомалада бўлиш ҳар қандай камситишдан эркин бўлишини назарда тутати³⁴⁵.

Процессда барча тарафлар, агар бошқаси қонунчилик билан белгиланмаган бўлса, бир хил процессуал ҳуқуқларга эга. Бу ҳолда ҳар қандай процессуал тенгсизлик асосланган бўлиши ва холис сабаблардан келиб чиқиши лозим, бу эса айбланувчини унга зарар этувчи ҳолатга қўймаслиги ёки адолатсиз бўлмаслиги лозим³⁴⁶. Агар, масалан, айблов томони у ёки бу қарорга қарши апелляция бериш имконига эга бўлиб, айбланувчи бундай имкониятга эга бўлмаса, томонлар тенг бўлмайди³⁴⁷.

³³⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқи, 27-банд.

³⁴⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, *Боттен Норвегияга қарши*, 1996 йил 19 февралдаги қарор, 1996-1 ҳисоботлар, 145-бет, 53-банд.

³⁴¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳисобот. OAS OEA/Ser.L/V/II.116, Doc. 5 rev. 1 сог., 2002 йил 22 октябр, 260-параграф ва 10-тавсия.

³⁴² Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамасига ҳуқуқи, 13-банд.

³⁴³ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1992 йил 26 мартдаги қарор, *Д. Вулф Панамага қарши*, № 289/198 хабар, 6.6 банд.

³⁴⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия: 2002 йил 21 октябрдаги № 58/02 ҳисобот, 12.275 иш, *Дентон Атикен Ямайкага қарши*, 148-банд; 2002 йил 21 октябрдаги № 56/02 ҳисобот, 12.158 иш, *Бенедик Джекоб Гренадага қарши*, 102-банд; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқи, 37- ва 38-бандлар.

³⁴⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқи, 8-банд.

³⁴⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2007 йил 23 июлдаги фикр, *Дудко Австрияга қарши*, № 1347/2005 хабар, 7.4 банд.

³⁴⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2003 йил 3 апрелдаги фикр, *Вайс Австрияга қарши*, № 1086/2002 хабар, 9.6 банд; ва 1989 йил 30 мартдаги фикр, *Робинсон Ямайкага қарши*, № 223/1987 хабар, 10.4 банд.

Ҳар бир тарафга шундай ёндашиш лозимки, суд муҳокамаси давомида уларнинг процессуал ҳолати тенг бўлиши, ҳамда иш бўйича ўз позициясини бир тарафни қарама-қарши тарафга нисбатан яққол унга зарарли аҳволга қўймайдиган шароитларда ифода этиш имкониятлари тенглиги кафолатлансин. Тарафлар тенглиги тамойили кўйидагиларни англатади:

- i. иккала тараф иш бўйича ўз позициясини тайёрлаш учун етарли вақт, далил ва исботларни тақдим этиш, ҳамда қарама-қарши тарафнинг позицияси, далил ёки исботларига эътироз билдириш ёки жавоб қайтаришга ҳақиқий имкониятга эга бўлишлари керак;
- ii. иккала тараф ҳам тарафлар томонидан суд ҳокимиятининг ҳар қандай босқичида танланган қонуний вакиллар ёки бошқа ваколатли шахслар томонидан малакали юридик маслаҳат олиш ва ўз ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга бўлишлари лозим;
- iii. тарафлардан бири суд органи томонидан қўлланилаётган тилни тушунмаса ёки унда сўзламаса, бу тараф таржимон ёрдамига ҳақли;
- iv. иккала тараф ҳам уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир қарорлар фақат судга тақдим этилган кўрсатмалар асосида қабул қилинишига ҳақли;
- v. иккала тараф ҳам биринчи инстанция судининг қарори устидан юқори турувчи суд органида шикоят беришга ҳақли.

Суд процесси тарафларининг тенглиги ва унинг адолатлилиги ваколатли суд томонидан хатолар йўл қўйилмаганига кафолат сифатида талқин этилмайди³⁴⁸.

Бунга қарамай, далилларнинг баҳоланиши ёки қонуннинг қўлланилиши яққол ихтиёрий ёки хато бажарилган бўлса ёки «одил судловдан воз кечиш» сифатида кўрилиши мумкин бўлса, ёки суд қандайдир тарзда ўзининг мустақиллик ва холисликка доир мажбуриятларини бузган бўлса, адолатли суд муҳокамаси ва тегишли процесс ҳуқуқи бузилган бўлади³⁴⁹.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎЗР Конституцияси ва ЎЗРнинг «Судлар тўғрисида»ги қонуни судьялар мустақил эканлиги, фақат қонунга бўйсунилларини мустаҳкамлайди³⁵⁰. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув

³⁴⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1989 йил 30 мартдаги мақбуллик тўғрисида қарор, *Б. д. Б Нидерландияга қарши*, № 273/1988 хабар, 6.3 банд; ва 2005 йил 21 июлдаги мақбуллик тўғрисида қарор, *Мартинес Меркадер ва бошқалар Испанияга қарши*, № 1097/2002 хабар, 6.3-банд.

³⁴⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқи, 26-банд.

³⁵⁰ Қаранг: Адолатли суд муҳокамаси стандартлари, 1-боб, 2-банд.

қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади³⁵¹. Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади³⁵².

ЖПКнинг 25-моддасига мувофиқ, биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилади³⁵³. Иш судда кўрилади³⁵⁴ айблов, Ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-бирдан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас. Процесснинг барча тарафлари³⁵⁴ далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Суд айблов ёки Ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди. Суд холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беради³⁵⁵.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг алоҳида ходимлари ва судьялар томонидан қонун нормаларини писанд қилмаслик билан боғлиқ барча ҳолатларга шикоят бериши лозим. Ҳимоячилар нафақат жиноий ёки жиноят-процессуал қонунчилик меъёрларига, балки ЎзР Конституцияси ва ФСҲХПда мустаҳкамланган тегишли кафолатларга ҳам мурожаат этишлари лозим. Шунингдек, кодексларнинг умумий қисмларида мустаҳкамланган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар томонидан кафолатланиши лозим бўлган жиноий қонунчилик тамойиллари ҳақида унутмаслик лозим.

Шуниси яққолки, Ҳимоячининг малакалилиги ва касбий маҳоратига кўп нарса боғлиқ. Агар Ҳимоячи процессга кириб, Ҳимоя қилинувчи билан суҳбат давомида ёки иш материаллари билан танишиш чоғида процессуал ёки моддий ҳуқуқ нормалари бузилганлигини аниқласа, Ҳимоя позициясини тасдиқловчи далилларни келтирган ҳолда шикоят ва илтимоснома-

³⁵¹ ЎзР Конституцияси, 112-модда; «Судлар тўғрисида»ги қонун: Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, 4-модда.

³⁵² «Судлар тўғрисида»ги қонун: Суд ишларини ҳал қилишга аралашишга йўл қўйилмаслиги, 69-модда.

³⁵³ ЎзР қонунчилигида тортишувлик тамойили ишнинг судда кўрилиши ва дастлабки тергов ҳақида гап кетганда эсга олинади, бу эса, эҳтимол, мазкур тамойилга роя этиш чегараларидан чиқиб кетади.

³⁵⁴ Давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, Ҳимоячи, жамоат Ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари (ЎзР ЖПК, 25-модда).

³⁵⁵ ЎзР ЖПК: Судда ишларни юритишда тортишув, 25-модда.

лар билан мурожаат этиш орқали чоралар кўриши лозим. Суд муҳокамаси давомида ҳимоячининг фаол ҳуқуқий позицияси жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки шуни унутмаслик лозимки, суд — бу суриштирув ва дастлабки тергов давомида йўлга қўйилган қонунбузарликларга чора кўриши шарт бўлган органдир. Агар суд шикоятда кўрсатилган қонунбузарликларга қонун доирасида чора кўрмаса, унда биринчи навбатда судни рад этиш, кейин, рад қилиш қаноатлантирилмаганда — суд қарори ёки ажримини устидан апелляция инстанциясига шикоят қилиш лозим. Суднинг терговчи ва прокурорнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига чора кўрмаслиги апелляция судида шикоят қилинади, у эса, ўз навбатида, тўпланган далиллар, содир этилган ҳаракатнинг квалификацияси, биринчи инстанция суди қарорининг қонунийлиги ва адолатлилигига нисбатан ҳамда тергов юритишнинг ноқонуний усуллари ва бунда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонунда кўзда тутилган чораларни кўриши шарт.

2. Ишнинг ошкора кўрилиши ҳуқуқи

Алоҳида ҳоллардан ташқари, жиной процесда суд мажлислари жамоатчилик учун очиқ бўлиши, суд қарорлари эса омма томонидан танишиш учун очиқ бўлиши лозим.

Халқаро стандартлар

Жиной ишлар бўйича барча суд муҳокамалари оғзаки тарзда ўтказилиши ва омма учун очиқ бўлиши лозим. Суд мажлисларининг ошкоралигини судловнинг транспарентлиги таъминлайди ва шу билан алоҳида шахслар ва умуман жамият манфаатларининг муҳим кафолатидир³⁵⁶.

Жиноят содир этганликда айбланувчи ҳар бир шахс иши биринчи инстанция суди ёки судьяси томонидан ошкора кўрилишига ҳақли. Аммо суд мажлисларининг омма учун очиқлиги талаби доим ҳам ёзма тақдимномалар асосида ўтказилиш мумкин бўлган барча апелляция процессларига ёхуд прокурорлар ёки давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган судга қадар қарорларга татбиқ этилмайди³⁵⁷.

Суд мажлисининг ва суд муҳокамасининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида:

³⁵⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи, 28-банд; шунингдек қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1983 йил 8 декабрдаги қарор, *Аксен Германияга қарши*, № 8273/78 шикоят, 25-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 1999 йил 30 майдаги қарор, *Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши*, С серияси, № 52, 172-банд.

³⁵⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи, 28-банд.

- i. суд мажлисларини ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги барча керакли ахборот, ҳамда ўтказиш учун масъул суд тўғрисидаги ахборот трибунал ёки суд томонидан кенг жамоатчиликка тақдим этилиши лозим;
- ii. давлат суд мажлисларига оид ахборот эълон қилинишининг доимий тизимини яратиши лозим;
- iii. суд мажлисида жамоатчиликнинг манфаатдор вакиллари иштирок этиши учун барча керакли шароитлар таъминланиши лозим;
- iv. барча мажлислар кенг оммага очиқ бўлиши, масалан, фақатгина маълум шахслар тоифалари билан чекланмаслиги лозим³⁵⁸;
- v. ОАВ вакиллари суд ёки судья муҳокама давомида аудио- ва видеотехникадан фойдаланишни чеклаши мумкин бўлган ҳоллардан ташқари, суд мажлисларида бўлишга ва улар тўғрисида репортаж олиб боришга ҳақли.

Фавқулодда ҳолатларда суд ёки судьялар буткул суд муҳомасига ёки унинг бир қисмига омма, шу жумладан ОАВни киритмаслик ваколатларига эга. Бу ҳолатлар қуйидаги вазиятлар билан чекланган:

- i. бу одил судлов манфаатларини ҳимоя қилиш учун қатъий зарур бўлса (масалан, гувоҳларни ҳимоя қилиш мақсадида);
- ii. буни тарафларнинг шахсий ҳаёти манфаатлари талаб қилса (масалан, вояга етмаганлар судланаётганда; вояга етмаганлар ёки болалар жиноят жабрдидалари бўлган ёки жинсий зўравонлик қурбонларининг шахсий ҳаёт сирини сақлаш лозим бўлган ҳолларда); ёки
- iii. бу инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги тамойилига риоя этиладиган очиқ ва демократик жамиятда жамоат тартиби, ахлоқ билан боғлиқ сабаблар ёки миллий хавфсизлик мулоҳазаларига кўра қатъий зарур бўлса.

Бунга қарамасдан, ҳар қандай бундай чеклов ҳар бир аниқ ҳолатда қатъий асосланган ва баҳоланган бўлиши ҳамда суд томонидан пухта назорат қилиниши лозим. Жиноий суд ишининг мажбурий ва умумий тартибда ҳар бир иш хусусиятларини инобатга олмаган ҳолда «ёпиқ эшиклар ортида» ўтказилишини назарда тутувчи қонунлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларнинг бузилиши ҳисобланади. Ҳатто ошқора судга бўлган ҳуқуқ чекланиши мумкин бўлганда, айбланувчилар уларнинг иши бўйича суд муҳокамаси ўтказаетган суд ёки трибуналда иштирок этишга ҳақли³⁵⁹.

Жиноий судловни фақатгина ёзма шаклда бўлишини назарда тутувчи ва ҳар қандай оғзаки суд муҳокамасига рухсат бермайдиган қонунлар адолатли суд муҳокамаси тамойилларига мос келмайди.

³⁵⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқи, 29-банд.

³⁵⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2002 йил 23 июлдаги фикр, *Мигель Ангел Родригес Орехуела Колумбияга қарши*, № 848/1999 хабар, 7.3-банд.

Судлар суд процессида иштироки этиш муносабати билан юзага келувчи хатарларга дуч келиши мумкин бўлган айбланувчилар, жабрланганлар, гувоҳлар ва шикоят берган шахсларни ёки, вояга етмаганлар судланаётганда, бола манфаатларини кўзлаб, уларни ҳимоя қилиш бўйича чора кўришлари лозим. Аммо бу чоралар аноним гувоҳлардан фойдаланишни оқламайди ва маҳфий далилларни мақбул кўрмайдилар³⁶⁰.

Давлатлар барча суд жараёнларини протоколлаштириш тизими фаолият юритишини, бу ахборот ҳужжатлаштирилиши ва кенг жамоатчилик учун очик бўлишини таъминлашлари лозим.

Жиноий судловда чиқарилган барча қарорлар чоп этилиши ҳамда давлатнинг бутун ҳудудда улар билан танишиш имкониятлари таъминланиши лозим. Ҳатто жамоатчилик процессга киритилмаган ҳолларда қарор, шу жумладан муҳим фактлар, асосий исботлар ва ҳуқуқий асослар ошкора қилиниши лозим, агар бу вояга етмаганларнинг манфаатларига зид келмаса³⁶¹. Қарорни чоп этиш нафақат судланган ёки оқланган шахс, балки етказилган зарарни қоплаш формаси бўлса, жабрланувчилар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎЗР Конституциясига мувофиқ, ҳамма судларда ишлар очик кўрилади; ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади³⁶². ЎЗР ЖПКнинг 19-моддаси барча судларда, давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошкора кўрилиши; ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилиши мустақамланган.

Нафақат буткул мажлис, балки унинг алоҳида қисми ҳам ёпиқ бўлиши мумкин³⁶³. Масалан, шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очик суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган

³⁶⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, якуний хулосалар: Канада ССР/С/CAN/CO/5, 2006 йил 20 апрел, 13-банд; ва Америка Қўшма Штатлари, ССР/С/USA/Co/3/Rev. 1, 2006 йил 18 декабр, 18-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Перуда инсон ҳуқуқларига доир вазият тўғрисида иккинчи ҳисобот, OEA/Ser.L/V/II.106, Doc. 59 rev., 2000 йил 2 июн, 103-, 104- ва 110-бандлар; ва Колумбияда инсон ҳуқуқларига доир вазият тўғрисида учинчи ҳисобот, OEA/Ser.L/V/II.102, Doc. 9 rev. 1, 1999 йил 26 феврал, 121-124-бандлар.

³⁶¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 13 умумий тартибдаги мулоҳаза, 6-банд; ва № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 29-банд.

³⁶² ЎЗР Конституцияси, 113-модда.

³⁶³ ЎЗР ЖПК: Судда жиноий ишларнинг ошкора кўрилиши, 19-модда.

шахсларнинг розилиги билан ошкор қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисидаги суднинг ажрими буткул муҳокамага нисбатан ёки унинг алоҳида бир қисмига нисбатан чиқарилиши мумкин. Бу ажрим суд мажлисига йиғилганларга тааллуқли бўлиб, процесс иштирокчиларига дахли йўқ. Суд судланувчининг ва жабрланувчининг яқин қариндошларини, шунингдек бошқа шахсларни мазкур мажлисда текшириладиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантириб, уларнинг ёпиқ мажлисда иштирок этишларига рухсат беришга ҳақлидир. Суд залида тартибни сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда суд айрим шахсларнинг суднинг очиқ мажлисларида қатнашишларини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир³⁶⁴.

Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади. Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади. Судлов фаолиятида ошкораликни кенгайтириш учун зарур ҳолларда судлар оммавий ахборот воситалари ходимларига, тегишли жамоат бирлашмалари ва жамоаларга бўладиган процесслар тўғрисида хабар бериши, шунингдек процессларни бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўтказиши мумкин³⁶⁵. Судларнинг қабул қилинган қарорларини оммага танишиши учун эълон қилинишига доир мажбуриятлари мавжуд эмас.

Амалиётчиларга тавсиялар

Судга қариндошлар ва яқинларнинг, омма ва ОАВнинг киритилиши қонун билан ўрнатилган тартиб бузилиб тақиқланган ҳолларда, ҳимоя ўз ҳимояланувчисининг очиқ ошкора судда иши кўрилишига бўлган ҳуқуқи бузилган, деб кўрсатиши мумкин. Шунингдек, омманинг судга киришининг имкони бўлмаган ҳолатларга ҳам суд диққатини тортиши лозим. Бу ҳимояланувчи томонидан таклиф этилган, лекин судьянинг махсус рухсатисиз суд биносига кира олмайдиган ҳимоя гувоҳлари, стажёрлар ёки ҳатто адвокат ёрдамчиларига ҳам тааллуқлидир. Суд биноси ёки судья кабинетиде етарли жой бўлмаганда, суднинг кенгроқ, барча истаганлар сифиши мумкин бўлган жойда ўтказилиши тўғрисида илтимос билдириш лозим.

Ҳимоячининг суд муҳокамасида рўй бераётганларни қайд этишга ёрдам бериши мумкин бўлган видеокамера, фотоаппарат, диктофон ва ҳ. к. каби техник воситалардан фойдаланиш ҳуқуқи раиснинг рухсатисиз амалга ошмайди. Айни пайтда шунинг унутмаслик лозимки, адвокатнинг суд процессини қайд этиш техник воситаларидан фойдаланиш зарурияти асосланган тегишли илтимосномаси суд томонидан кўриб чиқилиши,

³⁶⁴ ЎЗР ЖПК: Судда жиной ишларнинг ошкора кўрилиши, 19-модда.

³⁶⁵ Ўша жойда.

ҳимоянинг бу илтимосномасини қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик тўғрисидаги ажрими ошқор этилиши, унинг матнини қўлга олиш ва асосланганлик нуқтаи назаридан ўрганилиши лозим. Ҳимоя илтимосномасининг аниқ вазлари асоссиз қаноатлантирилмаса, судга раддия билдириш, рад қилиш тўғрисидаги аризада ҳимоянинг вазлари эътиборга олинмаганлиги фактини қайд этиш, кейинчалик — суд қарорига шикоят бериш лозим, чунки бу унинг холислиги, адолатлилиги ва беғаразлигини шубҳа остига қўяди. Бундан ташқари, ҳимоячилар котиблар ҳимоянинг барча фикрлари, илтимосномалари ва далилларини қайд этишлари учун суд мажлиси баённомасига диққат билан ёндашишлари лозим.

3. Айбсизлик презумпцияси

Жиноят содир этганликда айбланувчи ҳар бир шахс унинг айбдорлиги қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз ҳисобланишга ҳақли.

Халқаро стандартлар

Айб қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсиз ҳисобланиш ҳуқуқи — чекиниб бўлмайдиган ва чеклаб бўлмайдиган мутлақ ҳуқуқдир³⁶⁶.

Айбсизлик презумпцияси:

- i. айбни исботлаш мажбуриятини айблов тарафнинг зиммасига юклайди;
- ii. айб асосланган шубҳалар бўлмаган ҳолда исботланмагунча, айбдорликка доир шубҳа қилиб бўлмаслигини кафолатлайди³⁶⁷;
- iii. шубҳалар доимо айбланувчи фойдасига ҳал қилинишини кафолатлайди; ва
- iv. жиноят содир этганликда айбланувчига нисбатан ушбу тамойилга мувофиқ муносабатда бўлишни талаб этади.

Гаров остига озод этишни рад қилиш³⁶⁸ ёки фуқаролик жавобгарлигига жалб этиш тўғрисида қарор чиқариш³⁶⁹ айбсизлик презумпциясига таъсир

³⁶⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 29 умумий тартибдаги мулоҳаза, 11-банд, ва № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 30-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида маъруза, OEA/Ser.L/V/II.116, Doc. 5 rev. 1 cogg, 2002 йил 22 октябр, 247-, 253- ва 261-бандлар; ва Инсон ҳуқуқари бўйича Америкалараро комиссия, 2000 йил 13 апрелдаги № 49/00 ҳисобот, № 11.182 иш, *Родолфо Герберт Асесиос Линдо ва бошқалар Перуга қарши*, 86-банд.

³⁶⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2006 йил 24 июлдаги фикр, *Франциско Хуан Ларра-нага Филиппинга қарши*, № 1421/2005 хабар, 7.4-банд.

³⁶⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2001 йил 23 октябрдаги фикр, *Кагас, Бутин ва Астилеро Филиппинга қарши*, № 788/1997 хабар, 7.3 банд.

³⁶⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: 1989 йил 28 июлдаги фикр, *Мораел Францияга қарши*, № 207/1986 хабар, 9.5 банд; 1992 йил 22 июлдаги фикр, *В. Ж. Е. Нидерландияга қарши*, № 408/1990 хабар, 6.2 банд; ва 1992 йил 23 октябрдаги фикр, *В. Б. Е Нидерландияга қарши*, № 432/1990 хабар, 6.6 банд.

кўрсатмаслиги лозим. Судга қадар ҳибсда ушлаб туришнинг давомийлиги айб белгиси ёки айб даражасининг кўрсаткичи, деб ҳисобланмаслиги лозим³⁷⁰.

Давлат органлари ва мутасадди шахслар айбсизлик презумпцияси тамойилига риоя этишлари ва суд процесси натижасига нисбатан дастлабки фикрлар чиқармасликлари, масалан, судланувчининг айбига оид ошқора чиқишлардан ўзларини тийишлари лозим³⁷¹. Давлат органлари ва мутасадди шахслар, шу жумладан прокурорлар, жамоатчиликни тергов ёки қўйилган айблар тўғрисида хабардор қилишлари мумкин, аммо гумонланувчининг айбига нисбатан ўз қарашларини ифода этмасликлари лозим.

Далилларни тақдим этиш ва суд муҳокамасини юритиш қоидалари бутун суд муҳокамаси давомида исботлаш юки айблов тарафи зиммасида эканлигини кафолатлашлари лозим.

Факт ва ҳуқуқ масалалариги оид юридик характердаги презумпциялар айбланувчига уларнинг нотўрилиги кўрсатиш ёки ўз айбсизлигини исботлаш имкони берилгандагина рухсат этилади. Судланувчилар ҳибсдалиги ёки йўқлигидан қатъи назар, уларга нисбатан муносабат уларнинг айбдорлиги қонунга мувофиқ суд томонидан исботланмагунча айбсизлар статусига мувофиқ бўлиши лозим. Одатда, судланувчилар судда қўлишанлар бўлиши ёки қафасда сақланиши ёки суд олдида улар хавфли жиноятчилар қиёфасида турмаслиги лозим. Шунингдек, улар суд олдида қамоқ формасида бўлмаслиги лозим ва фуқаролик кийимларини кийишга ҳақли. Агар шахс суд ёки трибунал қарори билан жиноятни содир этганликда айблов бўйича оқланган бўлса, давлат органлари, хусусан, прокуратура ва полиция, инсон айбдор бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги тахминлардан ўзларини тийишлари лозим. Қолаверса, ОАВ айбсизлик презумпцияси тамойилини бузувчи янгилик репортажларини узатишдан ўзларини тийишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎзР Конституцияси³⁷² ва ЖПК³⁷³ айбсизлик презумпциясини кафолатлайди. Бу тамойилнинг мазмуни ЎзР Олий суди Пленумининг Қарорида янада

³⁷⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 30-банд.

³⁷¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 30-банд; ва 2000 йил 20 июлдаги фикр, *Гридин Россияга қарши*, № 770/1997 хабар, 3.5 ва 8.3 бандлар.

³⁷² ЎзР Конституцияси, 26-модда: «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилди».

³⁷³ ЎзР ЖПК, 23-модда: «Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак».

батафсил очиб берилган: «Гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим кафолати — унинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслиги ҳақидаги Конституцияда белгиланган айбсизлик презумпцияси тамойилига қатъий амал этилишидадир. Гумон қилинувчи, айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш мажбурияти юкланиши мумкин эмас, ўз айбсизлигини ёки иш бўйича бирор-бир ҳолатни исботлаш масъулиятини юклашга ҳам йўл қўйилмайди. Қонунга асосан бундай мажбурият жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилган. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этишнинг имкони бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи фойдасига ҳал қилиниши керак. Қонунни қўллашда келиб чиққан ҳар қандай шубҳа ҳам унинг фойдасига ҳал этилади»³⁷⁴.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун ҳам ушбу тамойилнинг бузилишига доир тақиқни мустаҳкамлайди: «Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланади»³⁷⁵.

Амалиётчиларга тавсиялар

Амалиётда ОАВ ёки телевидениеда судга ва шахсларнинг қонун билан белгиланган тартибда айбдор деб тан олишга қадар айбланувчиларнинг қамоққа олиниши, жиноят содир этганликда айбдорларга нисбатан жинорий ишлар қўзғатилгани тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш ҳоллари кузатилиши мумкин. Ҳимоячининг вазифаси суд томонидан чоралар кўрилиши ва айбсизлик презумпцияси тамойилининг таъминланишига доир талаб билдиришдан иборат. Агар суд ушбу тамойилнинг бузилишига нисбатан чора кўрмаса, бу ҳаракат ким томондан содир этилаётгандан қатъи назар, ёки ўзи бу тамойилни бузса, бундай суд беғараз ва ҳолис бўлмаган суд сифатида рад қилиниши лозим. Суд қарори устидан берилган апелляция шикоятда бу ҳуқуқнинг бузилганлиги тўғрисида важларни келтириш лозим.

Айблов ёки оқлов ҳукмлар чиқариш бўйича маълум бир суд, шаҳар ёки умумий статистика билан танишиш мумкин. Ўзбекистонда расмий статистика мавжуд эмас, аммо Россия, Қозоғистон ва собиқ ССРИнинг бошқа

³⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан. 5-банд.

³⁷⁵ ЎзР 1997 йил 26 декабрдаги № 541-1 «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни: Оммавий ахборот воситалари эркинлигини суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги, 6-модда

мамлакатларида оқлов ҳукмлар улуши бир процентдан камни ташкил этади, бу судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича Махсус маърузачининг фикрича, айбсизлик презумпцияси тамойилини таъминлаш нуқтаи назарида ташвишга солади³⁷⁶.

4. Қўйилган айбдан дарҳол хабардор қилиниш ҳуқуқи

Ҳар бир шахс унга нисбатан эълон қилинаётган ҳар қандай жиноий айбловни кўриб чиқишда у тушунган тилда, унга эълон қилинаётган жиноий айблов характери ва асоси тўғрисида зудлик билан ва тушунарли тарзда хабардор бўлишга ҳақли.

Халқаро стандартлар

Жиноий процессда биринчи минимал кафолат жиноят содир этганликда айбланаётган барча шахсларнинг уларга тушунарли тилда, унга эълон қилинаётган жиноий айблов характери ва асоси тўғрисида зудлик билан ва тушунарли тарзда хабардор бўлиш ҳуқуқидир. Бу кафолат ҳар қандай жиноий айблов, шу жумладан ҳибсда сақланмаётган шахсларга эълон қилинадиган айбловга тагишли, лекин айбловни эълон қилишдан аввалги жиноий терговларга таалуқли эмас. Аммо бу ҳуқуқ тергов давомида суд ёки айбловни қўллаб-қувватловчи орган жиноят содир этганликда гумонланувчи шахсга нисбатан таъсир чоралар кўришга қарор қилган, ёки уни гумонланувчи деб ошкора ишга жалб қилинганда юзага келади³⁷⁷.

Айблов тўғрисида «зудлик билан» хабардор бўлиш ҳуқуқи қуйидагиларни талаб этади:

- i. шахсга ички қонунчиликка мувофиқ жиноят содир этганликда расмий айблов эълон қилинганда, ёки шахс ошкора гумонланувчи деб ишга жалб қилинганда ахборот тақдим этилиши³⁷⁸;
- ii. тақдим этилган ахборот нафақат ҳуқуқ масалалари бўйича тафсилотлар, балки айбловни асослантирадиган фактларни ўзида тутиши;
- iii. ахборот ёзма шаклда тақдим этилиши;
- iv. ахборот оғзаки шаклда тақдим этилган вазиятларда кейинчалик у ёзма шаклда тасдиқланиши³⁷⁹; ва
- v. айблов тўғрисидаги хабар суддан аввал эълон қилиниши.

³⁷⁶ Халқаро юристлар комиссияси, Россияда суд тизими аҳволи, Россия Федерациясига суд ислохоти бўйича тадқиқот миссияси маърузаси, 2010 йил 20–24 июн, Женева, 35-модда.

³⁷⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 14-модда: Судлар ва трибуналлар олдида тенглик ва ҳар кимнинг адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқи, 31-банд.

³⁷⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2005 йил 29 мартдаги фикр, *Маркиз де Мораис Анголага қарши*, № 1128/2002 хабар, 5.4 банд; ва 1991 йил 8 апрелдаги фикр, *Келли Ямайкага қарши*, № 253/1987 хабар, 5.8 банд.

³⁷⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза 31-банд.

Суд муҳокамаси айбланувчи иштирокисиз (in absentia) ўтган ҳолда унинг йўқлигига қарамай айбланувчини, унга қўйилган айбловлар, ҳамда жиноий иш юритилиши амалга оширилаётганлиги тўғрисида хабардор қилиш бўйича барча керакли чоралар кўрилиши лозим³⁸⁰. Бу, хусусан, айбланувчини аввалдан судга қақириш учун барча чоралар кўрилиши лозимлигини билдиради. Унга аввалдан суд муҳокамаси ўтказиладиган сана ва жойи хабар қилиниши, ҳамда келиш шартлигини кўрсатиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎЗР ЖПК айбланувчи³⁸¹ ёки гумонланувчи³⁸² у нимада айбланаётгани ва гумонланаётганини билишга ҳақли эканлигини мустақкамлайди. Сўроқ қилинувчи иш юритилаётган тилни билиши ва у қайси тилда кўрсатма бериши мумкинлиги билан боғлиқ саволлар туғилса, улар аниқлаштирилиши лозим. ЎЗР ЖПК 71-моддасига назарда тутилган ҳолларда таржимон³⁸³ чақирилади ва унинг келишига қадар сўроқ кечиктирилади³⁸⁴. Бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишда худди шу тартиб назарда тутилган.

Айбланувчи ва унинг ҳимоячисини жиноят ишдаги барча материаллар билан таништириб бўлгач, терговчи, башарти ишни судга юбориш учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги фикри ўзгармаган бўлса, айблов хулосасини тузади³⁸⁵. Прокурор айблов хулосасини олади ва ЎЗР ЖПКнинг 384-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ текширувни амалга оширади. Прокурор ишни судга топширишга қарор қилса³⁸⁶ (шунингдек, эҳтиёт чораси тўғрисидаги масала ҳал этилиши мумкин³⁸⁷), айблов хулосаси тасдиқланади, ва прокурор ёки унинг ўринбосари жиноий ишни тегишли судга юборади³⁸⁸. Прокурор ёки унинг ўринбосари ишнинг судга юборилганлиги ҳақида айбланувчига ва ҳимоячига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг

³⁸⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмига, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 31- ва 36-бандлар; 1983 йил 25 мартдаги фикр, *Мбенге Зоирга қарши*, № 016/1977 хабар, 14.1 банд; 1999 йил 15 июлдаги фикр, *Малеки Италияга қарши*, № 699/1996 хабар, 9.3 банд.

³⁸¹ ЎЗР ЖПК: айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 46-модда.

³⁸² ЎЗР ЖПК: айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 48-модда.

³⁸³ ЎЗР ЖПК: Таржимон, 71-модда:

«Таржимон қуйидаги ҳолларда чақирилади:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмас ёки етарли даражада билмас ёки кар ёки соқов бўлса;

2) бирор матнни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса.

Таржимонга тегишли қоидалар иш юритишда ишироқ этиш учун таклиф қилинган, кар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунадиган шахсга нисбатан ҳам қўлланилади».

³⁸⁴ ЎЗР ЖПК: Сўроқ қилинувчининг қайси тилда кўрсатув бера олишини аниқлаш, 99-модда.

³⁸⁵ ЎЗР ЖПК: Айблов хулосаси, 379-модда.

³⁸⁶ ЎЗР ЖПК: Айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори, 385-модда.

³⁸⁷ ЎЗР ЖПК: Эҳтиёт чораси тўғрисида қарор, 386-модда.

³⁸⁸ ЎЗР ЖПК: Жиноят ишини судга юбориш, 388-модда.

вакилларига дарҳол хабар қилади ва, агар илтимослари бўлса, уларни судга юборишга ёки суд мажлисида баён қилишга ҳақли эканликлари тўғрисида маълум қилади. Айни вақтда прокурор ёки унинг ўринбосари айбланувчига ва ҳимоячига айблов хулосаси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхаларини юборади, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати бундан мустасно, башарти айблов хулосасига ёки иловага ўзгартиришлар киритилган бўлса, уларни ўзгартириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ҳам юборилади³⁸⁹. Суд тергови раислик қилувчи томондан айблов хулосасининг ўқиб эшиттирилишидан, судланувчидан ўз айбига иқrorлиги ёки иқror эмаслигини сўрашдан бошланади³⁹⁰.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячи унинг ҳимояланувчисига эълон қилинган айбловлар ҳақида қандай ва қачон хабар берилганини аниқлаши лозим. Унинг ҳимояланувчиси нафақат айблов хулосаси нусхасини олганлиги, балки айблов хулосаси матни турли сабабларга кўра ўқиб бўлмайдиган ёки айбланувчи учун тушунарсиз тилда ёзилгани билан боғлиқ ҳолларни олдини олиш учун айблов хулосасини ўқиш ва айблов моҳиятини тушуниш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Бир неча жилддан иборат кўп эпизодли ишларни кўриб чиқишда, фақат судланувчи ёки ҳимоячини хотирасига таяниш иложи бўлмаган ҳолларда бунга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Судланувчи айблов ҳажми билан яхши таниш эканлиги, у унга тушунарли эканлиги ва айбловнинг ҳар бир воқеаси бўйича ҳимоя ва судга нимани ва қандай хабар қилишни билишига ишонч ҳосил қилиш лозим. Агар суд айблов хулосаси судланувчига муддатларни бузган ҳолда топширилганлиги ёки умуман топширилмаганлигини аниқлаб, суд мажлисини бошқа кунга қолдиришни рад қилса, бунга чора кўриш лозим, чунки судланувчида айблов билан танишиш ва ўз ҳимоясини тайёрлаш учун етарли муддат бўлиши лозим. Айни пайтда жиноий иш материаллари билан суд муҳокамаси бошланиши ва ўтказилишида танишиш ҳуқуқидан фойдаланиш лозим, чунки жиноий иш материаллари билан танишгандан сўнг дастлабки тергов якунида ишга прокурор томонидан айблов хулосасини тасдиқлаш даврида ва ишни судга юбориш даврида тузилган ҳужжатлар, шу жумладан ҳимоянинг шикоятлари ва унга берилган жавоблар қўшилиши мумкин.

³⁸⁹ ЎЗР ЖПК: Жиноят ишини судга юбориш, 388-модда.

³⁹⁰ ЎЗР ЖПК: Суд терговининг бошланиши, 439-модда.

5. Ҳимояланиш ҳуқуқи

Жиноят содир этганликда айбланувчи ҳар ким ўзини шахсан ёки ҳимоячи орқали ҳимоя қилишга ҳақли. Айбланувчи ўз танловига кўра ҳимоячи ёрдамидан фойдаланишга ҳақли. Унинг ҳимоячиси бўлмаса ва буни одил судлов манфаатлари талаб қилса, ҳимоячига ҳақ тўлашга маблағлари бўлмаган ҳолларда у суд томонидан бепул ҳимоячини тайинланиши ҳуқуқига эга. Айбланувчилар ўз ҳимоясини тайёрлаш учун етарли вақт ва имкониятларга эга бўлишлари лозим.

Халқаро стандартлар

Ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи шуни англатадики, жиноят содир этганликда айбланувчи барча шахслар айбловдан ҳимояланиш ҳуқуқи ва ўз ҳимоясини тайёрлаш учун етарли вақт ва имкониятларга эга бўлиш ҳуқуқига эга³⁹¹.

Жиноят содир этганликда айбланувчи шахслар, мустақил равишда ўзлари ёки ўзлари танлаган ҳимоячи орқали ҳимояланишлари мумкин:

- i. айбланувчи бу ҳуқуқ тўғрисида хабардор бўлиши лозим;
- ii. ҳимоянинг ушбу икки тури (шахсан ёки адвокат орқали) бир-бирини ўзаро мустасно этмайдиган турлардир. Адвокат ёрдамидан фойдаланувчи айбланувчилар адвокатни ишни унинг касбий мажбуриятлари доирасида юритилишига доир йўл-йўриқ бериш ҳамда ўз номидан кўрсатмалар беришга ҳақли³⁹².

Ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи тайинланган адвокатни қабул қилишга мажбурланмаслиги ҳуқуқи³⁹³ ва ҳар қандай адвокат ёрдамидан воз кечиш ҳуқуқини ҳам англатсада, ўзини шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқи мутлақ эмас³⁹⁴. Айбланувчининг ўзини шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқининг ҳар қандай чекланиши холис ва етарлича жиддий сабабга эга бўлиши, ҳамда одил судлов манфаатларига риоя этиш заруриятининг чегараларидан чиқмаслиги лозим. Аммо, айрим ҳолларда одил судлов манфаатлари айбланувчининг ихтиёрига қарамай адвокат тайинлашни талаб этиши мумкин:

³⁹¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 32- ва қолган бандлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида маъруза, OEA/Ser.L/V/II.116, Doc. 5 rev. 1, сог., 2002 йил 22 октябр, 235-, 236- ва 237-бандлар.

³⁹² Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 37-банд.

³⁹³ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, қолганлар қаторида, 1981 йил 29 июлдаги фикр, *Сандиас де Лопес Уругвайга қарши*, № 52/1979 хабар; 1983 йил 29 мартдаги қарор, *Эстрелла Уругвайга қарши*, № 74/1980 хабар. Шунингдек қаранг № 232/1987, *Пинто Тринидад ва Тобагога қарши*, 1990 йил 20 июлдаги фикр; 1998 йил 6 апрелдаги фикр, *Виктор П. Домуковский, Заза Циклаури, Пётр Гелбахиани ва Ираклий Доквадзе Грузияга қарши*, №№ 623/1995, 624/1995, 626/1995, 627/1995 хабарлар, 18.9 банд.

³⁹⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 37-банд.

- i. айбланувчи суд муҳокамасини лозим даражада юритилишга салмоқли даража ва доимий равишда тўсқинлик қилса;
- ii. шахсга оғир жиноят содир этганликда айбловлар эълон қилинган бўлса, ва у ўз манфаатларида ҳаракат қилишига имкони бўлмаса;
- iii. судланиш ҳолатида ўлим жазоси шаклидаги жазо тайинлаш эҳтимоли бўлса, айбланувчига малакали адвокат ёрдамани тақдим этиш иш юритувининг барча босқичларида аксиоматикдир³⁹⁵;
- iv. ҳимояга муҳтож гувоҳларни айбланувчига бериладиган саволлар натижасида қийноқлар ва қўрқитишдан ҳимоя қилиш лозим бўлган ҳолларда.

Бу ҳолларда, айбланувчи унинг манфаатлари шахсий танловга кўра адвокат ёки тайинланган адвокат томонидан ҳимоя қилинишига қарши бўлганда ҳам, суд адвокат тайинлаши лозим³⁹⁶.

Айбланувчининг манфаатлари жиноий иш бўйича судга қадар муҳокама давомида адвокат томонидан ҳимоя қилинмаса, суд ёки трибунал унга адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида хабар бериши лозим. Бундай хабарнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида, ҳимояни тайёрлаш учун етарли вақт ва имкониятларни таъминлаш учун бу аввалдан амалга оширилиши лозим.

Умуман, айбланувчи унинг манфаатларини қайси адвокат ҳимоя қилинишини танлаши мумкин. Аммо шахсий танловга кўра адвокат тақдим этиш ҳуқуқи адвокатнинг ҳаракатлари касбий этика чегарасидан чиққан, у жиноий суд юритувида айбланувчи бўлган ёки суд тартиб-тамоийлларида риюя этишдан бош тортган ҳолларда чекланиши мумкин.

Айбланувчи ўз манфаатларини ифода этиш учун ўз танловига кўра адвокатга эга бўлмаса, бунини одил судлов манфаатлари талаб этганда, адвокат тайинланиши мумкин. Одил судлов манфаатлари адвокат тайинлашни талаб қилиши-қилмаслигини аниқлаш, аввало жиноят оғирлиги, судда кўрилиши лозим бўлган масалалар, қандай ҳукм чиқарилиши эҳтимоли ва иш мураккаблилигига асосланади. Айбланувчига ўлим жазоси кўринишдаги жазо тайинланиши кутилган ҳолларда адвокатнинг суд юритувининг барча босқичларида фаол иштироки шарт ҳисобланади.

Айбланувчи адвокат хизматларини тўлаш учун етарли маблағга эга бўлмаганда, одил судлов манфаатлари уни тайинлашни талаб этган ҳолларда, давлат адвокатни бепул тақдим этиши лозим. Судлар томонидан тайинланган адвокатлар ўз мажбуриятларини қонун, юридик касбнинг эътироф қилинган стандартлари ва этикасига мувофиқ эркин ва ҳалол адо

³⁹⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, 2003 йил 6 ноябрдаги фикр, *Қурбонов Тожикистонга қарши*, № 1096/2002 хабар, 6.5 банд; 2003 йил 7 августдаги фикр, *Алиев Украинага қарши*, № 781/1997 хабар; 1989 йил 30 мартдаги фикр, *Робинсон Ямайкага қарши*, № 223/1987 хабар; 1999 йил 23 мартдаги фикр, *Браун Ямайкага қарши*, № 775/1997 хабар.

³⁹⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1992 йил 25 сентябрдаги қарор, *Круассан Германияга қарши*, № 13611/88 шикоят.

этишлари, айбланувчини судда ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини малакали амалга оширишлари лозим. Улар касбий этиканинг умумэтироф қилинган қоидаларига мувофиқ, чекловсиз, ҳар қандай томондан таъсир, босим ёки асоссиз аралашувсиз жиноий қонунбузарликларда айбланаётган шахсларга маслаҳат бериш ва манфаатларини ифода этишлари лозим³⁹⁷. Агар айбланувчининг манфаатлари тайинланган адвокат томонидан ҳимоя қилинса:

- i. суд ёки бошқа ваколатли орган тайинланган адвокат тажриба ва малакага, ҳамда шахс айбланаётган жиноят характериға мос билмларға эғалигини кағолатлаши лозим; ва
- ii. суд ёки бошқа ваколатли орган тайинланган адвокатға ўз мажбуриятларини самарали бажаришға, масалан, айбланувчига у билан мулоқот қилишға рухсат бермаслик каби ҳаракатлар билан халал бермаслиги лозим³⁹⁸.

Айбланувчилар ўз ҳимоясини тайёрлаш учун етарли вақт ва шароитларға эға бўлиши лозим³⁹⁹:

- i. «етарли вақт» тушунчаси ҳар бир ишнинг шароитларига боғлиқ. Ҳимоячи асосланган равишда ҳимояни тайёрлаш учун вақт етарли эмас, деб ҳисобласа, у суд муҳокамаси муддатини кўчириш тўғрисида илтимос билдириши лозим;
- ii. трибунал ёки суд ишни судда кўриш муддатларини кўчириш тўғрисидаги асосли илтимосномаларни қаноатлантириши лозим, шу жумладан, ҳимояланувчи оғир жиноят содир этганликда айбланса ва унга ўз ҳимоясини тайёрлаш учун қўшимча вақт керак бўлса;
- iii. «етарли имкониятлар» ҳужжатлар ва бошқа далиллардан, ҳамда айбланувчига ўз позициясини тайёрлаш учун керак бўлган ишнинг барча материалларидан фойдаланиш имконияти ўз ичига олади;
- iv. «етарли имкониятлар» айблов тарафи судға тақдим этишни режалаштираётган ёки айбланувчига қарши, ёки уни оқлашға қаратилган ҳужжатлар ва бошқа далиллар, ҳамда барча материаллардан фойдаланиш имкониятини ўз ичига олади. Оқлов ҳужжатлари нафақат айбсизликни аниқловчи материаллар, балки ҳимоя тара-

³⁹⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 32-банд.

³⁹⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2004 йил 27 мартдаги фикр, *Арутюнян Ўзбекистонға қарши*, № 917/2000 хабар, 6.3 банд.

³⁹⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, № 32 ва қолган бандлар, 2005 йил 29 мартдаги фикр, *Морэ Анголага қарши*, № 1128/2002 хабар, 5.4 ва 5.6 бандлар; 1992 йил 27 июлдаги фикр, *Райт Ямайкаға қарши*, № 349/1989 хабар, 8.4 банд; 1992 йил 31 мартдаги фикр, *Томас Ямайкаға қарши*, № 272/1988 хабар, 11.4 параграф; 1991 йил 1 ноябрдаги фикр, *Генри Ямайкаға қарши*, № 230/87 хабар, 8.2 банд; 1991 йил 11 апрелдаги фикр, *Майкл Соьерс ва Майкл Десмонд МакЛин Ямайкаға қарши*, №№ 226/1987 ва 256/1987 хабарлар, 13.6 банд; 2005 йил 31 октябрдаги фикр, *Чан Гайанаға қарши*, № 913/2000 хабар, 6.3 банд; 1998 йил 20 октябрдаги фикр, *Филип Тринидад ва Тобагоға қарши*, № 594/1992 хабар, 7.2 банд; 2005 йил 21 октябрдаги фикр, *Киспе Роке Перуга қарши*, № 1125/2002 хабар, 7.3 банд.

фига ёрдам бериши мумкин бўлган бошқа далиллар каби тушунилиши лозим (масалан, иқрор бўлиш ихтиёрий бўлманлиги хусусида далиллар);

- v. «етарли имкониятлар» адвокатни жалб қилиш ва у билан мулоқотда бўлиш имкониятини ҳам ўз ичига олади.

Адвокат билан мулоқотда бўлиш ҳуқуқи айбланувчига шошилиш тартибда адвокат билан мулоқот қуриш имконияти тақдим этилиши лозимлигини англатади. Адвокатлар ҳимояланувчи билан ёлғиз учрашиш ва улар билан конфиденциаллик талабларига тўлиқ жавоб берувчи шароитларда мулоқотда бўлиш (ёзишма ёки телефон орқали) имкониятга эга бўлишлари лозим⁴⁰⁰. Бундай мулоқот ёки телефон сўзлашувлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг кўриш доирасида, лекин эшитиш чегарасидан ташқарисида ўтиши мумкин⁴⁰¹.

Адвокатлар жиноят содир этганликда айбланувчи шахслар манфаатларини касбий этиканинг умумэтироф қилинган стандартларига мувофиқ, чеклов, босим ва асосиз аралашувларсиз ифода этиш имкониятига эга бўлишлари лозим⁴⁰². Бу шуни ҳам англатадики, адвокатлар ўз мажбуриятларини амалга ошириш натижасида ўз мижозлари ёки уларнинг фаолияти билан тенглашмасликлари лозим. Адвокатларнинг мижозлар фаолияти билан тенглаштирилиши, агарда бундай фикрларни тасдиқлаш учун етарли далиллар мавжуд бўлмаса, бу адвокатларни қўрқитиш ёки тазйиқ остига олиш шаклини ташкил этиши мумкин⁴⁰³.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЖПКнинг 47-моддасига мувофиқ, айбланувчи ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш ҳуқуқига эга, ушбу Кодекснинг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно⁴⁰⁴. Гумон қилинувчи,

⁴⁰⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 34-банд.

⁴⁰¹ Ҳар қандай шаклда ушланаётган ва ҳибсга олинаётган барча шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўплами, 18 (4) тамойил.

⁴⁰² Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 34-банд.

⁴⁰³ Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузасининг ҳисоботи, E/CN.4/1998/39, 179-банд.

⁴⁰⁴ ЎзР ЖПК: Ушлаб турилганларга учрашиш учун рухсат бериш, 230-модда:

«Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан учрашувга ушбу Кодекс 46-моддасининг биринчи қисмида ва 48-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қоидаларга кўра рухсат берилади.

Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан биринчи холи учрашувга биринчи сўроққача рухсат берилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланаётган ушлаб турилган шахснинг ҳимоячи билан учрашувига ушбу Кодекс 22б-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган эҳтиёт чораси қўлланилиши лозим бўлган, муддатлар инobatга олинган ҳолда рухсат берилади ҳамда учрашув суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан икки соатга қадар чекланиши мумкин.

Ушлаб турилган шахсга қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга ушлаб турилган шахслар сақланадиган жойнинг маъмурияти ушлаб туриш тўғрисидаги материаллар қайси терговчи ёки суриштирувчининг иш юритувида бўлса, фақат ўша терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсати асосида ижозат беради, ҳимоячи билан учрашув бундан мустасно».

айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир⁴⁰⁵. Судья жиноят иши судда муҳокама қилиш учун тайинлангандан сўнг прокурор, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, башарти улар дастлабки тергов даврида иш материаллари билан таништирилмаган бўлсалар, ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишлари ва ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни кўчириб олишларига имконият яратиши шарт⁴⁰⁶.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори кўрсатма беради:

«1. Судларга тушунтирилсинки, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шахсий эркинлик ва дахлсизлик таъминланишини кафолатловчи нормаларидан келиб чиқади.

2. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи — юзага келган гумон, қўйилган айбни рад этиш ёки жавобгарлик ва жазони юмшатиш учун унга қонун билан берилган процессуал имкониятлар (восита ва усуллар) йиғиндиси.

3. Ҳимоя ҳуқуқи жиноят-судлов ишларини юритишнинг барча босқичида таъминланади.

Қонунга кўра (ЖПК 24, 64-моддалари), жиноят ишини юритишга масъул барча давлат органлари ва мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья) гумон қилинувчига, айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтиришлари ва ўзига тегишли ҳимоя ҳуқуқидан амалда фойдаланиши учун реал шароит яратиб беришлари шарт.

31. Жиноят-процессуал кодекси 50-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд (судья) гумон қилинувчини, айбланувчини юридик ёрдам учун ҳақ тўлашдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда давлат ҳисобидан қопланади. Жиноят-процессуал кодекси 50-моддасига асосан юридик ёрдам учун ҳақ тўлашдан меҳнатга қобилиятсиз ва тўловга қурби етмайдиган шахслар⁴⁰⁷,

⁴⁰⁵ ЎЗР ЖПК: Ҳимоячини таклиф этиш, 50-модда, 3-қисм.

⁴⁰⁶ ЎЗР ЖПК: Процесс иштирокчиларининг жиноий материаллари билан танишиши, 402-модда.

⁴⁰⁷ Шу тарзда дастлабки тергов органи, суд жиноий жавобгарликка тортилувчи шахснинг оиласи кам таъминланган бўлгандагиан ҳимоячи тайинлаши мумкин:

«Оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида қарор (ажрим) қабул қилинган кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган шахслар адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг иш жойидан берилган охириги ўн икки ойлик даромади тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлган тақдирда, уни илова қилган ҳолда яшаш жойидаги маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғини

яъни қарамоғидаги ҳар бир шахсга тўғри келадиган жами даромади энг кам иш ҳақининг ушбу масала кўриладиган вақт учун белгиланган миқдоридан кўп бўлмаган, бинобарин кам таъминланган фуқаролар озод қилинади»⁴⁰⁸.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоя ҳимояланувчи билан холи равишда учрашиш, далиллар тўплаш, уларни судга тақдим этиш, суд томонидан ҳимоя важларининг инobatга олиниши билан боғлиқ реал имкониятлар яратилгандагина амалга оширилиши мумкин. Амалиётда ҳимоячилар судланувчи ва ҳимоянинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари этиборга олинмаслиги ёки бузилиши билан боғлиқ вазиятларга дуч келиши мумкин. Масалан, суд ҳимоячини, унинг судга келиши учун талаб этиладиган вақтни ҳисобга олмасдан суд мажлиси вақти ҳақида телефон орқали хабардор қилса, хабарни эса почта орқали суд муҳокамаси кунида жўнатса, оқибада эса хабар адвокатга иш кўрилгандан сўнг келса, — бу ҳимоячининг иштироки учун тўсиқ бўлиб, ҳақиқатда ҳибсга олинган шахсни ҳимоя ҳуқуқидан маҳрум этади⁴⁰⁹.

Ҳимоячилар суриштирувчилар, терговчилар ЎЗР ЖПК⁴¹⁰ ва ОСП⁴¹¹ талабларига қарамай, руҳий босим ўтказишга ва ҳибсга олинган шахснинг қариндошлари ёки унинг ўзи танлаган ҳимоячини ҳимоячи давлат ҳисобидан тайинланганлигини баҳона қилиб йўлига тўсқинлик қилишга

ёки фуқаролар йиғини томонидан ваколатланган комиссия томонидан берилган хулосага асосан ҳақ тўлашдан озод қилинади ва харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади.

Ҳужжатларни тўплаш мажбурияти суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга юклатилади. Ушбу ҳужжатлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ёки уларнинг қариндошлари томонидан ҳам тақдим этилиши мумкин.

Кечиктириб бўлмайдиган тергов харажатларини амалга ошириши шарт бўлган муддатларда кўрсатилган ҳужжатларни тўплаш имконияти бўлмаса суриштирувчи, терговчи, прокурор бу ҳужжатларни келгусида тўплаш билан гумон қилинувчи ва айбланувчини юридик ёрдам учун тўловдан озод этишга ҳақлидир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан озод этишга асослар мавжуд эмаслиги фактлари аниқланса, адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам бўйича харажатларини қоплаш ҳукм қилинганга юклатилади».

2008 йил 26 ноябрдаги Адлия вазирлигининг № 8 ва Молия вазирлигининг № 109 Фармойиши, 2008 йил 2 декабрдаги № 1878 билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

⁴⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан.

⁴⁰⁹ Мазкур иш гуруҳи ушбу босқичдаёқ зудлик билан чора кўриши ва мамлакат Ҳукуматидан ҳимояланувчининг қайси асосда ва қаерда сақланаётганини сўраши, ҳамда уни ҳибсга олиш халқаро стандартлар нуктаи назаридан ноқонуний деб тан олинса, озод этишга доир чора кўриши тавсия этиши мумкин.

⁴¹⁰ ЎЗР ЖПК: Ҳимоячини таклиф этиш, 50-модда 3-қисм: «Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир».

⁴¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан, 12-банд.

уринаётган, йўқса итоатсизлик «унинг салбий оқибатларга олиб келиши» билан дўқ қилаётган ҳолатларга нисбатан чора кўришлари лозим. Агар ҳимоячи ишда бошқа ҳимоячи иштирок этганидан сўнг жиноий процессга киришган бўлса ёки у аввалги адвокат мижоз манфаатлари кўзламай, суриштирув ёки тергов манфаатларида ҳаракат қилган, деб ҳисоблашга асослари бўлса, Адвокатлар этикаси қоидалари доирасида у ҳамкасбига мурожаат этиб, унинг ҳаракатларида аниқланган қонунбузарликларга ишора қилиши, унинг важларини эшитиши, у билан норози бўлган ҳолда — у меҳнат қилаётган адвокатлик ташкилоти раҳбарининг номига, кейинчалик, зарур ҳолларда — Адвокатлар палатаси ҳузуридаги интизомий комиссиясига чора кўришни сўраб мурожаат қилиши лозим⁴¹².

Ҳамкасбнинг тергов ёки суд давомида шахсни ҳимоясиз қолдирганлиги, қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлиги тўғрисидаги далиллар судга ҳам баён этилиши мумкин, у эса зарур ҳолларда бу фактларни суриштирувини ўтказиши, иш моҳиятига кўра қарор қабул қилиши ва адвокатнинг ноқонуний ҳаракатларига нисбатан чора кўриши лозим. Масалан, судда иш юритиш олиб борилаётган тилни билмайдиган хориж фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс, таржимонсиз қолиб кетганда, ёки процесс саводсиз шахслар устидан ёки процессуал ҳаракатлар, суд ва тергов ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунмаслигига олиб келувчи жисмоний ва руҳий имконияти чекланган шахслар устидан олиб борилаётганда, ҳамда бу имкониятлар чекланганлиги тўғрисида суд-тиббий экспертизасининг расмий хулосаси мавжуд бўлмаганда, ҳимоячи эса ушбу ҳуқуқ бузилишини бартараф этишни талаб қилмаса, унда жиноий жавобгарликка тортилаётган гумон қилинувчи, айбланувчи нимада гумон қилинаётгани, айбланаётгани ва бундан қандай қилиб ҳимоялашниш лозимлиги ҳақида билиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши мумкин.

Ҳимоячилар адвокат иштирокчисиз тузилган тергов процессуал ҳужжатларни ўтиб кетган сана билан имзолашлари мумкин эмас. Бу ҳам қонунчилик меъёрлари⁴¹³, ҳамда Адвокатларнинг касб этика қоидаларининг⁴¹⁴ яққол бузилишидир.

Ҳимоячининг иштироки мажбурий бўлган вояга етмаганлар ишларини кўришда уларнинг ҳуқуқларининг бузилиши мумкинлигига эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, ота-оналарнинг вояга етмаганларни сўроқ давомида терговчи хонасидан ташқарида кутиб туриши ва уларнинг иштирокисиз тузилган баённомаларнинг сўроқдан кейинги имзоланиши ҳам қонунчиликка зиддир, чунки акс ҳолда бу процессуал ҳужжатлар формал жиҳатдан номақбул далиллардир. Аммо амалий жиҳатдан улар далиллар каторидан чиқарилиши лозим, чунки ўрнатилган тартибни бузган ҳолда тузилган. Ҳимоячининг қистови билан вояга етмаган шахс, ҳимоячи унга жиноятни содир этганликда иқрор бўлиш унинг озодликка чиқарилиши ёки жазонинг юмшатилишига олиб келади, деб ваъдалар бериши сабаб-

⁴¹² ЎзР Адвокатлари касб этикаси қоидалари, 3.9 банд.

⁴¹³ ЎзР ЖПК: Ҳимоячининг ваколатлари, 53-модда.

⁴¹⁴ ЎзР Адвокатлари касб этикаси қоидалари, 2.2, 2.4 бандлар.

ли ҳақиқатда содир этмаган жиноятга иқдор бўлиши ҳолатлари, этика ва қонунчиликнинг қўпол бузилиши бўлади.

Шунингдек, прокурор, суд бунга эътибор қаратмай, бир ҳимоячи очиқ қарама-қарши позицияларга эга бир неча айбланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолатларга ҳам эътибор қаратиш лозим. ЎЗР ОСП қарори талаб этишича⁴¹⁵, процессга, масалан, ҳукмнинг апелляция шикоят қилиниши босқичида киришган янги адвокат билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида келишув имзоланса, ҳимоя ҳуқуқий салмоқли бузилгани фактига эътибор қаратиш лозим. Шу маънода, ЎЗР ОСП ўзининг қарорида қуйидагиларни белгилади: «Қонунга мувофиқ (ЖПК 20-, 51-, 487-моддалари) қуйидаги ҳоллар гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши деб баҳоланади, агар: манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлган бир неча шахснинг ҳуқуқлари битта ҳимоячи томонидан ҳимоя қилинган бўлса. Иш бўйича кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг аниқланиши суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади».

6. Таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи

Жиноят этганликда айбланаётган ҳар ким у судда қўлланилаётган тилни тушунмаса ёки унда сўзламаса, бепул ваколатли таржимон ёрдамидан фойдаланишга ҳақли.

Халқаро стандартлар

Таржимон ҳуқуқи ҳимоя ҳуқуқига ва жинсий процессда тарафлар тенглиги тамойилига риоя этиш ва уларни қўллашнинг ажралмас қисмидир. Бу жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларнинг суд процесси вақтида барча рўй бераётган ҳодисаларни, шу жумладан ишлатилаётган ҳар қандай ҳужжатларни тушунишини таъминлашнинг фундаментал шартларидан биридир. Бу ҳуқуқ судда ишлатилаётган тилни билмаслик ёки уни тушунишда қийналиш ҳимоя ҳуқуқини амалга оширишда бош тўсиқ бўлиши мумкин бўлган ҳолларда принципиал аҳамиятга эгадир⁴¹⁶.

Айбланувчига трибунал ёки суд томонидан ишлатилаётган тилни тушунмаса ёки сўзламаса, ёки судда ишлатилаётган тилни тушунишга ёки ўз фикрларини ифода этишга қийналса, бепул таржимон ёрдами тақдим этилиши лозим⁴¹⁷.

⁴¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинучи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан, 21-банд.

⁴¹⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 40-банд.

⁴¹⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1991 йил 11 апрелдаги фикр, *Ив Кадоре ва Эрве Ле Биан Францияга қарши*, № 323/1988 хабар, 5.6 банд; 1991 йил 11 апрелдаги фикр, *Эрве Баржиг Францияга қарши*, № 327/1988 хабар, 5.5 банд; 1990 йил 25 июлдаги фикр, *Доминик Гесдон Францияга қарши*, № 219/1986 хабар, 10.2 банд.

Таржимон ҳуқуқи ҳам чет эл фуқаролари, ҳам мамлакат фуқароларига татбиқ этилади. Бунга қарамай, бу ҳуқуқ, ўзи учун она тил бўлмасда, ўзини ҳимоя қилиш учун суд процесси тилини етарлича эркин биладиган айбланувчиларга нисбатан татбиқ этилмайди⁴¹⁸.

Таржимон ҳуқуқи оғзаки судловнинг барча босқичларида, шу жумладан суриштирув, дастлабки тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларга қўлланилади.

Судланувчининг процесс боришини тушуниши ва ўз ҳимоясини тайёрлаши учун керакли барча ҳужжатларни таржима қилиш ҳуқуқи ҳам муҳим роль ўйнайди⁴¹⁹. Бунга қарамай, иш шароитларидан ва у ёки бу ҳужжатнинг ҳимояни амалга ошириш учун муҳимлигидан келиб чиқиб, бундай таржима оғзаки бўлиши лозим, ва бу ҳужжат ҳимоячи учун тушунарли бўлса, ёзма бўлиши шарт эмас⁴²⁰.

Оғзаки ёки ёзма таржиманинг сифати айбланувчига судда иш юритишнинг боришини тушунишга ва ўзининг ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланишга, суд органига эса айбланувчининг кўрсатмаларини тушунишга имкон берувчи даражада бўлиши лозим. Кейинчалик судланувчи судланган бўлса ҳам, у таржимага кетган сарф-харажатларни қопламаслиги лозим⁴²¹.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Адолатли суд ишлари юритилиши ҳуқуқининг кафолати сифатида судловнинг тилини билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади⁴²².

Жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади⁴²³. Жиноий процессда таржимон қуйидаги ҳолларда чақирилади:

- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса ёинки кар ёки соқов бўлса;
- бирор матнни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса⁴²⁴.

⁴¹⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 40-банд.

⁴¹⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Никарагуа мискито аҳолиси инсон ҳуқуқларига доир вазият тўғрисида ҳисобот, ОЕА/Ser.L/V/II.62, Doc. 10, rev. 3, 1983 йил.

⁴²⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, 1994 йил 15 июлдаги фикр, *Баррии Стефен Харввард Норвегияга қарши*, № 451/1991 хабар, 9.5 банд.

⁴²¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1978 йил 28 ноябрдаги қарор, *Луедике, Белка-цем ва Кок Германияга қарши*, №№ 6210/73, 6877/75, 7132/75 шикоятлар, 48–50-бандлар.

⁴²² ЎзР «Судлар тўғрисида»ги қонун: Суд иш юритиш тили, 8-модда; ЎзР ЖПК: Жиноят ишлари юритиладиган тил, 20-модда.

⁴²³ ЎзР ЖПК: Жиноят ишлари юритиладиган тил, 20-модда.

⁴²⁴ ЎзР ЖПК: Таржимон, 71-модда.

Таржимонга тегишли қоидалар иш юритишда иштирок этиш учун таклиф қилинган, қар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунадиган шахсга нисбатан ҳам қўлланилади⁴²⁵. ЎзР ЖПК 71- ва 72-моддалари дастлабки терговдан тортиб судгача жиноий процесснинг барча босқичларида таржимоннинг таклиф этиш тартиби, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамлайди.

Таржимон таржимани аниқлаштириш мақсадида процесс иштирокчиларига саволлар бериш; ўзи қатнашган тергов ҳаракатлари баённомаси, шунингдек суд мажлиси баённомаси билан танишиш ҳамда баённомага киритилиши лозим бўлган мулоҳазалар билдириш; башарти таржима қилиш учун зарур билим ва малакага эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан воз кечиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир⁴²⁶.

Таржимон суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ўзига топширилган таржимани аниқ ва тўлиқ бажариши; таржиманинг тўғрилигини ўзининг иштирокида ўтказилган тергов ҳаракати баённомаси ва суд мажлисининг баённомасига, шунингдек процесс иштирокчиларига уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб топшириладиган процессуал ҳужжатларга имзо чекиш билан тасдиқлаши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт⁴²⁷.

Иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи биладиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, судда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Бундай ҳолларда, шунингдек иш материаллари билан танишиш вақтида процесс иштирокчилари қонунда белгиланган тартибда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин⁴²⁸.

Айбланувчига, судланувчига ёки процессда иштирок этувчи бошқа шахсларга тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим⁴²⁹.

ЎзР Олий суди Пленуми кўрсатма берганидек, қолган ҳолатлардан ташқари⁴³⁰, унинг ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса; қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлган иш ҳимоячининг иштирокисиз тергов қилинган ёки судда кўрилган бўлса;

425 ЎзР ЖПК: Таржимон, 71-модда.

426 ЎзР ЖПК: Таржимоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 72-модда.

427 Ўша жойда.

428 Ўша жойда.

429 Ўша жойда.

430 Юқоридаги «Судгача юридик ёрдам олиш ҳуқуқи» бўлимига қаранг.

манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлган бир неча шахснинг ҳуқуқлари битта ҳимоячи томонидан ҳимоя қилинган бўлса; дастлабки тергов та-момлангандан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таниш-тирилмаган бўлса ва қоидабузарлик суд томонидан бартараф этилмаган бўлса; айбланувчига айблов хулосаси топширилмаган бўлса; ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи сўзлаш учун имконият, шунингдек, охириги сўз берилмаган бўлса; иш судланувчининг иштирокисиз кўрилган бўлса (ЖПКнинг 410-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши деб баҳоланади ва иш бўйича кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг аниқланиши суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади⁴³¹.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоя таржима ҳуқуқига шунчаки муносабатда бўлиши мумкин эмас, чунки таржимон мавжуд бўлган, лекин аслида айбланувчи учун ўз иш-ни бажармаган, таржимани эса, масалан, адвокат қилиб, рўй бераётганларни сўзма-сўз эмас, умумий қилиб таржима қилган вазиятлар бўлиши мумкин. Бу ўз навбатида тергов ва суд давомида рўй бераётганларни тўлиқ тушунмасликка олиб келиши муқаррар, бундай ҳолатда ҳимояга мос равишда тайёргарлик кўриш имкониятини таъминлангани тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Ҳимояланувчининг иш материаллари, суд жараёнида рўй бераётганлар, суд мажлиси баённомаси ва суд қарорининг оғзаки ва ёзма таржимасидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилганда, ҳимоя одил судловга бўлган ҳуқуқининг таркибий қисми бузилганлигини кўрсатиб, бу ҳақда апелляция тартибида шикоят қилиши шарт, чунки ҳимояланувчи унга тушунарли тилда иш материаллари ва суд қарорлари билан танишмаса, ўз ҳимоясини мос равиш-да тайёрлаш ва суд ҳукмига шикоят қилиш имкониятидан маҳрум бўлади.

7. Суд ишени кўриб чиқишда шахсан иштирок этиш ҳуқуқи

Жиноятда айбланаётган ҳар бир шахс айблов позициясини эшитиш ва эътироз билдириш ҳамда ўз ҳимоясини тақдим этиш учун суд муҳокамасида иштирок этишга ҳақлидир.

Халқаро стандартлар

Айбланувчи бутун судлов давомида трибунал ёки судда шахсан иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ давлат органлари зиммасига айбланувчини

⁴³¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан.

(ва унинг ҳимоячисини) аввалдан суд муҳокамаси ўтказиладиган санаси ва жойи ҳақида хабардор этиш, айбланувчи иштирок этиши зарурлигини кўрсатиш ва айбланувчини ишдан асосиз тарк этилишига йўл қўймаслик борасида мажбуриятлар юклайди⁴³².

Айбланувчининг суд мажлисида қатнашиш ҳуқуқи айбланувчи суд мажлиси боришини суд унинг иштирокида мажлисни давом эттириб бўлмайди, деб ҳисоблаган даражада бузса, истисно тариқасида вақтинча чекланиши мумкин. Бунга қарамай, шу ҳолда ҳам айбланувчи манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат ўз мижози ҳимоясини таъминлаши учун суд процессида иштирок этишда давом этиши лозим.

Айбланувчи ихтиёрий равишда суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқидан воз кечиши лозим, аммо бундай воз кечиш аниқ бўлиши лозим, ёзма шаклда бўлиши мақсадга мувофиқ⁴³³.

Қоида тариқасида иш айбланувчининг иштирокисиз (*in absentia*) кўрилмаслиги лозим. Аммо бу одил судловни лозим даражада амалга ошириш манфаатларини кўзлаб алоҳида мустасно шароитлар бўлганда (масалан, айбланувчи суд муҳокамаси тўғрисида олдиндан берилган хабарни олиб, ўзининг иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланмоқчи бўлмаса ёки мажлисда иштирок этишдан бош тортса), рўй бериши мумкин. Адолатли суд муҳокамаси соҳасидаги инсон ҳуқуқларига доир халқаро стандартларни бажариш учун айбланувчининг иштирокисиз суд муҳокамасини ўтказишда⁴³⁴:

- i. айбланувчини унга эълон қилинган айблар тўғрисида хабардор қилиш ва уни жиноий иш олиб борилаётгани тўғрисида хабардор қилишга доир барча керакли чоралар;
- ii. айбланувчига суд муҳокамасини ўтказиш санаси ва жойи тўғрисида аввалдан хабар қилиш ва унинг унда иштирок этиши зарурлигини кўрсатишга доир барча керакли чоралар;
- iii. ҳимояни амалга ошириш ҳуқуқини, хусусан, адвокат тайинлаш ва адолатли суд муҳокамасининг асосий талабларига риоя этиш орқали таъминлаш учун барча чоралар⁴³⁵ кўрилиши талаб қилинади.

Айбланувчи сиртдан (*in absentia*) маҳкум этилган ҳолда ҳокимият уни суд муҳокамаси тўғрисида хабардор қилиш бўйича керакли чоралар кўрмаганлиги ёки у тегишли равишда хабардор қилинмаганлиги исбот-

⁴³² Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 36-банд.

⁴³³ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 36-банд, ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1993 йил 23 ноябрдаги қарор, *Пуатримол Францияга қарши*, № 14032/88 шикоят.

⁴³⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 31-банд; 1983 йил 25 мартдаги фикр, *Мбенге Зоирга қарши*, № 016/1977 хабар, 14.1 банд.

⁴³⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1993 йил 23 ноябрдаги қарор, *Пуатримол Францияга қарши*, № 14032/88 шикоят; 1994 йил 22 сентябрдаги қарор, *Пелладоа Нидерландияга қарши*, № 16737/90 шикоят; ва 1994 йил 22 сентябрдаги қарор, *Лала Нидерландияга қарши*, № 14861/89 шикоят.

ланса ёки уни судда иштирок этмаганлиги унга боғлиқ бўлмаган сабаб ва шароитларга боғлиқ бўлса, у такроран суд муҳокамасини ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Биринчи инстанция судининг мажлисида жиноят иши судланувчининг иштирокида муҳокама қилинади, бунда судланувчининг судга келиши шарт⁴³⁶.

Айбланувчи ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация ва назорат инстанциялари судининг мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга⁴³⁷.

Судланувчи суд мажлисига келмаса, ишни муҳокама қилиш кейинга қолдирилиши лозим, 410-модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Судга келмаган судланувчини суд мажбурий келтиришга, шунингдек унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга ёки эҳтиёт чорасини ўзгартиришга ҳақлидир⁴³⁸. Судлануви ва процесснинг бошқа иштирокчиларининг келишини таъминлаш учун ишни муҳокамага тайёрлашда судья ўз қароридан кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида буйруқ беради, уларга чақирув қоғози топширилишини таъминлайди, шунингдек суд мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ бошқа чораларни кўради⁴³⁹.

Ишнинг судланувчи иштирокисиз муҳокама қилинишига судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, унинг йўқлиги иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган тақдирдагина ёхуд у ЖПКнинг 272-моддасида назарда тутилган тартибда суд мажлиси залидан чиқариб юборилган бўлса⁴⁴⁰, йўл қўйилиши мумкин⁴⁴¹.

ЎЗР Олий суди Пленуми белгиллаганидек: «Қонунга мувофиқ (ЖПК 20-, 51-, 487-моддалари) қўйидаги ҳоллар гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид жиноят-процессуал қонуни нормаларининг жиддий бузилиши деб баҳоланади, агар: иш судланув-

⁴³⁶ ЎЗР ЖПК: Суд мажлисида тартибни бузганлик учун жавобгарлик, 272-модда.

⁴³⁷ ЎЗР ЖПК: Айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 46-модда.

⁴³⁸ Ўша жойда.

⁴³⁹ ЎЗР ЖПК: Суд мажлисига чақириш, 403-модда.

⁴⁴⁰ Суд мажлисида тартибни бузган, раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаган ёки судни беҳурмат қилган тақдирда тартиббузар бундай ҳаракатларнинг такрорлигини уни суд мажлиси залидан чиқариб юборишга сабаб бўлажаги ҳақида, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартиббузар эса, бундан ташқари, маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкинлиги хусусида огоҳлантирилади. Бу огоҳлантириш таъсир қилмаса, процесс иштирокчиси суднинг ажримига, бошқа шахслар эса, раислик қилувчининг фармойишига мувофиқ суд мажлиси залидан чиқариб юборилади. Ишни кўриш чиқариб юборилган шахсларсиз давом эттирилади (ЎЗР ЖПК, 495-модда).

⁴⁴¹ ЎЗР ЖПК: Судланувчининг суд муҳокамасида иштирок этиши, 410-модда.

чининг иштирокисиз кўрилган бўлса (ЖПК 410-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно). Иш бўйича кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг аниқланиши суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади»⁴⁴².

Амалиётчиларга тавсиялар

ЎзР ЖПК шахсни қамоққа олиш каби муҳим масалани гумон қилинувчи, айбланувчининг иштирокисиз, яъни сиртдан ҳал қилиш имкониятини назарда тутати. Ҳимояланувчи тергов ва суддан яширингани учун сиртдан қабул қилинган қамоққа олиш тўғрисидаги санкцияга асосан қамоққа олинган бўлса ҳам суднинг бу қарорига шикоят бериши лозим. ФСХХПнинг 9-моддасига кўра, унинг ушлангани ва қамоқда сақла-нишининг қонунийлиги масаласини кўриб чиқадиган суд олдида жавоб бериш ҳуқуқи бор, уни амалга оширишда унга ҳимоячи ёрдам бериши шарт.

Аслида терговдан яширинмаган, лекин суддан уни қамоққа олиш тўғрисидаги сиртдан берилган санкцияси орқали қидирувга эълон қилинган гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан ҳимоячи халқаро стандартларнинг ҳар бир қамоққа олинган шахс унинг қамоққа олиниши ва танланиши лозим бўлган эҳтиёт чорасининг қонунийлиги тўғрисида масалани кўриб чиқувчи суд олдида жавоб бериш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисидаги талабларига (ФСХХП 9-моддаси) мурожаат қилиб, ЖПКга кўра бундай ҳуқуқ ҳимояга тақдим этилмаганлигига қарамай, суднинг ҳимояланувчини қамоққа олиш тўғрисида сиртдан қабул қилинган қарорини устидан шикоят қилиб, апелляция судига мурожаат қилиши шарт.

Адвокатлар шикоят моҳиятига кўра кўриб чиқилиши ва апелляция инстанциясининг суднинг қамоққа олиш тўғрисида сиртдан санкция бериш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилиниши учун шикоят билан мурожаат этишлари лозим. Адвокатлар шахс терговдан яширинмагани, тергов органи уни топишга ва таклиф этишга уринмагани ва суднинг қамоққа олиш тўғрисидаги ажрими ноқонуний экани ҳақида керакли далилларни тўплашлари ва судга тақдим этишлари лозим.

Шунингдек, ҳимояланувчига у кассация ёки назорат инстанциясига унинг иштирокида суд муҳокамасини ўтказишни сўраб мурожаат қилишга ҳақли эканлигини тушунтириш лозим. Судланувчи, эҳтимол, унинг кассация ва назорат инстанцияси судида иштирок этиш ҳуқуқи суд ихтиёрига боғлиқлигини билмаслиги мумкин ва шу сабабли муҳим аҳамиятга эга.

⁴⁴² Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан, 21-банд.

8. Томонларнинг тенглиги ҳуқуқи (томонлар тенглиги тамойили)

Томонларнинг ҳар бири тенг процессуал воситалар ва суд муҳокамаси давомида тенг имкониятларга эга бўлиши ҳамда иш бўйича ўз позициясини қарама-қарши томонга нисбатан оғир аҳволда ҳимоя қилиш шароитида бўлмаслиги учун тенг ҳолатда бўлиши лозим.

Халқаро стандартлар

Жиноят ишларини юритишда томонлар тенглиги тамойили айбланувчи, айблов тарафи ва процессдаги бошқа барча тарафлар (масалан, судда фуқаролик даъвогар сифатида қатнашувчи жабрланувчи) тенг бўлишини талаб этади. Бу шуни англатадики, процессдаги тарафларга нисбатан ҳеч қандай камситиш бўлиш мумкин эмас, яъни процессдаги барча тарафларга, фарқлар қонунда назарда тутилган ва судланувчини ҳақиқатдан камситувчи аҳволга солмайдиган ёки уни бошқа адолатсизликка дучор қилмайдиган ҳолис ва оқилона асосларга кўра оқланиши мумкин бўлган ҳолатлардан ташқари, бир хил процессуал ҳуқуқлар тақдим этилиши лозим⁴⁴³. Процессуал ҳуқуқларни ҳимоя қилиш механизми сифатида тарафлар тенглиги тамойили шуни англатадики, тарафлар ҳам суд муҳокамаси давомида, ҳам ҳукм чиқаришда тенг процессуал шароитларда бўлиши лозим⁴⁴⁴. Томонлар тенглиги тамойили тарафларнинг процессуал имкониятлари тенг демакдир. Томонлар тенглиги тамойили суд процессининг тортишувлик тамойилига риоя этишни талаб этади. Бу шуни англатадики, барча тарафлар қарама-қарши тараф томонидан тақдим этилаётган далил ва исботларни билишга доир процессуал имкониятга, ҳамда уларнинг асоссиз эканлигини исботлаш, улар тўғрисида баҳслашиш ва ўз далил ва исботларни тақдим этиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Масалан, тарафлар тенглиги тамойили қуйидагиларни англатади:

- i. суд муҳокамасининг ҳеч бир босқичида тарафларнинг ҳеч бири ўз оппонентига нисбатан камситувчи аҳволга солиниши мумкин эмаслигини;
- ii. айбланувчи унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳларни ўзи сўроқ қилиш ёки бу гувоҳлар сўроқ қилиниши ҳамда айблов тарафи гувоҳларига қўлланиладиган шартлар асосида унинг ҳимоясидаги гувоҳларнинг чақирилиши ва сўроқ қилинишига ҳақлилигини;

⁴⁴³ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 13-банд.

⁴⁴⁴ Собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноий трибунал (Апелляция палатаси), 1999 йил 15 июлдаги қарор, *Прокурор Тадичга қарши*, № IT-94-1-T; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1989 йил 30 мартдаги фикр, *Б. д. Б. ва бошқалар Нидерландияга қарши*, № 273/1988 хабар; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1993 йил 27 октябрдаги қарор, *Домбо Бехир Би. Ви. Нидерландияга қарши*, № 273/1988 хабар; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, 2001 йил 4 апрелдаги № 52/01 ҳисобот, *Хуан Раул Гарза Америка Қўшма Штатларига қарши*.

- iii. айбланувчи, айблов тарафи каби, сўроқ ёки қарама-қарши сўроқ ўтказиш учун гувоҳларнинг мажбурий келишини қонуний таъминлаш бўйича юридик ваколатларга эгаллигини;
- iv. айбланувчи, айблов тарафи ва процесснинг барча бошқа тарафлари иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмак бериши мумкин бўлган экспертлар ва бошқа шахсларни гувоҳ сифатида келтириш ва сўроқ қилинишини таъминлашга қаратилган бир хил ҳуқуқларга эгаллигини;
- v. айблов тараф ва ҳимоя тарафнинг гувоҳларга муносабати барча процессуал масалалар бўйича тенг бўлишини;
- vi. айбловчи ва айбланувчи суд ҳукмларига шикоят бериш бўйича бир хил ҳуқуқларга эгаллигини. Масалан, маълум бир қарорга шикоят бериш айбланувчига эмас, айбловчига рухсат берилганда, тарафлар тенглиги тамойили риоя этилмаган ҳисобланади⁴⁴⁵;
- vii. тарафларнинг ҳар бирига қарама-қарши тараф томондан тақдим этилган барча далил ва исботларни баҳслашиш имконияти тақдим этилиши лозимлигини⁴⁴⁶;
- viii. айбловчи айблов тараф унинг айбдорлиги тўғрисидаги далиллар қайси шароитларда олинган бўлса, шундай шароитларда ўз аёвсизлиги тўғрисида далиллар олишга ҳақлилигини;
- ix. ҳимоя томондан қақирилган ҳар қандай мутахассисга айблов тарафдан қақирилган мутахассисга тақдим этилган айнан шундай имкониятлар тақдим этилиши лозимлигини;
- x. барча тарафлар баённомалар, иш материалларидаги ҳужжатлар ва далиллардан фойдаланиш бўйича тенг имкониятга эга бўлишлари лозимлигини;
- xi. айблов ва ҳимоя тарафларига ўз далилларини тақдим этишга бир хил вақт тақдим этилиши лозимлигини;
- xii. айбланувчи ва процессдаги бошқа барча тарафларга суд томонидан ишлатилаётган тилни билмайдиган ёки унда сўзламайдиган гувоҳ учун оғзаки таржима ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланишини. Бу ҳолда таржимон хизматларини тақдим этиш шартдир⁴⁴⁷.

Суд ёки судьяга процесс жараёнида айблов ва ҳимоя томонларининг тенглиги тамойилини бузадиган хато ва камчиликларини тузатиш учун аралашиш мажбурияти юклатилган.

⁴⁴⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 13-банд

⁴⁴⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2001 йил 3 апрелдаги фикр, *Янсен-Гиелен Нидерландияга қарши*, № 846/1999 хабар, 8.2 банд; ва 2001 йил 24 октябрдаги фикр, *Аарела ва Накка-лаярви Финляндияга қарши*, № 779/1997 хабар, 7.4 банд.

⁴⁴⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1991 йил 11 апрелдаги фикр, *Ив Кадоре ва Эрве Ле Биан Францияга қарши*, № 323/1988 хабар, 5.6 банд; 1991 йил 11 апрелдаги фикр, *Эрве Баржиг Францияга қарши*, № 327/1988 хабар, 5.5 банд; 1990 йил 25 июлдаги фикр, *Доминик Гесдон Францияга қарши*, № 219/1986 хабар, 10.2 банд.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги

ЎЗР ЖПК судда ишларни юритишда тортишув тамойили ва тарафлар тенглиги тамойилини мустаҳкамлайди: «Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўриладиганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади... Давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар»⁴⁴⁸.

Ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли⁴⁴⁹. Ҳимоячининг ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ тўплаган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантирилиши керак⁴⁵⁰. Адвокатура институтини ислоҳ қилиш давомида ЎЗР ЖПКга ўзгартиришлар киритилиб, уларга асосан ҳимоячига Кодексга мувофиқ далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; агар ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлса, давлат сирлари, тижорат сирлари ёки бошқа сирли ўз ичига олган ахборот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш ҳуқуқи берилган⁴⁵¹.

⁴⁴⁸ ЎЗР ЖПК: Судда иш кўришда тортишув, 25-модда.

⁴⁴⁹ ЎЗР ЖПК: Далиллар тўплаш, 87-модда. «Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш йўли билан тўпланади».

⁴⁵⁰ Ўша жойда.

⁴⁵¹ ЎЗР ЖПК: Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 53-модда.

Амалиётчиларга тавсиялар

Адвокат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суддан иш материалларидан фойдаланиш, далиллар тўплаш ва тақдим этиш, тергов ҳаракатларида иштирок этиш ва процесснинг тортишувлиги тамойилининг риоя этилиши масалаларида тарафлар тенглиги тамойилини таъминлашни талаб этиши лозим. Масалан, прокурорнинг биринчи инстанция судида далилларни текширишда иштирок этмаслиги, фақатгина айблов хулосасини ўқиб эшиттириши ва тарафлар музокарасида сўзга чиқиш учунгина пайдо бўлиши устидан шикоят қилиниши лозим. Ҳимоя прокурорни чақириш ва унинг судга келишини таъминлаш ҳақида илтимоснома бериши лозим, чунки, акс ҳолда, тенглик тамойили ва процесс тортишувлиги тамойили бузилади, чунки суд айбловни қўллаб-қувватлаш бўйича ўзига хос бўлмаган вазифаларни бажариши керак бўлади.

ЖПКда белгиланган тартибга мувофиқ ҳимоя учун аҳамиятга эга кўпгина маълумотлар ундан бутун дастлабки тергов давомида яширинган бўлади, бунинг натижасида айбланувчи ва унинг ҳимояси дастлабки тергов якунлангунча ишга доир ҳақиқий вазият борасида тўлиқ беҳабар бўлиши мумкин, сўнг, ҳимояга иш материаллари билан танишиш ва унда керакли маълумотларни ёзиб олиш, ўз ҳисобига техник воситалар ёрдамида материал ва ҳужжатлардан нусха олиш ёки унда тутилган ахборотни бошқа бир шаклда қайд этиш ҳуқуқи берилади⁴⁵².

Экспертиза тайинлаш босқичида айбланувчи ЎЗР ЖПК 179-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлар мажмуига эга, эксперт олдига саволлар қўйиш ҳуқуқидан тортиб, экспертиза ўтказишда иштирок этиш ҳуқуқига. Амалда экспертизалар айбланувчининг тўлиқ беҳабарлиги шароитларида ўтказилиши ва у ўз ҳимояси учун қатор имкониятларни йўқотиши мумкин, уларнинг ўтказилиши тўғрисида ҳимоя тараф айрим ҳолларда анча узоқ давом этган терговнинг энг охирида, иш материаллари билан танишаётганда билиши мумкин. Ҳимоя тараф экспертизани тайинлашга ҳақли эмас, лекин мутахассисга мурожаат этиб, у ёки бу масала бўйича унинг фикрини олиши, кейинчалик бу фикрнинг иш материалларига қўшилиши, мутаносиблиги, ишончилиги ва мувофиқлиги нуқтаи назардан далил сифатида баҳоланиши ҳақида илтимоснома бериши мумкин, бу эса экспертиза, шу жумладан такрорий, қўшимча, комиссиявий экспертизани тайинлаш учун асос бўлиши мумкин.

Шунга ўхшаш барча ҳолларда айбловнинг бундай ҳаракатларига судга шикоят бериш лозим. Томонлар тенглиги ва тортишувлиги тамойили, иш материалларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисида масалани кўтариш лозим, чунки бу ҳимояни тайёрлаш ва одил судловга бўлган ҳуқуқининг бузилишига олиб келади. Суд қандайдир баҳона билан ҳимоя важларини қаноатлантирмаса, бу важлар суд ҳукмини апелляция тартибида шикоят қилиниши учун асос бўлиши лозим.

⁴⁵² ЎЗР ЖПК: Айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 46-модда.

9. Гувоҳларни чақириш ва сўроқ қилиш ҳуқуқи

Айбланувчи унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳларни сўроқ қилишга, айблов тарафидан гувоҳларни чақирилган шартларда ўз ҳимояси учун гувоҳларни чақириши ва сўроқ қилишга ҳақлидир.

Халқаро стандартлар

Айблов тарафи айбланувчи ўз ҳимоясини тайёрлаши учун етарли вақт тақдим этиш мақсадида аввалдан, оқилона муддатларда, ҳимоя тарафига судга чақирмоқчи бўлган гувоҳлар исмини тақдим этиши лозим.

Айбланувчи унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳларни ўзи сўроқ қилиш ёки бу гувоҳлар сўроқ қилиниши ҳамда ҳимоя гувоҳларининг келишини таъминлаш ва уларни унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳлар қайси шартларда сўроқ қилинган бўлса, шундай шартларда сўроқ қилиш ҳуқуқига эгадир. Айбланувчилар, шу тарзда, айбланувчи тарафида бўлганидек, гувоҳларнинг сўроқ ва қарама-қарши сўроқ учун мажбурий келишини таъминлаш учун бир хил ваколатларга эга. Шу билан бирга, бу айбланувчи ёки унинг адвокати талаби билан ҳар қандай гувоҳнинг келишини таъминлаш ҳуқуқи чекланмаганлигини кўзда тутмайди, фақатгина кўрсатмалари айбланувчи ҳимояси учун муҳим бўлган гувоҳларни келишига рухсат бериш ҳамда суд муҳокамасининг маълум босқичида унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки рад этиш учун тегишли имкониятлар тақдим этиш ҳуқуқини англатади⁴⁵³.

Гувоҳларнинг мажбурий келишини таъминлаш ҳуқуқи гувоҳлар уларнинг кўрсатма бериши учун келишини таъминлаш мақсадида ушлаб туришни кўзда тутиши мумкин (судга гувоҳларни чақириш)⁴⁵⁴. Бу истисно чораси бўлиб, у алоҳида шароитлар бўлганда ва қонунда қатъий белгиланган ҳолларда суд қарори билан кўрилиши лозим. Бу тартиб касбий сабабларга кўра, масалан, журналистлар каби, ахборот манбаларининг конфиденциаллигини сақлаш ҳуқуқига эга шахсларга нисбатан, қўлланилиши мумкин эмас.

Айбланувчи ҳар қандай гувоҳ кўрсатма бераётганда қатнашишга ҳақли. Бу ҳуқуқ алоҳида шароитларда, масалан, гувоҳ асосли равишда айбланувчининг қасос олишидан қўрқганда, айбланувчининг ахлоқи судда иш юритишни бузаётганда ёки айбланувчининг белгиланган тартибда ха-

⁴⁵³ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 39-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳисобот, юқорида қаранг, 238-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 1999 йил 30 майдаги қарор, *Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши*, С серияси, № 52, 153- ва 154-бандлар; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1988 йил 6 декабрдаги қарор, *Барбера, Мессега ва Хабардо Испанияга қарши*, № 10590/83 шикоят.

⁴⁵⁴ Собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноий трибунал (Апелляция палатаси), 1997 йил 29 октябрдаги қарор, *Прокурор Бласкичга қарши*, № IT-95-14.

бардор этилганига қарамай, узрли сабабларсиз бир неча маротаба келмаганлигида, чекланиши мумкин.

Айбланувчи унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳларнинг сўроғи ва қарама-қарши сўроғини шахсан ўзи ўтказишга ҳақли. Айбланувчи одил судлов ҳуқуқига эга бўла туриб, бу ҳуқуқ гувоҳ жинсий зўравонлик қурбони ёки вояга етмаган бўлганда чекланиши мумкин. Бунга қарамай, бу каби чекловлар сирли ёки аноним гувоҳлардан фойдаланишга рухсат бериш сифатида талқин қилинмаслиги лозим, барча ҳолларда ҳимоячи айблов тарафи гувоҳларининг бевосита ва қарама-қарши сўроғини ўтказишга ҳақли.

Судланувчининг мажлис залидан четлатилиши ёки унинг келишини таъминлашнинг иложи бўлмаганда адвокат доимо судланувчининг гувоҳни сўроқ қилиш ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Агар миллий қонунчиликда айбланувчи томонидан дастлабки тергов босқичида гувоҳларни сўроқ қилиш рухсат этилмаганда, судланувчи шахсан ёки ҳимоячи орқали суд муҳокамаси давомида гувоҳларни қарама-қарши сўроқ қилиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Суд муҳокамаси давомида аноним жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатма бериши тегишли ҳуқуқий тартиб-таомилнинг бузилишидир⁴⁵⁵. Улар фақатгина фавқулодда ҳолатларда, масалан, бу гувоҳлар ҳаётини сақлаш ва уларнинг хавфсизлиги таъминлаш керак бўлганда, ва фақат жинсий ишни тергов босқичида ҳамда суднинг қатъий назорати остида рухсат этилиши мумкин. Хар ҳолда, аноним жабрланувчилар ва гувоҳларнинг шахси тўғрисидаги маълумотлар судланувчига у уларнинг кўрсатмаларини тўғрилигини баҳслашиш имкониятига эга бўлиши учун суд бошланишидан аввал, одил судловни таъминлаш учун етарли муддатда очиб берилиши лозим⁴⁵⁶.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎЗР ЖПКнинг 65-моддасига асосан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши шарт (ЖПК бу шахсларнинг қаторига адвокатни киритмайди).

⁴⁵⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 2005 йил 25 ноябрдаги қарор, *Гарсия Астро Рамирес Рохас Перуга қарши*, С серияси № 137, 152-154-бандлар; 2004 йил 25 ноябрдаги қарор, *Лори Беренсон Мехья Перуга қарши*, С серияси № 119 қарор, 183-, 184- ва 192-бандлар; ва 1999 йил 30 майдаги қарор, *Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши*, С серияси № 52, 153-, 154- ва 172-бандлар.

⁴⁵⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Канада ССРР/С/CAN/CO/5, 2006 йил 20 апрел, 13-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Америка Қўшма Штатлари, ССРР/С/USA/CO/3/Rev. 1, 2006 йил 18 декабр, 18-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳисобот, юқорида қаранг, 262-банд, Перуда инсон ҳуқуқларига доир аҳвол тўғрисида иккинчи ҳисобот, юқорида қаранг, 103-, 104- ва 110-бандлар, ва Колумбияда инсон ҳуқуқлари доир аҳвол тўғрисида учинчи ҳисобот, юқорида қаранг, 121-, 122-, 123- ва 124-бандлар; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1989 йил 20 ноябрдаги қарор, *Костовски Нидерландияга қарши*, № 11454/85 шикоят, 43-45-бандлар.

ЖПКнинг 261-моддаси ҳам жиноят ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахсларнинг айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари мажбуриятини белгилайди. Узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда улар мажбурий келтириладилар.

ЎзР ЖПКнинг 442-моддаси судда сўроқ қилиш тартибини белгилайди. 442-моддада кўрсатилган шахслар рўйхати, айблов хулосасига илова сифатида терговчи томонидан тузилади. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар билан фақат прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судья танишишлари мумкин⁴⁵⁷. Жиноят иши судга юборилгунга қадар прокурор ёки унинг ўринбосари суд мажлисига чақириладиган шахсларнинг рўйхатини ўз қарори билан қисқартириш ёки тўлдиришга ҳақлидир⁴⁵⁸. Прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосасини тасдиқлаб, жиноят ишини тегишли судга юборади⁴⁵⁹. Прокурор ёки унинг ўринбосари ишнинг судга юборилганлиги ҳақида айбланувчига ва ҳимоячига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига дарҳол хабар қилади ва, агар илтимослари бўлса, уларни судга юборишга ёки суд мажлисида баён қилишга ҳақли эканликлари тўғрисида маълум қилади. Айни вақтда прокурор ёки унинг ўринбосари айбланувчига ва ҳимоячига айблов хулосаси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхаларини юборади, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати бундан мустасно, башарти айблов хулосасига ёки иловасага ўзгартиришлар киритилган бўлса, уларни ўзгартириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ҳам юборилади⁴⁶⁰. Шу тарзда айблов тараф гувоҳ сифатида таклиф этилган шахслар рўйхатини шакллантиришда устунликка эга, айни пайтда ҳимоячи айблов томонидан таклиф этилаётган шахслар рўйхатида ҳатто билмайди ҳам. Эшитишдан аввал судга таклиф қилиниши лозим бўлган шахслар рўйхатини шакллантириш имконияти ҳимояда мавжуд эмас. Ҳимоячи гувоҳларни сўроқ қилиш лозимлигини асослаб, улар томонидан қандай вазиятларга ойдинлик киритилиши мумкинлигини тушунтириб, судга ҳимоянинг гувоҳларини чақиришга илтимос қилади.

Айблов хулосасига илова қилинган рўйхатга биноан суд мажлисига чақирилган ёки айбловчи томоннинг илтимосига биноан қўшимча равишда чақирилган гувоҳ (эксперт)ни сўроқ қилиш, судланувчини сўроқ қилиш каби ишнинг унга маълум ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бериши ҳақида раислик қилувчининг таклифи билан бошланади. Шундан кейин судланувчини давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили сўроқ қиладилар. Сўнгра судланувчига бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари саволлар бериши мумкин⁴⁶¹.

⁴⁵⁷ ЎзР ЖПК: Айблов хулосасига иловалар, 380-модда.

⁴⁵⁸ ЎзР ЖПК: Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатини ўзгартириш, 387-модда.

⁴⁵⁹ ЎзР ЖПК: Жиний ишни судга юбориш, 388-модда.

⁴⁶⁰ Ўша жойда.

⁴⁶¹ ЎзР ЖПК: Судда сўроқ қилиш тартиби, 442-модда.

Гувоҳлар ва экспертлар суд мажлисига ҳимоя томонининг илтимосига биноан чақирилган бўлсалар, уларни дастлаб шу илтимосни қилган судланувчи ёки унинг ҳимоячиси, кейин эса бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили, давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари сўроқ қиладилар⁴⁶².

Амалиётчиларга тавсиялар

Суд тергови давомида рўйхатга киритилган барча гувоҳлар сўроқ қилинганидан кейин ҳимоячи иш учун муҳим бўлган ҳолатларига ойдинлик киритиш мумкин бўлган қўшимча ҳимоя гувоҳларини чақириш ва сўроқ қилиш тўғрисида илтимос билдириши лозим. Гувоҳлар узрли сабабларга кўра судга кела олмасалар, адвокат уларнинг ёзма тушунтиришларини жиноий иш материалларига қўшиш ҳақида илтимос билдириши ёки, гувоҳлар ҳудуд ёки мамлакат ташқарисида истиқомат қилсалар, суднинг сўроқ қилиш тўғрисида алоҳида топшириғини гувоҳнинг истиқомат қилиш жойига юборилишини сўраш мумкин.

Гувоҳнинг узрли сабабларсиз судга ҳозир бўлишдан бош тортган ҳолларда гувоҳни мажбуран келириш тўғрисида судга илтимос билдириш лозим.

Суднинг ҳимоя гувоҳларини чақириш ва уларни сўроқ қилишни (айниқса, абловчи тарафнинг гувоҳлари таклиф этилганда) рад этиши судьяларнинг холис эмаслиги тўғрисида далолат бериши ва судни рад қилишга, ҳамда қабул қилинган қарорни юқоридаги судга шикоят қилишга асос бўлади.

10. Ўзини айбдор деб тан олишга ёки ўзига қарши кўрсатма беришга мажбурланмаслик ҳуқуқи

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳеч бир шахс ўзини айбдор деб тан олишга ёки ўзига қарши кўрсатма беришга мажбурланиши мумкин эмас.

Халқаро стандартлар

Бу ҳуқуқ айбсизлик презумпцияси тамойили ҳамда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларига мутлақ таъқиқ билан чамбарчас боғлиқ⁴⁶³. Бу ҳуқуқ ҳеч

⁴⁶² ЎзР ЖПК: Судда сўроқ қилиш тартиби, 442-модда.

⁴⁶³ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 41-банд, ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳисобот, юқорида қаранг, 237- ва 247-бандлар.

қандай чекинишларга йўл қўймайди⁴⁶⁴ ва айбланувчига нисбатан тергов ёки суд органлари томонидан ўзига қарши гувоҳлик бериш ва иқдор бўлишга қаратилган кўрсатмалар олишга мажбурлаш сифатида кўрсатилган жисмоний ёки руҳий, бевосита ёки билвосита босим таъқиқланишини англатади⁴⁶⁵. Бу ҳуқуқ, шунингдек, шуни англатадики, суд санкциялари айбланувчини ўзига қарши гувоҳлик қилишга мажбурлаш учун қўлланилмаслигини англатади.

Айбланувчининг судда сукут сақлаш ҳуқуқи ўзига қарши кўрсатма бериш ёки ўз айбига иқдор бўлишга мажбурланмаслик ҳуқуқини назарда тутати⁴⁶⁶. Айбланувчининг сукут сақлаши қўйилган айблов ёки жавобгарликка рози эканлигини, ёхуд айбни тан олганлиги сифатида кўрилмаслиги ёки талқин этилмаслиги лозим.

Суд муҳокамаси давомида айбланувчи у мажбурлов остида кўрсатма берганлиги ёки айбига иқдор бўлганлигини таъкидласа, судья суд процессининг ҳар қандай босқичида бу кўрсатмаларни кўриб чиқишга доир ваколатларга эга бўлиши лозим⁴⁶⁷.

Кўрсатмалар қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала турларини ишга солиш ёки инсон ҳуқуқларининг бошқача бузилиши натижасида олинганлиги тўғрисидаги барча фикрлар ваколатли органлар, шу жумладан прокурор ва судьялар томонидан дарҳол ва холисона кўриб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши, бу иқдор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин⁴⁶⁸.

Гумон қилинувчи⁴⁶⁹, айбланувчи⁴⁷⁰, судланувчи⁴⁷¹ кўрсатувлар беришдан бош тортиш ҳуқуқига эгалар. Қолаверса, «гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок

⁴⁶⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмига: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 6-банд, ва № 29 умумий тартибдаги мулоҳаза. Фавқулодда ҳолат муносабати билан мажбуриятлардан чекиниш, 3-модда. 7- ва 15-бандлар; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳисобот, юқорида қаранг, 247-банд.

⁴⁶⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмига, 1994 йил 7 апрелдаги фикр, *А. Бери Ямайкага қарши*, № 330/1988 хабар, 11.7 банд.

⁴⁶⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1996 йил 8 февралдаги қарор, *Джон Мюррей Бирлашган Қиролликка қарши*, № 18731/91 шикоят, 45-банд.

⁴⁶⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмига: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 41-банд.

⁴⁶⁸ ЎЗР ЖПК: Гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувларини баҳолаш, 112-модда.

⁴⁶⁹ ЎЗР ЖПК: Гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 48-модда.

⁴⁷⁰ ЎЗР ЖПК: Айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 46-модда.

⁴⁷¹ ЎЗР ЖПК: Айбланувчи, 45-модда: «Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса, маҳкум ёки оқланган деб аталади».

этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади»⁴⁷². Гувоҳ, ўз навбатида, ўзига қарши кўрсатувлар бермасликка ҳақли⁴⁷³.

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозим⁴⁷⁴. ЎзР Олий суди Пленуми қарор қилганидек: «Суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамоқ жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлишганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўрашлари шарт. Суриштирувнинг ёки терговнинг қийноққа солиш ёхуд қонунга хилоф бошқа усуллари қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир муурожаат факти бўйича арз қилинган вазларини синчиклаб текшириш, шу жумладан, тиббий гувоҳлантириш ўтказиш орқали синчиклаб текширишлари ва натижасига қараб, тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатишга қадар процессуал ёки бошқа ҳуқуқий чоралар кўришлари шарт»⁴⁷⁵.

Амалиётчиларга тавсиялар

Иқрор бўлиш кўрсатмалари, ушланганнинг таъкидлашича, милиция бўлимида ҳимоячи иштирокисиз унга тазйиқ кўрсатилиши натижасида олинган бўлса ва бундай айбига иқрорлик ягона далил бўлганда, у инсонни айбдор деб ҳисоблашга мақбул ва етарлича далил бўлмайди. Ҳар қандай айбига иқрорлик у ошқора суд муҳокамаси шароитларида ўз тасдиғини топгандагина ҳақиқий бўлади.

Ҳимоячи ўз ҳимояланувчисига у кўрсатма беришга мажбур эмаслиги, сукут сақлаш ҳуқуқига эгаллигини очиқ тушунтириши лозим. Айни пайтда, айбловчи томон ёки суд ўз ҳаракатлари билан судланувчи танлаган сукут сақлаш позицияси унинг айбдорлигидан далолат беришини намоён этса, ҳимоя бунга эътироз билдириб, суд мажлиси баённомасига эътироз киритиши, унда, зарур бўлган ҳолларда, прокурор, судга раддия билдириши, кейинчалик — буни ҳукмга нисбатан берилган шикоятда кўрсатиши лозим.

Агар судланувчи ўз айбига иқрор бўлса, унинг кўрсатмалари ёки суд тергови давомида олинган далиллардан у ўзини айблаётгани ёки виждодан

⁴⁷² ЎзР ЖПК: Ҳақиқатни аниқлаш, 22-модда.

⁴⁷³ ЎзР ЖПК: Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 66-модда.

⁴⁷⁴ ЎзР ЖПК: Гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувларини баҳолаш, 112-модда.

⁴⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан.

қайсидир ҳаракатларни содир этганликда айбдор эканлигида адаша-ётганлиги яққол кўринса, ҳимоячи ҳимояланувчига унинг янглиш фикрлари моҳиятини тушунтириши ҳамда судланувчида ўз-ўзини айблашга қандайдир сабаби бўлса ёки у судга ҳақиқий кўрсатмалар беришга рози бўлмаса, ҳимоячи ҳимояланувчи позициясига мос келмайдиган позицияни танлашга ва уни айбсиз деб тан олиншини талаб қилишга ҳақли⁴⁷⁶.

Ҳимояланувчи судга унинг дастлабки тергов давомида иқрор бўлиш кўрсатмалари тергов органлари томонидан руҳий ёки жисмоний босим остида берилганлиги ҳақида кўрсатма берса, ҳимоя ушбу кўрсатма асосида жинойий иш қўзғатиш ва тергов ўтказишни, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллашда айбдорларни топиш ва уларни жинойий жавобгарликка тортишни талаб этиши шарт.

Ҳимоячи бундай далилларнинг суднинг айблов ҳукми асосига киритиш мумкин бўлган мақбул далиллар қаторидан чиқарилишини талаб этиши шарт. Суд ҳимоянинг илтимосини қаноатлантириши ва бу далилларни чиқариб ташлаши шарт (қуйида қаранг). Аммо амалда барча «далиллар» ичида фақатгина бири—судланувчининг ўз айбига иқрорлиги мавжуд бўлган ҳоллар учраши мумкин. Айни пайтда судланувчининг суд мажлисида у томонидан аввал руҳий ёки жисмоний босим остида берилган кўрсатмалардан воз кечиши, суд томонидан инobatга олинмайди. Бундай вазиятда адолатли қарорга эришишга интилаётган ҳимоячига қийин, шунинг учун ҳам ҳимоя томонидан кўрилатган саъй-ҳаракатлар жуда муҳимдир.

11. Қонунга хилоф усуллар, шу жумладан қийноққа солиш ёки шафқатсиз муомала орқали олинган далилларни истисно қилиш

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳеч бир шахс ўзини айбига иқрор бўлшига ёки ўзига қарши кўрсатма беришга мажбурланиши мумкин эмас.

Халқаро стандартлар

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турлари ёки инсон ҳуқуқларини бошқача бузилиши орқали олинган далиллар, шу жумладан айбланувчининг иқрор бўлиши

⁴⁷⁶ ЎЗР Адвокатлари касб этикаси қоидалари, 2.4 банд: «Адвокат: адвокатга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган шахснинг қонуний манфаатларига зид равишда ҳаракат қилиш, унга шахсий фойдани, ахлоқсиз манфаатларни кўзлаб ёки ташқи таъсири остида юридик ёрдам кўрсатиш; адвокат ўзининг ишонч берган шахси (ҳимояланувчиси) ўзини ўзи айблаётганига ишонч ҳосил қилган ҳолларни истисно қилганда, ишонч берган шахс (ҳимояланувчи) иродасига зид позицияни танлаш ва ҳаракат қилишга ҳақли эмас».

кўрсатмалари, ушбу қонунбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан ўтказиладиган процессдан ташқари ҳеч бир процессда қўлланилиши мумкин эмас.

Бу таъқиқ қонунга хилоф йўллар билан олинган далилларга ҳам татбиқ этилади. Далиллар қонунга мувофиқ жинойт терговни амалга ошириш ваколатига эга бўлмаган ҳокимият органлари томонидан олинган, ёки ваколатли тергов органлари томонидан тўпланмаган ёки миллий қонунчиликда белгиланган тартибга, далиллар тўплаш шароитларига зид усуллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда олинган бўлса (далиллар қонунийлиги тамойили), ноқонуний ҳисобланади.

Бу стандартлар нафақат айбланувчи томонидан билдирилган арзлар, балки гувоҳларнинг кўрсатмаларига ҳам тегишли.

Агар айбловчи тараф гумон қилинувчиларнинг айбини исботловчи далиллар қонунга хилоф равишда, яъни айбланувчига нисбатан инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилиши, айниқса қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолаш турлари ва инсон ҳуқуқларини бошқача бузиш орқали олинганлиги тўғрисида маълумотларга ва асосли тахминларга эга бўлишса, улар бундай усулларни қўллаш учун жавобгар шахсларни судга тортиш бўйича барча керакли чораларни кўришлари лозим⁴⁷⁷.

Судьялар қуйидагиларга тегишлича эътибор қаратишлари лозим:

- i. айбланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлигини тасдиқлашда далил сифатида қўллаб бўлмайдиган айбига иқрор бўлиш кўрсатмалари ёки аризаларини олиш учун ноқонуний мажбурлаш ҳолатларига;
- ii. қонунга хилоф равишда олинган ёки тақдим этилган далилларнинг мавжудлиги ҳолатларига.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎЗР ЖПКнинг 95-моддаси (Далилларни баҳолаш) шуни назарда тутадиги, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳолалиши лозим⁴⁷⁸.

ЎЗР ЖПКнинг нормаларига мувофиқ, далиллар тўплаш тартибига риоя этиш айбланувчининг ҳуқуқларига риоя этишни ҳам кўзда тутати. ЎЗР

⁴⁷⁷ Суд текширувини амалга ошираётган шахсларга алоқадор раҳбарий принциплар, 16-принцип.

⁴⁷⁸ ЎЗР ЖПК: Исбот қилиш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўриқлаш, 88-модда; Далилларни баённомада қайд этиш, 90-модда; Далилларни қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлаш, 92-модда; Баённомага имзо чекишдан бош тортиш ёки имзо чека олмаслик ҳолларини тасдиқлаш, 93-модда; Далилларни текшириш; 94-модда.

ЖПКда мустақамланганидек, судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт; ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас⁴⁷⁹. Инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз⁴⁸⁰ равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади⁴⁸¹. Олий суд Пленумининг қарорида процессуал тартибнинг бузилиши далилни далил кучидан маҳрум этиши кўзда тутилган: «Тергов ҳаракатларини юритиш тартиби ва шартларининг бузилиши прокурор ва суд томонидан гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан руҳий таъсир ўтказиш деб баҳоланиши мумкин. Бундай таъсир остида тўпланган маълумотлар далил кучига эга бўлмайди ва улар айблов ҳукми учун асос қилиб олиниши мумкин эмас»⁴⁸².

Олий суд Пленумининг қарорига мувофиқ, номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан Жиноят-процессуал кодексининг 82–84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас⁴⁸³. Шунингдек, қарор қуйидагиларни мустақамлайди: «Далиллар мақбуллигининг шартлари қуйидагилар: далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши; фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши⁴⁸⁴; далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши; далилни

⁴⁷⁹ ЎЗР ЖПК: Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, 17-модда.

⁴⁸⁰ Азоб бериш контекстида «асоссиз» атамаси қийноқлар ва шафқатсиз муомаланинг бошқа турлари мутлақ тақиқлангани нуқтаи назаридан ташвиш туғдиради.

⁴⁸¹ ЎЗР ЖПК: Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, 17-модда.

⁴⁸² Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан.

⁴⁸³ ЎЗР Олий Суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқароларни ҳимоя қилиш самарасини кучайтириш, улар томонидан Конституция ва Жиноят-процессуал кодекси талабларига риоя этилиши ва бажарилишини таъминлаш мақсадида» қабул қилинган № 12 «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.

⁴⁸⁴ ЎЗР ЖПК: Далилларнинг турлари, 81-модда:

«Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг ҳулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видео-ёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.»

олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт»⁴⁸⁵.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячилар алоҳида ҳар бир далил ёки далил элементиға нисбатан юқорида кўрсатилган талабларнинг риоя этилишини пухта текширишлари лозим. Шафқатсиз муомаланинг қўлланилиши тўғрисида ҳар қандай кўрсатмалар ҳимоячи томонидан пухта ўрганилиши ва судға шикоят қилиниши, мажбурлов остида олинган барча далиллар эса суд томонидан ҳимоянинг илтимосномаси асосида далиллар қаторидан чиқарилиши лозим.

Шунингдек, далил ЎзР ЖПК 81-моддасида назарда тутилган қонуний манбадан олинган бўлиши лозим, булар: гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар. Бунда, масалан, овозли ёзув, видеоёзув ёки кинофототасвир ким томондан, қачон, қандай ҳолатда, қайси техник восита билан, қайси тартибда ва қандай ишлангани, ёзув сабаблари тушунтирилмасдан ва баённомада қайд этилмасдан узилиши, ёки монтаж излари мавжуд бўлган ва ҳоказо ҳолларға йўл қўймаслик мақсадида бунга эътибор қаратиш муҳимдир. Далилларни тўплаш ва расмийлаштириш тартибда йўлга қўйилган бу каби қонунбузилишлар ҳимоячи томонидан ушбу далилни танқидий баҳолаш ва ушбу далилнинг номақбул сифатида далиллар қаторидан чиқарилиниши позициясини танлаш учун асос бўлиши лозим. Агар суд алоқадор, мақбул ва ишончли бўлмаган далилни ҳукм асосиға киритса, суд ҳукми устидан шикоят қелтиришға сабаб бўлади. Аниқ бир тергов ҳаракати бундай ваколатға эға бўлган шахс томонидан амалға оширилганиға, яъни: иш унинг юритувиға олингани, йўқми, ёки шахс тергов гуруҳи таркибиға киритилганлиги, ёки йўқлигиға эътибор қилиш муҳим. Акс ҳолда бу шахс томонидан тўпланган далил мақбул эмаслиги ҳамда тегишли бўлмаган субъект томонидан олинганлиги сабабли далиллар қаторидан чиқарилиши лозимлиги тўғрисидаги масалани кўтариш мумкин⁴⁸⁶.

⁴⁸⁵ ЎзР Олий Суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Жиноят ишини юритишға маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонунға хилоф ҳаракатларидан фуқароларни ҳимоя қилиш самарасини кучайтириш, улар томонидан Конституция ва Жиноят-процессуал кодекси талабларига риоя этилиши ва бажарилишини таъминлаш мақсадида» қабул қилинган № 12 «Далиллар мақбуллигиға оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори.

⁴⁸⁶ ЎзР Олий Суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги № 12 қарори: «Далиллар мақбуллигиға оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида», 2-банд: «Суриштирув, тергов органлари ва судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, исбот қилиш жараёнида далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш муҳим ўрин тутати.

Далиллар мақбуллигининг шартлари қуйидагилар: далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишға ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши; фактға оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши; далил уни олиш билан боғлиқ про-

ЎзР Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги № 12 «Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қароридан судларга муҳим тушунтириш мавжуд: «Номақбул деб топилган далилларни тиклашнинг имконияти бўлмаган ҳолларда суд ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтармасдан, тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиққан ҳолда ишни мазмунан ҳал этиши керак»⁴⁸⁷. Шу тарзда, ҳимоя бундай ҳолларда жиноий ишни қўшимча терговга қайтармасдан, суддан иш бўйича якуний қарор қабул қилишни қатъий талаб қилишлари шарт.

12. Асоссиз кечиктиришсиз суд ишининг кўриб чиқиши ҳуқуқи

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс унинг иши суд томонидан асоссиз кечиктиришсиз кўрилишига ҳақли.

Халқаро стандартлар

Ишнинг асоссиз кечиктирилмасдан кўрилиши ҳуқуқининг мақсади нафақат одамларни узоқ вақт давомида ўз тақдири тўғрисида ноаниқлик ҳолатида ушлаб турилишини олдини олиш, шахс дастлабки ҳибсда бўлганда эса, озодликдан маҳрум этиш заруратдан узоқ бўлмаслиги, балки одил судлов манфаатларига хизмат қилишдан иборат⁴⁸⁸. Айбланувчининг унинг иши асоссиз кечиктиришсиз кўрилишига ҳуқуқи шуни англатадики, у оқилона муддат ичида судланиши лозим.

Суд муҳокамасининг асосланмаган кечиктиришсиз ўтказилиши ҳуқуқи жиноий иш юритишнинг барча босқичларини, шу жумладан ҳукм чиқариш ва апелляция босқичларини қамраб олади. Ҳокимият судга қадар юритишдан бошлаб, апелляция ёки назорат инстанциясининг якуний қарорларигача бўлган жиноий процесснинг барча босқичлари оқилона муддатларда якунланишини таъминлаши лозим.

Ушбу ҳуқуқнинг риоя этилиши тўғрисидаги масалани ҳал қилишда инobatга олинадиган давр энг биринчи процессуал ҳаракатдан бошланади (шароитларга қараб, масалан, гумон қилинувчи ушланганда, унга қўйилган айбловлар тўғрисида хабар қилинганда ёки унга нисбатан суд муҳокамаси олиб борилаётгани хабар қилинганда) ва барча мумкин бўлган

цессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши; далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт. Судларга тушунтирилсинки, далиллар мақбулликига тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлади».

⁴⁸⁷ ЎзР Олий суди Пленумининг қарори, 5-банд.

⁴⁸⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 35-банд.

апелляция ва назорат механизмлари тугаган ва иш бўйича якуний қарор чиқарилганда якунланади⁴⁸⁹.

Процессда асосланмаган кечиктиришлар мавжудлиги фактини ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб аниқлаш лозим, хусусан:

- i. ишнинг мураккаблиги, шу жумладан, бир қаторда, жиноят характери ва айблов эпизодларининг сони, айбланувчилар ва/ёки гувоҳлар сони;
- ii. айбланувчи ва тарафларнинг ҳаракатлари;
- iii. ишга маъмурият ва суд органларининг муносабати⁴⁹⁰.

Суд айбланувчининг гаров ёки кафиллик остида озодликка чиқиш ҳуқуқини рад этса, у иложи борица тез судланиши лозим⁴⁹¹.

Айбланувчи у ўзининг сукут сақлаш ҳуқуқини амалга ошириш ёки суд органлари билан фаол ҳамкорлик қилишни хоҳламаслиги билан боғлиқ кечиктиришлар учун жавобгар бўлиши мумкин эмас⁴⁹².

Процессдаги кечиктиришлар айбланувчи иш юритишга тўсқинлик қилишга қаратилган аниқ ҳаракатлар содир этган ҳолдагина айбланувчининг айби, деб юкланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Одатда, дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим, лекин беш, етти, ўн ва ўн икки ойгача узайтирилиши мумкин⁴⁹³. Дастлабки тергов ишнинг у бўйича қабул қилинган қарор билан бирга прокурорга юборилган кунда якунланган ҳисобланади, ҳамда дастлабки тергов муддатига: 1) айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишиб чиққан

⁴⁸⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 35-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 1997 йил 12 ноябрдаги қарор, *Суарес Росеро Эквадорга қарши*, С серияси № 35, 70–72-бандлар.

⁴⁹⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 35-банд; 2006 йил 15 мартдаги фикр, *Абдулхамид Тарайт, Ахмад Тоуади, Мохаммад Ремли ва Амар Юсфи Жазоирга қарши*, № 1085/2002 хабар, 8.5 банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди: 1996 йил 25 мартдаги қарор, *Митап ва Мюфтўғли Туркияга қарши*, №№ 15530/89 ва 15531/89 шикоятлар ва 1993 йил 23 июндаги қарор, *Руиз-Матеос Испанияга қарши*, № 12952/87 шикоят, 38–53-бандлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд: *Суарес Росеро Эквадорга қарши*, юқорида қаранг, 73-банд, ва 1997 йил 29 январдаги қарор, *Гени Лакайо Никарагуага қарши*, С серияси № 30, 77-банд; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳисобот, юқорида қаранг, 234-банд.

⁴⁹¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 35-банд.

⁴⁹² Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди: 1995 йил 8 июндаги қарор, *Ягчи ва Саргин Туркияга қарши*, №№ 16419/90, 16426/90 шикоятлар, 66-банд; 1993 йил 25 февралдаги қарор, *Доббертен Францияга қарши*, № 13089/87 шикоят, 43-банд.

⁴⁹³ ЎЗР ЖПК: Дастлабки тергов муддатлари, 351-модда.

вақт; 2) дастлабки тергов тўхтатиб турилган вақт⁴⁹⁴; 3) қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилган иш терговчига келиб тушгунга қадар ўтган вақт кирмайди⁴⁹⁵.

Суд ишни қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб юборганда, шунингдек тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча тергов муддати тергов олиб бориш устидан назорат юргизаётган прокурор томонидан, мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб бир ой доирасида белгиланади. Бу муддатни янада узайтириш иш судга берилгунга, тўхтатиб турилгунга ёки тугатилгунга қадар ўтган тергов муддатини ҳисобга олган ҳолда умумий асосларда амалга оширилади⁴⁹⁶.

Жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқарилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн суткада суд ишни кўришни бошлаши лозим, айти пайтда судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги керак, лекин тўрт, беш ва олти ойгача узайтирилиши мумкин⁴⁹⁷. Жиноят ишини кўриш тўхтатиб турилган вақт ишни муҳокама қилиш муддатига кирмайди⁴⁹⁸.

Амалиётчиларга тавсиялар

Адвокатлар жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсга қонунчиликда белгиланган муддатларда тергов ва суд ўтказилиши ҳуқуқ таъминланишини талаб қилишлари лозим. Дастлабки тергов муддатлари шахснинг қамоқда ушлаб турилаётганлигини ҳисобга олганда, айниқса муҳимдир. Агар терговчи, прокурор ва суд дастлабки тергов, ҳибсда сақлаш ва суд муҳокамаси муддатларининг узайишига йўл қўйсалар, бу хатони ҳимоячи эътиборсиз қолдириши мумкин эмас. Тергов ва суд муддатлари узайганлиги тўғрисида асосланган шикоятни тузиш ҳимояланувчининг тезда ҳибсдан озод этилиши учун асос бўлиши мумкин. Иш материалларидан нусха чиқариш орқали бу фактни далил сифатида қайд этиш ва бу ҳақдаги фикрни муд мажлиси баённомасига киритиш салмоқли аҳамият-

⁴⁹⁴ ЎзР ЖПК: Дастлабки терговни тўхтатиш асослари ва тартиби, 364-модда.

«Дастлабки тергов: 1) иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган; 2) айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган; 3) айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаса; 4) айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилади.

Дастлабки тергов ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар юзага келган вақтдан бошлаб тўхтатилади. Лекин дастлабки тергов тўхтатилгунга қадар терговчи айбланувчи йўқлигида бажариш мумкин бўлган барча тергов ҳаракатларини бажариши шарт.

Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида терговчи қарор чиқаради ва унинг нусхасини прокурорга юборади».

⁴⁹⁵ ЎзР ЖПК: Дастлабки тергов муддатлари, 351-модда.

⁴⁹⁶ Ўша жойда.

⁴⁹⁷ ЎзР ЖПК: Суд мажлисида жиноят ишини муҳокама қилиш муддати, 405-модда.

⁴⁹⁸ Ўша жойда.

га эга. Шунингдек, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўтариш мумкин. Шикоятни унинг берилганини қайд этиш учун имзолатиш ёки почта орқали топширилгани ҳақида хабардор қилиш шарти билан юбориш тавсия этилади. Ҳимояланувчи ҳибсда бўлса, ҳибсда сақлаш муддатлари тугаганда у сақланаётган муассаса бошлиғи томонидан озод этилиши лозим. Унинг ҳаракатсизлиги устидан ЎзР ИИВ ЖИББ ёки ЎзР Бош прокурорига ва кейинчалик судга шикоят қилиш лозим.

Ҳимоячи, масалан, жиноий иш материаллари билан танишаётганда, процессуал ҳаракатлар саналари кўрсатилмаганлиги аниқласа, ҳар қандай ҳужжатларнинг имзоланишидан аввал, иш материаллари тикилиши, рақамланиши, процессуал ҳаракатларнинг барча саналари қўйиб чиқилишини талаб қилиши шарт. Ҳимоячи ҳеч қачон ҳужжатни ўтиб кетган сана билан имзоламаслиги лозим. Жиноий ишнинг бундай материалларидан нусха чиқариш тергов ҳаракатлари ва бундай ҳаракатлар давомида тўпланган далилларни ноқонуний ва номақбул деб тан олинишида муҳим ўрин тутиши мумкин.

Айни пайтда, ишнинг юритилиши тўхтатиб турилган вақт дастлабки тергов муддатига киритилмаганлиги сабабли қамоқда узоқ сақлаш ҳолларига эътибор қаратиш лозим, айниқса ишда бир нечта гумон қилинувчилар иштирок этганда, уларнинг бири ёки бир нечаси яширинганда. Бундай ҳолларда ишга айбланувчи сифатида жалб этилган ва қамоқда сақланаётган шахс қолган шерикларини қидириш муносабати билан тўхтатиб қўйилган терговнинг қайта тикланишига қадар ортиқча узоқ кутишга мажбур бўлиши мумкин, шу сабабли эркинлик ҳуқуқи ва суд муҳокама-сининг оқилона муддатларда ўтказилиши ҳуқуқига риоя этилмаётгани тўғрисидаги масалани кўтариш мумкин.

13. Қонунийлик тамойили (*Nullum crimen sine lege*)

Жиноят содир этганликда айбланувчи шахсларга фақатгина қонунда аниқ белгиланган жиноятлар учунгина айблаш, уларни суд тартибда таъқиб қилиш ва жазолаш мумкин.

Халқаро стандартлар

Жиноятларнинг юридик таърифи мутлақ бўлган ва оғишларга рухсат эмайдиған қонунийлик тамойилига (*nullum crimen sine lege*) мос келиши

лозим⁴⁹⁹. Nullum crimen sine lege тамойили «шахс дахлсизлиги»⁵⁰⁰ тамойили билан узвий боғлиқ, чунки у қайси қилмишлар жазога олиб келиши, қайсилари олиб келмаслигини билиш ҳуқуқини ҳимоя қилади⁵⁰¹. Ҳақиқатдан ҳам, «жиноий ҳуқуқ индивид томонидан риоя этилиши лозим бўлган ахлоқ стандартини белгилайди»⁵⁰². Қонунийлик тамойили жиноят ишлари бўйича адолатли суд муҳокамаси ҳуқуқининг фундаментал элементи дир.

Қонунийлик тамойили шуни англатадики, маълум бир қилмишни жиноят сифатида таърифлаш ва уни содир этганлик учун жазо белгилаш учун у қонун томонидан айнан шундай қилмиш сифатида қатъий белгиланган бўлиши лозим, айна пайтда барча жиноятларнинг таърифи аниқ ва бир маъноли бўлиши лозим⁵⁰³.

Қонунийлик тамойили шуни англатадики, эҳтимол тугилаётган ҳуқуқбузарни жиноят учун жавобгарликка тортиш учун у жиноий қонунчиликда аниқ ва равшан таърифланган тегишли жиноий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни тўлиқ ҳажмда содир этиши лозим, бу эса бундай жино-

⁴⁹⁹ Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт, 15-модда; Инсон ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенцияси, 7-модда; Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартияси, 7.2 модда; Инсон ҳуқуқлари араб хартияси, 15-модда; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси, 9-модда; Халқаро жиноий суднинг Рим статутини, 22-модда; ҳамда: БМТ Бош ассамблеяси қошидаги Халқаро ҳуқуқ комиссиясининг ҳисоботлари, 1993 йил, (№ 10 қўшимча (А/48/10), 81-бет) ва 1994 йил (№ 10 қўшимча (А/49/10), 321-бет). Шунингдек, қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 29 умумий тартибдаги мулоҳаза, Фавқулодда ҳолат муносабати билан мажбуриятлардан чекиниш, 4-модда, 7-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича якуний мулоҳазалар: Эстония, ССРР/СО/77/EST, 2003 йил 15 апрел, 8-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 2000 йил 22 июндаги қарор, *Козм ва бошқалар Бельгияга қарши*, №№ 32492/96, 32547/96, 33548/96, 33209/96, 33210/96 шикоятлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 1999 йил 30 майдаги қарор, *Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши*, 119-банд ва қолганлари; ҳамда: Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳисобот, АДТ ҳужжати ОЕА/Ser. L/V/II.116, doc. 5 rev. 1 сог., 2002 йил 22 октябр, 218-банд.

⁵⁰⁰ Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси, 3-модда.

⁵⁰¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Перуда инсон ҳуқуқларига доир вазият тўғрисида иккинчи ҳисобот, ОЕА/Ser.L/V/II.116, Doc. 59 rev., 2000 йил 2 июн, 80-банд.

⁵⁰² Халқаро ҳуқуқ комиссияси, Инсоният тинчлиги ва хавфсизлигига қарши жиноятлар индексининг лойиҳаси шарҳлари билан — 1996, БМТ А/51/10 ҳужжати (№ 10 қўшимча), 36-бет.

⁵⁰³ Хусусан, қаранг, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 29 умумий тартибдаги мулоҳаза, Фавқулодда ҳолат муносабати билан мажбуриятлардан чекиниш, 4-модда, 7-банд; 2004 йил 19 мартдаги фикр, *Давид Майкл Николас Австралияга қарши*, № 1080/2002 хабар, 7.2 банд ва қолгани; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Корея Халқ Демократик Республикаси, ССРР/СО/72/PRK, 2001 йил 27 август, 14-банд; Бельгия ССРР/СО/81/BEL, 2004 йил 12 август, 24-банд; Исландия ССРР/СО/83/ISL, 2005 йил 25 апрел, 10-банд; Эстония, ССРР/СО/77/EST, 2003 йил 15 апрел, 8-банд; Канада ССРР/СО/CAN/СО/5, 2006 йил 20 апрел, 12-банд; ва Марокаш ССРР/СО/82/MAR, 2004 йил 1 декабр, 20-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди: 1993 йил 25 майдаги қарор, *Коккинакис Грецияга қарши*, № 14307/88 шикоят, 52-банд; ва 2000 йил 22 июндаги қарор, *Козм ва бошқалар Бельгияга қарши*, №№ 32492/96, 32547/96, 32548/96, 33209/96, 33210/96 хабарлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд: 1999 йил 30 майдаги қарор, *Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши*, С серияси № 52, 119-, 120- ва 121-бандлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия: Перуда инсон ҳуқуқларига доир вазият тўғрисида иккинчи ҳисобот, юқорида қаранг, 76-цит., 80-банд, ва Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳисобот, юқорида қаранг, 32-цит., «Тавсиялар», № 10 (а).

ятни содир этишга суиқасд қилиш ёки шериклик учун жиноий жавобгарликни истисно қилмайди⁵⁰⁴.

Жиноятларнинг мужмал, икки маъноли ва ноаниқ бўлган таърифлари халқаро инсон ҳуқуқларига, ҳамда «халқаро ҳуқуқ томонидан белги-ланган умумий шароитларга» зиддир⁵⁰⁵. Қонунийлик тамойили жиноий қонуннинг чекловчи талқинини кўзда тутуди ва ўхшашликлардан фойдаланишни тақиқлайди⁵⁰⁶. Жиноий қонунда назарда тутилмаган қилмишлар учун жиноят сифатида ўхшашлик асосида айблов билдириш, судда иш юритишни қўзғатиш ёки жиноий жазони тайинлаш, қонунийлик тамойилига мос келмайди⁵⁰⁷.

Фундаментлар эркинликларни қонуний амалга ошириш қонун томонидан жиноят сифатида таърифланиши мумкин эмас, чунки жиноий қонунчилик жамиятга зарар етказувчи хулқ-атвор шакллари тақиқлай олади⁵⁰⁸.

Жиноятларнинг қонунийлик тамойили шунингдек, ҳеч ким якка тартибдаги жиноий жавобгарликдан ташқари ҳеч қандай асосда жиноят учун жазолана олмайди (якка тартибдаги жиноий жавобгарлик тамойили). Бу тамойил жамоавий жиноий жавобгарликни тақиқлайди⁵⁰⁹. Аммо, бу иштирокчилик ёки далолатчилик учун якка тартибдаги жиноий жавобгарликни, ҳамда команда жавобгарлиги тамойили асосидаги якка тартибдаги жавобгарликни истисно қилмайди⁵¹⁰.

⁵⁰⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида: 2004 йил 19 мартдаги фикр, *Давид Майкл Николас Австралияга қарши*, № 1080/2002 хабар, 7.3 банд.

⁵⁰⁵ БМТ судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича Махсус маърузачиси, БМТ ҳужжати E/CN.4/1998/39/Add. 1, 129-банд. Шунингдек, қаранг, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Португалияга (Макао) нисбатан якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати ССРР/С/79/Add. 115, 1999 йил 4 ноябр, 12-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Жазиогра нисбатан фикрлари ва тавсиялари, ССРР/С/79/Add. 95, 1998 йил 18 август, 11-банд; Миср, ССРР/С/79/Add. 23, 1993 йил 9 август, 8-банд; Перу ССРР/С/79/Add. 67, 1996 йил 25 июл, 12-банд; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Корея Халқ Демократик Республикасига нисбатан якуний мулоҳазалари, ССРР/СО/72/PRK, 2001 йил 27 август, 14-банд; Бельгия ССРР/СО/81/BEL, 2004 йил 12 август, 24-банд; Исландия ССРР/СО/83/ISL, 2005 йил 25 апрел, 10-банд; Эстония ССРР/СО/77/EST, 2003 йил 15 апрел, 8-банд; ва Канада ССРР/С/CAN/СО/5, 2006 йил 20 апрел, 12-банд. Шунингдек, қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия: Перуда инсон ҳуқуқларига доир вазият тўғрисида иккинчи ҳисобот, 1983–1984 йиллар, 85-бет, 7-банд, ва Перуда инсон ҳуқуқларига доир вазият тўғрисида ҳисобот, юқорида қаранг, 76-цит., 80-банд.

⁵⁰⁶ Қаранг, бошқалар қаторида, Рим статутининг «жиноят таърифи аниқ талқин қилиниши ва ўхшашлик асосида қўлланилмаслиги»ни назар тутувчи 22 (2) моддаси.

⁵⁰⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг Корея Халқ Демократик Республикасига нисбатан якуний мулоҳазалари, ССРР/СО/72/PRK, 2001 йил 27 август, 14-банд.

⁵⁰⁸ Қаранг, масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Сирия Араб Республикаси, ССРР/СО/71/SYR, 2001 йил 24 апрел, 24-банд. ва Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Исландия ССРР/СО/83/ISL, 2005 йил 25 апрел, 10-банд.

⁵⁰⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳисобот, юқорида қаранг, 222- ва 237-бандлар; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1980 йил 6 ноябрдаги қарор, *Гудзарди Италияга қарши*, № 7367/76 шикоят.

⁵¹⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, Террорчилик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида ҳисобот, юқорида қаранг, 222- ва 237-бандлар.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎзР Жиноят Кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади⁵¹¹. Айти пайтда, ЎзР ЖКга мувофиқ, ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади⁵¹². Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади⁵¹³.

ЖКнинг 17-моддаси⁵¹⁴ таъсири остига тушадиган ақли расо⁵¹⁵ айбдор⁵¹⁶ жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Ушбу қилмиш ЎзР ЖКнинг тегишли моддаларида кўзда тутилган ҳудудий⁵¹⁷ ва даврий⁵¹⁸ чегараларда содир этилган бўлиши керак. Шунингдек, ЎзР ЖК жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини мустаҳкамлайди: «Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт»⁵¹⁹.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячи шундай ҳуқуқий позицияни танлаши лозимки, бунда у аниқ шахсларни ЖКда жиноят деб топилмаган қилмишлар учун жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигини талаб қилиши лозим. Айрим ҳолларда қилмиш суд ёки тергов органлари томонидан ортиқча кенг талқин қилиниши мумкин, бу эса мазкур тамойилнинг бузилишидир.

Ҳимоячи судда одил судловнинг халқаро стандартларига, жумладан: жиноят содир этганликда айбланувчи шахсларга фақатгина қонунда аниқ белгиланган жиноятлар учунгина айблов билдириш, уларни суд томонидан таъқиб қилиш ва жазолаш мумкинлигини назарда тутувчи қонунийлик тамойили (Nullum crimen sine lege)га таяниб, ўз процессуал ҳужжатларини мустаҳкамлаши мумкин.

⁵¹¹ ЎзР ЖК: Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари, 16-модда.

⁵¹² ЎзР ЖК: Жиноят тушунчаси, 14-модда.

⁵¹³ Ўша жойда.

⁵¹⁴ ЎзР ЖК: Ақли расолик, 18-модда.

⁵¹⁵ ЎзР ЖК: Айб учун жавобгарлик принципи, 9-модда.

⁵¹⁶ ЎзР ЖК: Жисмоний шахслар жавобгарлиги, 17-модда.

⁵¹⁷ ЎзР ЖК: Кодекснинг Ўзбекистон ҳудудидида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши, 11-модда; Кодекснинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан амал қилиши, 12-модда.

⁵¹⁸ ЎзР ЖК: Қонуннинг вақт бўйича амал қилиши, 13-модда.

⁵¹⁹ ЎзР ЖК: Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, 10-модда.

14. Жиноий ҳуқуқнинг ретрофаол қўлланилишининг тақиқланиши (Жиноий қонунчиликнинг ўтмишга нисбатан қўлланилишини тақиқлаш тамойили)

Ҳеч ким қилмиш содир этилган вақтда жиноят бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун жиноий жавобгарлика тортилиши ва маҳкум этилиши мумкин эмас.

Халқаро стандартлар

Жиноий қонуннинг ретроактивлигига тақиқ—бу халқаро ҳуқуқдаги қонунийлик тамойили (*nullum crimen sine lege*)дан келиб чиқувчи муҳим кафолат. Жиноий қонуннинг ретроактив қўлланилишини тақиқловчи тамойил мутлақ бўлиб, вазиятдан қатъи назар, шу жумладан фавқулодда ҳолатлар ва уруш даврида доимо қўлланилади. Содир этилган вақтда жиноят бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун маҳкум бўлмаслик ҳуқуқидан чекиниш рухсат этилмайди⁵²⁰. Ҳеч ким содир этилаётган пайтда миллий ёки халқаро ҳуқуққа мувофиқ жиноий жазоланувчи қилмиш бўлмаган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик факти бўйича қандайдир жиноят содир этганликда айбдор деб ҳисобланиши мумкин эмас⁵²¹. Шу билан бирга, бу тамойилнинг ҳеч бир қоидаси ҳар қандай шахсни содир этилган пайтда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган ҳуқуқнинг умумий тамойилларига (халқаро оддий ҳуқуқ) асосан жиноий қилмиш бўлган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун жиноий жавобгарликка тортиш ва жазолашга халал бермайди⁵²².

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎЗР ЖК 13-моддасига мувофиқ, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан

⁵²⁰ Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт, 4-модда; Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенцияси, 15-модда; ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Америка конвенцияси, 27-модда.

⁵²¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, 2004 йил 19 мартдаги фикр, *Давид Майкл Николас Австралияга қарши*, № 1080/2002 хабар, 7.2 банд ва қолганлари; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд: 2004 йил 18 ноябрдаги қарори, *Де ла Круз Флорес Перуга қарши*, С серияси № 115, 104-банд ва қолганлари; 2004 йил 31 августдаги қарор, *Рикардо Канесе Парагвайга қарши*, С серияси № 111, 175-банд; 2005 йил 25 ноябрдаги қарор, *Гарсия Асто ва Рамирез Ро-хас Перуга қарши*, С серияси № 137, 206-банд; ва 2005 йил 20 июндаги қарор, *Фермин Рамирез Гватемалага қарши*, С серияси № 126, 90-банд.

⁵²² Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт, 15 (2) модда, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенцияси, 7 (2) модда; ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Америка конвенцияси, 9-модда; Нюрнберг трибунали Устави билан тан олинган ва ушбу трибунал қароридан ўз ифодасини топган халқаро ҳуқуқ принциплари (1950 йилда БМТ Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан қабул қилинган), I принцип. Шунингдек, қаранг, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 2006 йил 26 сентябрдаги қарор, *Алмонацид Ареллано ва бошқалар Чилига қарши*, С серияси № 154, 151-банд; Халқаро юристлар комиссияси, Жазосизлик ва инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилишлари—№ 3 амалий қўлланма, Женева, 2008 йил, 129–133-бандлар.

белгиланади. Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас⁵²³.

Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади. Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади⁵²⁴.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячи ўз амалиётида ушбу тамойилнинг бузилишига дуч келса, у ҳукм устидан юқорида турган суд инстанциясига шикоят қилиши ва унинг бекор қилинишини талаб қилиши, шикоятда халқаро станлартлар ва ЎзР Конституциясига, ҳамда ЎзР ЖКнинг шахс аҳволини ёмонлаштирадиган тарзда қонуннинг ретроактив қўлланилишини тақиқловчи 13-моддасига мурожаат қилиши лозим. Бу шахс амнистия амал қилиш таъсирига кирувчи ва жазони ўташдан озод қилиниши ёки жазони ўташ муддати қисқартирилиши лозим бўлган, лекин қандайдир сабабга кўра амнистия акти шахсга нисбатан қўлланилмаган ҳолларда амнистия актларини қўллашга ҳам алоқадор бўлиши мумкин. Жазони енгиллаштирувчи ёки шахс аҳволини яхшиловчи актлар, назарда тутилган ҳолларда айбланувчилар, судланувчилар, судланганларга татбиқ этилиши лозим, уларнинг қўлланмаслиги устидан ҳам прокурор ёки судга шикоят қилиниши лозим.

15. Такроран жиноий жавобгарликка тортишнинг тақиқланиши (Ne bis in idem)

Жиноят содир этганликда айбланувчи шахсларга фақатгина қонунда аниқ белгиланган жиноятлар учунгина айблов эълон қилиш, уларни суд тартибида таъқиб қилиш ва жазолаш мумкин.

Халқаро стандартлар

Тақиқ (ne bis in idem тамойили) res judicata тамойилини ўз ичига олади. Бу қоида битта жиноятни содир этганлик учун судланиб бўлган ёки

⁵²³ ЎзР ЖК: Қонуннинг вақт бўйича амал қилиши, 13-модда.

⁵²⁴ Ўша жойда.

оқланган шахсни айнан битта суд ёки айнан битта мамлакатнинг бошқа суди томонидан судланишини тақиқлайди⁵²⁵. Бу тақиқ оғирлигидан қатъи назар барча жиноятларга татбиқ этилади.

Битта жиноят учун икинчи марта судлашга тақиқ жазога ҳукм қилиш, оқлаш ёки ишни кўришдан воз кечиш тўғрисидаги якуний суд қарори чиқарилганидан кейин қўлланади. Бу шуни англатадики, мазкур тақиқни қўллаш учун апелляция ва назорат инстанцияларига мурожаат этишга доир барча имкониятлардан фойдаланиш, бу амалга оширилмаган бўлса, апелляция ёки назорат шикоятларининг келтирилишига доир белгиланган муддатлар ўтиб кетган бўлиши лозим.

Шу тарзда, тақиқланмайди:

- i. юқори инстанция суди ҳукми бекор қилиши ёки ишни қайта кўришга қўйи инстанция судига юбориши⁵²⁶;
- ii. масалан, оқлов вақтида олиш имкони бўлмаган ёки маълум бўлмаган далиллар аниқланган каби алоҳида ҳолатлар юзага келганда жинойи таъқибни қайта тиклаш⁵²⁷; ва
- iii. шахснинг иштирокисиз (in absentia) ўтказилган суд муҳокамаси давомида айбдор деб топилган шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорини қайта кўришга илтимос билдириш. Аммо бундай вазиятларда икки марта жазога ҳукм қилишга тақиқ татбиқ этилади⁵²⁸.

Мазкур тақиқ айнан битта жиноятлар ёки қилмишларга нисбатан айнан ўша мамлакат судлари томонидан янги суд муҳокамалари ўтказилиши ёки ҳукмлар чиқарилишига рухсат этмайди. Аммо *ne bis in idem* тамойили бошқа мамлакатлар судларининг суд муҳокамалари ва қарорларига татбиқ этилмайди⁵²⁹.

Қарор *res judicata* кучига эга бўлиши учун, ҳамда *ne bis in idem* тамойилини қўллаш учун суд қарори ваколатли, мустақил ва беғараз суд ёки трибунал томонидан чиқарилиши ва суд муҳокамаси тегишли суд процесси кафолатларига риоя этилган ҳолда ўтиши муҳимдир⁵³⁰. Суд ҳукм ва қа-

⁵²⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 54-банд.

⁵²⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1992 йил 26 мартдаги фикр, *Теран Хихон Эквадорга қарши*, № 277/1988 хабар, 5.4 банд.

⁵²⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 55-банд.

⁵²⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 54-банд.

⁵²⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 57-банд; 1987 йил 2 ноябрдаги мақбуллик тўғрисида қарор, *А. П. Италияга қарши*, № 204/1986 хабар, 7 (3) банд; ва 1997 йил 28 июлдаги фикр, *А. Р. J Австралияга қарши*, № 692/1669 хабар, 6 (4) банд. Шунингдек, қаранг: Халқаро ҳуқуқ комиссияси, Халқаро ҳуқуқ комиссиясининг унинг қирқ саккизинчи сессияси иши тўғрисида хисоботи, 1996 йил 6 май—26 июл, БМТ ҳужжати А/51/10 (№ 10 Илова), 72-бет.

⁵³⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1997 йил 6 ноябрдаги фикр, *Полай Кампос Перуга қарши*, № 577/1994 хабар; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 1999 йил 30 майдаги қарор, *Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши*, С серияси № 52, 218- ва 219-бандлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, 1987 йил 30 июндаги № 15/87 ҳисобот, № 9635 иш (Аргентина); ва Инсон ва халқаро ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси, *Медиа*

рорлари адолатди суд муҳокамаси соҳасидаги халқаро стандартларга ёки тегишли ҳуқуқий тартиб-таомилларга мос бўлмаган процесснинг ўтказилиши натижасида чиқарилса, ёки улар мустақиллик, беғаразлик ва/ёки ваколатлилик талабларига жавоб бермайдиган органлари қарорлари билан чиқарилса, *ne bis in idem* тамойилини қўллашнинг иложи йўқ. Бундай ҳолларда иш юретишни қайта тиклаш тўғрисида ва янги суд муҳокамасини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиниши эҳтимоли мавжуд⁵³¹.

Инсон ҳуқуқларини қўпол бузганида гумонланаётган шахсларнинг ишлари бўйича *res judicata* ўз кучини йўқотади ва уларнинг жавобгарликка тортиш нияти ҳақиқий бўлмаганда ёки процесснинг мақсади айбланувчинининсон ҳуқуқларини қўпол бузганлик учун ҳар қандай жавобгарликдан озод этишдан иборат бўлганда *ne bis in idem* тамойилининг қўлланилиши мумкин эмас⁵³².

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎЗР ЖКда адолатлилик тамойилини мустаҳкамловчи модда мавжуд бўлиб, унинг иккинчи қисми шахснинг жиноий жавобгарликка иккинчи марта тортилишига тақиқни ифода этади: «Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас»⁵³³. Аммо тайинланган жазонинг энгиллиги муносабати билан ва оқлов ҳужжима суд қарори қонуний кучга киргандан бошлаб бир йил давомида протест киритишга имкон берувчи бошқа бир амалдаги ҳуқуқий норма ушбу ҳуқуқий кафолатни кучсизлантириши мумкин. ЎЗР ЖК назарда тутганидек: «Протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони

Райтс Адженда Нигерияга қарши ишлари бўйича қарорлар, № 224/98 хабар ва «Чегарасиз адвокатлар» (*Гаetan Бвампамье*), № 231/99 хабар.

⁵³¹ Қаранг, бошқалар қаторида: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1997 йил 6 ноябрдаги фикр, № 577/1994 хабар, *Полай Кампос Перуга қарши*; 1981 йил 28 октябрдаги фикр, *Раул Сендик Антонаксиоа Уругвайга қарши*, юқорида қаранг; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия: *Каприо Николле Гватемалага қарши* ишлари бўйича фикр, С серияси № 117; 2006 йил 29 ноябрдаги қарор, *Ла Кантута Перуга қарши*, С серияси № 162; 2006 йил 26 сентябрдаги қарор, *Альмонасида Ареллано ва бошқалар Чилига қарши*, С серияси № 154; ва 2005 йил 12 сентябрдаги қарор, *Гуттиереса Солера Колумбияга қарши*, С серияси № 132; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия: № 15/87 хабар, 1987 йил 30 июн, № 9635 иш (Аргентина); ва Инсон ва халқаро ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси, *Медиа Райтс Адженда Нигерияга қарши* ишлари бўйича қарорлар, № 224/98 хабар ва «Чегарасиз адвокатлар» (*Гаetan Бвампамье*), № 231/99 хабар.

⁵³² Қаранг, бошқалар қаторида: Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 2004 йил 22 ноябрдаги қарор, *Каприо Николле ва бошқалар Гватемалага қарши*, С серияси, № 117; 2006 йил 29 ноябрдаги қарор, *Ла Кантута Перуга қарши*, С серияси, № 162, 2006 йил 26 сентябрдаги қарор, *Альмонасида Ареллано ва бошқалар Чилига қарши*, С серияси, № 154; ва 2005 йил 12 сентябрдаги қарор, *Гуттиереса Солера Колумбияга қарши*, С серияси, № 132, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, 1996 йил 15 октябрдаги қарор, *Хектор Марциал Хермосилья ва бошқалар Чилига қарши*, № 10.843 иш, № 36/96 ҳисобот, 106- ва қолган бандлар. Шунингдек қаранг, Халқаро ҳуқуқ комиссияси, Халқаро ҳуқуқ комиссиясининг унинг қирқ саккизинчи сессияси иши тўғрисида ҳисоботи, 1996 йил 6 май—26 июл, БМТ ҳужжати А/51/10 (№ 10 Илова), 72-бет; Халқаро жиноий суд Рим статуту, 20.3 модда; Собиқ Югославия бўйича халқаро жиноий трибунал Устави, 10-модда, ва Руанда бўйича халқаро трибунал Устави, 9-модда.

⁵³³ ЎЗР ЖК: Адолатлилик принципи, 8-модда.

кучайтириш ёки маҳқумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга киргандан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади»⁵³⁴. Шунга ўхшаш қоида янгидан очилган ҳолатлар ҳусусидаги ЖПКнинг моддасида мавжуд: «Оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш ҳақидаги суднинг ажримини (қарорини) қайта кўриш, шунингдек суднинг айблов ҳукмини ва ажримини (қарорини) жазонинг энгиллиги ёки оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги сабабли қайта кўриш фақат Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш муддати давомида ва янги ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан амалга оширилиши мумкин»⁵³⁵.

РФ Конституциявий Судининг 2003 йил 4 мартдаги Қарорини ўрганиш амалиётчиларга қизиқарли ва фойдалидир. Унга кўра «айбловни асослаш бўйича тергов фаолиятини давом эттиришни бошлаб, судлар, моҳиятан, суд мажлисида тўлдириб бўлмайдиган терговнинг камчилигига (РСФСР ЖПК 232-моддаси биринчи қисми 1-банди) ўхшаш равишда, айбловга бевосита алоқадор керакли ва етарли далиллар мавжуд эмаслигидан келиб чиққанлар. Шу билан бирга, суд томонидан ўз ташаббусига кўра ишни қўшимча терговга қайтариш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши бундай ҳолатларда деярли суд томонидан унга хос бўлмаган айблов вазифасини бажаришга олиб келади»⁵³⁶. РФ Конституциявий Суди иш қўшимча терговга фақат тергов давомида йўлга қўйилган жиноий-процессуал қонунчиликни салмоқли бузиш оқибатларини бартараф этиш учунгина қайтарилиши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилган.

Амалиётчиларга тавсиялар

Суд тергов томонидан йўлга қўйилган хатоларни бартараф этиш ва айбловни асослашга имконият берса, ҳимоя жиноий ишнинг қўшимча тергов учун қайтаришга қарши эътироз билдириши, суднинг бундай ажрими устидан юқори судга шикоят қилиши лозим. Шунингдек, тайинланган жазонинг энгиллиги ёки оқлов ҳукмига киритилган протестга қарши эътирозни тайёрлашда қонуний кучга кирган ҳукм — яъни суднинг якуний қарорини қайта кўришга имкон берувчи ушбу норманинг юқорида келтирилган *Ne bis in idem* тамойилига зидлиги тўғрисида масалани кўтариш, ҳамда назорат инстанцияси судидан халқаро нормаларнинг

⁵³⁴ ЎзР ЖПК: Суд ҳукмлари, ажримларини (қарорларини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга йўл қўйиладиган муддат, 513-модда.

⁵³⁵ ЎзР ЖПК: Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш муддатлари, 523 модда.

⁵³⁶ РФ Конституциявий судининг 2003 йил 4 мартдаги № 2-П «Фуқаролар Л. И. Ба-тищев, Ю. А. Евграфов, О. В. Фролов ва А. В. Шмелёвларнинг шикоятлари муносаба-ти билан РСФСР Жиноят-процессуал кодексининг 232-моддаси биринчи қисми 2-банди ва учинчи қисми қоидаларининг конституциявийлигини текшириш иши бўйича» қарори (www.ksrf.ru/Decision/Pages/default.aspx).

миллий қонунчилик нормалари устидан устуворлиги тамойили ЎЗР ЖК 8-моддасида тасдиқланганлигини, ЎЗР ЖПКнинг 513-моддаси халқаро нормаларга зид эканлигини кўрсатиб, протест қаноатлантирилмаслигини талаб қилиши мумкин.

Агар суд, шахснинг айбсизлигига доир барча далиллар мавжуд бўлганда, ёки айблов исботланмаганда, оқлов ҳукмини чиқариш ёки айблов исботланмаганлиги сабабли жиноий ишни тугатиш ўрнига жиноий ишни қўшимча терговга қайтариш тўғрисида ажрим чиқарса, ва шу билан айбловга терговдаги камчиликларни тўлдиришга яна бир имконият берса, *Ne bis in idem* тамойили бузилганлиги тўғрисида гапириш мумкин. Судлар айблов органи вазифасини бажармасликлари лозим, балки жиноий ишни айбловни «тасдиқлаш»га юбормасдан, иш бўйича якуний қарор қабул қилишлари лозим⁵³⁷.

16. Ошкора ва асосли суд қарорига бўлган ҳуқуқ

Суд қарорлари, вояга етмаганлар манфаатлари буни талаб қилган ҳоллардан ташқари, ошкора бўлиши лозим. Ўзига нисбатан айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисида суд қарори чиқарилган ҳар ким ушбу суд қарори чиқарилган асослар билан танишишга ҳақли.

Халқаро стандартлар

Суд муҳокамалари натижалари бўйича қарорлар ва улар устидан шикоят қилишдан кейинги қарорлар, буни вояга етмаганларнинг манфаатлари талаб этмаган ҳолларда, ошкора бўлиши лозим. Бунга қарамай, ҳатто вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳолларда тарафлар қарор билан тўлиқ танишиш имконига эга бўлишлари ва уларга бундай қарорнинг нусхаси тақдим этилиши лозим.

Қарор жамоатчилик учун очиқ суд мажлисида оғзаки ўқиб эшиттирилганда ёки қарор чоп этилиб, ҳар қандай манфаатдор томоннинг танишиши учун очиқ бўлганда қарор ошкора қабул қилинган ҳисобланади⁵³⁸.

Чиқарилаётган қарорнинг, шу жумладан асосий ҳулосалар, далиллар ва ҳуқуқий асоснинг ошкоралигига доир талаб жамоатчилик бутун суд процесси ёки унинг бир қисмига киритилмаган ҳолларда ҳам ўз кучига эга⁵³⁹.

Суд қарорини ошкора чиқариш тамойили шуни англатадики, ҳар қандай ҳолатларда судланган ва процессдаги бошқа тарафлар қарор нусхасини

⁵³⁷ ЎЗР Олий Суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги № 12 «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори, 5-банд.

⁵³⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1984 йил 22 февралдаги қарор, *Суттер Швейцарияга қарши*, № 8209/78 шикоят, 34-банд.

⁵³⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита: № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 29-банд.

олиш ҳуқуқига эга⁵⁴⁰. Қарор судда ўқиб эшиттиришнинг ўзи етарли эмас. Томонларга қарор матни тақдим этилмаслиги ҳимояга бўлган ҳуқуқнинг бузилишига, хусусан, бу қарор юзасидан юқори инстанция судига шикоят берилиши ҳуқуқини бузиши мумкин⁵⁴¹.

Суднинг асосли қарорини олиш ҳуқуқи одил судловга бўлган ҳуқуқнинг ажралмас қисмидир⁵⁴². Ушбу ҳуқуқ жинойи ишни кўриб чиқишнинг барча босқичларида, шу жумладан, апелляция ва назорат инстанциялари судларида қўлланилади. Одил судловга бўлган ҳуқуқ суд қарорида шуни англатадики, суд қарорида қарорни асослантирган асосий ҳулосалар, далиллар ва ҳуқуқий асослар келтирилган бўлиши керак. «Тегишли равишда асосланган қарор» тушунчаси, айти пайтда айбланувчи ёки бошқа тарафлар томонидан қайд этиб ўтилган ҳар бир факт ва ҳуқуқ саволига батафсил тушунтириш бериш, деб қаралмаслиги керак.

Ошқора қарорга бўлган ҳуқуқ деганда, судлаувчи ва процесснинг бошқа иштирокчилари суд томонидан қабул қилинган қарорни билишга ҳақли, эканлигини англатади. Ушбу ҳуқуқ айбланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминлашда, шунингдек шикоят қилишнинг бошқа босқичларидан, жумладан апелляция босқичидан ўтишда ҳал қилувчи ҳисобланади.

Оқилона муддатларда судланиш ҳуқуқи ўз ичига оқилона муддатларда асосланган суд қарорини олиш ҳуқуқини киритади⁵⁴³.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Суд ҳукми Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради⁵⁴⁴. Ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт. Ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади. Ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилади. Ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилади⁵⁴⁵. Суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослайди. Суднинг ҳукмда ифодаланган барча ҳулосалари асослантирилган бўлиши

⁵⁴⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1981 йил 31 мартдаги фикр, *Турон Уругвайга қарши*, № 32/1978 хабар.

⁵⁴¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 2005 йил 25 ноябрдаги қарор, *Гарсия Астро ва Рамирез Рохес Перуга қарши*, С серияси, № 137, 155-банд.

⁵⁴² Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1993 йил 24 мартдаги фикр, *В. Френсис Ямайкага қарши*, № 320/1988, 12.2 банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1999 йил 21 январдаги қарор, *Руиса Гарсия Испанияга қарши*, № 30544/96 шикоят, 26-банд.

⁵⁴³ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1994 йил 29 мартдаги фикр, *Курри Ямайкага қарши*, № 377/1989 хабар, 13.5 банд; 2006 йил 15 мартдаги фикр, *Абделхамид Тарайт, Ахмед Тоуади, Мохамед Ремли ва Амар Юсфи Жазоирга қарши*, № 1085/2002 хабар, 8.4 ва 8.5 бандлар.

⁵⁴⁴ ЎЗР ЖПК: Ҳукм чиқариш, 454-модда.

⁵⁴⁵ ЎЗР ЖПК: Ҳукмнинг қонунчилиги, асослилиги ва адолатлилиги, 455-банд.

лозим⁵⁴⁶. Шуниси ҳам муҳимки, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади⁵⁴⁷. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим⁵⁴⁸.

ЖПКнинг 473-моддасига кўра, суд ҳукми имзолаганидан кейин суд мажлиси залига қайтиб чиқади ва раислик қилувчи ёки халқ маслаҳатчиси ҳукмнинг қарор қисмини эълон қилади. Суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, шу жумладан суд таркиби ҳам ҳукми тик туриб эшитадилар. Агар ҳукм судланувчи билмайдиган ёки етарлича билмайдиган тилда баён қилинган бўлса, ҳукмнинг қарор қисми эълон қилингандан кейин, мазкур қисм таржимон томонидан судланувчининг она тилида ёки у тушунадиган бошқа тилда ўқиб эшиттирилиши керак. Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини, ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартибини тушунтиради. Башарти судланувчи фавқулодда жазо чораси — умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган бўлса, унга авф этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади⁵⁴⁹.

Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади⁵⁵⁰. (Юқоридаги бобга қаранг: «Ошкора суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ»). Ҳукм эълон қилинганидан кейин уч суткадан кечиктирилмай, ҳажми катта бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирилмай, унинг нусхаси маҳкумга ва оқланган шахсга берилиши лозим. Бошқа тарафларга ҳукм нусхаси ёки унинг кўчирмаси шу муддатда, уларнинг илтимосларига асосан берилади⁵⁵¹.

Процесс иштирокчилари биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажрими устидан белгиланган тартибда апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга, шунингдек суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда улар ўз важларини тасдиқловчи қўшимча материаллар тақдим этишлари мумкин⁵⁵².

Аммо прокурорнинг назорат протести ва адвокатнинг назорат шикояти назорат инстанцияси судининг муҳокамаси предметида айланиши тур-

⁵⁴⁶ ЎзР ЖПК: Ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги, 455-банд.

⁵⁴⁷ ЎзР ЖПК: Айблов ҳукми чиқариш асослари, 463-модда.

⁵⁴⁸ Ўша жойда.

⁵⁴⁹ ЎзР ЖПК: Ҳукми эълон қилиш, 473-модда.

⁵⁵⁰ ЎзР ЖПК: Судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши, 19-модда.

⁵⁵¹ ЎзР ЖПК: Ҳукмнинг нусхасини маҳкумга ва оқланган шахсга бериш, 475-модда.

⁵⁵² ЎзР ЖПК: Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқи ҳамда унинг таъминланиши, 479-модда.

лича кечади. Чиқарилган ҳукмлар ва ажримлар (қарорлар) билан бирга ишларни назорат тартибида кўриб чиқишга улар фақат апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарлари протест билдиргандагина йўл қўйилади⁵⁵³. Қонунга кўра, юқори суд ва прокуратуранинг мансабдор шахсларига протест билдириш ҳуқуқига эга⁵⁵⁴, айни пайтда ҳимоячининг шикоят, ЎЗР ЖПКнинг 511-моддасида санаб ўтилган суд ёки прокуратуранинг мансабдор шахсларидан бири суд ҳукмини бекор қилиш ёки ўзгартириш бўйича протест билдирган тақдирдагина кўриб чиқилади. Бундан ташқари, мажлум, ишни назорат тартибда кўриб чиқаётган суд мажлисига суд ихтиёрига кўра чақирилади⁵⁵⁵.

Амалиётчиларга тавсиялар

Амалиётда адвокат шундай вазиятга дуч келиши мумкинки, ҳукмнинг таъриф қисми айблов хулосасининг аниқ ёки деярли аниқ нусхаси бўлади, ҳатто стилистик ва имло хатолари ҳам бир хил. Англаш қийин эмас: суд унга терговчи томонидан берилган айблов хулосаси версиясидан фойдаланган. Демак, ҳукмда суд томонидан суд тергови давомида аниқланган ҳолатлар эмас, тергов органи томонидан айблов хулосасида кўрсатилган ҳолатлар келтирилган бўлса, суд ўзига унга юклатилган суд терговини ўтказиш орқали одил судловни амалга ошириш вазифасини бажармаган. Ҳукм асосланган бўлиши керак, шу жумладан, мажлум ҳам, ҳимоячи ҳам нима учун суд ҳимоянинг у ёки бу далилини эътиборга олмаганини билиши керак. Миллий қонунчиликка риоя қилган ҳолда ҳимоячи апелляция шикоятида биринчи инстанция суди томонидан ЖПКнинг юқорида кўрсатиб ўтилган, суддан барча важдари асосланган, қонуний, асосланган ва одил қарорни талаб этувчи нормалари бузилганини таъкидлаши керак.

Агарда гувоҳлар, жабрланувчилар судда дастлабки тергов пайтида берган кўрсатмаларини ўзгартиришса, суд ўз ҳукмида бунга асосли баҳо бермасдан, уларга таяна олмайди. Агарда ўз хулосаси бўйича судда сўроқ қилинган эксперт ўз хулосаларини тасдиқлай олмаса, суд ўз ҳукмида ушбу эксперт хулосасига танқидий баҳо бериши, ёки нима сабабдан судда ушбу кўрсатмаларни қабул қилгани ёки қабул қилмаганини асослаб бериши лозим. Ҳимоянинг далилларидан бири сифатида шикоятда суд томонидан асосли суд қарорига бўлган ҳуқуқнинг бузилганини кўрсатиши мумкин, бу эса суд қарорида унга асос бўлган асосий хулосалар, далиллар ва ҳуқуқий асослаш кўрсатилиши зарурлигини билдиради. Суд томонидан чиқарилган муаяйн ҳукмнинг асосларини ва мотивларини билиш, уларга қўшилмаган тақдирда, ушбу ҳукм устидан апелляция ёки кассация инстанциясига шикоят қилиш имконини беради.

⁵⁵³ ЎЗР ЖПК: Ҳукм ва ажрим (қарор) устидан назорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, 511-модда, 1 қисм.

⁵⁵⁴ ЎЗР ЖПК: Ҳукм ва ажрим (қарор) устидан назорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, 511-модда.

⁵⁵⁵ ЎЗР ЖПК, Айбланувчининг ҳуқуқлари, 46-модда.

Шикоятда суд ҳукми нухасини бериш муддати ўтказиб юборилгани тўғрисидаги мулоҳазалар ҳам келтирилиши мумкин. Бунда судья томонидан суд ҳукми нухасини тақдим этиш муддати бузилгани унинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш учун асос бўлиши мумкин.

17. Жиноят содир қилиш пайтида қўлланиладиган жазодан кўра оғирроқ жазога тортилмаслик ҳуқуқи, ва кейинчалик қонун томонидан белгиланган енгилроқ жазо тайинланиши ҳуқуқи

Суд жиноят содир қилиш пайтида қонунда кўзда тутилган жазодан оғирроқ жазо тайинлай олмайди. Аммо, ҳуқуқий ислоҳот натижасида ушбу жиноят учун жазо камайтирилган бўлса, давлат ретроактив тартибда енгилроқ жазо тайинлаши шарт.

Халқаро стандартлар

Ушбу ҳуқуқ жазони ретроактив тайинлашни ёки ноқонуний бўлган жазони қўллашни тақиқлаш билан боғлиқ (жазонинг қонунийлиги тамойили)⁵⁵⁶.

Жиноят содир қилгани учун судланган ҳар қандай шахс, энг мақбул жазонинг ретроактив қўлланилиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ куйидагиларни англатади:

- i. жиноят содир қилишда айбланган шахсга нисбатан жиноятни содир қилиш пайтида қўлланилган жазодан кўра оғирроқ жазо тайинланмаслиги керак⁵⁵⁷; ва
- ii. жиноят содир қилинганидан сўнг қонун томонидан енгилроқ жазо белгиланган бўлса, ушбу жазо маҳкумга нисбатан тайинланиши керак. Ушбу ҳуқуқдан чекланишга йўл қўйилмади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик Махсус қисмининг назарда тутилган моддасида белгиланган чегарасига мувофиқ жазо тайинлайди. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусия-

⁵⁵⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2003 йил 31 июлдаги фикр, *Клаус Дистер Баумгартен Германияга қарши*, № 960/2000 хабар, 9.3 банд; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 2005 йил 25 ноябрдаги қарор, *Гарсия-Астро ва Рамирез-Рокас Перуга қарши*, С серияси № 137, 191-банд.

⁵⁵⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2003 йил 22 июлдаги фикр, *Касафранка Перуга қарши*, № 981/2001 хабар, 7.4 банд.

ти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади⁵⁵⁸. Жиноят характеридан келиб чиқиб суд ЎзР ЖПК нинг 56-моддаси биринчи қисмида кўзда тутилган ҳар қандай ҳолатни оғирлаштирувчи деб топмаслиги мумкин. Оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхати кенгайтирилган тарзда шарҳланиши мумкин эмас⁵⁵⁹. ЎзР ЖҚда қонунда кўзда тутилганига нисбатан энгилроқ жазо тайинланишини кўзда тутати: «Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа энгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин. Суд шу асосларни эътиборга олиб, ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида қўлланилиши шарт деб кўрсатилган қўшимча жазони тайинламаслиги ҳам мумкин»⁵⁶⁰.

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрган вақтида жазони кучайтиришга, шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга ҳақли эмас⁵⁶¹. Оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги муносабати билан ёхуд жазонинг энгиллиги учун жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ана шу асослар бўйича апелляция ёки кассация тартибида ҳукм бекор қилиниши ва иш янгидан судда кўриш учун юборилиши мумкин⁵⁶². Оқлов ҳукми юқори суд томонидан фақат прокурорнинг апелляция ёки кассация протести, жабрланувчининг ёки унинг вакилининг шикояти ёхуд оқланган шахсининг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция ёки кассация шикояти, шунингдек назорат тартибида берилган протест бўйича бекор қилиниши мумкин⁵⁶³.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2003 йил 19 декабрдаги Пленумининг қарорида кўзда тутилганидек, «Маҳкумга (оқланган шахсга) берилган ҳимоя ҳуқуқи таъминланишининг жиддий кафолати, бу қонунга кўра (ЖПКнинг 494-, 513-моддалари) юқори инстанция суди томонидан жазонинг кучайтирилишига, оғирроқ жиноятга доир қонун нормаси қўлланилишига, шунингдек, кассация ва назорат тартибида суд қарорларининг қайта кўриб чиқилишига, агар бу маҳкум (оқланган шахс) аҳволининг оғирлашишига олиб келса, айблов (оқлов) ҳукми ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажрим (қарор) қонуний кучга кирган кундан бошлаб, бир йил ўтгандан сўнг йўл қўйилмаслигидир»⁵⁶⁴.

558 ЎзР ЖК, Жазо тайинлашнинг умумий асослари, 54-модда.

559 ЎзР ЖК: Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар, 56-модда.

560 ЎзР ЖК: Энгилроқ жазо тайинлаш, 57-модда.

561 ЎзР ЖПК: Жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллашга йўл қўйилмаслиги, 494-модда.

562 Ўша жойда.

563 Ўша жойда.

564 Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан.

Амалиётчиларга тавсиялар:

Қонунда ҳимоячига ҳимоя қилинаётган шахсга нисбатан енгилроқ жазо тайинланиши зарурлигини асослашга реал имконият беради, айниқса, ҳар қандай ҳолат суд томонидан енгиллаштирувчи деб топилиши мумкинлигини эътиборга олиш лозим. Бу далилларни тўплаш ва судга тақдим этиш, ва ҳимоячи қанчалик бунинг уддасидан чиқа олишига боғлиқ. Судга судланувчининг шахси, айбининг даражаси ва шакли, шахснинг жиноятни содир қилишгача ва ундан кейинги хатти-ҳаракатлари, жиноятни содир қилиш сабаблари ва бунга олиб келган шароитлар ва ҳ. з.-лар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш зарур. Бу масалаларни ҳимояланувчи, унинг қариндошлари ва яқинлари билан батафсил муҳокама қилиш, тўпланган маълумотларни судга ўз вақтида ва тегишли ҳолатга келтирилган тарзда тақдим этиш керак.

Ҳимоячи сўровлар йўллаш ва маълумотномалар, тавсифномаларни, шахсни ҳимоя қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган ҳар қандай маълумотларни олиш ҳуқуқига эга. Ҳимоячи мутахассисларга уларнинг фикрини олиш, мустақил экспертиза хулосаларини учун мурожаат қилиш имкониятини, шунингдек зарур суд экспертизасини тайинлашни сўраш ҳуқуқини ҳам унутмаслиги керак. Жиноят содир қилинишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида ҳимоячи ҳимояланаётган шахс тарбияланган ва яшаган муҳитни ўрганиши, улар унинг хатти-ҳаракатига қандай таъсир кўрсатганлигини аниқлаш учун психолог хулосасини олиши мумкин. Оғир шахсий, оилавий, молиявий ва бошқа шароитлар натижасида жиноят содир қилинишини ҳам эътиборга олиш ва бунинг судда исботлашга ҳаракат қилиш мумкин.

18. Халқаро стандартларга хилоф бўлган жазога тортилмаслик ҳуқуқи

Жазонинг ўзи ҳам, уни қўллаш усули ҳам халқаро стандартларни, жумладан, қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва инсон шаънини ерга урувчи муомала ёки жазонинг тақиқланишини бузмаслиги шарт. Суд қарори билан белгиланган ҳар қандай жазо маҳкумнинг инсон шахси дахлсизлигининг ҳурмат қилиниши ҳуқуқига мувофиқ бўлиши зарур.

Халқаро стандартлар

Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва инсон шаънини камситувчи муомала ёки жазолар мутлақо тақиқланган. Ҳеч қандай суд органи, айбланувчига юкланаётган жиноятнинг оғирлигидан қатъий назар, бу турдаги жазони тайинлашга ҳақли эмас⁵⁶⁵.

⁵⁶⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, № 20 умумий тартибдаги мулоҳаза, «Қийноқларга солиш ва муомала бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларини тақиқлаш, 2- ва 3-банд.

Суд қарорига кўра тайинланадиган тан жазоси (яъни, баданга зарба етказиш орқали жисмоний жазолаш, калтаклаш, таёқ билан савалаш, жароҳатлаш, ампутация ва тамға босиш) халқаро ҳуқуққа кўра тақиқланган, чунки бу қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва инсон шаънини камситувчи муомала ёки жазоларнинг мутлақо тақиқланишига зиддир⁵⁶⁶.

Олий жазо фақат энг оғир жиноятлар содир қилинганида ва ўлим жазоси бекор қилинмаган мамлакатларда қўлланилиши мумкин. «Энг оғир жиноят» тушунчаси чекланган тарзда шарҳланиши керак. Жиноят табиатидан қатъий назар, жиноятни содир қилиш пайтида 18 ёшга тўлмаган шахслар ўлим жазосига ҳукм қилинмаслиги керак. Шунингдек, ўлим жазоси ҳомиладор аёлларга ёки эмизувчи оналарга, руҳий касалларга тайинланмаслиги керак.

Одил судловни ўтказиш натижасида трибунал ёки суд томонидан тайинланадиган жазо мутаносиблик тамойилига мос келиши керак. Қийноқлар, судсиз қатллар ёки зўравонлик туфайли ғойиб бўлишлар каби инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилишларига йўл қўйилиши ҳолатларида ушбу жиноятларнинг ҳаддан зиёд оғирлиги мутаносиб жазо тайинлашда эътиборга олиниши лозим⁵⁶⁷.

Нафақат маҳкумни жазоловчи чоралар ва жамоавий жазо ҳисобланувчи чоралар халқаро ҳуқуқда мутлақо тақиқланган⁵⁶⁸. Жазонинг ушбу икки турининг тақиқланиши жиноятнинг қонунийлиги тамойили ва шахсий жиний жавобгарлик тамойили билан боғлиқдир.

Жазони ўтаётган шахслар сақланаётган қамоқ шароитлари халқаро стандартларга зид бўлмаслиги керак. Масалан, қуйидаги қамоқ шароитлари халқаро стандартларга зид ҳисобланади:

- i. узоқ вақт давомида изоляцияда ёки бир кишилик камерада, ташқи олам билан алоқасиз сақлаш, ёзишмаларни етказиш ва алмашишни тақиқлаш ҳам шулар жумласида киради;

⁵⁶⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 20 умумий тартибдаги мулоҳаза, «Қийноқларга солиш ва муомала бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларини тақиқлаш, 5-банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Ирак, ССРР/С/79/Add. 84, 1997 йил 19 ноябр, 12-банд; Ливия, ССРР/С/LBY/CO/4, 2007 йил 15 ноябр, 16-банд; Тринидад ва Тобаго, ССРР/CO/70/ТТО, 2000 йил 3 ноябр, 13-банд; Яман, ССРР/С/84/ҲЕМ, 2005 йил 9 август, 16-банд; Қийноқларга қарши қўмитанинг хулосалари ва тавсиялари: Саудия Арабистони, САТ/С/СР/28/5, 2002 йил 12 июн, 4 (b) ва 8 (b) бандлар; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1978 йил 25 апрелдаги қарор, *Тайер Бирлашган Қиролликка қарши*, № 5856/72 шикоят; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 2005 йил 11 мартдаги қарор, *Цезарь Тринидад ва Тобагога қарши*, С серияси, № 123, 59-банд ва қолгани.

⁵⁶⁷ Қийноқларга қарши қўмита, 2005 йил 17 майдаги фикр, *Кела Урра Гуриди Испанияга қарши*, № 212/2002 хабар, 6(7) банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд: № 136/99 ҳисобот, 1999 йил 22 декабр, № 10.488, *Игнацио Еллакурия, С. Х. ва бошқалар (Сальвадор)*, 238-банд.

⁵⁶⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 29 умумий тартибдаги мулоҳаза, 11-банд: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1986 йил 26 мартдаги фикр; *Нгалула Мпандахжула ва бошқалар Зомрга қарши*, № 138/1983 хабар, 8.2 банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг якуний мулоҳазалари: Ливия, ССРР/С/LBY/CO/4, 20-банд; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, юқорида қаранг, 227-банд.

- ii. иқлим ва атмосфера шароитларига кўра яшаш учун яроқсиз бўлган жойда сақлаш;
- iii. географик жиҳатдан олис жойда сақлаш, бу амалда маҳкумдан қариндошлари хабар олишини қийинлаштиради⁵⁶⁹.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

ЎЗР ЖИКнинг 4-моддасига мувофиқ, Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишга тааллуқли тамойиллари ва нормаларини инobatга олади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг нормалари маҳкумларни қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний ёки камситувчи муомала турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид бўлиши мумкин эмас. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади⁵⁷⁰.

ЎЗР ЖКга мувофиқ, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади⁵⁷¹. Қонун маҳкум ва унинг қариндошлари ва яқинларига азоб-уқубат бериш мақсадида жазо тайинлашни кўзда тутмайди.

Қонун жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д) қамоқ;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш⁵⁷².

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин. Хизмат

⁵⁶⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1997 йил 6 ноябрдаги фикр, № 577/1994 хабар, *Полай Кампас Перуга қарши*, № 577/1994 хабар, 8.4 банд ва қолгани; ва 2005 йил 28 октябрдаги фикр, *Марлем Карранза Алегре Перуга қарши*, № 1126/2002 хабар, 7.4 банд; Қийноқларга қарши қўмита, Перудаги вазиятни тадқиқ қилиш натижаларининг қисқача баёни (Конвенциянинг 20-моддаси), А/56/44, 183- ва 184-бандлар; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 2005 йил 25 ноябрдаги қарор, *Гарсия-Асто ва Рамирез-Рохас Перуга қарши*, С серияси, № 137, 221-банд ва қолгани.

⁵⁷⁰ ЎзЖИК, Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, 4-модда.

⁵⁷¹ ЎЗР ЖК: Жазо тушунчаси ва мақсадлар, 42-модда

⁵⁷² ЎЗР 2007 йил 11 июлдаги № ЎРҚ-99 қонуни таҳриридаги банд ЎЗРда ўлим жазони бекор қилиш муносабати билан таҳрир қилинган.

бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин⁵⁷³.

ЎзР ЖКнинг 7-моддасига мувофиқ, Маҳкумни ахлоқан тузатиш — унда қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборат. Маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва ҳунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири киради. Ахлоқан тузатиш воситалари жазо турини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шунингдек маҳкумнинг шахси ва хулқ-атворини инobatга олган ҳолда қўлланилади⁵⁷⁴. Жазони ижро этиш муассасаларида режим Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган Ички тартиб қоидалари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади⁵⁷⁵.

Амалиётчиларга тавсиялар

Судланувчига номутаносиб жазо тайинланганда, ҳимоя суд ҳукмини шу асосда шикоят қилиши мумкин. Шикоятни жазонинг мақсади азоб-уқубат келтириш эмас, тузатишга қўмаклашишдан иборат эканлиги сабабли суд ҳукмини қайта кўриб чиқиш зарурати тўғрисидаги ҳамда суд томонидан жазони тайинлаш ва унинг муддатини ўташ шароитларига доир халқаро стандартларга риоя этиши зарурлиги ҳақида важлар билан кучайтириш мумкин. Бунинг учун шикоятда судланувчини тузатиш учун суд томонидан тайинлаган жазодан ташқари ҳам бошқа имкониятлар мавжудлигини асослаш лозим: гап жазони шартли равишда тайинлаш, жазони енгиллаштириш ёки шу жиноят учун ЖКда белгиланган жазодан енгилроқ даражадаги жазони тайинлаш тўғрисида кетмоқда; зарур бўлган ҳолларда жазони ўташ режими нотўғри белгиланганлиги устидан шикоят қилиш мумкин. Маҳкумни сақлаш шароитлари бузилган ёки унинг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда, бу қоидабузарлик устидан назорат қилувчи прокурорга шикоят қилиш учун асос бўлиши мумкин.

573 ЎзР ЖК: Жазо тизими, 43-модда.

574 ЎзР ЖК: Маҳкумни ахлоқан тузатиш. Ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари, 7-модда.

575 ЎзР ЖК: Режимнинг асосий талаблари, 62-модда.

19. Апелляция ҳуқуқи

Жиноий процесс натижасида айбдор деб топилган ҳар ким айблов ҳукми устидан шикоят қилиш ва жазонинг юқори инстанция суди томонидан қайта кўриб чиқилишига ҳақли.

Халқаро стандартлар

Айблов ҳукми ва жазони қайта кўриб чиқиш юқори инстанция судида ва қонунга мувофиқ тартибда амалга ошиши лозим. Ҳукм ёки жазо чораларини шикоят қилиш ва уларнинг суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқи ишнинг камида икки даражали кўриб чиқилишини кафолатлайди.

Юрисдикциянинг иккинчи даражаси суд иерархиясида бирламчи қарор чиқарган суддан юқори турган суд ёки трибуналдир. Айблов ҳукмлари ва жазоларга нисбатан икки маротабали суд назорати тамойили ҳукмни устидан бошқа судга шикоят қилиш имкониятини англатади. Қолаверса, ҳукм ва жазо устидан шикоят қилиш ҳуқуқи қуйидагиларни назарда тутади:

- i. ҳукм ёки жазони устидан шикоят қилиш ёки қайта кўришга қаратилган процедура бирламчи ҳукмни чиқарган эмас, балки юқорида турган инстанция судлари ёки трибуналлари томонидан амалга оширилиши лозим. Процессуал қонунчилик шу қарорни фақат чиқарган суд ёки трибуналда ҳукмни устидан шикоят қилиш ёки қайта кўриш имкониятини назарда тутса (масалан, ҳукмни қайта кўришга қаратилган шикоят ёрдамида) ҳукмни юқори судда шикоят қилиш ҳуқуқи бўзилади⁵⁷⁶.
- ii. ҳуқуқ фақат жиноий судловга тегишли. Масалан, бошқа турдаги ҳуқуқий ҳимоя суд воситаларининг мавжудлиги (масалан, конституция томонидан кафолатланган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисида илтимосномани илгари суриш) ушбу тамойилнинг риоя этилиши сифатида кўрилмайди. Ҳуқуқий воситанинг бошқа воситалари мавжудлигидан қатъи назар, ушбу ҳуқуққа риоя этиш жиноий судлов тизимида икки босқичда мавжуд бўлиши лозим⁵⁷⁷.
- iii. шахс биринчи инстанция суди томонидан оқланган бўлса, лекин апелляция натижасида иккинчи инстанция суди томонидан маҳкум

⁵⁷⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1982 йил 24 мартдаги фикр, *Консуэло Салгар де Монтехо Колумбияга қарши*, № 64/1979 хабар, 9.1, 10.4 ва 11 бандлар; Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси, № 60/91 хабар, «Конституциявий ҳуқуқлар лойиҳаси» *Нигерияга қарши*, 13-банд.

⁵⁷⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1993 йил 19 октябрдаги фикр, *Деннис Дуглас, Эррол Гентлес ва Лорезо Керр Ямайкага қарши*, № 352/1989 хабар, 11.2 банд; 2008 йил 25 мартдаги фикр, *Луис Хенс Серена ва Хуан Рамон-Родригес Испанияга қарши*, №№ 1351/2005 ва 1352/2005 хабарлар, 9.3 банд; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссия, 1997 йил 18 ноябрдаги № 55/97 ҳисобот, № 11.137 иш, *Хуан Карлос Абелла (Аргентина)*, 269-банд.

қилинган бўлса, унга юқори инстанция судида ҳукм ва жазони шикоят қилиш ва қайта кўрилишини талаб қилиш имкони тақдим этилиши лозим. Акс ҳолда, ҳукмни юқори инстанция судида шикоят қилиш ҳуқуқи бузилган бўлади⁵⁷⁸.

- iv. шахс эгаллаб турган лавозим муносабати билан маълум тоифадаги шахслар (масалан, давлат ёки ҳукумат раҳбари, вазирлар, парламент аъзолари, қуроли кучларнинг олий офицерлик таркиби) учун «махсус юрисдикция»нинг ўрнатилиши натижасида суд муҳокамасини ўтказиш, ҳукм чиқариш ва жазо тайинлаш учун маъсулият юқори инстанция суди зиммасида бўлади, бунга қарамай, юқори инстанция судида ҳукмга шикоят қилиш ҳуқуқи инкор этилиши мумкин эмас⁵⁷⁹.

Агар миллий ҳуқуқий тизимлар Олий суд каби навбатдаги шикоят қилиш механизмлари ёки ҳукм ва жазо қайта кўрилиши мумкин бўлган бошқа фавқулодда механизмларни кўзда тутса, маҳкум уларнинг ҳар биридан фойдаланиш имконига эга бўлиши лозим⁵⁸⁰.

Шикоят қилиш ҳуқуқи барча турдаги жиноятларга нисбатан кафолатлалиши ва энг оғир жиноятлар билан чекланмаслиги лозим⁵⁸¹.

Умуман олганда, ишни кўриш натижасида юқори инстанция суди шахсни биринчи инстанция суди томонидан белгиланган жиноятдан оғирроқ жиноят содир этганлик учун маҳкум қилса (масалан, шахсни шерик эмас, жиноятнинг асосий ижрочиси деб топса, ёки айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудлигини аниқласа), ҳамда янада оғир жазони тайинласа, ҳукм ёки жазони устидан шикоят қилиш ҳуқуқи бузилмаган ҳисобланади⁵⁸². Бунга қарамай, янги ҳукм биринчи инстанция суди қарори асосида ётган айбловдан фарқли бўлган янги айблов ёки жиноий ҳаракатларга асосланиши мумкин эмас⁵⁸³. Худди шундай, миллий қонунчилик иккинчи инстанция судига янада қаттиқ жазони тайинлаш имконини бермаса (non reformation in reus тамойили), буни қарорни қайта кўраётган юқори суд ҳам қила олмайди. Ҳуқуқий ҳимоянинг суд воситасининг аниқ номидан қатъий назар (апелляция, кассация, назорат), юқорида турган

⁵⁷⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, 2006 йил 31 октябрдаги фикр, *Хуан Гарсия-Санчес ва Биенвенида Гонзалес Кларес Испанияга қарши*, № 1332/2004 хабар, 7.2-банд; 2005 йил 22 июлдаги фикр, *Гомариз Испанияга қарши*, № 1095/2002 хабар, 7.1 банд; 2006 йил 7 июлдаги фикр, *Ларраньяга Филиппинга қарши*, № 1421/2005 хабар, 7.8 банд; ва 2006 йил 31 октябрдаги фикр, *Марио Конде Конде Испанияга қарши*, № 1325/2004 хабар, 7.2 банд.

⁵⁷⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, 2006 йил 11 июлдаги фикр, *Луис Оливеро Капалладес Испанияга қарши*, № 1211/2003 хабар, 7-банд; ва 2004 йил 5 ноябрдаги фикр, *Террон Испанияга қарши*, № 1073/2002 хабар, 7.4 банд.

⁵⁸⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, 1991 йил 1 ноябрдаги фикр, *Рафаэл Хенри Ямайкага қарши*, № 230/1987 хабар, 8.4 банд.

⁵⁸¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 45-банд.

⁵⁸² Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, 2006 йил 28 мартдаги фикр, *Рафаэл Перез Эсколар Испанияга қарши*, № 1153/2003 хабар, 9.2 банд; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1996 йил 24 октябрдаги қарор, *Салвадор Торрес Испанияга қарши*, № 21525/93 шикоят, 30-банд ва қолгани.

⁵⁸³ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмида, 2006 йил 24 июлдаги фикр, *Франциско Хуан Ларраньяга Испанияга қарши*, № 1421/2005 хабар, 7.8 банд; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 2007 йил 11 декабрдаги қарор, *Драссич Италияга қарши*, № 25575/04 шикоят, 36–43-бандлар.

суд ҳукм ёки жазони тўлиқ қайта кўриб чиқиш учун қонуний ваколатларга эга бўлиши лозим⁵⁸⁴. Бу шуни англатадики, юқори суд далилларнинг етарлилиги ва қонунчилик қоидалари қўлланилишининг етарлилигини баҳолашни ўз ичига олган ҳолда у кўраётган иш моҳиятини тўлиқ баҳолаш учун ҳукм ва жазони қайта куриш учун қонуний ваколатларга эга бўлиши лозим. Шу сабабли қайта кўриш фақат формал, процессуал ёки ҳуқуқий масалалар ёки чиқарилган қарор ёки ҳукмнинг айрим асосларини (далилий ёки юридик) кўриб чиқиш билан чекланса, бу билан эса ҳукм ёки жазони ҳақиқий кўриб чиқилишига йўл қўйилмаса, ҳукм ёки жазо устидан шикоят қилиш ҳуқуқи бузилади⁵⁸⁵.

Суд қарори ёки жазони қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқи фақатгина юқори суд ёки трибуналнинг мавжудлиги билан кафолатланмайди. Юқори суд ишни мазмунига кўриб чиқиш юрисдикциясига эга бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, суд мустақил ва беғараз бўлишидан ташқари, тегишли ваколатга ҳам эга бўлиши лозим⁵⁸⁶.

Шикоят қилиш ҳуқуқи судланган шахс оқилона муддатларда суд қарорини кўриб чиқиш ёки шикоят қилишнинг барча босқичларида лозим даражада асосланган ёзма суд қарори билан танишиш имконига эга бўлганидан бошлаб амалга оширилиши мумкин⁵⁸⁷. Шахс, шунингдек, шу ҳуқуқни амалга ошириш учун керак бўлган барча бошқа ҳужжатлар, масалан, суд мажлислари баённомалари билан танишиш имконига эга бўлиши лозим⁵⁸⁸. Ёзма рухсатноманинг йўқлиги, уни бериш мобайнида асосиз кечиктиришлар ёки асоснинг йўқлиги (ҳам далилий, ҳам ҳуқуқий) суд қарори ёки жазони устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг бузилишидир.

Одил судловга тегишли элементлар ва ҳуқуқлар ҳам суд қарорини қайта кўриб чиқилишида юқори судлар томонидан бажарилиши лозим⁵⁸⁹. Булар:

⁵⁸⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2000 йил 20 июлдаги фикр, *Цесарео Гомез Васкез Испанияга қарши*, № 701/1996 хабар, 11.1 банд.

⁵⁸⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 2006 йил 28 мартдаги фикр, *Бандаевский Беларусга қарши*, № 1100/2002 хабар, 10.13 банд; 2005 йил 18 октябрдаги фикр, *Алибоева Тожикистонга қарши*, № 985/2001 хабар, 6.5 банд; 2005 йил 30 мартдаги фикр, *Халилова Тожикистонга қарши*, № 973/2001 хабар, 7.5 банд; 1998 йил 6 апрелдаги фикр, *Домуковский ва бошқалар Грузияга қарши*, №№ 623/1995-дан 627/1995-гача хабарлар, 18.11 банд; 2004 йил 8 июлдаги фикр, *Сайдова Тожикистонга қарши*, № 964/2001 хабар, 6.5 банд; 2003 йил 17 мартдаги фикр, *Гелзаускас Литвага қарши*, № 836/1998 хабар, 7,2 банд.

⁵⁸⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 1999 йил 30 майдаги қарор, *Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши*, С серияси № 52, 161-банд, ва 2004 йил 25 ноябрдаги қарор, *Лори Беренсон Хехья ва бошқалар Перуга қарши*, С серияси № 119, 192- ва 193-бандлар.

⁵⁸⁷ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, 1991 йил 1 ноябрдаги фикр, *Рафаэль Хенри Ямайкага қарши*, № 230/87 хабар, 8.4 банд; 1993 йил 23 мартдаги фикр, *Виктор Франсис Ямайкага қарши*, № 320/1988 хабар, 12.2 банд; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 1992 йил 16 декабрдаги қарор, *Хандзинастассиу Грецияга қарши*, № 12945/87 шикоят, 31-37-бандлар.

⁵⁸⁸ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 49-банд.

⁵⁸⁹ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 48-банд ва қолгани; ва 2006 йил 24 июлдаги фикр, *Франсиско Хуан Ларраньяга Филиппинга қарши*, № 1421/2005 хабар, 7-банд ва қолгани; ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд, 1999 йил 30 майдаги қарор, *Кастильо Петруцци ва бошқалар Перуга қарши*, С серияси, № 52, 161-банд; ва 2004 йил 25 ноябрдаги қарор, *Лори Беренсон Мехья Перуга қарши*, С серияси № 119, 192- ва 193-бандлар.

- i. айбсизлик презумпцияси⁵⁹⁰;
- ii. шикоятни тайёрлаш учун етарли вақт ва имкониятларга эга бўлиш ҳуқуқи;
- iii. ўз танловига кўра адвокатга эга бўлиш ҳуқуқи⁵⁹¹;
- iv. тарафлар тенглиги ҳуқуқи (шу жумладан, қарама-қарши тараф тақдим этган ҳужжатлар ҳақида билиш ҳуқуқи);
- v. оқилона муддатларда судланиш ҳуқуқи⁵⁹²;
- vi. чиқарилган қарор оқилона муддатда, ошкора ва асосланган бўлишига ҳуқуқ⁵⁹³.

Шикоят қилиш даврида шахс манфаатларини ифода этиш учун адвокат тайинлаш ҳуқуқи, суд муҳокамаси давомида тайинланадиган адвокат ҳуқуқидек талабларга жавоб беради—у одил судлов манфаатларида амалга оширилиши лозим. Агар маҳкум манфаатларини биринчи инстанцияда ифода этган адвокат қарор ёки ҳукми устидан шикоят қилмоқчи бўлмаса ёки важларни юқорида турган судга тақдим этмоқчи бўлмаса (масалан, у суд ҳукми устидан шикоят қилиш учун асослар мавжуд эмас, деб ҳисобласа), маҳкум бу ҳақда хабардор бўлиш ҳамда унинг шикоятлари юқори инстанция суди томонидан кўриб чиқилиши учун бошқа адвокат танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Юқори суд ушбу ҳуқуқни амалга оширилишини таъминлаш учун чора кўриши лозим⁵⁹⁴.

Ошкора суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ ҳукм ёки жазо устидан шикоят қилишнинг барча процедураларига татбиқ қилиниши шарт эмас⁵⁹⁵. Аммо миллий қонунчиликда айбланувчининг апелляция процессида ва у билан боғлиқ бўлган ошкора суд мажлисларида шахсан иштирок этиши кўзда тутилган ҳолларда, ушбу ҳуқуқларга оид тегишли халқаро стандартлар қўлланилиши керак (ушбу бобнинг 2- ва 7-бандларига қаранг). Агар назорат тартиби фақат ёзма шаклда ўтказилса, юқори суд, шунга қарамай, ишнинг ҳолатларини, судланувчига қўйилган айбни, биринчи ва иккинчи инстанция судларида тўпланган далилларни синчковлик билан ўрганиши керак⁵⁹⁶.

⁵⁹⁰ Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, 2006 йил 24 июлдаги фикр, *Франсиско Хуан Ларраньяга Филиппинга қарши*, № 1421/2005 хабар, 7.4-банд; ва 2005 йил 30 мартдаги фикр, *Арутюнянц Ўзбекистонга қарши*, № 971/2007 хабар, 6.4 банд.

⁵⁹¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, 1984 йил 29 мартдаги фикр, *Антонио Виана Акоста Уругвайга қарши*, № 110/1981 хабар, 13.2 ва 15-бандлар.

⁵⁹² Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, 1984 йил 29 мартдаги фикр, *Антонио Виана Акоста Уругвайга қарши*, № 110/1981 хабар, 13.2 ва 15-бандлар; 1981 йил 29 октябрдаги фикр, *Ларри Жеймс Пинкни Канадага қарши*, № 27/1978 хабар, 35-банд; ва 2001 йил 25 октябрдаги фикр, *Будлал Сукалал Тринидад ва Тобагога қарши*, № 928/2000 хабар, 4.8 банд ва қолгани.

⁵⁹³ Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, 1994 йил 23 мартдаги фикр, *Лефонд Хамильтон Ямайкага қарши*, № 333/1988 хабар, 9.1 банд.

⁵⁹⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, 2001 йил 25 октябрдаги фикр, *Будлал Сукалал Тринидад ва Тобагога қарши*, № 928/2000 хабар, 4.10 банд; ва 1998 йил 31 мартдаги фикр.

⁵⁹⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, № 32 умумий тартибдаги мулоҳаза, 28- ва 48-бандлар ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, 2006 йил 18 октябр, *Эрми Италияга қарши*, № 18114/02 шикоят, 62-банд.

⁵⁹⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, 2006 йил 28 мартдаги фикр, *Рафаэль Перез Эсколар Испанияга қарши*, № 1156/2003 хабар, 9.3 банд.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

Процесс иштирокчилари биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажрими устидан белгиланган тартибда апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга, шунингдек суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақлидир⁵⁹⁷. Бу ҳолда улар ўз вазларини тасдиқловчи қўшимча материаллар тақдим этишлари мумкин⁵⁹⁸. Маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида иштирок этишга ҳақлидир. Мазкур шахслар ишни кассация ва назорат тартибида кўриш чоғида ҳам иштирок этишга ҳақлидир, жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкум бундан мустасно⁵⁹⁹. Жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумнинг кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисида иштирок этиши, шунингдек уни суд мажлисига олиб келиш зарурлиги масаласини суд ҳал қилади⁶⁰⁰. Иш кўриладиган жой ва вақт ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилган мазкур шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганликлари ишни кўришга монелик қилмайди⁶⁰¹.

Суд жиноят ишнн апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўришда ҳукм, ажрим ва қарорнинг қонунийлигини, асослилигини ва адолатлилигини ишда мавжуд бўлган ҳамда процесс иштирокчилари қўшимча тақдим этган ёхуд суднинг ўзи талаб қилиб олган материаллар асосида, янги очилган ҳолатлар муносабати билан ишни янгитдан кўришда эса, бу ҳолатларни тергов қилиш материаллари асосида текширади⁶⁰². Суд шикоят ёки протестда баён этилган вазлар билан чегараланмасдан, ишни барча маҳкумларга, шу жумладан шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади⁶⁰³.

Дастлабки тергов ва суд терговининг камчиликларини ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш пайтида бартараф этишнинг имкони бўлмаса, ҳукм бекор қилиниши лозим⁶⁰⁴. Биринчи инстанция судининг суд муҳокамаси вақтида чиқарилган ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳукм устидан шундай ҳаракатларни содир этиш билан бир пайтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин⁶⁰⁵. Биринчи инстанция судининг суд муҳокамаси вақтида чиқарилган ажрими устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва про-

⁵⁹⁷ ЎзР ЖК: Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқи ҳамда унинг таъминланиши, 479-модда.

⁵⁹⁸ Ўша жойда.

⁵⁹⁹ Ўша жойда.

⁶⁰⁰ Ўша жойда.

⁶⁰¹ Ўша жойда.

⁶⁰² ЎзР ЖПЖ: Юқори судда жиноят ишнн кўриш чегараси, 482-модда.

⁶⁰³ Ўша жойда.

⁶⁰⁴ ЎзР ЖК: Ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари, 484-модда.

⁶⁰⁵ ЎзР ЖК: Апелляция тартибида шикоят бериладиган ва протест билдириладиган қарорлар, 497-1 модда.

тест билдириш ҳукм устидан шундай ҳаракатларни содир этиш билан бир пайтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин⁶⁰⁶.

Маҳқум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса, протест билдиришга ҳақлидир⁶⁰⁷. Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир⁶⁰⁸. Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир⁶⁰⁹. Мазкур модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган шахслар апелляция инстанцияси судининг ажримини устидан назорат тартибда шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир⁶¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2003 йил 19 декабрдаги Пленуми қуйидагиларни кўзда тутди:

«23. Жиноят-процессуал кодекси 473-моддаси талабига кўра, ҳукм судланувчи билмайдиган ёки етарли даражада билмайдиган тилда баён қилинган бўлса, эълон қилинганидан сўнг, ҳукм таржимон томонидан судланувчининг она тилида ёки судланувчи учун тушунарли бўлган бошқа тилда ўқиб эшиттирилади.

Маҳқумга, оқланган шахсга тақдим этилиши шарт бўлган ҳукм ва бошқа суд (тергов) ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилинган ҳолда топширилиши керак (ЖПК 20-моддаси).

Агар ушбу талабларга риоя этилмаганлиги натижасида маҳқум, оқланган шахс суд ҳукми устидан шикоят бериш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, бу ҳолат апелляция шикояти бериш учун белгиланган муддатни тиклаш ёки апелляция инстанцияси суди ажримини бекор қилиш учун асос бўлади.

24. Раислик қилувчи ҳукм эълон қилингандан сўнг судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини, унинг устидан апелляция ёки кассация шикояти бериш тартиби ва муддатларини, шунингдек, суд мажлиси баённомаси билан танишиш ва унга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқини тушунтиради. Агар судланувчи ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлса, унга авф сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ва тартиби ҳам тушунтирилади»⁶¹¹.

⁶⁰⁶ Ўша жойда.

⁶⁰⁷ ЎЗР ЖПК: Ҳукм устидан апелляция тартибда шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, 497-2 модда.

⁶⁰⁸ Ўша жойда.

⁶⁰⁹ Ўша жойда.

⁶¹⁰ Ўша жойда.

⁶¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Гунон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, Пленум қуйидагиларни белгилаб берган:

26. Суд берилган шикоят ва билдирилган протестлар тўғрисида маҳкумларни, оқланган шахслар, ҳимоячилар ҳамда ушбу шикоят ва протест бошқа шахслардан қайси бирининг манфаатига тааллуқли бўлса, шу шахсларни хабардор қилиши ҳамда уларнинг протест ёки шикоят устидан эътироз бериш ҳуқуқини тушунтириши шарт. Шу билан бир пайтда маҳкумга, жабрланувчига ва оқланган шахсга апелляция, кассация шикоятнинг ҳамда апелляция, кассация ёки назорат тартибда берилган протестнинг нусхаси юборилади (ЖПК 479-моддаси иккинчи қисми). Қонуннинг бу талаби бузилган тақдирда, суд уни бартараф этиш чорасини кўриши керак.

27. Суд ишнинг апелляция, кассация ва назорат инстанциясида кўрилиши куни тўғрисида Жиноят-процессуал кодекси 53-моддаси талабига кўра, маҳкумнинг ҳимоячисини ва қонуний вакилини хабардор қилиши шарт. Ушбу талабга риоя этмаслик ишни кўриш бошқа кунга қолдирилишига сабаб бўлади.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди томонидан ишнинг ҳимоячи иштирокисиз кўрилиши, агар у суд мажлиси вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ва бу унинг суд мажлисида иштирок этиши имкониятидан маҳрум қилган бўлса, бу ҳолат жиноят-процессуал қонун талабларининг жиддий бузилиши деб ҳисобланади. Ҳимоячининг судга келмаслиги, агар унинг тегишли равишда хабардор этилганлиги тўғрисида жиноят ишида аниқ маълумотлар бўлса ва суд мажлисини кейинга қолдириш учун асос бўлмаса, ишни унинг иштирокисиз кўришга монелик қилмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасида назарда тутилган ҳолларда⁶¹² апелляция, кассация инстанцияси суди мажлисида ҳимоячининг иштироки таъминланиши шарт.

28. Маҳкумнинг апелляция инстанцияси судида иштирок этиши унинг ўз ҳимоя ҳуқуқини амалга ошириши нуқтаи назаридан ҳам, шикоят ва протестлар холис ҳал этилиши нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳимдир. Шунинг учун судлар қамокда сақланаётган маҳкумнинг уни апелляция суди мажлисига тушунтириш бериш учун чақириш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантиришлари керак (ЖПК 479-моддаси тўртинчи қисми)⁶¹³.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2006 йил 3 февралдаги Пленум қарорида қуйидагилар кўзда тутилган:

бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан.

⁶¹² Ҳимоячининг иштироки мажбурийлиги.

⁶¹³ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги № 17 «Ғумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги қарори билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлари билан.

«11. Эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланаётган ва апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш истагини билдирган маҳкумнинг унда иштирок этишини таъминлаш ушбу суднинг мажбурияти ҳисобланади. Шунинг учун жиноят иши келиб тушгандан сўнг маҳкумнинг апелляция инстанцияси судида иштирок этиш истагини билдирган ёки билдирмаганлиги аниқланиши ва натижасига қараб, уни суд мажлисига олиб келиш чоралари кўрилиши шарт.

Қўлланилган эҳтиёт чораси туридан қатъи назар, маҳкумнинг апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши деб баҳоланади ва суд ажримининг бекор бўлишига сабаб бўлади.

15. Апелляция тартибида иш юритишнинг кассация тартибидан фарқли хусусияти шундан иборатки, апелляция инстанцияси суди тўлиқ суд тергови ўтказиши, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатлар натижасига кўра ҳуқуқий баҳо бериши мумкин (ЖПК 490-моддасининг учинчи қисми).

Апелляция инстанцияси суди тарафларнинг илтимосномаларини (янги гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертизалар ўтказиш, ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва бошқалар ҳақида), улар биринчи инстанция суди томонидан рад этилганлиги сабаблигина, рад этишга ҳақли эмас. Зарур ҳолларда суд қўшимча далилларни талаб қилиб олишда ташаббус кўрсатиши лозим.

ЖПК 481-моддасига мувофиқ қўшимча материаллар суд томонидан тергов органларига муайян тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида топшириқ бериш йўли билан ҳам олинishi мумкин. Бу ҳақда апелляция инстанцияси суди ажрим чиқаради, ишнинг муҳокамаси эса кейинга қолдирилади»⁶¹⁴.

Амалиётчиларга тавсиялар

Ҳимоячи турли сабабларга кўра суд мажлиси баённомаси билан танишиш муддатини кечиктириши мумкин, бу эса апелляция шикоятини асоссиз деб топишга сабаб бўлиши мумкин. Шу муносабат билан баённома билан танишиш муддатини кечиктирмаслик керак. Агарда суд баённомани танишиш учун ўз муддатида тайёрламаса⁶¹⁵, ҳимоячи ЎзР ЖПК нинг 427-моддасига кўра, суд мажлиси баённомасига мулоҳазалар билдириши лозим.

Шуни эътиборга олиш керакки, суд апелляция тартибда тўлиқ суд терговини олиб боради. Шу сабабли суд жараёнининг айнан ушбу босқичида,

⁶¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги № 2 «Судлар томонидан ишларни апелляция тартибда кўриш амалиёти тўғрисида»ги қарори.

⁶¹⁵ ЎзР ЖПКнинг 426-моддасига кўра суд мажлиси баённомаси ҳукм эълон қилинган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса—уч кундан кечиктирмисдан имзоланиши керак.

суд ҳукми кучга кирмасдан туриб, суд ҳайъати эътиборини дастлабки тергов пайтида биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган қонунбузарликларга эътибор қаратиш зарур.

ХОТИМА

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги: жиноий процесда инсон ҳуқуқларига доир халқаро стандартларни топиш ва намоён бўлишини кўрсатишга ҳамда юристлар ва адвокатларга уларни амалда қўллашга қўмаклашишга биринчи уриниш бўлди. Қўлланмада келтирилган қонунчилик ўзгаради ва такомиллашади. Асосийси, биз нормаларни унификация қилиш ва уларни амалдаги халқаро шартномаларга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро органлари талқинига мувофиқлашириш борасида уринишлар қилинаётган замонавий дунёда яшаётганимизни кўрсатишдир. Бугун бу билан БМТга аъзо давлатларнинг деярли барчаси тўқнаш келмоқда.

Ҳимоячилар, ҳар бир иш бўйича касбий маҳорат ва ўз касбига муносиблигини намоён этиб, жиноий процесда инсон ҳуқуқларига доир халқаро ва миллий стандартлардан фойдаланиб, жиноий процесда иштирок этаётган инсон ҳуқуқлари ҳимоясига, адвокатура институтининг жамият ва давлатдаги нуфузини юксалтиришга хизмат қиладилар, деб умид қиламиз. Одил судловни таъминлаш учун ўз фуқароларига турли хизматларни кўрсатишга қаратилган бутун давлат аппаратининг мукамал иши билан бир қаторда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоясини муҳофаза ва ҳимоя қилиши лозим бўлган мураккаб касб эгалари — адвокатларнинг фидокорона меҳнати ва қатъиятини талаб этади. Умид қиламизки, ушбу услубий қўлланма бу йўналишдаги ишларга катта бўлмасада, ҳисса қўшади, ҳам профессионал адвокат, ҳам оддий одамга куч-ғайрат билан ишлашга ёрдам берувчи асос бўла олади.

Эҳтимол, муаллифнинг айрим фикрлари қатор юристлар, айниқса «эски мактаб» тарафдорлари томонидан қўллаб-қувватланмайди, лекин фикр, сўз, ахборот излаш ва тарқатиш эркинлиги — бу демократик давлатда ҳар кимнинг фундаментал ҳуқуқлари, давлат ва жамият томондан ҳар бир фуқаро ва инсоннинг шу ҳуқуқлари қай даражада таъминланаётганини кўрсатувчи гўеки «лакмус қоғозидир».

Шахс ҳуқуқлари ҳимояси ва кафолатлари уларнинг уйғун ривожланишига шароитлар яратиш учун керак. Кимда-ким жиноий судлов доирасига тушиб қолса, судлов адолатли бўлиши лозим. Одил судлов органи сифатида суд иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун етарлича кенг ваколатларга эга бўлиши, шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан назоратни амалга ошириши, жиноий таъқиб соҳасига жалб этилган инсон ҳуқуқларининг риоя этилишини кафолатлаши учун беғараз, ҳолис ва одил бўлиши лозим. Мустақил суд бўлган жойда инсон эртанги кунга, адолатга ишонади, уша ерда давлат ва жамият тараққий этади.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Ўзбошимча ушлаб туришлар бўйича ишчи гуруҳга (ЎУҚИГ)

ЎУТИГ манзили:

Working Group on Arbitrary Detention

c/o OHCHR-UNOG, 1211 Geneva 10, Switzerland

Fax: (41 22) 917 9006

Ўзларини ўзбошимча ушланган ёки қамоққа олинган деб ҳисоблаётган шахслар томонидан тўлдирилиши лозим бўлган намунавий сўровнома

I. УШЛАНГАН ЁКИ ҚАМОҚҚА ОЛИНГАН ШАХС

1. Фамилияси: _____
2. Исми: _____
3. Жинси: (эркак) (аёл) _____
4. Туғилган йили ёки ёши (ҳибсга олинган вақтда) _____
5. Миллати: _____
6. а) ҳибсга олинган вақтда шахсни тасдиқловчи ҳужжат: _____
б) Ким томондан берилган: _____
с) Сана: _____
д) Рақами: _____
7. Касб ва/ёки иш (бу маълумотлар ва ҳибсга олиш ўртасида қандайдир алоқа мавжуд, деб тахмин қилишга асослар мавжуд бўлганда): _____

8. Оддий ҳибсга олиш: _____

II. УШЛАБ ТУРИШ

1. Ушланган кун: _____
2. Ушаб туриш жойи (имкон борича батафсил): _____

3. Ушлаган еки ушлаб туриш ижрочиси ҳисобланган органлар: _____

4. Улар ордер ёки қайсидир давлат органи қарорини кўрсатдиларми?:

(ҳа) (йўқ)

5. Ордер берган ёки қарор чиқарган орган: _____

6. Қўлланилган қонун (маълум бўлганда): _____

III. ҚАМОҚҚА ОЛИШ

1. Қамоққа олиш санаси: _____

2. Қамоққа олиш давомийлиги (маълум бўлса, давом этиши мумкин бўлган вақт): _____

3. Шахсни қамоқда сақлаб турган органлар: _____

4. Қамоқда сақлаб туриш жойи (ҳар қандай ўтказишлар ва қамоқда сақлашнинг ҳозирги жойини кўрсатинг): _____

5. Қамоққа олишга ордер берган орган: _____

6. Қамоққа олишни асослантираётган фактлар: _____

7. Қўлланилган қонун (маълум бўлса): _____

IV. Ушлаб туриш ва/ёки қамоққа олиш ҳолатларини кўрсатинг ва Сиз озодликдан маҳрум этиш ўзбошимчалик билан амалга оширилган, деб ҳисоблашингиз учун асос бўлган аниқ сабабларни кўрсатинг

V. Мамлакатда ҳуқуқий ҳимоя борасида қабул қилинган, шу жумладан ички чораларни, хусусан, суд ёки маъмурий органларда қабул қилинган чораларни, айниқса қамоққа олишни тасдиқлаш мақсадида, ҳамда бу чораларнинг натижаларини ёки улар нима сабабдан натижа бермагани ёки кўрилмаганини кўрсатинг.

VI. Жўнатувчининг фамилияси, исми ва манзили (ва, хоҳишга кўра, телефон ва телефакс рақамлари)

Сана: _____ Имзо: _____

2-илова

Қийноқлар билан боғлиқ масалаларни ўрганиш бўйича Махсус маърузачига

Қийноқлар қўлланиши тўғрисида ахборот Махсус маърузачига ёзма шаклда ва қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

**Special Rapporteur on Torture
c/o Office of the High Commissioner for Human Rights
United Nations Office at Geneva
CH-1211 Geneva 10, Switzerland
E-mail: urgent-action@ohchr.org**

Ахборотни имкони борича батафсил тақдим этиш муҳим эканлигига қарамай, айрим батафсил маълумотларнинг мавжуд эмаслиги хабарни тақдим этишни истисно қилмаслиги керак. Шу билан бирга Махсус маърузачи камида қуйидаги ахборотни ўзида тутувчи аниқ белгиланган ҳолатларни кўриб чиқиши мумкин:

- A. Жабралувчининг тўлиқ исми;
- B. Қийноқлар ишлатилган сана (ҳеч бўлмаса ойи ёки йили);
- C. Ушбу шахс ушланган жой (шаҳар, вилоят ва ҳ. қ.) ёки қийноқлар қўлланилган жой (маълум бўлса);
- D. Қийноқларни ким қўлагани тўғрисида ахборот (давлат органлари, расмий шахслар, унвонлари, бошқа батафсил ахборот);
- E. Муомала ва жазолашнинг тақиқланган усулларининг таърифи, ҳамда ушбу усулларнинг қўлланилиши оқибатида етказилган жароҳатлар, зарар;
- F. Ушбу хабарни тақдим этган шахс (шахслар) ёки ташкилот (ташкилотлар) тўғрисида ахборот (номи ва манзили, бу маълумот сир сақланади).

Шунингдек, янада аниқроқ сўралган ахборотни ўзида тутган қўшимча варақлар ҳамда вазиятни тўлиқроқ таърифлаш ва тушунишга хизмат қилиши мумкин бўлган тиббий маълумотномалар ёки полиция баённомалари каби тегишли тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилиш мумкин. **Бундай ҳужжатларнинг асли эмас, фақат нусхалари жўнатилиши лозим.**

I. Қийноқ ёки бошқа муомала ва жазолашнинг рухсат этилмаган усулларига дучор бўлган шахс (шахслар) тўғрисида маълумот

- A. Фамилияси
- B. Исми
- C. Жинси: Эракк Аёл

- D. Туғилган санаси ёки ёши.
- E. Фуқаролиги
- F. Фаолият тури
- G. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари (имкони бўлса)
- H. Фаолияти (қасаба уюшмалари, сиёсий, диний, гуманитар ташкилотлар, ОАВ ва ҳ.ларда)
- I. Турар жойи ва/ёки ишлаш жойи манзили

II. Қийноқлар билан боғлиқ ҳолатлар

- A. Ушлаб туриш ва кейинги қийноқлар қўллаш муддатлари ва жойи.
- B. Шахс дастлабки хибсда бўлган, ва/ёки қийноқлар ёки бошқа тақиқланган усулларга дучор бўлаётган органлар ёки бошқа кучларни кўрсатинг (полиция, махсус хизматлар, қуролли кучлар, ҳарбийлашган давлат бўлиналари, пенитенциар муассасалар ходимлари ва ҳ. қ.)
- C. Адвокат, қариндошлар ёки дўстлар каби шахсларга ушлаб турилган шахсни кўришга рухсат берилдими? Рухсат берилган бўлса, бу ушлангандан кейин қанчалик тез рўй берди? Ва ушлаб туриш давомида қанчалик кўп рўй берди?
- D. Қўлланилаётган қийноқлар усулларининг таърифи
- E. Қийноқлар қўллаш натижасида қандай жароҳатлар етказилди?
- F. Қийноқлар қўллашдан қандай мақсад тахмин қилинмоқда?
- G. Шахсга нисбатан қийноқ қўлланган вақтда ёки қўлланганидан кейин жабрланувчи врач кўригидан ўтдими? Ўтган бўлса, қачон? Кўрик ва/ёки экспертиза қамоқ ёки давлат врачлари томонидан ўтказилдими?
- H. Қийноқлар қўллаш натижасида олинган жароҳатлар тегишли равишда даволандими?
- I. Тиббий кўрик врачга қурбонни тўлиқ кўриқдан ўтказиши ва қийноқлар қўллаш натижасида тан жароҳатлари мавжудлиги ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилиши имконини берадиган тартибда ўтказилдими? Тегишли тиббий маълумотномалар ёки тиббий хулосалар мавжуд бўлганми ёки мавжудми? Бор бўлса, баённомалар, ҳисоботларда нималар акс эттирилган?
- J. Қурбон қамоқда ҳаётдан кўз юмган бўлса, мурдани ёриш ёки суд экспертизаси ўтказилдими, уларнинг натижалари қандай?

III. Аҳволни тўғрилаш бўйича чоралар

Жабрланувчи ёки унинг оиласи ёки вакиллари томонидан миллий ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланилди (юқори органларга, суд органлари ва ҳоказоларга ноқонуний ҳаракатлар устидан шикоятлар)?

Натижалари қандай?

IV. Ушбу ҳисобот муаллифи тўғрисида маълумот

A. Фамилияси.

B. Исми.

C. Жабрланувчига муносабати

D. Жабрланувчи ёки унинг оиласи манфаатларини ифода этувчи ташкилот, агар бўлса

E. Хозирги тўлиқ манзили:

3-илова

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАГА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЯККА ТАРТИБДАГИ ХАБАРНИНГ НАМУНАСИ

Сана: _____

Хабар қуйидаги манзилга:

The Human Rights Committee
c/o Office of the United Nations
High Commissioner for Human Rights
Palais Wilson, Rue de Paquis 52
1211 Geneva 10, Switzerland

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактга Факултатив ба-
ённомага мувофиқ кўриб чиқишга тақдим этилади.

I. ХАБАР МУАЛЛИФИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Фамилияси _____ Исми (Исмлари) _____

Миллати _____ Фаолият тури _____

Туғилган санаси ва жойи _____

Ҳозирги манзили _____

Конфиденциал хатларни олиш учун бошқа манзил (жорий манзилдан
фарқ қилса)

Хабарни тақдим қилмоқда:

а) қуйида санаб ўтилган қонунбузарлик ёки қонунбузарликлар қурбони

б) тахмин қилинаётган қурбонга (қурбонларга) тайинланган вакил/
адвокат _____

с) бошқа бир шахс _____

«с)», деб белгиланган бўлса, муаллиф қуйидагиларга аниқлик киритиши
лозим:

а) бу шахс қурбон (қурбонлар) номидан ким сифатида ҳаракат қилмоқда
(яъни, қариндошлик алоқаси ёки қурбон (қурбонлар) билан бошқа
шахсий алоқаларни кўрсатиш лозим): _____

b) нега қурбон (қурбонлар) хабарни ўзи (ўзлари) тақдим этиш имкониятига эга эмас: _____

* Қурбон (қурбонлар) билан қариндошлик ва ҳар қандай бошқа алоқаси бўлмаган учинчи шахслар унинг (уларнинг) номидан хабар тақдим эта олмайдилар.

II. ТАХМИН ҚИЛИНАЁТГАН ҚУРБОН (ҚУРБОНЛАР) ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

(агар у (улар) хабарнинг муаллифи (муаллифлари) бўлмаса)

Фамилияси _____ Исми (Исмлари) _____

Миллати _____ Фаолият тури _____

Туғилган санаси ва жойи _____

Ҳозирги манзили _____

III. АЛОҚАДОР ДАВЛАТ/БУЗИЛГАН МОДДАЛАР/ИЧКИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ

Халқаро пакт ва Факультатив баённоманинг ушбу хабар жўнатилаётган иштирокчи-давлат (мамлакат) номи:

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро пактнинг бузилган, деб тахмин қилинаётган моддалари:

Тахмин қилинаётган қурбон (қурбонлар) томонидан ва у (улар) номидан кўрилган ички ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш чоралари: судлар ёки бошқа давлат органларига мурожаат қилиш; қачон ва қандай натижа билан (имкони борича, барча тегишли суд ёки маъмурий қарорларнинг нусхаларини илова қилиш) _____

Агар ички ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланилмаган бўлса, сабаблари нимада: _____

IV. БОШҚА ҲАЛҚАРО ПРОЦЕДУРАЛАР

Айнан шу хабар билан бошқа ҳалқаро орган муҳокамасига мурожаат этилганми (масалан, Америкалараро инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясига, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссиясига)? Агар мурожаат этилган бўлса, натижаси қандай?

V. ШИКОЯТНИ АСОСЛАНТИРУВЧИ ФАКТЛАР

Ҳуқуқни бузилишига олиб келган деб, тахмин қилинаётган қонунбузарлик еки қонунбузарликлар фактларининг батафсил таърифи (саналари аниқ кўрсатилган ҳолда):

Президент

Проф. Сэр Найжел РОДЛИ, Бирлашган Ҷироллик

Вице-президентлар

Судья Джон ДАУД, Австралия

Судья Мишель РИВЕ, Канада

Ижроия кўмитаси

Проф. Карлос АЙЯЛА, Венесуэла

Судья Азар КАЧАЛИЯ, ЖАР

Проф. Роберт ГОЛДМАН, АҚШ

Проф. Дженни Е. ГОЛДШМИДТ, Нидерландия

Хоним Ирана ЖАЛАЛ, Фижи

Д-р Каринна МОСКАЛЕНКО, Россия Федерацияси

Проф. Моника ПИНТО, Аргентина

Комиссиянинг бошқа аъзолари

Жаноб Муханнад АЛ-ХАССАНИЙ, Сурия

Жаноб Ганим АЛ-НАЖАР, Қувайт

Проф. Абдулахи АН-НАИМ, Судан

Жаноб Абделаиз БЕНЗАКУР, Марокаш

Судья Иан БИННИ, Канада

Судья Мозес ЧИНХЕНГО, Зимбабве

Проф. Андрю КЛЭПХЭМ, Бирлашган Ҷироллик

Проф. Катарина де АЛБУКЕРКЕ, Португалия

Д-р Ражив ДХАВАН, Ҳиндистон

Судья Рамила ДИЧИЧ, Сербия

Жаноб Белисарио ДОС САНТОС к-к, Бразилия

Проф. Луис ДОСВАЛЬД-БЕК, Швейцария

Судья Юнити ДОУ, Ботсвана

Судья Элизабет ИВАТТ, Австралия

Д-р Густаво ГАЛЛОН ЖИРАЛДО, Колумбия

Жаноб Стеллан ГЕРДЕ, Швеция

Жаноб Роберто ГАРРЕТОН, Чили

Проф. Михело ХАНСУНГУЛЕ, Замбия

Хоним Сара ХОССЕЙН, Бангладеш

Хоним Гулнора ИШАНХОНОВА, Ўзбекистон

Жаноб Шаван ЖАБАРИН, Фаластин

Хоним Асма ЖАҲОНГИР, Покистон

Хоним Ирана ЖАЛАЛ, Фижи

Судья Калтум КЕННОУ, Тунис

Проф. Давид КРЕТЦМЕР, Исроил

Проф. Казимеж М. ЛАНКОШ, Полша

Судья Кетил ЛУНД, Норвегия

Жаноб Катурима М'ИНОТИ, Кения

Судья Кинисил МАБУЗА, Кения

Судья Хосе Антонио МАРТИН ПАЙИН, Испания

Судья Чарлз МКАНДАВАЙР, Малави

Судья Санджи МОНАГЕНГ, Ботсвана

Судья Тамара МОРШЧАКОВА, Россия Федерацияси

Проф. Юлия МУТОК, Руминия

Проф. Витит МОНТАРБОРН, Таиланд

Судья Эгберт МАЙЕР, Нидерландия

Проф. Моника ПИНТО, Аргентина

Проф. Виктор РОДРИГЕС РЕСЦИЯ, Коста-Рика

Проф. Марко САССОЛИ, Италия

Проф. Ражи СУРАНИ, Фаластин

Судья Филипп ТЕКСЬЁ, Франция

Судья Стефан ТРЕЧЕЛ, Швейцария

Проф. Родриго УПРИМНИ ЙЕПЕС, Колумбия

Судья Е. Раул ЗАФФАРОНИ, Аргентина

Фахрий аъзолар

Проф. Жорж АБИ-СААБ, Миср

Д-р Алехандро АРТУЦИО, Уругвай

Судья Соломи БАЛУНГИ БОССА, Уганда

Судья П. Н. БХАГВАТИ, Ҳиндистон

Д-р Бутрос БУТРОС-ФАЛИ, Миср

Жаноб Уильям Ж. БАТЛЕР, АҚШ

Хоним Мари-Хосе КРЕСПИН, Сенегал

Дато' Парам КУМАРАСВАМИ, Малайзия

Д-р Далмо А. Де АБРЕУ ДАЛЛАРИ, Бразилия

Проф. Алфредо ЭСТУДИО ЭТЧЕБЕРРИ, Чили

Проф. Йохен А. ФРОВАЙН, Германия

Лорд Уильям ГУДХАРТ, Бирлашган Ҷироллик

Судья Леннарт ГРОЛЛ, Швеция

Жаноб Луи ЖУАНЕТ, Франция

Проф. П. Ж. Г. КАПТЕЙН, Нидерландия

Судья Майкл Д. КИРБИ, Австралия

Проф. Кофи КУМАДО, Гана

Судья Клер Л'ОРЕ-ЛЮБЕ, Канада

Д-р Рудолф МАХАЧЕК, Австрия

Проф. Даниэль Х. МАРШАН, Франция

Жаноб Ж. Р. В. С. МАВАЛЛА, Танзания

Жаноб Франсуа-Хавьер МБУЙОМ, Камерун

Жаноб Фали С. НАРИМАН, Ҳиндистон

Проф. Педро НИККЕН, Венесуэла

Проф. Манфред НОВАК, Австрия

Жаноб Берtrand Г. РАМЧАРАН, Гайана

Сэр Шридат С. РАМФАЛ, Гайана

Проф. Даниэль ТЮРЕР, Швейцария

Проф. Кристиан ТОМУШАТ, Германия

Жаноб Майкл А. ТРИАНТАФИЛЛИ, Кипр

Проф. Оджи УМОЗУРИКЕ, Нигерия

Проф. Тео С. ВАН БОВЕН, Нидерландия

Проф. Люциус ВИЛДХАБЕР, Швейцария

Проф. Хосе ЗАЛАКЕТ, Чили

Проф. Лейла ЗЕРРУГИ, Жазоир

Адолатли суд ҳуқуқ устуворлигининг муҳим таркибий қисми бўлиб фақат судланувчи ёки жабрланувчини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи-назаридангина эмас, балки суд тизимининг тегишли тарзда фаолият кўрсатишини ва одил судловни таъминлаш учун ҳам муҳим ўрин тутди.

Ушбу амалий Қўлланма одил судловни амалга оширишга оид халқаро стандартларнинг тизимлаштирилган шарҳи бўлиб, ўз ичига жиноий жараённинг ушлаб туришдан бошлаб апелляциягача бўлган барча босқичларини қамраб олади. Қўлланмада айни пайтда Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигининг тегишли моддалари таҳлили келтирилган. Бундан ташқари, ҳар бир бобда амалиётчи ҳуқуқшунослар учун юқорида кўрсатилган одил судлов тамойилларини амалиётда қўллаш бўйича амалий тавсиялар келтирилган.

Амалий Қўлланмадан амалиётчи адвокатлар, судьялар, прокурорлар, суд ишини кузатувчилари, шунингдек Ўзбекистон қонунчилиги ва халқаро стандартларга қизиқувчи кенг даврадаги китобхонлар фойдаланиши мумкин.



Халқаро
юристар
комиссияси

P.O. Box 91
33 Rue des Bains
CH-1211 Geneva 8
Switzerland
E-mail: info@icj.org
www.icj.org